


97

Хитой
ёзувчиларининг
хикаялари





Х И Т О И

ЎЗУВЧИЛАРИНИНГ

ЎҚИДЛАРИ

07

БИБЛИОТЕКА АНГЛИ

ИВВ. 1965

195 г.

ЎЗСР ДАВЛАТ БАДИИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1958 й.

ХАЛҚ ХИТОЙИНИНГ НАВҚИРОН АДАБИЁТИ

Халқ ҳокимияти йиллари Хитой Халқ республикасида Коммунистик партия раҳбарлиги остида иқтисодий, сиёсий ва маданий қурилиш соҳасида мислсиз муваффақиятлар қўлга киритилди. Халқнинг куч-қувватини социализм қуришга йўналтираётган Коммунистик партия ва халқ ҳокимияти маданият, санъат ва адабиётнинг ривожланишига жуда катта ғамхўрлик қилмоқда.

1921 йилда ташкил топган Хитой Коммунистик партияси ўзи вужудга келган кундан бошлаб революцион кураш соҳасида ҳам, адабиётга муносабат масалаларида ҳам марксча-ленинча назарияга амал қилди. Адабиётга муносабат масалаларида «адабиётни умумпролетар ишнинг бир қисми»* экани ҳақидаги Ленин кўрсатмаси асос қилиб олинди.

Ўртоқ Мао Цзе-дуннинг 1942 йилнинг майида «Хитой адабиёти ва санъати кимга хизмат қилиши керак?» деган саволга берган жавобида ҳам адабиётга марксча-ленинча метод асосида ёндошиш лозимлиги кўрсатилган: «гапнинг пўсткалласини айтганда, бу масала марксистлар томонидан ва хусусан Ленин томонидан аллақачонлар ҳал қилинган. В. И. Ленин 1905 йилдаёқ бизнинг адабиётимиз ва санъатимизнинг... «...миллионларча ва ўн миллионларча меҳнаткашларга хизмат қилмоғи лозим»лигини таъкидлаб кўрсатган эди.**

Ҳозирги замон хитой адабиёти Хитой халқининг қаҳрамонона революцион кураши билан мустаҳкам боғланган ҳолда шаклланди ва шу кураш манфаатларига хизмат қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Хитой халқларининг революцион миллий-озодлик ва антифеодал курашига жуда катта

* В. И. Ленин, Асарлар, том 10, бет 27.

** Мао Цзе-дун, танланган асарлар, том 4, 132 бет.

таъсир кўрсатди. Октябрь революцияси мустамлака ва қарам мамлакатларининг коммунистик ва ишчи партиялари олдига, шу жумладан Хитой Коммунистик партияси олдига янги вазифалар қўйди. Бу ҳол ўз навбатида шунга олиб келдики, Хитойда буржуа-демократик революцияси эски типдаги эмас, балки янги типдаги буржуа демократик революциясига ёки жаҳон пролетариати социалистик революциясининг таркибий қисми бўлиши янгича демократик революцияга айланди. Сийсий жиҳатдан қараганда янгича демократик революция пролетариат раҳбарлигидаги бир қанча революцион синфлар иттифоқининг диктатурасидан иборатдир. Бу диктатура империалистларга ва ички реакционерларга қарши йўналтирилган бўлиб, айни чоқда у Хитойдаги турмушнинг буржуа диктатураси тузумига айланиб кетишига қарши кураш олиб бориши лозим эди.

Хитойдаги янгича демократик революция ярим феодал, ва ярим колониал жамиятни тугатишга ва социалистик жамият қуриш учун зарур шароитлар тайёрлашга имкон берган босқич бўлди.

«Биз янгича демократик революция деб атаган революция пролетариат раҳбарлигидаги кенг халқ оммасининг империализмга қарши, феодализмга қарши революциядир»* — деб ёзган эди Мао Цзэ-дун.

Янгича демократик революция Париж сулҳ конференциясининг қарорларига қарши норозилик сифатида кўтарилган «4 май ҳаракати» билан бошланиб кетди. Дастлаб бу ҳаракатда хитой интеллигенцияси ва айниқса революцион кайфиятдаги студентлар актив роль ўйнади. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай бу ҳаракатга кенг халқ оммаси, шу жумладан ишчилар ҳам қўшилди. «...3 июнь ҳаракати» билан бу ҳаракат умум Хитой революцион ҳаракатига айланди. Бунда энди фақат интеллигенциягина эмас, балки пролетариат, майда буржуазия ва буржуазиянинг ҳам кенг қатламлари иштирок этди.**

«4 май ҳаракати» барча табақаларни оёққа турғазди ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларига, шу жумладан маданият ва адабиётга ҳам таъсир кўрсатди. Ҳозирги замон хитой адабиётига асос солган маданий революциянинг узвий қисми бўлиши адабий революция ҳам «4 май ҳаракати» билан боғланган. Бу адабий революция ўша даврнинг революцион ҳодисалари билан чамбарчас боғланган бўлиб, Хитойдаги антиимпериалистик, антифеодал буржуа-демократик революциянинг кўринишларидан бири эди.

* Мао Цзэ-дун, танланган асарлар, т 3. 174 бет.

** Мао Цзэ-дун, танланган асарлар, том 3. 259 бет.

Адабий революция халқдан ажралган ва халқ жонли тилидан узоқ арханк тилда яратиладиган эски адабиётнинг ҳукмроплигига қарши бир гуруҳ прогрессив ёзувчиларнинг порозилигидан бошланди.

Кенг халқ оммасининг революцияга қўшилиши, империализмга ва феодализмга қарши ғояларнинг тарғиб қилиниши адабиётни халқ тушунчаларига яқинлаштириш заруриятини туғдирди. Шунинг учун ҳам революцион кайфиятдаги адабиёт ходимлари матбуотда ҳам, адабий асарлар ёзишда ҳам халқнинг жонли тили — байхуадан фойдаланиш талабини олдинга сурди.

Байхуа тили у вақтларда ҳали тамомла умумхалқ тилига айланмаган бўлса-да, меҳнаткаш аҳолининг, айниқса мамлакатнинг шимолий қисмида яшовчи аҳолининг кўпчилигига тушунарли эди.

Адабиётдаги революцион ҳаракат адабиётда байхуа тилидан фойдаланиш масаласи билангина чекланиб қолмай, кўп қиррали ва ҳартомонлама ҳаракат бўлди. Адабий революцияда хитой адабиётига кириб келаётган янги мазмун билан боғланган янги ифода формаси учун кураш ҳам катта ўрин тутди. Бу кураш кун тартибига хитой ёзувини реформа қилиш масаласини ҳам қатъийроқ қўйди. Хитой ёзуви ўрганилиши ҳамда ёзилишининг қийинлиги туфайли фақат ҳукмрон синфларнинггина мулки бўлиб келган эди.

Ҳозирги замон Хитой реалистик адабиётининг асосчиси Лу Синь бу тўғрида бундай деб ёзган эди. «Бизнинг меҳнаткашларимиз қадим замонлардан бери оғир жабр-зулмлар кўриб келган. Уларга ҳатто бошланғич маълумотни ҳам раво кўрган эмаслар. Тасвири ёзувимизнинг мураккаблиги эса меҳнаткашларни мустақил савод чиқариш имкониятидан ҳам маҳрум қилган. Меҳнаткашлар чор-ночор жабр-зулмга чидаб, ҳалок бўлиб кета берганлар»*

«4 май ҳаракати» хитой халқининг ҳамма соҳаларда, шу жумладан адабиёт соҳасида ҳам, аниқроғи бутун маданий фронт соҳасида империализмга қарши курашнинг бошланиши бўлди. Бу кураш марксча-ленинча назарияни ўрганиш ва амалда татбиқ қилиш билан қўшиб олиб борилди. Адабиёт фронтининг илғор ходимлари ўсиб бораётган революцион воқиялардан орқада қолмай, янги демократик революцияга қўшилдилар ва революцион пролетариатнинг ҳамда барча революцион синфларнинг курашида актив иштирок этдилар. Шoirлар ва ёзувчилар шу кураш давомида олдинги сафларда бордилар ва ўткир қаламлари билан револю-

* Лу Синь. Танланган асарлар, том 2, 51 бет.

ция ишига хизмат қилдилар; баъзилари эса порлоқ келажак учун ўз ҳаётларини бахш этдилар.

«Сафда ҳалок бўлган дўстларимизнинг абадий хотираларини чуқур қайғу билан эслаймиз ва Хитой революцион пролетар адабиёти тарихининг биринчи саҳифаси шу дўстларимизнинг қони билан ёзилганини мангу ёдда сақлаймиз»— деб ёзган эди Лу Синь 1936 йилда*.

Янги ҳаёт учун курашда қурбон бўлган адабиётчилар ўртасида машҳур ёзувчи ва Хитой Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг ходимлари Ли Дн-чжао, Цюй Цю-бо каби кишилар бор эди.

Халқнинг революцион ҳаётида адабиёт ходимларининг иштироки илғор ёзувчиларнинг ижодий камолоти учун катта йўл очди, кенг халқ оммасининг кундалик ҳаётини ва курашини акс эттирувчи янги жанговар темаларда ёзилган асарларни вужудга келтирди. Баъзи бир асарларни қўлингиздаги тўпламга киритилган йирик санъаткор Лу Синининг ижоди бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Хитой адабиётининг эски даврини яқинлаб, бадний ижодда реалистик оқимга асос солган Лу Синь адабиётда янги давр очди. Унинг реалистик характердаги биринчи асари «Телбанинг кундалик дафтари»дир. Бу асар Лу Синь ҳамкорлик қилган ва демократик йўналишга эга бўлган «Янги ёшлар» журналида босилди. Лу Синь бу асарида жининининг кундалик хотиралари ва кечинмалари орқали феодал тузумни ва унинг идеологиясини қаттиқ танқид остига олади.

«4 май ҳаракати»дан кейинги революцион кўтарилиш ва 1924—27 йиллар революцияси давомида Лу Синь яна 33 ҳикоя ёзади. Бу ҳикоялар «Нидо» ва «Тентиращ» тўпламларини ташкил қилади. «Тентиращ» тўплагига 1924—1925 йилларда, яъни революциянинг бошланиш йилларида ёзилган ҳикоялар кирган. Бу ҳикояларда Лу Синь хитой воқелигининг ҳаққоний картинасини беради ва феодализмнинг ижтимоий касалликларини фош этади. Масалан, «Қандил» ҳикоясида диний хурофотлар, қишлоқ обивателларининг илоҳиётларга кўр-кўрона тобиниши танқид остига олинган. Булар ўша даврдаги чирик тузумнинг касалликларидан бири эди. «Қўйди-чиқди» ҳикоясида эса эски феодал суд системаси, суд амалдорларининг порахўрлиги ва жоҳиллиги кўрсатилган. Айни чоқда бу ҳикояда хотинни эрга қул қилиб қўядиган феодал никоҳ системаси билан оёқ-қўллари боғланган хитой аёлининг ҳуқуқсиз аҳволи акс этган.

* Лу Синь. Танланган асарлар, том 2, бет 53.

«Марҳуманинг таъзияси» ҳикоясида автор ўша давр интеллигенциясининг аламлари ва қайғуларини, муҳтожлиги ва курашини тасвирлаган.

«Нидо» ва «Тентираш» тўпламларига кирган ҳикояларда Лу Синь хитой жамиятидаги турли табақа вакилларининг такрорланмас портретларини яратган. Аммо шуни ҳам қайд қилмоқ керакки, Лу Синь бу ҳикояларни ёзган даврда ҳали эволюционизм позицияларида турар, «шахснинг эркинликка чиқиши» ҳақидаги идеяга ишонар эди. Ёзувчининг фикрича, «шахснинг эркинликка чиқиши» ижтимоий прогрессга олиб келиши керак эди. Лу Синь бу даврда ҳали марксизм-ленинизм, позициясида турмаган бўлса-да, феодализмга ва унинг идеологиясига қарши курашчи сифатида майдонга чиқди.

Лу Синь пролетариат ва меҳнаткаш деҳқонлар манфаати учун курашди. У революционер эди.

«Интеллигенция вакилларида бирортасининг революционерми, революционер эмасми ёки контрреволюционерми эканини аниқлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир ўлчов бор: унинг ишчи-деҳқон оммаси билан бирлашишга иштиёқи борми ва у ҳақиқатан ҳам амалда улар билан бирлашганми-йўқми эканини билиш зарур»*.

Лу Синь ўз курашида ишчи ва деҳқонлар оммаси манфаатларини кўзда тутган, бундан унинг «4 май ҳаракати»дан сўнг ёзган асарлари далолат беради. Бу асарлар революцион кураш манфаатларига тўла мос келади.

Тўпламга ҳозирги Хитойнинг энг йирик ёзувчиси, революцион реалистик адабиёт учун курашда Лу Синьнинг ижодий принципларини давом эттирувчи сўз санъаткори Го Мо-жонинг ҳикоялари ҳам киритилган.

Го Мо-жонинг ижоди бой ва кўп қирралидир. Го Мо-жо машҳур адиб, драматург, шоир, адабиёт назариячиси, адабий танқидчи, олим, моҳир публицист ва актив жамоат арбобидир. Ўзининг бутун талантини Го Мо-жо ярим мустамлака ва ярим феодализмга қарши курашга бағишлади. Унинг адабий, публицистик ва шоирлик фаолияти Хитой халқларининг ўз ҳаққи-ҳуқуқлари учун олиб борган қаҳрамонона курашлари даврида хитой жамиятига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари ҳозирги Хитойда аллақачонлар «бугун»га айланган бахтли «эрта» учун курашда демократик кучларнинг мустаҳкамланишига, уларда ватанпарварлик руҳини тарбиялашга ёрдам берди.

Ўз халқининг тарихий ўтмишини ўрганиш Го Мо-жо ижодига катта таъсир кўрсатган. У хитой жалқининг қадимги даврлар-

* *Мао Цзэ-дун*. Танланган асарлар, том 3, 11 бет.

даги ва ўрта асрлардаги қаҳрамонона курашини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи бир қанча асарлар яратган. Бу асарларда ёзувчи узоқ ўтмишни замонавий воқелик билан боғлаб тасвирлаш каби муҳим вазифанинг улдасидан чиқа олган. Ўтмишни, эскиликни танқид қилар экан, Го Мо-жо айни чоқда эски Хитойдаги гоминданчиларнинг буржуа-феодал идеологиясини фош этади. Тўпламга киритилган «Ханьгу қопқаси» ҳикояси Го-Мо-жонинг тарихий темада ёзган асарларидан биридир.

Бу ҳикоянинг сюжетига эрамиздан аввалги VI—V асрларда фалсафий-диний-сиёсий таълимот яратиш муносабати билан юз берган воқналар асос қилиб олинган. Автор бу ҳикояда Хитойдаги диний таълимотлардан бири бўлмиш даосизм таълимотини кескин танқид қилади ва унинг бемаънилигини кўрсатади.

«Жўнаш олдидан» ҳикояси буржуа Япониясидаги шафқатсиз воқеликни кўрсатди. Бу ҳикоя Го Мо-жо бадний маҳоратининг ёрқин намунаси бўла олади. Ҳикояда автор Япониядан жўнаш картинасини ва бойиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган судхўрларнинг йиртқич башарасини катта маҳорат билан тасвирлаган. Го Мо-жо оддий япон меҳнаткаши образини ҳикояда илиқ муҳаббат билан яратган.

Революцион ҳаракатнинг кўтарилиш йилларида адабиётга кириб келган кекса авлод ёзувчиларининг вакили машҳур адиб ва публицист Шень Янь-биннинг ҳикоялари ҳам тўпламдан ўрин олган. Шень Янь-бин «Мао Дунь» тахаллуси билан машҳур.

Мао Дунь Лу Сининг маслакдошларидан бири бўлиб, у билан бирга кўп йиллар давомида Хитой реалистик адабиётини яратиш учун кураш олиб борган. Бу ёзувчининг ижоди ҳам бой ва кўп қирралидир. 1927 йилдаёқ у ўзининг дастлабки асарларини ёзади. Бу даврада унинг «Қоронғилиқ» трилогияси, «Алданган умидлар», «Иккиланиш», «Изланишлар» каби романлари босилиб чиқади. Бу романларда кескин революцион кўтарилиш йилларида турмушнинг икир-чикирларидан қутулиб чиқишга ожизлик қилган интеллигенция тасвирланади. Мао Дунь 1924—27 йиллар хитой революцияси мағлубиятга учраган ва гоминданчилар террори авж олган йиллардаги майда буржуа идеологиясининг моҳиятини очади.

Мао Дунь интеллигенция идеологиясини танқид остига олиш билан бир қаторда азоб-уқубатлар ичида яшаган меҳнаткаш деҳқонларга катта муҳаббат билан қарайди ва айни чоқда уларга хос бўлган хусусий мулкчилик идеологиясини ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқлари учун революцион курашга етарли тайёр эмасликларини очиб беради.

Мао Дуннинг бу тўпламга киритилган «Кузги ҳосил» повести авторнинг деҳқонларга муносабатини равшан кўрсатиб туради. Бу повестда хитой деҳқонларининг оғир жафоли меҳнати тасвирланган. Уларда ёзувчи жаҳон кризисининг энг оғир даврини, бу кризиснинг капитализм дунёсини қақшатганини ва ярим мустамлака хитой қишлоғига ҳам бориб етганини кўрсатади. Мамлакатнинг империалистик давлатларга қарамлиги шунга олиб келадикки, ажнабий фабрикалар учун хомашё етказиб берувчи деҳқонлар европалик ва маҳаллий капиталистларнинг тузоқларига илиниб қоладилар.

Шафқатсиз воқелик повесть қаҳрамони Тун-баонинг орзу-умидларини пучга чиқаради. Тун-бао соғлиғини йўқотиб, оғир касалга чалинади. Аммо шунга қарамай бу хонавайрон бўлган деҳқон ўз дардларининг давоси сифатида революцион кураш йўлига киришга ботинолмайди.

Повестда Тун-баога қарши унинг кичик ўғли А-До образи берилган. Деҳқонларнинг ўз ҳуқуқлари учун, асосий ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик учун олиб борган курашларида А-До уларнинг раҳбарига айланади. Бу революцион кураш Тун баонинг катта ўғли каби аввал иккиланиб юрган деҳқонларни ҳам оёққа турғзади.

«Лао-Шэ» тахаллуси билан машҳур бўлган Шу Шен-суй (Шу Цин-чунь) нияг ижоди ҳам катта диққатга сазовордир. Бу тўпламга унинг «Оға-инилар» деган ҳикояси киритилган.

Лао Шэнинг реалист ёзувчи сифатида ижодий йўли 1919 йлдаги адабий революция билан чимбарчас боғланган. Унинг дастлабки асарлари 1924—1925 йилларда босилиб чиқди.

Лао Шэ айрим асарларида революцион темаларни ҳам ҳал қилишга уринади. Масалан, «Оға-инилар» ҳикоясида ёзувчи хитой ёшларининг маънавий қиёфасида пайдо бўлаётган янги белгиларни уларда революцион онгнинг уйғонишини кўрсатиб берди. Ҳикояда бир-бирига қарама-қарши характерлар тасвирланади. Бу қарама-қаршиликларда эса эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш очилади. Агар укаси онгли равишда революцион кураш йўлидан борса, акаси ўз укасига ҳомийлик қилиши лозим бўлгани учунгина қурбон бўлади.

Тўпламга кирган асарлар ичида Ба-Цзинининг «Ёмғир», Е Шэн-таонинг «А-фен» ва «Дарс», Жоу Шининг «Чўри она», Ша Диннинг «Қотил» ҳикоялари ҳам бор. Бу ҳикоялар 1922—1936 йиллар орасида, яъни ҳозирги замон хитой адабиётининг шаклланиш даврида ёзилган. Улар хитой ёшларининг ҳаётига, революцион изланишларга ва аёллар масаласига бағишланган. Бу

жиҳатдан айниқса Жоу Шининг «Чўри она» ҳикояси характер-лидир.

Хитой халқининг 1937—45 йиллардаги японларга қарши уруши ва учинчи революцион граждaнлар уруши йилларида ижод қила бошлаган ёзувчиларнинг асарлари ҳам тўпламга кирган. Бу ёзувчилар янги авлод вакиллари бўлиб, улар революцион кураш даврида чиниққан тўнғич авлодга мансуб ёзувчиларнинг бой ижодий тажрибасидан фойдаланган ва Хитой Коммунистик партиясининг доимий ғамхўрлиги остида вояга етган.

Хитой Коммунистик партияси адабиёт ва маданиятнинг ривожланишига катта эътибор бериб келмоқда. Бунинг мисоли сифатида 1942 йилда адабиёт ва санъат масалалари бўйича ўтказилган кенгашни кўрсатиш мумкин. Яньань шаҳарида ўтказилган бу кенгашда ўртоқ Мао Цзэ-дун санъат ва адабиёт ходимлари олдида турган вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. «Ҳозир ўтказаятган кенгашимиз, — деган Эди у, — бизга адабиёт ва санъатни чинакамга революция ишининг ажралмас қисмига, халқни қўзғовчи ва жишлаштирувчи қудратли воситага, душмани узил-кесил тормор келтиргунча унга зарба берадиган кучли қуролга, халқнинг душманга қарши курашда унинг кўмакдошига айлантиришга ёрдам бериш керак. Бу мақсадга эришиш учун биз қандай масалаларни ҳал қилишимиз лозим? Ўйлайманки, даставвал адабиёт ва санъат ходимларининг позицияси ҳақидаги, уларнинг ҳаёт ҳодисаларига муносабати ҳақидаги, улар фаолиятининг объекти, уларнинг ўқиши ва иши ҳақидаги масалаларни ҳал қилмоқ зарур»*.

Кенгашда адабиёт ва санъатнинг бадий савиясини ошириш йўлидан бориш керакми ёки уларнинг кўпчиликлка тушунарли бўлишига эришиш йўлидан бормоқ дурустми деган масала, партиянинг маданият, фан ва санъат соҳасидаги иш билан умумий иш ўртасидаги ўзаро алоқа, танқиднинг ривожланиши каби масалалар қўйилди ва ҳал қилинди. Кенгаш давомида санъат ва адабиёт ходимлари томонидан йўл қўйилган хатолар очиб тишланди. Ўртоқ Мао Цзэ-дун партиянинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсатини тушунтириб шундай деди: «Биз сиёсат билан санъатнинг, мазмун билан форманинг бирлигини, революцион, сиёсий мазмуннинг иложи борица камолга эришган бадий форма билан бирлигини талаб қиламиз. Етарли даражада бадий бўлмаган санъат асарлари сиёсий жиҳатдан ҳар қанча прогрессив бўлсалар-да, катта таъсир кучига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам нотўғри сиёсий қарашларни олға сурувчи санъат асарларига қарши чиқар эканмиз,

Мао Цзэ-дун. Танланган асарлар, том 4, 22 - 23 бет.

биз тайини чоғда тўғри сиёсий фикрларга эга бўлган, бироқ бадий нўноқ «агиткалар» ёзиш тенденциясига ҳам қарши чиқамиз».*

Хитой Коммунистик партиясининг адабиёт соҳасида амалга оширган навбатдаги муҳим тадбирларидан бири адабиёт ва санъат ходимларининг биринчи съездини чақириш бўлди. Съезд 1949 йилда Хитой Халқ республикаси эълон қилинишидан 2 ой аввал бўлиб ўтди. Съезд хитой ёзувчиларининг 1942 йил май ойидан бери ўтган 7 йил ичидаги ютуқларини яқунлади ва адабиёт тараққиётининг аниқ йўлларини белгилаб берди. Съездда Коммунистик партия номидан Мао Цзэ-дун сўзлади.

«Сизнинг съездингиз, — деди у, — революция учун зарур бўлган жуда яхши съезддир. Бу съездга бутун хитой халқи умид кўзларини тикиб турибди.»

1953 йил сентябрь ойида Пекинда санъат ва адабиёт ходимларининг умум Хитой иккинчи съезди очилди. Съездда нутқ сўзлаган Чжоу Энь-лай мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволини таҳлил қилиб, секин-аста социализм қуриш даврининг янги босқичида адабиёт намояндалари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Янъанда бўлиб ўтган кенгашдаги каби ҳар икки съездда ҳам адабиёт ва санъат ходимларининг диққати халқларнинг бой прогрессив маданий меросидан кенг фойдаланиш зарурлигига жалб қилинди. Бу эса В. И. Лениннинг пролетар маданияти ҳақидаги қуйидаги кўрсатмасига асосланиб қилинган эди: «Пролетар маданияти капиталистик тузум, помешчиклар тузumi, чиновниклар тузумининг зулми остида инсоният вужудга келтирган билимлар темасининг қонуний тараққийсидан иборат бўлиши керак»**

В. И. Лениннинг бу кўрсатмасига амал қилиб, Халқ ҳокимияти қадимги давр адабиётининг прогрессив асарларини ва кекса авлодга мансуб реалист ёзувчиларнинг ижодини ўрганишга ҳамда нашр этишга катта эътибор бермоқда. Фақат биргина 1954 йил давомидаёқ қадимги адабиётнинг юздан ортиқ асари нашр этилди. Лу Синь, Цюй Цю-бо, Го Мо-жо каби Хитой реалистик адабиётига асос солган ёзувчиларнинг асарлари юз минглаб нусхада босиб чиқарилди. Партия ва Ҳукумат ёзувчиларни жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ижодий ўрганишга ва улардан фойдаланишга ундамоқда. 1945 йилдаёқ Мао Цзэ-дун шундай деб кўрсатган эди: «Биз илғор четэл маданиятидан иложи боринча кўпроқ ўрганишимиз керак ва ўрганган нарсаларимиздан Хитойнинг янги ма-

* Мао Цзэ-дун. Танланган асарлар, том 4, 158 бет.

** В. И. Ленин. Асарлар, том 31, 262 бет.

даниятини ривожлантириш учун фойдаланишимиз лозим»*. 1954 йилда бўлиб ўтган четэл адабиётининг таржимонлари кенгашида ҳам Мао Цзэ-дун шу тўғрида гапирган эди. Бу кенгашда жаҳон адабиёти классикларининг йиғирманчи асргача яратилган асарларидан 700 дан кўпроғини таржима қилиш ва босиб чиқариш плани тасдиқланди.

Янъандаги кенгашдан сўнг ва Хитой Халқ республикаси ташкил қилингандан кейин деҳқонлар ва ишчилар сафидан чиққан янги ёзувчилар вужудга келади. Улар ўз асарларида халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдаги муваффақиятларни усталик билан акс эттирмоқдалар.

Мамлакатда Халқ-Озодлик Армиясининг жангчилари Чао Юй-бо ва Чуй Баванинг, деҳқонлардан Ван Лао-цзю ва Чень Ден-кэнинг, ишчилардан Дун Най-ся ва Тай Юй-синнинг асарлари катта шуҳрат қозонган.

Адабиёт кадрлари етиштириш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. 1950 йилда мамлакат тарихида биринчи марта Марказий адабиёт институти очилди, кейинроқ бу институт Хитой ёзувчилар союзининг институти деган ном олди. Бу институт студентларининг кўпчилигини ўзини адабий ижод соҳасида кўрсатган ва институтга Хитой ёзувчиларининг тавсияси билан қабул қилинган ёш ёзувчилар ташкил этади. Институтда ўқиш ёш ёзувчиларга марксча-ленинча назарияни чуқурроқ эгаллаш, Хитойнинг адабий меросини ўрганиш ва бадий маҳоратини ошириш имконини беради. Институтда машҳур хитой ёзувчиси Чжан Тянь-и, шоир Ай Цин, танқидчи ва адабиётшунос Тжоу Ян, Фын Сюэ Фын дарс беради.

Институтда Мао Цзэ-дуннинг «СССРда вужудга келтирилган маданият биз учун янги халқ маданиятини яратиш ишида намуна бўлиб хизмат қилиши лозимлиги** ҳақидаги кўрсатмасига амал қилиниб, совет адабиёти ва унинг йирик вакиллари М. Горький, В. Маяковский, А. Фадеев, И. Эренбург каби ёзувчилар ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Институт студентлари Европа ва Американинг прогрессив ёзувчилари ижоди билан танишади. 1953 йилда институтни биринчи группа тугатиб чиқди. Тугатганлардан етти киши саноат ишчиларидан чиққан, икки киши деҳқонлардан, 39 киши Халқ Озодлик Армиясининг собиқ жангчилари ва сиёсий ходимларидир.

Хитой ёзувчилари бутун кучларини адабиёт ва санъат ходимларининг 1953 йилда Пекинда бўлиб ўтган иккинчи съезди қарор-

* Мао Цзэ-дун. Танланган асарлар, т. 4, 549 бет.

** Мао Цзэ-дун. Танланган асарлар, т. 4, 549 бет.

ларини бажаришга йўналтирмоқдалар. Съездда илгор гояларни тарғиб қилиш ва социализм ишига халақит бераётган эскилик қолдиқларига ҳамда консерватизм кўрнинишларига қарши кураш ҳозирги даврда адабиёт ва санъат олдида турган энг муҳим вазифа экани кўрсатилди. Сўнгги йилларда яратилган кўпгина асарлар ана шу олижаноб вазифаларни бажаришга қаратилган. Си Ян ва Цзо Юйнинг Хитой халқ республикасининг янги ҳаёт қуришдаги муваффақиятларини, қишлоқдан келган ёш ишчиларнинг онгидagi ўзгаришларни тасвирловчи пьесалари шундай асарлар жумласидандир.

Ёш ёзувчи Ду Пен-чэннинг «Яньань ҳимояси» номли романи хитой халқининг ўз мустақиллиги учун кураши тарихининг ажойиб саҳифаларидан бирига бағишланган.

Хитойда Ли Чжу-нь, Вей Янь, Чунь Лю ва бошқалар каби ёш ёзувчиларнинг асарлари кенг шухрат қозонган. Хитой адабиётида ишчилар темаси олдинги ўринга чиқмоқда; оддий меҳнат кишилари эса унинг асосий қаҳрамонига айланмоқда.

Қўлингиздаги тўпламга ёш авлоднинг энг машҳур вакиллари-дан бири «деҳқондан чиққан» Чжао Шу-лининг ҳикояси киритилган. Чжао Шу-лининг ижоди 1940 йилда бошланган. Унинг «Ли Ю-цайнинг қўшиқлари», «Кичкина Эр-хэйнинг уйланиши», «Озодликка чиқиш тарихи», «Мен Син-ни», «Фугуй» каби дастлабки асарлари, шунингдек «Ли Цзя-чжуандаги ўзгаришлар» повести ёш ёзувчининг номини фақат Хитойдагина эмас, балки бошқа мамлакатларда ҳам машҳур қилди.

«Кичкина Эр-хэйнинг уйланиши» ҳикоясида ёзувчи эски Хитойдаги никоҳ ва хотин-қизларга муносабат ҳақида ҳикоя қилади ва озодликка эришган районларда Хитой Коммунистик партиясининг хотин-қизлар масаласидаги ғамхўрлиги туфайли юз берган ўзгаришларни кўрсатади. Фақат никоҳ ҳақидаги янги қонунгина повесть қаҳрамонларига мустаҳкам бахтиёр онла қуриш имконини беради.

Тўпламга Хэ Кунинг «Кураш давом этади» ҳикояси ҳам киритилган. Ҳикояда хитой халқининг саноатни тиклаш ва ривожлантириш соҳасидаги интилишлари ҳамда янги Хитой душманларининг зараркундалик фаолиятига қарши кураши ҳикоя қилинади. Ҳикоя бошдан-оёқ қаҳрамонона меҳнат пафоси билан, халқнинг ўз ютуқларини ҳимоя қилишга тайёрлиги руҳи билан суғорилган.

Яо Цзинининг «Чин муҳаббат» ҳикояси корейс халқининг америка агрессорларига қарши кураши йилларида Хитойда кўтарилган ватанпарварлик ҳаракатига бағишланган.

Хитой ёзувчилари Коммунистик партия ва Халқ ҳокимияти-
нинг ғамхўрлиги туфайли, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам катта суръ-
атлар билан бораётган социализм қурилишида актив иштирок
этаётганлари туфайли янги-янги муваффақиятларга эришмоқда-
лар. Аммо шунинг ҳам унутмаслик керакки, ижодий ривожланиш
революция душманларига қарши кескин сиёсий кураш вазияти-
да содир бўлмоқда. Хитой ёзувчилари демократ ниқобига бурка-
ниб олган айрим адабиётчиларнинг халққа қарши фаолиятини
фош қилмоқдалар. Масалан, 1955 йил май ойида Ху Фин раҳбар-
лигидаги группа фош қилинди. Реакцион гоминдан ҳукумат билан
махфий алоқада бўлган бу группа аъзолари ўзларини демократ
ёзувчилари қилиб кўрсатиб, зараркунандалик фаолияти билан шу-
ғулланган, янгилик тараққиётига халақит берган.


Аммо бундай душманлар ҳар қанча уриниб, чиранмасин,
улар янги хитой адабиётининг қудратли тараққиётини тўхтата
олмайдилар. Хитой адабиёти бугунги хитой жамиятида юз бера-
ётган социалистик ўзгаришлар заминида янада гуллаб-яшнайд.
Хитой коммунистик партиясининг адабиёт соҳасидаги «Ҳамма
гуллар очилсин, ҳамма мактаблар баҳслашсин» деган доно сиё-
сати ана шундан далолат беради.

А. Я. Соколов.
Тарих фанлари кандидати

ЛУ СИНЬ

МАРҲУМАНИНГ ТАЪЗИЯСИ

Цзюань-шэннинг хотиралари



гар қўлимдан келса, қайғу-ҳасратларим ва пушаймонларимни Цзи-цзюнинг ҳурмати ва хотираси учун, ўзим учун ёзган бўлардим. Ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасининг* нураган хароба уйчаси жимжит, ҳувиллаб қолган. Вақт эса жуда тез ўтмоқда. Мана энди Цзи-цзюнни севиб қолганимга, унинг ғурбатхонадан қутулиб чиқишига кўмаклашганимга ҳам роса бир йил бўлади. Аммо кейинчалик бошимизга кўп мусибат тушди. Аксига мен ўша деразаси синиқ ҳувиллаган уйга яна қайтиб келдим. Дераза ёнида қурий бошлаган бир туп акация билан эски печак гул, ойна олдида ҳали ҳам ўша чор қирра стол турибди. Нураган девор ҳам ўша, унинг ёнида турган чорпоя ҳам ўша. Ярим кечада шу чорпояда ёлғиз ётиб ўйга толаман. Ана шу ўтган бир йил гўё ҳаётимдан ўчириб ташлангандай туюлади, гўё мен бу ердан ҳеч ёққа кўчмагандай, Цзичаода жон-дилим билан орзу қилган кичкина оилавий ҳаётни кўрмагандай бўламан.

* Бундай уюшмалар катта шаҳарларда бўлар эди. Улар бир вилоятнинг ҳамшаҳарларини бирлаштирарди. (Ред.)

Бундан бир йилгина муқаддам бу ёлғизлик ва юрак сиқилишлари бошқача туюларди, у маҳалда юракда орзу-умид бор эди, Цзи-цзюннинг келишини кутардим. Узоқ интизорликдан сўнг, ғишт йўлакдан енгилгина оёқ товушларини эшитиб қолган чоғимда, қандай ҳаяжон билан ўрнимдан ېрғиб турардим! Мана унинг бўзарган кулча юзлари, юзидаги ёқимли кулдиргичи, ориққина оппоқ қўллари. У йўл-йўл канопо кофта ва қора юбкада кўз олимда пайдо бўларди, Цзи-цзюнь дераза ёнидаги қурий бошлаган акациянинг яшил япроғини олиб келиб менга кўрсатарди; унинг бир қўлида япроқ, биттасида оч бинафшаранг печак гул бўларди.

Эндичи? Энди яна эскича жимжитлик. Ҳаммаёқ ҳувиллаб ётибди. Цзи-цзюнь энди келмайди. Ҳеч қачон келмайди, ҳеч қачон!

Бу хароба кулбада Цзи-цзюнь йўқ маҳалида кўзимга ҳеч нарсa кўринмайди, ўтиришга жой ҳам тополмай қоламан. Таваккалига бирон китобни оламан, у илмий китобми, адабий китобми — барибир, менинг учун ҳеч қандай фарқи йўқ — ўқий бошлайман. Бир вақт ҳушимга келиб қарасам, ўн-беш бет ўқиб қўйган бўламан, лекин нима ўқиганимни ўзим ҳам билмайман. Қулоғим кўчада бўлади, дарвоза томондан сергак қулоқларимга гўё Цзи-цзюннинг оёқ шарпаси эшитилади. Ана у оҳиста яқинлашмоқда, яхши эшитаётирман. Аммо, афсус... оёқ товуши узоқлашади, бегоналар орасига кириб, йўқолиб кетади.

Мен ҳовли қоровулининг ўғлини ёқтирмайман, у тагига мато қопланган ёғоч ковуш кийиб юради. Унинг қадам ташлаши Цзи-цзюнь қадамларига сира ўхшамайди. Мен қўшни ҳовлида турувчи, юзига қалин қилиб ёғупа чаплаган манжалақини ҳам ўлгудай ёмон кўраман. У янги чарм туфли кийиб олиб санқиб юргани-юрган. Унинг оёқ товушлари Цзи-цзюнникига ўхшайди.

Эҳтимол Цзи-цзюнни рикша* уриб юборгандир, ё трамвай тагида қолиб кетдимикин?

Ҳозироқ шапкамни кийиб унинг амакисиникига чопиб боргим келади. Аммо илгари шундай қилганимда, у мени бир неча марта койиб берган.

Мана, ниҳоят, унинг оёқ товушлари келади. У тобора уйга яқинлашмоқда. Мен чопиб чиқиб уни қарши оламан.

* Икки ғилдиракли аравада одам ташийдиган киши.

У осилиб турган бир тўда печак гули тагидан ҳам ўтиб мен томон келади. Мана унинг мулойим кулиб турган ёқимли чеҳраси. Назаримда у амакасининг уйида зерик-майдигандай кўринади. Кўнглим ором топади. Биз жимгина бир-биримизга қараб қоламиз. Сўнг буёски кулбада менинг овозим эшитила бошлайди. Мен оилавий ҳаётнинг оғир азоби, эски урф-одатларни йўқотиш кераклиги тўғрисида, эр ва хотинларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши, Ибсен¹ Тагор, Шелли²... тўғрисида гапира кетаман. У жилмайиб туриб бош силкитади, кўзлари болаларча завқ билан чақнайди... Деворда аллақайси журналдан қирқиб олинган Шелли портрети осиглиқ турарди. Бу шоирнинг энг яхши портрети. Мен ишора билан уни кўрсатганимда Цзи-цзюнь бир назар ташлади-да, нимагадир иккиланиб, гўё бу портретнинг шу ерда осиглиқ туриши яхши эмас дегандай бошини қуйи солди. Чамамда, Цзи-цзюнь ҳали эскилик урф-одатларининг батамом халос бўлмаган кўринади. Мен кейинчалик бу портретни шоирнинг денгизда ҳалок бўлишини тасвирловчи расмга ёки Ибсен портретига алмаштирмоқчи бўлдим, бироқ буни қилолмадим. Ҳозир бўлса шоирнинг у портрети ҳам қаёқда қолганини билмайман.

Бир куни биз унинг амакиси билан отаси тўғрисида гаплашиб қолганимизда, у озгина ўйлаб туриб, хотиржам, аммо қатъий қилиб худди шундай деди: «Мен ўзимга ўзим хўжайинман, менинг турмушимга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!» Биз ўшанда ярим йиллик қадрдон эдик. Мен унга ўз сирри-асроримни, дунёқарашимни, ўз ҳаётим ва барча нуқсонларимни, ҳеч нарсани яширмай тўлатўқис гапириб бердим, у гапларимга яхши тушунди. Унинг сўзлари мени қаттиқ ҳаяжонга келтириб, қалбимнинг чуқур жойидан ўрин олди. Бу сўзлар узоқ вақтгача қулоғим тагида жаранглаган эди. Мен хитой қизларининг баъзи умидсизлар айтгандек, у қадар истиқболсиз эмасликларини ва яқин келажакда улар учун ҳам ажойиб кунлар туғилишини ўйлаб, ўзимда чексиз қувонч ҳис этардим.

Мен уни уйига кузатиб қўядиган вақтларимда, одатда бир-биримиздан бир неча қадам нарида юриб борардик,

*) Генрих Ибсен (1828—1906) — Машҳур норвег драматурги., (ред.)

**) Шелли (1795—1821) — Инглиз романтик шоири. (ред.)

чунки, ҳамиша кир босган деразадан мўйлови лаққа ба-
лиқниқига ўхшаган бир шум чолнинг башараси кўринар-
ди. У ойнага бурничи чунонам тираб олардики, бурни-
нинг учи бир мирилик чақадай ялпайиб кетарди... Қўшни
ҳовлидан бўлса тоза артилган деразадан ҳар доим ўша
бетига бир қават ёғупа чаплаб оладиган манжалақининг
юзи кўринарди. У бизга ғазаб билан бир назар ташлаб,
ойнадан мағрурона узоқлашар эди. Мен ҳам мағрур бир
қиёфада уйга кириб кетар эдим.

«Мен ўзимга ўзим хўжайинман, менинг турмушимга
аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!» — бу фикр менга
қараганда Цзи-цзюннинг миясига чуқурроқ ўрнашиб қол-
ган эди. Унга ярим шиша ёғупа чапланган башара билан
ялпайган бурунлар писанд эмас эди!

Мен ўзимнинг қизғин ва самимий муҳаббатимни унга
қай тарзда изҳор қилганимни энди яхши эслай олмайман.
Энди эмас, ҳатто ўша вақтда ҳам, яъни муҳаббат изҳор
қилганимдан сўнг ҳам, бу ҳодиса қандай юз берганини
фақат ғира-шира кўз олдимга келтира олган эдим холос.
Бу ҳақда кўпинча кечалари хотирлар эдим, аммо эрталаб-
гина воқияларнинг баъзи жойлари ёдимга тушиб қолар
эди. Бирга яшай бошлаганимизга икки ой бўлганда,
бу хотиралар ҳам эсга келмайдиган бўлиб қолди. Шуниси
ёдимдаки, бу воқиядан чамаси ўн кун илгари мен ўзим-
нинг қай тахлитда муҳаббат изҳор қилишимни чуқур
ўйлай бошлаган эдим. Бунинг учун сўз ва иборалар ахтар-
дим, ҳатто севгимни рад қилган тақдирда нима қилишимни
ҳам ўйлаб қўйган эдим. Бироқ бекорга бу ўйларга бор-
ган эканман. Жуда шошиб, довдираб қолганимдан, мен
кинофильмдагидай беихтиёр ҳаракатлар қилдим.

Кейинча бу ҳаракатларим эсимга тушганда, уялиб
юрдим. Аксига худди шу ишларим кўпроқ ёдимда сақ-
ланиб қолибди. Ҳозир ҳам ўша хира лампа ёнида, ярим
қоронғи уйда, кўз ёшларимни аранг тийиб, тиз чўкиб
унинг қўлларини ушлаб ёлвориб турганларим кўз ўнгим-
дан сира кетмайди...

У пайтда ўзимнинг нима деб, нима қилаётганимни ҳам,
Цзи-цзюннинг нима деб, нима қилаётганини ҳам билмас
эдим. Шунин билардимки, у меники. Унинг юзлари аввал
оқарди, кейин лола ранг бўлиб товланди — шуниси эсим-

да. Илгари ҳам, кейин ҳам унинг юзлари шу қадар қизариб товланганини сира кўрмаганман. Унинг ёш болаларники сингари бегуноҳ кўзларида азоб ва қувонч аломатлари акс этарди; қўрқинч сезгилари ҳам йўқ эмас эди. У уялганидан менга қарай олмас, пир этиб деразадан учиб чиқишга ҳозирланган қушдай туюларди, аммо у энди меники эканини билардим. У нима деганини ҳам эслай олмайман, балки ҳеч нима ҳам демагандир?

Аммо Цзи-цзюнь ҳамма гапни эслаб қолган экан. У менинг гапларимни бошдан оёқ тutilмасдан бир-бир айтиб, қилган хатти-ҳаракатларимни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берар эди. Бу қилиқларим, худди мен кўрмаган кинофильмдаги воқиалар сингари унинг кўз олдида намоён бўлиб, икир-чикиригача унинг хотирида сақланиб қолган экан. Шунинг учун мен кинодагидай елиб ўтган бу хотираларни эслаб ўтирмасликка мажбур эдим. Қоронғу кечалар сукунатида у тез-тез менга бу ҳақда саволлар бериб, ўша вақтдаги унга айтган сўзларимни батафсил такрорлашга мажбур қилар эди. Зеҳни йўқ талабани ўқитгандай, у кўпинча менга луқма солар, тушириб қолдирган жойларимни айтиб турар эди.

Аммо бориб-бориб бу машқ камроқ такрорланадиган бўлиб қолди. Мен фақат унинг бўшликка тикилган, чуқур ўйчан кўзларини, ширин хаёлларга толган сиймосини кўрмоқчи бўлардим. Бундан унинг ёқимли юзлари янада нозиклашар, юзидаги кулгичи янада гўзаллик кашф этарди. Аммо менинг сўзларимни ўзича дастлабки сабоқ каби такрорлашларини мен билардим. Ўша вақт фильм қаҳрамони сингари кулгили аҳволга тушганлигимни пайқаб олган бўлса керак деб қўрқардим. Шуни ҳам билардимки, у албатта шу хатти-ҳаракатни кўрмоқчи, кўриш унга зарур. Ахир бунинг нима ёмон жойи бор, унинг фикрича ҳеч бир кулгили жойи йўқ. Фақат мен ўзимча буни кулгили ва аҳмақона ҳаракат деб билар эдим.

Цзи-цзюннинг буни кулгили деб ҳисобламаслигига, қатъий ишонардим, чунки у мени жон-дилидан яхши кўрарди.

Бултурги баҳорнинг сўнгги дамлари менинг ҳаётимда энг саодатли ва шу билан бирга, энг ташвишли бўлиб ўтган эди. Гарчи кўнглимда ғашлик бўлмаса ҳам менда янги ташвиш пайдо бўлган эди. Энди биз кўчада икков-

лашиб юра бошладик, ҳатто бир неча марта паркка ҳам бордик. Аммо, биз кўпроқ ижарага уй излаш билан овора бўлган эдик.

Фикримча, биз кўчаларда бирга юрган чоғларимизда, ўткинчилар бизга қизиқувчи, масхараомуз, беҳаё ва нафратли назар ташлар эдилар. Бу одобсиз кўз қарашлар мени ноқулай аҳволга қўйди. Озгина ножўя ҳаракатим ҳам мени уялишга, тортинишга мажбур қиларди, шунинг учун ҳам бунга қарши ғурур билан норозилик ифода қилишимдан бошқа нарса қолмас эди. Мен шу билан ўзимни юпартдим. Цзи-цзюнь, аксинча, совуққонлик кўрсатарди, ва ҳеч нарсага эътибор қилмас эди. У шошилмасдан, гўё атрофда тирик жон йўқдек бамайлихотир олдинда борарди.

Уй топиш ҳам унча осон иш эмас экан. Кўпинча турли баҳоналар билан бизга уй бермас эдилар. Баъзи бир уйларнигина ўзимиз ёқтирмас эдик. Аввало биз инжиқлик қилдик — биз кўрган уйларнинг биронтаси ҳам таъбимизга ёкмади. Кейинча, тўғри келган уйга киришга рози бўлиб қолдик, фақат бизни чиқиштиришса бўлди, дедик. Биз йигирматадан ортиқ жой кўрдик ва ниҳоят, Цзи-цзюнь кўчасида вақтинча истиқомат қилишга арзигудай бир уй топдик. Бу — кичкина бир бинодаги жануб томонга қараган иккита хона эди. Уй хўжайини майда амалдорлардан бўлиб, анча шинаванда одам эди.

Унинг ўзи оиласи билан уйнинг олд томонидаги хона ва ёпиқ айвонда турарди. Унинг хотини, ёшига етмаган қизчаси, бир қишлоқи хизматкори бор эди. Бола йиғисини ҳисобга олмаганда бу ер жуда тинч ва осойишта эди.

Уй жиҳозларимиз жуда оддий бўлса-да, унга жамғарган пулимнинг анчагинаси сарф бўлди. Цзи-цзюнь ўзининг ёлғизгина тилла узуги билан зирагини ҳам сотди. Мен бунга аввал рози бўлмасамда, у ўз гапида қаттиқ туриб олгандан кейин, мен қаршилиқ қилмай қўя қолдим, чунки бунга ўз ҳиссасини қўшишга йўл қўймасам, кейинчалик сиқилиб юришлигини билардим.

Унинг амакиси билан аразлашиб қолганига анча вақт бўлган эди. Амакиси шу қадар ранжибдики, бундан буён Цзи-цзюньни жиян деб атамайдиган ва юз кўришмайдиган бўлибди. Мен ҳам, турли насиҳатлар қиладиган, келажак ҳаётим тўғрисида огоҳлантириб турадиган, аслида эса менга рашк қиладиган оғайниларимдан аста-секин узоқ-

лашдим. Менга очикдан-очик ҳасад қиладиган кишилар билан ҳам алоқамни узиб юбордим. Кунларимиз тинч ва осойишта ўта бошлади.

Идора ишларим кунига кечқурун тугар эди. Ҳар сафар қош қорая бошлаган пайтда рикша шошилмасдан мени аравачада уйга олиб келар, ниҳоят, Цзи-цзюнь билан учрашувдай бахтли соатларимиз бошланар эди. Дастлаб жимгина бир-биримизга термулиб турардик, сўнг ўз-ўзидан ширин суҳбат бошланиб кетар эди. Баъзан бошимизни қуйи солиб, жимгина чуқур ўйга чўмардик, тўғриси бундай минутларда биз ҳеч нарса ўйламас ҳам эдик. Мен аста-секин Цзи-цзюннинг юрак сирларини яхши тушуниб олдим. Уч ҳафта ичидаёқ менга Цзи-цзюннинг феъл-атвори анча яхши аён бўлиб қолди. Йлгари тузук тушуна олмаган ва кейин эса бизни қовушиб кетишимизга йўл қўймай турган жумбоқнинг сирини топдим. Бу чинакам ётсираш бўлган экан.

Цзи-цзюнь кундан-кунга қувноқ бўла бошлади. Бироқ, шунга қарамай у гулларни яхши кўрмас эди. Бир куни мен унинг учун бозордан икки тувак гул олиб келдим. Аммо у, бурчакка қўйиб тўрт кунгача сув қўймай қуритиб қўйди. Мен ҳам нима учундир бунга эътибор бермаган эканман. Аммо у, ҳайвон ва паррандаларни жуда яхши кўрарди. Бу масалада балки уй бекасининг таъсири ўтгандир. Бир ой ўтмасданоқ кутилмаганда бизнинг хўжалигимиз каттайиб кетди. Хўжайиннинг ўнлаб жўжалари орасида бизнинг ҳам тўртта жўжамиз ўйнаб юрарди. Хотинлар ўз жўжаларини бир кўришдаёқ сира адашмай таниб олишарди. Кейин бозордан бир оқ-тарғил пекин кучуги олиб келдик. Кучукнинг қандайдир ўз номи борлиги ҳам эсимда, лекин Цзи-цзюнь уни «А-суй» деган янги ном билан атаган эди. Мен ҳам, гарчи бу ном ўзимга маъқул бўлма-са-да, кучукни А-суй деб чақирар эдим.

Ҳа, муҳаббатга аввалги жўшқинликни қайтариш, уни кучайтириш, ва янги мазмун билан тўлдириш ҳам керак. Бир куни ётиш олдидан бу ҳақда мен гап бошлаб қолдим. Цзи-цзюнь фикримга қўшилиб маънодор бош силкитди.

Оҳ, бу қандай бахтли ва осойишта кеча бўлган эди. Кош-ки бахт ва осойишталик абадий ва мустаҳкам бўлиб қолса, у ҳолда биз умрбод бахтли бўлар эдик. Биз ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйида турган маҳалимизда аҳён-аҳёнда ўртамизда ғиди-биди гап чиқиб, андак ғижиллашиб

олган вақтларимиз ҳам бўлар эди. Аммо Цзи-чжао кўчасига кўчиб келганимиздан сўнг бунақа гапларга барҳам берилди. Лампа ёнида бир-биримизга рўбарў ўтириб олиб ўтган воқиалар тўғрисида суҳбатлашар эканмиз, ана шу гап талашиб қолишлар сўнгидан қандай муросага келишларимиз ва ана шунда шодлигимиздан ўзимизни гўё онадан янги туғилгандай ҳис қилишларимизни эслаб ширин хаёлларга берилар эдик.

Цзи-цзюнь бироз тўлишди, юзларига қизил югурди. Бироқ шуниси ачинарлики, у уй-рўзғор ишлари билан ҳаддан ташқари ўралиб қолган эди. Уй-рўзғор ишлари унинг шу қадар кўп вақтини олар эдики, ҳатто китоб ўқиш, соф ҳавода сайр қилиб келиш у ёқда турсин, мен билан ҳангамалашиб ўтиришга ҳам вақт тополмас эди. Биз охири битта хизматкор олиш керак деб, тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик.

Кечқурунлари уйга келган маҳалимда унинг маъюс чеҳрасини кўриб қайғирар эдим. У ўз маъюслигини билдирмасликка ҳаракат қилиб зўраки табассум қилган бўлар, мен эсам бу ҳолни кўриб бадтарроқ ачинар эдим. Ниҳоят, бунинг сабаби уй беқаси билан жўжалар туфайли бўлиб турадиган жанжал эканини билиб олдим. Аммо нега бу ҳақда сира чурқ этмайди? Ҳар хонадон ўзига тинч бўлиши керак — афсуски, биз турган уйда бу мумкин эмас эди.

Мен ўз ҳаётимни маълум бир изга тушириб олдим: ҳафтада олти кун уйдан идорага ва идорадан уйга қатнардим. Идора столига ўтириб олиб, ҳар хил қоғозларни кўчириб ёзганим-ёзган эди. Менинг вазифам ҳужжатларни кўчириб ёзиш ва келган-кетган хатларни кузатиб туриш эди. Уйда эса ё Цзи-цзюннинг рўбарўсида ўтириб олардим, ёки унга темир печкани ёқиш, овқат ҳозирлаш, пампушка қилишга ёрдамлашар эдим. Ўша вақтларда овқат қилишни ҳам ўрганиб олдим.

Энди ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасида турганимизга қараганда анча тузук ва хилма-хил ноз-неъматлар билан овқатланадиган бўлиб қолдим. Гарчи овқат пиширадиган Цзи-цзюнь унча пазанда бўлмаса ҳам, бор-йўқ ҳунарини ишлатиб, ҳар бир овқатни ҳафсала билан тайёрлар эди. Ўз ҳаракати билан мени ҳам унга ёрдамлашишга, меҳнат ва роҳатини баравар кўришга мажбур қилар эди. Кун бўйи юзидан тер аримай калта қирқилган сочлари пешо-

на̀сига ёпишиб ётарди, момикдай қўллари ҳам дағаллаша бошлади. Бунинг устига яна А-суйни, жўжаларни боқиш керак... Буларнинг ҳаммаси фақат унинг зиммасида эди.

Бир куни унга чин қалбимдан: уйда овқатланмай қўя қолай, мени деб уй-руғзор ишига шунчалик ўралиб қолишнинг ҳожати йўқ, дедим. У, жавоб ўрнига менга бир қараб олди-да, жим қолди, аммо унинг чеҳрасини қайғу аломатлари хиралаштирган эди. Мен индамай қўя қолишдан бошқа чора топмадим, яна ҳамма нарса эскича давом эта берди.

Мана, мен аввалдан сезиб юрган бир воқиа содир бўлиб, ҳаётимга катта зарба берди. Бир куни кечқурун Республика байрами арафасида уйда ўтирган эдим. Ҳеч нарсани ўйлашга майлим йўқ. Цзи-цзюнь идиш-товоқ ювиб ўтирарди. Қўққисдан эшик тақиллаб қолди. Эшикни очсам, останада идорамизнинг хат ташувчиси турган экан. У қўлимга гектографда босилган бир мактубни тутқизди. Мен нима гаплигини дарҳол пайқаган эдим.

Лампага яқин келиб, ўқидим:

— «Идора бошлиғининг буйруғига биноан Ши Цзюань-шэнга маълум қиламизки, у киши бундаи буён идора хизматига келиб, ўзларини уринтириб юрмасалар ҳам бўлади.

9 октябрь.

Секретариат»

Мен шундай бўлишини ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасига қарашли уйда турган вақтимиздаёқ билган эдим. Ҳалиги «снежинка» ёғупасини юзига чаплаб олган хоним идорамиз бошлиғининг ўғли билан учрашиб юрарди ва қиморда унинг шериги эди. У ғийбат қилиб, бирор хусусда мени унга чақар деб ўйлар эдим. Мана унинг чақимчилиги оқибати. Бу воқиа гарчи анча кечикиб бўлса ҳам, охир юз берди. Бу кутилмаган зарба эмас эди. Мен аллақачон бирон бошқа жойга бориб ишлаш ёки муаллимчилик қилиш ва балки, оғир меҳнат бўлса ҳам таржима билан шуғулланишни ўйлаб қўйган эдим. «Озодлик дўсти» журналининг бош редактори менинг эски танишим эди. Биз у билан бир неча бор кўришганмиз, икки ой муқаддам эса хат ҳам ёзишиб турар эдик. Шунга қарамай, ишдан бўшатирилганлигимни эшитган пайтда юрагим шув этиб кетди. Ҳамиша вазмин Цзи-цзюнь ҳам ранги ўчиб, туси

Ўзгариб кетди. Унинг сўнгги вақтда бир оз сўлиб қолиши мени кўпроқ ташвишга туширган эди.

— Ҳеч гап эмас! Янгидан ҳаёт қурамыз. Биз... деб бошлади-ю, яна жим қолди у.

Негадир ана шу бўлиниб қолган хитоб сўзи менга жуда қаттиқ теккан эди. Ҳатто лампанинг шуъласи ҳам кўзимга аллақандай беҳад хира кўринди. Нақадар қизиқ бу одамлар! Арзимаган бир воқиа ҳам шунча таъсир қилиши мумкин-а. Дастлаб биз жимгина бир-биримизга қараб қолдик, сўнгра бу аҳволдан қандай қутулиш тўғрисида ўйлай бошладик. Биз даставвал сарф-харажатларимизни тежашга ва сира кечиктирмай хатчилик ёки муаллимлик бўлса ҳам иш қидиришга қарор қилдик. Газетага эълон бериш ва «Озодлик дўсти» бош редакторига ҳам хат ёзиб юбориш керак эди. Мен унга ўз қийинчиликларимизни маълум қилиб, менинг таржималаримни босиб чиқаришни ва бу билан бизга оғир кунларимизда ёрдам беришини илтимос қилмоқчи бўлдим. Айтилган сўз — отилган ўқ! — Кетдик янги йўл билан!

Мен шу онда столга ўтириб олиб, кунжут ёғининг ҳиди анқиб турган шиша билан сиркали идишни бир четга суриб қўйдим. Цзи-цзюнь хира чироғини менга яқинроқ тутди. Аввал мен газетага эълон тайёрладим, сўнг таржима учун китоб танлашга киришдим. Бу уйга келгандан буён китобларимга ҳеч тегмаган эдим, шунинг учун уларнинг устига қалин чанг ўтириб қолибди. Мен хатнинг мазмунини ўйлардим. Қандай ёзсам яхшироқ чиқишини билмай, қаламни қўйиб ўйга толиб кетардим. Мен Цзи-цзюнга назар ташлаган эдим, лампанинг хира шуъласида у жуда хомуш кўринди. Ҳар доим қатъий ва саботли Цзи-цзюнга бу арзимас воқиа шунчалик қаттиқ таъсир қилар деб ўйламаган эдим. Ахир бугун эмас, умуман сўнгги вақтларда жуда ўзгариб кетган эди. Мен довдираб қолдим. Яқиндагина бўлган тинчлик, осойишталик, ҳамшараҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйдаги жимлик ва танҳолик кўз ўнгимдан шарпадек ўтиб кетди. Мен бу кўраётганларимни ушлаб қолгим келади, аммо улар тўхтамай ўтиб кетар ва менинг қаршимда стол устидаги хира лампа турарди, холос.

Бу хат устида мен узоқ ўтирдим, ниҳоят, уни ёзиб татомладим. Хат анча узун ёзилибди. Мен жуда хоридим, ўзимни ҳолдан тояётгандай сездим. Биз хатни ҳам, эълон-

ни ҳам, эртаси кўни юбормоқчи бўлдик. Бейхтиёр қадди-мизни ростлаб олиб, гўё олдимизда турган янги ҳаётнинг ёш новдаларини кўраётгандай ҳис қилдик.

Бу зарба чиндан ҳам менинг кучимга куч қўшди. Менинг аввалги идора ҳаётим дайди савдогарнинг қўлидаги қушнинг ҳаётига ўхшарди — очдан ўлмаслиги ва тўйиб ҳам кетмаслиги учун бир неча чимдим дон берилади, холос. Ниҳоят шундай кун келадикки, бу қушнинг ҳолдан кетган қанотлари шалпайиб тушади. Энди қушни қафасдан чиқариб юборсанг ҳам ортиқ осмонга парвоз қилолмайди. Дадил айтиш мумкинки, энди мен бу қафасдан озод бўлдим ва менда янгидан кенг осмонда баландларга парвоз қилиш истаги пайдо бўлди. Ҳа, бундай ҳузурни мен ҳали унутганим йўқ эди.

Газетада бир мартагина босилиб чиққан кичкина⁷ эълон дарров бирор натижа беролмаслиги табиий эди.

Таржима қилиш ҳам осон иш эмас. Китобни ўқиган пайтингда ҳаммасини тушуниб турасан киши, аммо қўлга қалам олганда минг хил қийинчиликларга учрайсан ва таржима жуда секин боради. Бироқ мен қулдек ишлашга бел боғладим! Ярим ой ўтмасданоқ ҳали яп-янги луғатимнинг хошиялари бармоқларим изидан қорайиб кетди. Ёлғиз шунинг ўзи ҳам менинг қанчалик астойдил ишлаганимга гувоҳлик бера олади. «Озодлик дўсти»нинг бош редактори эса бир кун менга яхши қўл ёзмалар... ҳеч вақт унинг журналида узоқ ётиб қолмаслигини гапирган эди.

Афсуски, бизда хотиржам ишлаш мумкин бўладиган алоҳида хона йўқ эди. Менинг ҳамиша бўш келиб, талабчанлик қилмаслигимга ўрганган Цзи-цзюнь энди илгаригидай кам гап, сезгир ва ғамхўр эмас эди. Уйда сира тартиб йўқ эди, ошхонани тутун босиб, ислари осилган ювуқсиз идиш-товоқлар тўғри келган жойда ёйилиб ётарди. Бундай вазиятда тузук ишлаб бўлмас эди. Аммо мен бундай машғулот учун алоҳида хона ҳақида илгарироқ ўйлаб кўрмаганимга ўз-ўзимни койирдим. Бу ерда, бошқаси етмагандек, яна кучук билан жўжаларни айтмайсизми! Жўжалар ўсиб қолиб, ҳамиша Цзи-цзюнь билан уй бекаси ўртасида жайжал чиқиб туришига сабаб бўлар эди.

Ундан ташқари ҳар кун ийиш-ичиш тўғрисидаги ташвиш ортган эди. Цзи-цзюньнинг ҳамма ҳаракати шунинг

устида эди. Биз жамғармаларимизни еб тугата бошладик, ишимиз еб ичиш ва ҳисоблаш эди. Яна бунинг устига А-суй билан жўжаларни боқиш керак эди. Назаримда Цзи-цзюнь илгари билганларини ҳам унута бошлади. Мени жиддий ишлаб ўтирибди-ку, деб ўйламасди, у кўпинча фикримни бўлиб қўяр, овқатга қистар эди. Ҳатто жаҳлим билан столга ўтирган пайтларимда ҳам у пинагини бузмай, гўё сен билан нима ишим бор дегандай, оғзидаги луқмасини шапиллатиб чайнай берар эди.

Беш ҳафтача ўтгандан сўнггина Цзи-цзюнь менинг ишимни маълум овқат режимига бўйсундириб бўлмаслигини тушунди. Бунга у хурсанд бўлолмасди, албатта, аммо бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмади.

Ниҳоят, энди ишим юриша бошлади ва тез кунда эллик мингга яқин иероглифни таржима қилиб қўйдим. Энди таржимани стилистик жиҳатдан тузатиб чиқишгина қолган эди, шунда иккита бошқа кичик таржималарга қўшиб уни «Озодлик дўсти»га топшириш мумкин бўларди. Бу ишларим ёмон эмас, аммо овқат ғами мени илгаригича эзмокда эди. Овқатни совиб қолгандан кейин ейишим ҳам майли эди-ю, бироқ масаллиқ танқислигига учраб қолдик, вақти келиб оддий гуруч ҳам топилмай қоларди. Мен уйда ўтириб, эртадан кечгача ишлашимга қарамай, иштаҳамнинг ҳам мазаси қочган эди. Биринчи навбатда А-суйга овқат бериларди, баъзан ҳатто ўзимизга йўқ қўй гўшти унга едириларди. Цзи-цзюнь эса «кучук жуда озиб кетиб, оч арвоҳга ўхшаб қоляпти» деб ташвишланар эди. Мана шунинг ўзи уй бекасига биздан кулиш учун яхши баҳона бўларди. Цзи-цзюнь «унинг кулишига ортиқ тоқат қилолмайман» дер эди.

Жўжалар ҳам бошимизга бало бўлган эди. Узоқ ўйлаб, уларнинг турган-битгани зарар деган фикрга келдим.

Мен Цзи-цзюннинг назарида кучук билан жўжалар орасида ўртача бир ўрин тутаётганимни тушундим. Бу ҳолатим Гекслининг* «ер билан осмон оралигидаги инсон» деган таъбирининг ўзгинасини эслатади.

Узоқ баҳслашиб Цзи-цзюнни кўндирганимдан сўнг жўжалар аста-секин сўйилиб, энг яхши таом сифатида дас-турхонимизга кела бошлади. Биз А-суй билан бирга ўн

* Джон Гексли (1825—1895) инглиз табиатшунос олими. Ч. Дарвин билан ҳамкорликда ишлаган. (ред.)

кундан кўпроқ товук гўшти еб, маза қилдик. Бироқ жўжаларимиз ориқ эди, чунки уларга бир кунда бир неча чимдим дон бериларди, холос.

Энди анча тинчиб қолган эдик. Бироқ Цзи-цзюнь жуда маъюс юрарди, гўё уни ҳамиша бир оғир юк босиб тургандай, гапиришга ҳам хафсаласи қолмаган эди. «Инсон нақадар тез ўзгариб кетиши мумкин экан!», деб ўйлардим.

Тез фурсатда А-суйни боқишга ҳам дармонимиз қолмади. Менинг ёзган хатимга жавоб олишдан ҳам умид уза бошладик. Кучукни икки қўлини кўтариб тик тургизиш туғул, тўрт оёқда, даст тургизиш учун ҳам берадиган нарса йўқ эди. Бунинг устига яна қиличини судраб, қиш келмоқда эди. Печь ёқиш учун ўтин-кўмир ҳам мушкул бўла бошлади. Кучук боқиш биз учун сезиларлик оғир юк бўлиб, бундан сўнг уни ушлаб туришнинг иложи қолмади.

А-суйнинг бўйидаги тасмасига сотилади деган эълон осиб, уни бозорга, ибодатхона ёнига олиб бориш ва бир неча сариқ чақага сотиб келиш мумкин эди. Бироқ биз буни қилмадик, бундай қилишни хоҳламас ҳам эдик. Ахир бир кун унинг юз-кўзларига латта ўраб шаҳарнинг ғарб томонидаги харобазорга олиб бориб ташладим.

Кучук дарҳол ўрмалашга интилган эди, мен уни бир чуқурчага итариб юбордим.

Қайтиб келгач, уйимиз жимжит бўлиб қолганини сездим. Цзи-цзюннинг мурдага ўхшаб қолган ранги мени жуда қўрқитиб юборган эди. Уни бундай ҳолда ҳеч кўрмаган эдим. Бунинг ҳаммаси А-суйнинг азаси! Бўлмасамчи!? Мен кучукни чуқурга итариб юборганимни унга айтмадим.

Кечаси Цзи-цзюннинг қайғули юзида муздай бир қатъиятлик пайдо бўлди.

— Ажаб, нима бўлди сенга бугун, Цзи-цзюнь, — деб сўрадим чидолмай.

— Нима? — деди у, ва ҳатто менга назар ҳам ташламади.

— Юзингда....

— Ҳеч нарса... ҳечқиси йўқ.

Афтидан у мени тош кўнгил деб ўйласа керак. Чиндан ҳам, агар мен ёлғиз бўлсам, қисматим енгилроқ бўлур эди. Илгари мен мағрурланиб юқори табақадаги кишилардан таниш-билиш орттирмаган эдим, бу ёққа кўчиб ўтгандан кейин эса эски ошналарим билан ҳам учрашмай қўй-

дим. Ўзингда узоқ йўлни босиб ўтишга ва баланд чўққилар сари кўтарилишга етарлик куч ҳис этсанг, кўз олдингда дарҳол нотаниш кенг ва бепоён йўл очилади.

Аммо мен ҳозир бундай ҳаётнинг аччиғини фақат Цзи-цзюнь туфайли тотаётган эдим. Хўп, мен А-суйни чиқариб ташлабман, хўш шунга нима бўпти? Йўқ, Цзи-цзюнь менга паст назар билан қарай бошлади. Ўзи буни сезмас ҳам эди. Бир кун гап келиб қолиб, буни ўзига сездирдим. У тушунган бўлиб бош силкитди ҳам. Бироқ, афтидан у, ё ҳеч нарса тушунмаган, ёки менга ишонгиси келмаган эди.

Совуқ ҳаво ва бу совуқ муносабатлар мени таъқиб этарди, мен уйда ҳаловатимни йўқотдим, аммо қаёққа борай? Кўча ва паркларда Цзи-цзюнь билан бегоналашиб қолганимизни бир оз унутар эдим, бироқ муздай шамол баданин тешиб ўтгудай бўлиб, бир қават терим шилиниб кетаётгандай туюларди. Ниҳоят, мен халқ кутубхонасидан бошпана топдим.

У ерга билет сотиб олишнинг кераги йўқ эди. Ўқув залида иккита темир печь турибди. Гарчи буларга ёқилган кўмирнинг иссиғи аранг ўзидан ортса ҳам, ўша печларнинг ўзини кўриш биланоқ киши руҳан исиниб қолар эди. Кутубхонада ўқийдиган ҳеч нарса йўқ — эски китоблари титилиб кетган, янгиси жуда оз эди.

Мен у ерга ўқиш учун бормас эдим. Унда мендан бошқа яна ўн чоқли одам бўлар эди. Улар ҳам менга ўхшаб юпун — ёз кийимида китоб ўқиш баҳонаси билан исинишга борар эдилар. Менга кутубхона жуда маъқул жой бўлиб қолди. Кўчада юрганингда таниш-билишларни учратиш ва уларнинг нафратли кўз қарашларига тўқнашиш мумкин эди. Бу ерда эса бундай нохуш учрашувлардан бутунлай холи эдим, чунки ҳамма танишларим ё икки печка ўртасида, ёки ўз уйларида оқ кошинли печкалар ёнида иссиққина ўтирар эдилар.

Кутубхонада мен боп китоб бўлмаса ҳам, чуқур ўйга толишга имкон берадиган жимжитлик ҳукм суларди. Одатда мен ёлғиз ўз жойимга ўтириб олиб, ўтган ҳаёт хотираларини ўйлашга тушардим. Ана шунда мен қуруқ бир севгини деб, иккинчи бир кишининг ҳаётини мутлақо унутиб қўйган-лигимни англадим. Ахир, энг муҳими ҳаёт-ку. Инсон аввало яшаши керак, севги эса унинг ҳаётини безатади. Ҳаёт

учун курашмаган кишига барча йўллар берк бўлади. Мен ҳали қанот қоқишни унутганим йўқ, бироқ менинг қанотларим илгаригига қараганда анча заифлашиб қолган...

Хона ҳам китобхонлар ҳам аста-секин кўз ўнгимдан йўқолади, мана мен океаннинг даҳшатли тўлқинлари ўртасида юрган балиқчиларни, окопдаги жангчиларни, автомобилда кетаётган боёнларни, чет эл биржаларидаги чайқовчиларни, узоқ тоғлар ва қалин ўрмонлардаги қаҳрамонларни, кафедралардаги профессорларни, кеча маишат бозорлари ва тунги ўғриларни кўрмоқдаман...

Цзи-цзюнь!.. У ҳозир олисда. Унинг бутун шижоати йўқолган. У, ҳеч тинмасдан фақат кучуги А-суй тўғрисида қайғуради ва уй иши билан овора. Шуниси қизиқки, у кўп ориқлагани йўқ.

Кутубхонага совуқ туша бошлади. Печкада сўнгги кўмирлар милтиллар эди. Ўқув хонасини бекитиш вақти яқинлашди. Яна ўша Цзичжао кўчасига, совуқ муносабатли Цзи - цзюнь қошига қайтиш керак эди. Сўнгги вақтларда унинг муомаласида баъзан илиқлик ҳам пайдо бўлади, лекин бу менга бадтарроқ азоб беради. Эсимда, бир кун кечаси Цзи-цзюннинг кўзлари болаларники сингари чақнаб кетди, бундай чақнашни кўпдан бери кўрмас эдим. У жилмайиб туриб бизнинг ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси уйида кечирган турмушимизни эсга олган эди. Бироқ энди унинг юзида кўпроқ қўрқинч аломатлари ифодаланди. Менинг ҳам юзаки муомалаларим уни кўп шубҳаларга тушираётганини сезардим. Цзи-цзюнни бир оз тинчлатиш учун зўрма-зўраки кулиб гапириб туришим керак эди. Аммо кулгим ҳам, сўзларим ҳам қуруқ ва сохта эди. Сох-талиқдан туғиладиган жавоб ҳам, мен тоқат қилолмайдиган нафратли масхарабозлик сингари қулоқларим тагида хунук жарангларди.

Цзи-цзюнь ҳам, назаримда, буни сезарди. Бундай вақтларда унинг одатдаги тилсиз маъюслиги йўқоларди. Гарчи у ҳаяжон ва шубҳаларини яширмоқчи бўлса ҳам, барибир булар бирда эмас, бирда ошкора бўлиб қоларди. У менга бир оз юмшоқ муомалада бўла бошлади.

Мен у билан ҳасратлашмоқчи ва кўнгилдаги гапни очиқ айтмоқчи бўлардим-у, лекин бунга журъат қилолмасдим. Бир кун мен дадил туриб гап очмоқчи эдим, аммо унинг болаларча кўз қарашини кўриб бу ниятимдан воз кечишга ва унга қувноқ бўлиб кўринишга мажбур бўлдим. Бир

лаҳза ўтмаёқ руҳий вазминликни йўқотиб бу ишим учун ўзимдан кулдим.

Цзи-цзюнь яна ўтмишни эслай бошлади. У мени янгидан синаб, бу билан мени олдиндан ёдлаган кўпгина сохта ширин сўзларимни қайта-қайта такрорлаб қаллобларча жавоб бериб, уни юпатишимга мажбур қилмоқда эди. Бу тинчлантирувчи ёдаки сўзларнинг сохта ва ёлғонлиги менинг кўкрагимда қолар эди, тез фурсатда бу билан кўкрак қафасим шу қадар тўлиб кетардики, нафас олишим ҳам мушкуллашиб қоларди. Мудҳиш хаёлларга чулғаниб кетиб, мен ўз-ўзимга: ҳақиқатни айтиш учун чиндан ҳам жуда катта журъат керак экан, дер эдим. Агар ҳақиқат ўрнига ёлғон-яшиқ ва сохта гаплар билан ўзингни юпатиб юрар экансан, ҳаётингда ҳеч қандай янги йўл тополмайсан. Бу ерда эса янги йўлгина эмас, бу йўлни очадиган кишининг ўзи ҳам йўқ.

Бир кун ирталабки совуқда Цзи-цзюннинг юзида ранжиш аломати пайдо бўлди. Мен уни бундай қиёфада ҳеч қачон кўрмаган эдим, ёки менга ўзи шундай кўринаётганмикин. Мен фақат ўзимча заҳарханда қилиб кулдим. Ахир, унинг бутун ўткир ақли, чуқур ва жасур муҳоама қуввати бе-худага йўқолиб бораётганини ўзи ҳам сезмай қолмоқда. Цзи-цзюнь аллақачонлар китоб ўқишни йиғиштириб қўйган эди. Киши ўз ҳаётида биринчи навбатда яшаш учун кураш-моғи кераклигини ва бу курашда ё қўлни қўлга бериб бирга ёки дадил туриб ёлғиз бормоғи кераклигини у энди тушунмай қўйган эди. У юриб кетаётган кишининг эта-гига осилиб олганда энг жасур жангчининг ҳам ишини мушкуллашиб қолишини ва икковининг ҳам ҳалокати му-қаррар эканлигини билса кошки эди.

Мен бу азобдан қутулиш йўли фақат ажралиб кетиш деб билардим. Цзи-цзюнь бунга кўниши керак. Мен бир нафас унинг ўлимини ҳам хаёлимдан кечирдим, аммо шу онда пушаймон қилиб, ўзимни койидим. Бахтимга эндигина тонг отган, ҳали вақт эрта ва юрагимда тўлиб қолган ҳамма сўзларни кечгача унга айтиб олишим мумкин эди. Биз-нинг янги ҳаёт йўлимизнинг бошланиши мана шунга боғ-лиқ эди.

Мен жўрттага гап очиб, у билан бизнинг ўтмиш ҳаёти-миз тўғрисида, адабиёт, чет эл ёзувчилари ва уларнинг «Нора» ва «Денгиз хотинлари» номли асарлари ҳақида сўзлаб кет-дим. Норанинг мустаҳкам иродалилигини мақтадим...

Булар ҳақида ўтган йили ҳамшаҳарлар уюшмасининг эски уйида ҳам кўп марта гаплашган эдик. Аммо энди гапларимда сохталик жаранглар эди. Мен оғзимдан чиққан гапларимни ўз қулоқларим билан эшитарканман, гўё кўзга кўринмас бир безори бола орқа томонимдан келиб, ғазаб ва истехзо билан мени гиж-гижлаб тургандай туюларди.

Цзи-цзюнь мени қунт билан тинглаб бош силкитиб турди, бу билан у гўё айтган гапларимни маъқуллар эди. Сўнг у жим қолди. Мен ҳамон сўзламоқда эдим, охириги сўзларим беҳуда кетди.

— Ҳа, тўғри... — деди у бир оз жим тургач. — Хўш, Цзюань-шэн, сезишимча, сўнгги вақтда сен жуда ўзгариб кетдинг. Ўзи нима гап? Тўғрисини гапир.

Гўё бошимга биров бир мушт ургандай бўлди, аммо дарҳол ўзимни тутиб, ҳамма гапни бир йўла айтиб олдим: ҳалок бўлишимизнинг олдини олиш учун янги йўлни қандай бошлаш, янги турмушни қайси хилда қуриш кераклигини гапирдим.

Ниҳоят, бутун куч-иродамни йиғиб яна шундай дедим:

— Лекин сен ҳеч нарсани ўйламай олға қараб дадил бормоғинг мумкин. Сен менинг тўғри гапиришимни хоҳлаган эдинг, чиндан ҳам инсон тўғри кўнгилли бўлиши керак. Ҳақ гапни айтяпман, мен ўзгариб кетдим, бу тўғри, чуқки... энди сени ортиқ севмайман?! Аммо бу сен учун яхши. Тариқча ҳам қайғуриб ўтирмасдан ишлашинг мумкин.

Бу гапдан у довдираб қолар, ҳўнграб юборармикин деб ўйлаган эдим, йўқ, у узоқ жим қолди. Унинг юзи бирдан мурдадай кўкариб кетди, бироқ тез фурсатда ҳушига келиб юзига қизил югурди, кўзлари эса болаларники сингари чақнади. У ҳар томонга кўз югуртирди, худди оч ва чанқоқ гўдак чор атрофга термулиб меҳрибон онасини излагандай кўринарди. Аммо Цзи-цзюнь кўзини мендан олиб қочар, бўшликка тикилар эди.

Мен ҳам унга қарай олмасдим, эрталабки изғирин шамолга қарамай, кутубхонага йўртиб қолдим.

У ерда «Озодлик дўсти» журнаlinesи варақлаб ўтириб, ўз таржимамга кўзим тушиб қолди. Бу тасодифдан ҳатто чўчиб тушдим. Ҳаётда жуда йўл кўп-ку, аммо ҳозирги йўл билан бориш сира мумкин эмас деб ўйладим.

Кўпдан бери ўлик-тиригидан хабарим бўлмаган ошналарим олдига қатнай бошладим. Мен уларникига бир-икки марта бордим. Албатта уларнинг уйлари иссиқ эди, лекин менинг суяк-суягимдан совуқ ўтиб кетди. Одатда кечалари

музхонадек уйимда чувалчанг сингари ружанак бўлиб ётардим..

Совуқнинг ўткир ниналари меннинг бутун вужудимга қадалиб кириб гангитиб қўйди. Ҳар ҳолда ҳаёт йўллари кўп, мен ҳали қанот қоқишни унутганим йўқ, деб ўйлардим. Тўсатдан яна унинг ўлими ҳаёлимга келди, аммо шу онда пушаймон қилиб ўзимни койидим.

Халқ кутубхонасида ўтирган маҳалимда янги потаниш йўл тез-тез кўз олдимга кела берди. Цзи-цзюнь ҳамма гапни узил-кесил англаб олади ва шу музхона сингари совуқ уйдан ҳеч ранжимасдан ва нафратланмасдан жўнаб қолади. Мен шу қадар енгил тортиб қоламанки, ўзимни фазода сузиб юрган кичкина кўк булут деб ҳис қиламан. Юқорида — ложувард осмон, пастда эса — баланд-баланд тоғлар, бепоён денгизлар, катта-калон саройлар, жанг майдонлари, автомобиллар, чет эл биржалари, данғиллама уйлар, ёруғ нур ичидаги шовқинли шаҳарлар, қоронғи кеча... Ҳаёлимда ўзимни шу янги ҳаётда нафас олаётгандек сезардим.

Ниҳоят биз учун азоб ва машаққатли бўлган Пекин қиши тугади. Биз шўх ва тантиқ болаларнинг қўлига тушган тилла қўнғизга ўхшар эдикки, улар бу қўнғизларни ипга боғлаб олиб то ҳолдан тойиб ерга йиқилгунича завқ билан қийнайдилар. Қўнғизлар мажолсиз, ерда судралиб қолади, агар тирик қолганда ҳам энди учолмай, ўз ўлимини кутиб ерда ўрмалаб юради.

Мен «Озодлик дўсти» журналининг бош редакторига уч марта хат ёздим ва ниҳоят, жавоб олдим. Конвертга бор-йўғи биттаси — йигирма, иккинчиси — ўттиз фэнлик* иккита чек солинган эди. Мен бўлсам тагин шошилиб ярим оч кишининг бир кунлик овқатига ярайдиган тўққиз фэнлик марка ёпиштириб юборган эканман. Яна меҳнатим бекор кетиб, умидим пучга чиқди.

Мана энди мен кўпдан кутиб юрган воқиа ҳам рўй берди.

Қиш кетиб, ўрнига баҳор келмоқда. Шамол энди илгаригидай совуқ эмас. Мен аввалгидай шаҳарда санқиб юриб уйга қош қорайганда қайтаман. Бир куни худди шундай кечки қоронғи тушган пайтда жуда диққат бўлиб уйга қайтган эдим. Эшикни кўриб юрагим увишиб кетди. Беихтиёр қадамимни секинлаштирдим. Уй ичи зим-зиё қо-

* Ф э н ь — тийин.

ронғи эди. Гугурт чақдим — теварақ - атроф жимжит!
Мен гангиб қолиб таппа тўхтадим. Худди шу пайт
дераза орқасида уй бекасининг овози эшитилди.

— Бугун Цзи-цзюннинг отаси келган эди, уни олиб
кетди, — деди у бепарвогина.

Бу кутилмаган воқиа эмас. Мен шундай бўлишини би-
лардим. Ўзим ўйлагандай бўлиб чиқди. Худди биров ел-
камдан ураётгандай жимгина серрайиб тура бердим.

— У ҳам кета бердими? — деб сўрадим бир оздан кейин.

— Ҳа, кета берди.

— У... у ҳеч нарса айтиб кетмадимми?

— Йўқ, ҳеч нима демади. Фақат сиз келганда унинг
кетганлигини сизга айтиб қўйишимни илтимос қилди.

Мен ишонмадим. Аммо уй ичи одатдан ташқари жимжит
ва ҳувиллаб ётар эди. Мен беихтиёр Цзи-цзюнни излаб ҳар
томонга кўз югуртириб чиқдим, бироқ бир неча ялтиратиб
тозаланган эски кострюлкадан бошқа ҳеч нарса кўринмас
эди. Лампа ёруғида улар гўё ўз ялтираши билан менга
сиздан ҳеч нарса яширолмаймиз дегандай бўлар эди. Сўнг
мен бирон хат ёки бир парча қоғоз ёзиб қолдиргандир деб
у ёқ-бу ёқни ахтариб кўрдим. Ҳаммаси бир жойга ихчам
қилиб йиғиштириб қўйилган туз, ун, қуритилган гаримдори,
ярим бош карамдан бошқа ҳеч нарса топмадим. Уларнинг
ёнида йигирма-ўттиз чақа ётарди. Бизнинг биргаликда яшаб
ортдирган бор-йўқ бойлигимиз шу эди. Энди бунинг
ҳаммасини тантанали равишда менинг якка ўзимга гўё
«очингдан ўлма» деб қолдириб кетган эди.

Ҳамма нарса мени эзиб уйдан қуваётгандай туюлди.
Сапчиб ҳовлига чиқдим. Чор атрофимни зулмат ўраб олди.
Уй эгаларининг қоғоз тутган деразаларидан лампанинг
ёруғ нури тушиб турарди. Уй ичида ёш бола билан ўйнаш-
ганлари ва кулги овози эшитилиб турибди. Мен ҳушимга
кела бошладим. Шу мусибат ичида мен четлаб юрган йўл
ғира-шира кўз ўнгимдан ўтмоқда: баланд тоғлар, катта-катта
кўллар, чет эл биржалари, электр чироғидаги дабдабали
зиёфатлар, окоп ва хандақлар, қоронғи зулмат кечалар,
ўткир қилич зарбалари, оҳиста қадамлар ва ҳоказо...

Юрагим бўшаб, анча эркин нафас олгандай бўлдим.
Чуқур хаёлларга толдим. Янги йўлга ўтиб олиш учун
керак бўладиган харажатларни ўйладим ва бирдан қаттиқ
уф тортиб юбордим.

Кўзимни юмиб ётиб, кўпдан ўйлаб юрган келажак ҳаётимни кўз олдимга келтирдим. Ярим кечага бориб, барча ҳаёллар тугади. Дафъатан қоронғиликда хилма-хил нознеъматлар кўз олдимга келди. Сўнг Цзи-цзюннинг мурдадай кўкариб кетган юзлари қоронғилик ичидан чиқиб келди. Унинг болаларча чақнаган кўзлари менга ачиниб таъна билан тикилар эди. Кўзимни очиб юборган эдим, бир лаҳзада ҳамма нарсa ғойиб бўлди.

Кўнглим тағинам эзилиб кетди. Нега яна бир неча кун сабр қилмадим, бу ҳақиқатни унга шунчалик шошиб, узил-кесил қилиб гапиришнинг нима кераги бор эди? Энди Цзи-Цзюнга ҳамма гап маълум. Энди у забардаст ва ўжар отаси ҳукми остида қолишини ҳам билади, одамлар энди унга ёмон кўз билан қарайдилар, бунинг устига ўзи ёлғизликда яшайди. Бунинг ҳаммаси — ёлғизлик, умидсизлик юкини орқалаш, бутун ҳаётида ота зулми остида эзилиш ва бегоналарнинг таҳқирига чидаш жуда даҳшатли эди. Ҳаёт йўлининг охири эса машъум гўристонлик.

Унга тўғрисини гапирмаслигим керак эди. Илгари биз бир-биримизни севар эдик. Мен ҳамиша ёлғон - яшиқ гаплар билан уни овутиб юришим лозим эди. Агар Цзи-цзюнни қадрлар эканман, унинг теварагини мудҳиш зулмат билан ўрамаслигим шарт эди. Ахир, ёлғончилик ва сохталик ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган қора зулмат-ку.

Агар Цзи-цзюнга ҳақиқатни гапириб берсам, у ҳеч қайғурмасдан, ранжимасдан қатъиятлик билан ўз йўлидан мардонавор кета беради деб ўйлаган эдим. Ахир у бир вақтлар мен билан бирга ҳаёт қуришда ҳам худди шундай жасурлик кўрсатган эди-ку. Бироқ, энди янглишган эканман. Унинг у маҳалдаги жасурлиги ва фидокорлигига менга бўлган муҳаббати сабаб бўлган эди.

Мен мунофиқлик, ёлғончилик юкини кўтариб юришга ожизлик қилиб унинг бўйнига аччиқ ҳақиқат юкини ортган эдим. У эса мени севганлигидан бу юкнинг оғирлигига, ота зулмига, бегоналар таҳқирига чидашга рози бўлиб мендан кетди.

Энди унинг ўлимини ўйладим... ва ўзимни энг қўрқоқ, энг разил киши деб билдимки, бундай кишиларни, улар хоҳ ростгўй, хоҳ ёлғончи бўлсинлар, иродаси кучли кишилар ҳамма жойдан ҳайдаб юборишлари керак. Ахир у бошидан менга умид боғлаган, мен билан гўзал ҳаёт қуришни орзу қилган эди-ку...

Хувиллаб қолган жимжит Цзичжоу кўчасини энди мен тарк қилишим керак эди. Цзи-цзюнь яна ёнимда бўлиши учун бу ердан кетсам бўлгани эди. Жуда бўлмаганда биз бир шаҳардамиз-ку, ахир бир кун у қўққисдан ҳамшаҳарлар ўзаро ёрдам уюшмасининг уйидаги сингари мени кўргани келиб қолар.

Мен суриштириб юриб ва хат ёзиб ҳеч қандай жавоб ололмадим. Энди фақат битта кўпдан бери кўрмаган эски танишимга боришим қолди. У ёшлигида менинг катта амаким билан ҳамтовоқ яқин оғайни бўлган киши. У Пекинда кўпдан бери яшайдиган обрўли одам, таниш-билишлари ва кўп жойлар билан алоқаси бор. Балки эгни-бошим йиртиқ-юпунлигидан бўлса керак дарвозабон мендан ҳазар қилгандай совуққина назар ташлади. Унга ялиниб-ёлвориб, кўп хўрлик ва машаққат билан танишим уйига аранг кириб олдим. Ошнам мени зўрға таниди, бироқ рўйхуш бермади. Менинг ўтмишим унга батамом маълум эди.

У менинг бирон жойга кетиб ишлайдиган хизматга жойлаштириб қўйиш тўғрисидаги илтимосимни тинглаб туриб, бепарволик билан шундай деди:

— Албатта, бу ерда қолишинг мумкин эмас, аммо қаёққа борасан? Ҳм... жуда оғир... Сенинг ҳалиги... ким эди... Ўртоғинг Цзи-цзюнь ўлган-а? Буни биласанми?

Мен шундай ҳаяжонга тушдимки, гўлдираб гапиролмай қолдим.

— Ростданми? — шивирладим ниҳоят ҳушсиз.

— Э-ҳе. Албатта рост. Менинг қариндошим Ван Шэн улар билан бир қишлоқдан бўлади.

— Хўш, нима бўлиб ўлибди.

— Ким билади? Ишқилиб ўлган — вассалом.

У билан қандай хайрлашганим ва ўз уйимга қандай етиб келганимни эслай олмайман. Биламанки, у ёлғон сўзлайдиган киши эмас. Демак, Цзи-цзюнь энди ҳеч қачон келмайди. Гарчи у ёлғизлик, умидсизликнинг оғир юкларига, ота зулмига, бегоналар таҳқирига чидашга рози бўлган эса-да, энди қайтиб келмайди. Унинг тақдирини мен очиб берган аччиқ ҳақиқат ҳал қилган, у бегоналар қўлида кўз юмган.

Албатта мен бу ерда қололмайман, аммо ўзимни қайси гўрға урай?

Чор атроф ҳувиллаб ётибди, ҳамма ёқ поёнсиз бўм-бўш, қабристон сукути ва ёлғизлик. Севмаган кишилар ўртасида

Ўлиш даҳшати менинг кўз ўнгимда равшан гавдаланди, қўлоқларимда эса, умидсизлик нидоси ва сўниб бораётган айрилиқ фарёдлари жаранглайди.

Мен ҳамон бирон тасодиф ва номаълум бир янгилик кутардим. Аммо соатлар, кунлар ўта берди, ёлғизлик билан қабристон сокинлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Мен уйдан чиқмайдиган бўлиб қолдим. Кўпинча чексиз жим-житликда ўтирар, ёта берар эдим. Қабристон сукунати билан ёлғизлик ич-ичимни тирнаб кетди. Мен бунга қарши курашганим ҳам йўқ. Жимжитлик билан ёлғизлик баъзан ўз даҳшатидан титраб қақшаб ўзи қочар ва унинг ўрнини яна қандайдир бир тасодиф ва кутилмаган бир янгилик орзуси эгаллар эди.

Бир кунги эрта билан офтоб чиқмаган, ҳаво булут, олам қоронғи эди, уйда бир нарсанинг шарпаси ва пишқиргани эшитилиб қолди, кўзларим олайиб атрофга термула бошладим. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Бирдан ориқ чалажон, бошдан-оёқ лойга ботган, кичкина бир махлуқни кўриб қолдим. У, эркалагандек ерда гир айланар эди.

Мен яқинроқ келиб, синчиклаб қарадим, тўсатдан юрагим шувиллаб кетди.

Бу А-суй эди, у қайтиб келган экан.

Менинг Цзичжао кўчасидан кўчиб кетишимга уй эгалари ва хизматқорларининг менга нафрат билан қарашлари эмас, кўпроқ мана шу кучук А-суй сабаб бўлган эди. Аммо қайси гўрга бориш кераклигини билмас эдим. Ахир ҳаётда янги йўллар кўп-ку; буни мен билар ва тахминан кўз олдимга келтирар ҳам эдим, бироқ ишни нимадан бошлаш керак?

Узоқ ўйлаб-танлаб кўрсам, бирдан-бир йўл — ҳамшарҳарлар ўзаро ёрдам уюшмаси қолган экан. Яна ўша нураб турган эски уй билан чорпоё, қурий бошлаган акация дарахти билан печак гул. Аммо илгари менга қувонч, ҳаётга муҳаббат ва умид бағишлаб турадиган ҳамма нарса энди сўнган эди. Уларнинг ўрнига менинг ҳақиқатим маҳсули бўлмиш бўшлиқ ва маъносиз ҳаёт қолган эди.

Мен кириб кўрмаган янги йўллар ҳали кўп, шуларнинг бирини танлашим керак, чунки мен тирик жонман. Бироқ биринчи қадамни қандай босишни билмайман.

Баъзан гуё бу нотаниш йўлни кўраётгандай бўламан. У худди катта оқ илонга ўхшаб эгилиб-буралиб менга қараб жадал ўрмалаб келади. Мен кутаман, унинг яқинлашиб ке-

лишини кутиб тураман, аммо у қўққисдан қоронғиликка сингиб кетади.

Эрта баҳор, ҳали ҳам кечалар узун эди. Мен ёлғизликда узоқ ўтирдим-да, кўчада тасодифан учраб қолган дафн маросимини эсладим: олдинда ҳайкаллар ва қоғоздан ишланган от олиб ўтмоқдалар, орқасидан қўшиқ сингари бўғиқ йиғи, марсия овози эшитилади. Уларнинг донишмандлигига энди тушундим. Бу нақадар оддий ва осон иш.

Кўз олдимга Цзи-цзюннинг дафн маросими келиб тўхатади. У узун оқ йўлдан якка-ёлғизлик жабрини тортиб бормоқда, ана бирдан отасининг оғир зулми ва атрофдагиларнинг совуқ назари остида ғойиб бўлди.

Оҳ! Арвоҳ ва дўзах деган нарсалар мавжуд бўлса эди, рўзи маҳшарда мен Цзи-цзюнни топган ва унга ўз пушаймонларим, қайғу-ҳасратларим тўғрисида сўзлаб берган бўлар эдим. Ундан илтимос қилиб кечирим сўрардим. Агар у гуноҳларимни афв этишни хоҳламаса майли, даҳшатли дўзах ўтлари ўзимни ҳам, сўнги пушаймонларимни ҳам, қайғу-аламларимни ҳам куйдириб кул қилиб юборсин.

Дўзах ўтининг алангасида мен Цзи-цзюнни қучоғимга олиб ундан афв сўрайман ёки уни хурсанд қилиб...

Лекин бу фикрлар менинг янги ҳаёт йўлимдан ҳам бадтарроқ пуч эди. Ҳозир менинг эрта баҳорим кечалари, ва улар шунчалик узун кечалар... Мен тирикман, ахир мен нотаниш янги йўлга биринчи марта қадам ташлашим керак-ку. Биринчи қадам, бу — ўз пушаймонларим ва қайғу-ҳасратларимни ёзиш, Цзи-цзюнь ҳақида таъзиянома ёзишдир.

Мен фақат узоқ вақт марсия ўқиб, кўз ёшларим билан оҳ-фарёд чекиб Цзи-цзюнни қабристонга узатишим мумкин ва уни мангулик қабрига дафн қила оламан, холос.

Мен ҳамма гапни унутмоқ истайман. Ўз ҳаётим учун Цзи-цзюннинг мавҳум дафн маросимини ортиқ ўйламоқчи эмасман.

Мен янги ва нотаниш йўлдан биринчи қадам ташламоқчиман. Мен ҳақиқатни яраланган қалбимнинг чуқур жойига яшириб қўйиб, ҳой-ҳавас ва сохталик гирдобиди жимгина илгари бормоқчиман.

1925 йил 21 октябрь.



ЛУ СИНЬ

МУХТАРАМ ФИЛОСОФ ГАО



угун, эрталабдан тушга қадар, у ўзининг жамики бўш вақтини ойнага қараш, «Хитой тарихи дарслиги»ни варақлаш ва «Юань Ляофаннинг қўлланмаси»ни титиш билан ўтказди. У тўсатдан шундай кайфиятга тушдики, жамики ўқиган нарсалари уни шу топда қаттиқ ҳаяжонлантирар эди. Демак «Билимдон бўлдинг — бошингни ғам билан ташвишга қўйдинг», деб чакки айтмаган эканлар-да. Шу чоққача у ҳеч бир бундай кайфиятга тушмаган эди.

Аввалига у ота-онам ўз болаларининг тарбияси ҳақида унчалик жон куйдирмаганлар деб ўйлади. Болалигида тутнинг тепасига чиқиб олиб, яшириқча тут емоқдан бўлагини ёқтирмас эди. Бўлак эрмаги йўқ эди. Афсуски, бу ҳол унинг ота-онасини қитдай ҳам ташвишлантирмас эди. Бир куни у тутдан йиқилиб тушиб, бошини ёрганида ҳам ота-онаси ярани тузатиш тўғрисида ғамхўрлик қилмадилар. Шундай қилиб унинг чап қоши устига умрбод қоладиган ямоқ тушди. Ана шу чандиқ туфайли у сочларини ўстириб юрадиган бўлди. Ҳарна бўлса-да, бу чандиқни бировлар кўриб қолмасин деб, у тўғри фарқ очиб, ўсиқ соч-

ларини қошлари устига тушириб юрадиган бўлди. Қўйингки, бу ямоқ унинг ҳуснига жуда каттакон доғ бўлди. Борди-ю, фалокат босиб, бунни гимназисткалар сезиб қолгудай бўлсалар нима бўлади, нақ унга қарамай қўйишади-ку. Шундан кейин, у «Хитой тарихи дарслиги»ни тузишда муаллимларни мутлақо эътиборга олмаганлиги учун тузувчидан хафа бўла бошлади. Дуруст, дарсликнинг баъзи жойлари «Тарихий альманах» га мос тушсада, лекин бир талай ҳолларда, улар бир-бирларига зид турар эдилар; тафовутлар шу қадар кўп эдики, муаллим буларнинг ҳаммасини бир махражга жамлай олмасди. У дарсликка солиб қўйилган қоғозни кўрар экан, ўзидан олдинги тарих муаллимини, яъни ўша курсни ярмида ташлаб кетган гимназистни маъжос эсга олди. Қоғозда: «Саккизинчи бобдан», яъни «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокатидан бошлаш керак» деб ёзиб қўйилган эди.

Агар собиқ тарих муаллими Уч подшоликлар даврини ўқитмаганда эди, дарсга тайёргарлик кўришда у бугунгидек қийналмаган бўлар эди. Яхшиси ўша Уч подшоликлар даврини айтиб бериб қўя қоларди, вассалом. Шу топда унинг ўй - хаёли шафтолизорда уч қаҳрамон биродарлик иттифоқини қандай қилиб тузганлари тарихи билан Чжугэ Лян ёй ўқлари билан таъминлаш чораларини топгани билан, Чжугэ Лян Чжоу Юйни қандай қилиб уч марта ғазабини қўзғатгани билан, Динцзюнь тоғида Хуан Чжун Ся Хоу-юанни қандай ўлдиргани воқиалари ва ҳоказолар билан банд эди. Ҳатто мана шу воқиаларнинг ҳаммасини юзаки айтиб чиқиш учун ҳам унга бир семестр камлик қилар эди. У Тан давридан эса Цинь Цюнь ўзининг қаҳрамон отини сотиши воқисини яхши билар эди. Худди атайлаб қилгандай унга Шарқий Цзинь сулоласидан бошлашга тўғри келганлигини айтмайсизми. У жаҳл билан бир нимани пўнфиллади-да, «Тарихий альманах» ни ўзига яқин тортиди.

— Ана холос, қизларни узоқдан томоша қилганинг етмагандай энди нақ гулзорнинг ичига кириб олмоқчи бўл-ляпсанми-а?

Биров унингелкасидан қўлини ўтказиб, бағбақасини қимтиса ҳам у миқ этмай ўтирарди. Товуши ва қилиғидан бу киши унинг эски ошнаси ва яқин улфати Хуан-Сань эканлигини пайқади. Бундан бир ҳафтагина олдин улар бир-галикда мацзян ўйнашга театрларга борган, кайф аралаш қизларнинг кетидан эргашиб юрган эдилар. «Юқори та-

бақа қизлари» гимназиясиға тарих фанидан дарс бериш учун таклиф қилинишига сабабчи бўлган «Ватан тарихини тузатиш — Хитой граждaнларининг бурчидир» деган мақоласи «Дачжунжибао» газетасида босилиб чиққан кундан буён у Хуан-Санни назар-писанд қилмай қўйди ва уни паст киши деб ҳис эта бошлади. Бу мақола баъзй бир адабиётчиларга ҳам маъқул тушган эди.

— Бекорга вайсама. Мен дарсга тайёрлaнaнпман...

— Лао-бо, фақат гимназисткаларни томоша қилиб юриш учун муаллим бўлмоқчиман деган сен эмасмидинг?

— Сен унинг бекорчи вайсашига ишонаверма-да.

Хуан-Сань столга яқин ўтирар экан, ойна билан бир тўда китоблар ўртасида турган қизил қоғозга ёзилган таклифномани кўриб қолди. У қоғозни шартта олди-да, кўзларини катта-катта очиб, ундаги ҳар битта сўзни суқланиш билан ўқий бошлади.

«Муҳтарам философ Гао Эр-чуни гимназиямизнинг тарих фани муаллимлиги вазифасига ҳурмат билан таклиф этамиз, ҳафтасига тўрт соат дарс ажратилади. Ўтказилган дарсларнинг миқдорига қараб, ҳар бир соат учун кумуш юан ҳисобидан ўттиз маодан ҳақ тўланади.

Лутфан қилган таклифимизга комилona ишонч ҳосил қилишингизни истаб:

Хотин-қизлар гимназиясининг директори *Хе Вань-шу*.

Хитой республикасининг 13-йиллиги.

9-ойи, 3-кунн.

Хуан-Сань сабри чидамай сўради:

— Муҳтарам философ Гао Эр-чу? Бу ким ўзи? Ёки сен ўзингмисан? Отингни ўзгартирдингми, нима балo?

Гао такаббуруна илжайиб қўйди. У чиндан ҳам отини ўзгартирган эди. Лекин бу ҳақда фақат маъзян ўйнашнигина билган, ҳанузгача на бир янги фан ва на бир янги санъат билан қизиққан Хуан-Сань билан гаплашиб ўтиришни ўйламаган эди ҳам. Улуғ рус ёзувчиси Гаоэрцизи* тўғри-

* Философ Гао ўз донишмандлигини кўрсатиш мақсадида улуғ рус ёзувчиси Горькийга бўлган ҳурмати эвазига ўзи учун Гао Эр-чу деб ном танлади. Хитойчада Гаоэрцизи Горький сўзининг маъносини билдиради. Бу отларнинг ҳар иккала охириги бўғини (Чу ва Цзи) хитойча иероглифларнинг синоними бўлиб, чу — пой-девор, цзи — базис демакдир.

сида ҳеч нарсa билмаган киши отни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган каттакон ишнинг маъносига қаёқдан етсин? Гао Эр-чу яна такаббурона илжайди-да, чурқ этмай ўтираверди.

— Ҳай, Гань у ёқ-бу ёғингга қараб иш қилсанг-чи. Бу нима қилганинг. Ўйлаган ўйингдан дарров қайт! — деди Хуан-Сань таклифномани столга қўя туриб. — Биргина ўша эрлар гимназиясининг борлиги етмасмиди. Битта шунинг ўзи ҳам барча урф-одатларимизнинг оёқ ости қилинишига сабаб бўлди. Энди битта камимиз хотин-қизлар гимназияси очиш қолувдими! Бунинг оқибати нима бўлади-ю, нима қўяди! Буни тасаввур қилиш қийин. Ўзингни чалғитиб нима қиласан! Қилаётган ишинг овора бўлганингга арзимаيد...

— Наҳотки, сен айтгандек бўлиб қўя қолса. Бундан ташқари, Хэ хоним мenden ўтиниб илтимос қияпти, менинги илтимосига йўқ дея олмайман, — деди Гао, жаҳли чиқиб ва шу билан бирга сабри чидамасдан. Бунга сабаб биринчидан, Хуан-Саннинг мактабларга ҳамла қилиши бўлса, иккинчидан, у соатга қараб дарровгина икки ярим бўлганлигини кўргани ва дарснинг бошланишига фақат ярим соатгина вақт қолганлиги эди.

— Бўпти! Бу ҳақда бошқа гапирмаймиз, — Хуан-Сань гапни бўлак ёққа бурди. — Кел, бўлмаса, жиддийроқ нарсалар тўғрисида гаплашайлик, — деб давом қилди у. — Бугун кечқурун бизникига келасан. Қизиқ бир ҳангома қилмоқчимиз. Биласанми нима, Масцзян қишлоғидан Мао цзи-фунинг катта ўғли келибди. У бу ерга авлиё. Янги гўр қазишга жой танлаш вазифасини топширишга келган. Унинг ёнида икки юз юан кумуш пули бор. У билан бугун кечқурун қимор ўйнашга келишиб қўйдик. Ўйновчилар: мен, Лао-бо ва сен бўламиз, холос. Албатта келгин, хўпми? Темирни қизиғида босиб қол. Учамиз бир бўламиз-да, уни роса адабини берамиз.

— Лао-Гань, яъни муҳтарам философ Гао ҳам бир нималар деб гулдиради.

— Бизникига келишингни эсингдан чиқариб қўйма. Ҳозир бориб Лао-бо билан ҳам гаплашиб қўяман. Ҳар кунгидек меникида йиғиламиз. Бу нодонбачча инидан энди-гина учирма қилинган. Биз уни албатта, роса шип-шийдам қилиб жўнатамиз. Дарвоқе, мацзянингни менга бир бериб қўй, сеники янгироқ,

Муҳтарам философ столдан оҳиста туриб, кроватининг бош томонига борди ва у ердан маъзян солинган қутини олиб, Хуан-Санга узатди. Соатга қараса, вақт йигирма минути кам уч бўлибди. «Қандай бўлмасин, Хуан-Сань яхши одам, — дилидан ўтказди у, — лекин ўқитувчи бўлганлигимни била кўра туриб, менинг олдимда мактабни ҳақорат қилиши ва дарсларга тайёрланаётганимда менга ҳалақит бериши одобдан эмас».

— Майли, бу ҳақда кечқурун тағин гаплашамиз, энди ишга боришим керак, — деди у совуққина.

У «Тарихий альманах» га маъюс боқар экан, дарсликни олиб, уни яп-янги портфелига жойлади ва янги шляпасини кийди-да, Хуан-Сань билан бирга уйдан чиқди. Гао Эр-чу кўчадан тез юриб борар экан, унинг елкаси дурадгорнинг пармасидек дам кўтарилиб, дам пасайиб борарди. Дам ўтмай у Хуан-Саннинг кўзидан ғойиб бўлди.

Муҳтарам Гао гимназия биносига кириб, ўзининг яқиндагина босмадан чиққан визит карточкасини букчайиб қолган дарвозабонга узатди. Бир оздан кейин уни киришга таклиф қилишди. Гао дарвозабон кетидан борар экан, коридор бўйлаб икки марта бурилгач, айна замонда қабулхона сифатида фойдаланилувчи муаллимлар бўлимига етиб келди. Гимназия директори ҳам етиб келди. Уни оппоқ соқолли илмий бўлим мудир, машҳур Вань Яо-фу кутиб олди. Вань Яо-фунинг «Жавоҳирлар султони, мулозимларнинг мулозими мушки анбарлар хўжаси», деган лақаби ҳам бор эди.

Унинг ўлмас парилар бўлмиш саҳоватли хотин-қизларга бағишлаб ёзган шеърлари кун кечагина «Дачжун-жибао» газетасида босилиб чиққан эди.

— Э, хуш келибдилар муҳтарам философ Гао! Кўпдан бери ўзлари билан танишмоқни орзу қилиб юрар эдим.

Вань Яо-фу уни табриклар экан, иккала қўлини кўкрагига қўйиб, беш-олти марта таъзим қилди. Шу билан бирга жойига чўккалаб ўтирмоқчи бўлди.

— Ҳурматли Вань! Мен ҳам ўзлари билан танишмоқни орзу қилиб юрган эдим! — деди муҳтарам философ ва унга жавобан портфелини қўлтиғига қисганича худди ўшандоқ такаллуф билан таъзим қилди.

Улар бир-бирларини иззат-ҳурмат қилиб чўкка тушишди. Скелетга ўхшаган новча хизматкор чой ўрнига икки пиёла қайноқ сув келтириб қўйди. Муҳтарам Гао осма соатга қаради. Вақт эндигина йигирма минути кам уч бўлган эди.

— Сизнинг буюк асарингиз, мухтарам философ Гао, ҳалиги... оти нимаиди... а, ҳа, ўша — «Ватан тарихини тузатиш... тўғрисида»ги машҳур асарингиз ҳақида қанча гапирсак ҳам оз. Гапирган сари, гапиргинг келади. Уни қанча ўқисанг, шунча ўқигинг келади, яна қандай денг, ҳамиша зўр иштиёқ билан ўқийсан, киши... Бу зотан ёш кишилар учун намуна бўларли бир иш... Менинг ўзим ҳам садағангиз кетай, адабиётни астойдил севаман. Лекин бу ишга менинг унчалик уқувим йўқ. Уни-бун эрмакка ёзиб тураман. Лекин икки дунёда ҳам ўзимни сиз билан тенг қўёлмайман, жаноб Гао! — У яна қўлларини кўксига қўйиб, бир неча марта таъзим қилди, сўнгра овозини пасайтириб, давом қилди: — Бу ёқларда, биз томонларда, ҳар кун саҳоватли маъбуданинг буюк ҳимматлари қаршисида ибодат бўлиб туради. Бунда каминангиз ҳам тез-тез иштирок этиб турадилар. Балки, келгусида ўзлари ҳам бунга мушарраф бўлурлар... Биз маъбуда билан суҳбатлашиб-турамиз. Унинг жавобларидан шу нарсани англаса бўладики, у ердаги нарсаларни ҳавас қилганлиги сабабли осмондан қувиб юборилган. У машҳур кишилар билан гурунглашишни жуда яхши кўради ва янги оқимларга хайрихоҳлик билан қарайди. Мана сизга ўхшаган, мухтарам философ Гао, олимларга-чи, у жон-дили билан илтифот кўрсатади. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! — кулди у.

Мухтарам Гао ўз суҳбатдошининг сафсаталарини тинглашга кўпам орзуманд эмас эди. «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокати» тарихига оид озгина маълумот ҳам шу топда унинг хаёлидан кўтарилган эди. Уни ваҳима боса бошлади.

У шулар ҳақида ўйлар эди: «Лекция ўқиётганда ўзни жиддий тутиш лозим; манглайидаги ямоқни кўрсатмасликка ҳаракат қилиш керак; дарсликни ўқиётганда шошмаслик керак, қизларга қаттиқ туриш керак, лекин хайрихоҳ бўлиш ҳам керак...»

Вань Яо-фунинг айрим сўзлари унга аранг эшитиларди.

— ...унга сув ёнғоғи келтиришди... У маст ҳолатида Цинь-Луань деган сеҳрли ажойиб қушга миниб олиб, мовий осмонга кўтарилди... Бу жуда ҳам соз... Мен бундан ҳам баландроқ нарсани билмайман... Жаноб Дэн маъбудага беш марта ибодат билан мурожаат қилган. У ана шундан кейингина мукофотланган. Ҳар бир сатрида бештадан иеро-

глиф катталигидаги станслар* билан... «Қирмизи енги билан Сомон йўлини елпиди...» «инжулар маъбудаси, дей. диларки...» Биз томонларга биринчи марта келишингиз... у... анави-чи мактабимизнинг ботаника бурчаги.

— Шундоқ денг! — жавоб қилди мухтарам философ Гао ўзидаги пала-партиш фикрлардан қутулиш ниятида. У суҳбатдоши қўлларини чўзиб дераза ортидаги алланималарни кўрсатаётганини сизди. Ўша ёққа қараган эди, беш-олтита дарахтли бир ҳовлини ва ундан нарида томлари текис ёпилган бир уйни кўрди.

— Мана улар бизнинг мактаб синфларимиз, — давом қилди Вань Яо-фу қўли билан кўрсатиб.

— Шундоқ денг!

— Бизнинг толибаларимиз жуда одобли қизлар. Дарсдан ташқари вақтларда нуқул тикиш ва қўл ҳунари билан шуғулланадилар.

— Шундоқ денг! — Яна хаёл паришонлик билан деди мухтарам философ Гао. Вань Яо-фу мана ҳозир гапдан тўхтар ва у наридан бери бўлса ҳам «Шарқий Цзинь сулласининг равнақи ва ҳалокати» тарихига доир баъзи бир маълумотни эсга олиш имкониятига эга бўлар деган умидда эди.

— Қизларимиз орасида, афсуски, шеър ёзишни ҳавас қиладиганлари ҳам бор. Бу истисно қилинадиган иш, албатта. Ислоҳотлар наф келтирадилар-а, лекин ҳамма қизларнинг ҳам шеър ёзишига йўл қўйиб бўлмайди. Хотин-қизларнинг саводхон бўлишларини маъбуданинг ўзи ҳам кўпам мақбул кўравермайди. У ҳисоблайдики, бу нарса кўпдан буён яшаб келаётган урф-одатни бузади, эр билан хотин ўртасидаги табиий муносабатларни поймол қилади. Маъбуда ўйлайдики, осмон хотин-қизларнинг саводхон бўлишларини рағбатлантира олмайди. Биз бу ҳақда унинг билан анчагина гаплашиб олганмиз.

Мухтарам философ Гао тўсатдан столдан сапчиб туриб кетди. У қўнғироқ овозини эшитган эди.

— Йўқ-йўқ! ҳали ўтира туринг. Бу дарсдан чиқишга чалинган қўнғироқ.

— Ҳурматли Вань, менинг назаримда, сизнинг хаёлингиз жуда бандга ўхшаб кўринади. Менга эътибор бермаслигингизни сўрай эдим...

* — Тугал маъноли шеър.

— Йўқ-йўқ! Асти ташвиш қилманг! Мен ҳозир бутунлай бўшман. Дарвоқе, мен хотин-қизларнинг саводхон бўлишлари замонамизнинг руҳига ва жаҳондаги барча тараққийпарвар манфаатларга мос келади деб ўйлайман. Аммо-лекин, бу соҳада қиттак хатога йўл қўйиш, мутлақо кутилмаган оқибатларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Балким, «Худого мақбул эмас» деган сўзларнинг тагида ҳам бу ишда эҳтиёткорликнинг бутун чораларини қўлланиш лозим деган маъно ётгандир. Зиммаларига мана шундай ишлар юклатилган кишилар чекланиб қўйилмасликлари лозим. Бундай кишилар, мен сизга айтсам, кечаю кундуз омма орасида яшашни, миллий шавкатимизни юксалтиришдан иборат сўнгги мақсадимиз сари интилишлари керак. Ана шунда ҳеч қанақа фалокат юз бермайди. Нима дедингиз, мулоҳазаларим тўғрими? Менинг бу фикрларимни ҳатто маъбуданинг ўзи ҳам диққатга сазовор фикрлар деб ҳисоблайди. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, — Вань Яо-фу кулди.

Мактаб хизматкори уларга яна бир пиёладан қайноқ сув қуйганда қўнғироқ чалинган эди. Вань Яо-фу ўз суҳбатдошининг қайноқ сувдан икки қултумгина бўлса ҳам ютишини илтимос қилди, кейин жойидан оҳиста туриб муҳтарам философ Гаони ботаника бўлими орқали синфга бошлаб борди.

Гаонинг юраги тезроқ ура бошлади. У кафедра олдида таёқдек донг қотиб турар ва олдинда бир тўда пахмоқ бошлардан бўлак ҳеч нарсани кўрмас эди. Вань Яо-фу халатининг кенг енгидан бир варақ почта қоғозини чиқариб уни ёйди-да, дам-бадам муҳтарам Гаога гапира бошлади.

— Мана бу киши янги муаллимингиз Гао бўладилар, тўлиқ номлари Гао Эр-чу. Бу киши атоқли олимдир. Бу кишининг «Ватан тарихини тузатиш — Хитой гражданининг бурчидир» деган мақоласи билан ҳаммангиз танишиб чиққансиз, албатта. Муҳтарам философ Гаонинг улуғ рус ёзувчиси Гаоэрцзини ниҳоятда қадрлаши тўғрисида «Дачжунжибао» газетаси хабар берган эди. Шу сабабдан ўша ёзувчига бўлган ҳурматини ва унинг билан маънавий ҳамжиҳатлигини кўрсатмоқ учун жаноб муаллим Гао ўзига Эр-чу деган номни танлаган. Жаноб Гао Эр-чу номининг матбуотда пайдо бўлишини адабиётимиз учун буюк бахт деб биламиз. Жаноб Гао гимназиямизнинг бошлиғи Хэ хонимнинг лутфан қилган илтимосларини рад қилмади ва сизларга тарих фанидан дарс беришдек машаққатли ишга бел боғлади.

Бу пайт мухтарам философ Гао ўзини ёлғиз ҳис эта бошлади. Жаноб Вань Яо-фу синфдан чиқиб кетган эди. У бўлса кафедра олдида ҳамон таёқдек донг қотганича турар эди. Нима ҳам қиласан, дарсни бошлаш керак! У таъзим қилди-да кафедрага кўтарила бошлади. Нафасини энди ростлаб, жиддий ва салобатли бўлиш ҳақида олдиндан ўйлаган ўйлари эсига тушар экан, китобни оҳиста очиб «Шарқий Цзинь сулоласининг равнақи ва ҳалокати» тўғрисида гапира бошлади.

Тўсатдан унга бировнинг «пиқ-пиқ» кулаётгани эшитилган эди, мухтарам философни тер босиб кетди. У китобга тикилар экан, унда нимаики ёзилган бўлса, шунини тушунтираётганлигига ишонч ҳосил қилди. Гап нақ ўша «Шарқий Цзинь сулоласи давридаги ҳокимиятсизлик» ҳақида борар эди: у кўз қири билан гимназисткаларга қаровди, кўзига тагин ўша ғимир-ғимир қилаётган бир тўда бошлар кўринди. Лекин ташвишлантирадиган ҳеч бир нарсаси йўқ эди. Унинг назарида биров кулаётгандек бўлиб туюлган эди-да. У мана шундай қарорга келиб, лекцияни давом қилдираверди. Даставвал у дарслик юзасидан гапирган гапларига диққат қилди. Бу пайт унинг миясидаги бор нарсалар аралашиб кетиб, нима деяётганлигини ўзи ҳам тушунмасди. У дудуқланар, мавзулар эса аралаш-қуралаш бўлиб кетарди. Лашкарбоши Ши Лэннинг улуғвор планлари ҳақида гапириб турувдики, бировнинг кулиб юборганлигини энди барала эшитди.

Ана шу пайт Эр-чу беихтиёр талабаларга боқар экан, мутлақо ўзга манзарани кўрди. Эндиликда бутун синф кўзларга ва ўрталаридан бурунчалар туртиб чиққан кичкинтой уч бурчак юзларга тўлиб кетган эди. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, мавж урган бепоён денгизни эслатарди. Ана шу бепоён денгизда товланиб турган нур унинг кўзларини қамаштира бошлади. Сўнгра бир зумдаёқ бу манзара олдинги манзара билан алмашиб, бутун синф тагин ўша бирқанча паҳмоқ сочлилар билан тўлиб кўринди.

У синфдан кўзини узар экан, шундан кейин кўзини китобдан асти узмасликка қарор берди. Лекин бу кўпга ҳўзилмади. Китобдан бўлак жойга қарашга мажбур бўлганда эса, шифтга тикилар эди. Шифт оқ-сарғиш тусда бўлиб, ўртасида нақшин доира бор эди. Кўзи шу доирага тушар экан, у гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб айланаётгандек эди. Энди унинг кўзларини қоронғилик босди. «Борди-ю,

тўғрига қарасам мени ҳалиги даҳшатли кўз-бурунлар еб қўяди, — деб ўйлади у. — Яхшиси китобга қараб қўя қолай». У шунисини маъқул кўрди. Уни ваҳима босиб, адашиб кетди ва Фэйшуй дарёсида бўлган жанглардан гапира бошлади. Ана шу воқиядан кейин, жангда дабдаласи чиқиб, тумтарақай бўлган лашкарбоши Фу Цзяннинг кўзига кўкат ва дарахтлар ҳам ёв бўлиб кўринганлигини гапириши керак эди.

Муҳтарам философ Гао жуда кўп қизларнинг оҳиста-оҳиста кулаётганлигига эндиликда шубҳа қилмас эди. Лекин қанчалик оғир бўлмасин бардош беришга, қанчалик мушкул бўлмасин гапни давом этдиришга аҳд қилди. Назарида анчагина нарсани ўқиб қўйгандай бўлди-ю, лекин ҳамон кўнғироқдан дарак йўқ эди. Борди-ю, қизлар сезиб қолсалар, бадтарроқ кулишади, деб соатга қарашга юраги бетламас эди. У Тоба князлигининг тез суръатлар билан юксалганлигини ўқиб чиқди. Шундан кейин «Олтин давлатнинг ривожланиши ва емирилиши»га доир жадвал келар эди. У бунга тайёрланмаган эди. Шу сабабли бу ҳақда гапирмоқ фойдасиз эканлигини англади.

У бирпас ноиложликдан жим туриб қолди, кейин тўсатдан деди:

— Сиз билан биринчи марта учрашганлигимиз сабабли, шунинг билан дарсни тамомлашга рухсат бергайсизлар...

У бошини силкитиб қўйди-да, кафедрадан тушиб, синфдан чиқиб кетди. «Ҳа-ҳа-ҳа!..

Ҳозиргина кўзига кўриниб турган бурунлар эндиликда унинг орқасидан «қаҳ-қаҳ» ураётгандек туюларди. У ботаника бўлими орқали муаллимлар хонасига қараб мастлардек зипиллаб бораётган эди, тўсатдан бошига алланиманинг қаттиқ текканини сизди. Бу ҳол уни чўчитиб қўлидан тарих дарслигини тушириб юборди. У бир-икки қадам кетига тисарилиб олдига қараган эди, барглари ҳамон силкиниб турган эгри дарахтнинг шохини кўрди. У китобни олай деб энгашганда ерга қоқиб қўйилган тахтачага кўзи тушди. Тахтачада: «Тут дарахти. Тутчилик бўлими» деб ёзиб қўйилган эди.

Қизларнинг қийқириқлари муҳтарам философ Гаога ҳамон эшитилиб турар эди. Бошининг чақа бўлган жойи оғириса ҳам бу ерни ушлашни ўзига эп билмасди. Ҳозир у фақат биргина нарсани, у ҳам бўлса тезроқ муаллимлар хонасига етиб олишни истарди.

Муаллимлар хонасида, аввалгидек, қайноқ суви билан икки пиёла турарди. Лекин ҳалиги скелетга ўхшаган қотма мактаб хизматкори йўқ эди. Жаноб Вань Яо-фу ҳам қаёққадир чиқиб кетган эди. Ярим қоронғи хонада унинг портфели ва шляпасигина ялтираб кўринарди, холос. Осма соат йигирмата кам тўртга борган эди.

Муҳтарам философ Гао уйга қайтгандан кейин ҳам хийла вақтгача ўзига кела олмади, ўзини сира босиб ололмади. Ниҳоят у, ростдан ҳам мактаблар ахлоқни бузаркан, яхшиси уларни тамомила ёпиб қўйиш керак, деган хулосага келди. Хусусан хотин-қизлар мактабини ёпиш керак. Улардан нима фойда? Қуруқ савлатидан бошқа нарсаси йўқ.

«Ҳа-ҳа...» овозли кулги унинг қулоғида ҳамон жаранглаб турарди. Бу ҳол уни тагин ҳам асабийлаштирар экан, муаллимчиликдан бўшаш ҳақидаги қарорини тобора кучайтирарди. Оёғида касаллик борлиги сабабли муаллимликни ташлашга мажбур бўлганлигини баён этиб, бугун кечқуруноқ гимназия бошлиғи Хэ хонимга хат ёзади, албатта. Борди-ю уни бўшатмасалар-чи, унда на чора? Йўқ, йўқ, у энди зинҳор, у ёқларга бормайди, Хотин-қизлар мактаби қандай натижага олиб келиши ҳали номаълум. Бунақа бетайин ишларга аралашиб эсини ебдими? Муҳтарам Гао шу ўйларга борар экан, «Тарихий альманах»ни бир ёққа, ойнани иккинчи ёққа зарб билан суриб қўйди.

У Хэ хонимнинг таклиф қоғозини тахлаб қўйди. Энди-гина ўтирмакчи бўлувди, нима учундир таклифнома ёзилган қоғознинг қизиллиги унинг жигига тегаётгандек туюлди. У таклифнома билан тарих дарслигини тортмага солиб қўйди.

Энди ҳамма нарса жойида. Столда ойнадан бошқа ҳеч нарса қолмаганидан кўз қараб чарчамас эди. У гўё жонини бир бурдасидан ажралгандай, ҳамон ўзига келмаганди. Лекин муҳтарам Гао бунинг сабабини дарҳол тушунди. У қизил бандли фетр шляпасини кийди-да, тўппа-тўғри Хуан-Санникига равона бўлди.

— Муҳтарам философ Гао Эр-чу келдилар!—барала деди Лао-бо.

— Вайсамасангчи-е, — деди Гао қошларини чимириб, ва Лао-бонинг бошига бир туширди.

— Хўш, дарсларни қандай ўтказдингиз, яхшими? Жонончалардан бор эканми? — деб Хуан-Сань унга саволлар ёғдира бошлади.

— Мен бундан буён муаллимчиликни йириштириб қўймоқчиман. Бу хотин-қизлар гимназиясининг охири нима бўлади-ю, нима қўяди, бир нарса дейиш қийин. Шу сабабдан бизга ўхшаш жиддий кишилар бунақа ишларга ўзимизни уринтириб ўтиришимизга арзимайди.

Уйга Маонинг катта ўғли кириб келди. У йўгон ва семизлигидан канага ўхшарди.

— Эҳ-ҳа, қачонлардан буён танишмоқни орзу қилган эдим!

Хонада табрик овозлари авжига чиқиб, чўққайиб ўтиришлар билан сертакаллуф таъзимлар бошланиб кетди.

— Таништирмоққа ижозат бергайсизлар. Мана бу киши кеча сизга айтганим жаноб Гао Ганьтин, — деди Лао-бо Маонинг катта ўғлига мухтарам философ Гаони таништираар экан.

— Эҳ-ҳа, шундоқми, бу киши билан жон-дилим билан танишаман, — деди Мао ва қўлларини кўксига қўйиб мухтарам философ Гаога бир неча бор таъзим қилди.

Уйнинг чап бурчагида тўрт бурчак стол турар эди. Хуан-Сань қўл ишоралари билан меҳмонларни табриклар экан, хизматкор аёл билан креслоларни жой-жойинга қўйиб, ютуқларни санаш учун фишкаларни ҳозирлай бошлади. Столнинг тўртала бурчагига ингичка мум шам ёқиб қўйилди. Шу зайлда тўртала ўйинчи ҳам жой-жойини эгаллади.


Улар чурқ этмасдан ўйнар эдилар, фақат қизил сандал столга суяк доначаларнинг тақиллаб урилганлиги эшитиларди, холос. Жуда эрта бошланган тун сукунатида бу тақиллашнинг ўзи ҳам қаттиқ эшитиларди.

Мухтарам Гаонинг кайфи дурустлашди. Лекин ҳали ҳам юрагида аллақандай бесаранжомлик ҳоким эди. Унинг хотираси эса бошқаларникидан яхши эмас эди. Аммо ижтимоий урф-одатларнинг аҳволи ҳақидаги ташвиш уни ҳамон мижиғлаб турар эди. Унинг олдидаги фишкалар уюми ортиб бораётган бўлсада, кўнгли очилмас ва хурсанд бўлмасди.

Замонлар ўзгариб, бу каби урф-одатлар ҳам ўзгарар ва шунда, эртами ё кеч, бу одатлар, муқаррар, яхшилиққа томон ўзгарганлигини ҳис этасан, киши. Вақт ярим кечадан оғган эди. Иккинчи ўйин ҳам тугай деб қолганди. Бу пайт энг ютонғич кузир доначалар бирлашмаси Гаонинг олдига йиғилган эди.

1 май, 1925 йил.





ГО МО - ЖО

ХАНЬГУ ҚОПҚАСИ*

оронғи зимистон Ханьгу тепасида саратон қуёши аланга сочарди. Дарвоза оғзини қўриқлаб турувчи тошдан ясалган икки феникс ва қоровулхона томининг тепасига қўндирилган ёғоч балиқлар гўё жазирама иссиқдан нафаслари бўғилаётгандек эди.

Дарвоза ёнида оқ тераклар қаторлашиб турарди. Уларнинг катта-катта барглари шамолда силкиниб, қуёш нурларида жилваланар, кўкатлар орасида чигирткалар маъюс чириллашарди. Теварак-атроф иссиқдан ёнар, терак остидан бошқа салқин жой йўқ эди. Бу ерда белигачаяланғоч, мункиллаган қари чол — дарвоза қоровули осмонга қараб ётарди. Унинг қуриб қолган новдага

* Ханьгу қопқаси — Шанши ўлкасидаги бир дарадир Ривоятларга қараганда шу дарада Хитой файласуфи Лао-цзи бир қора ҳўкизга миниб ўтган ва ғарб тарафда ғойиб бўлган. Лао-цзи ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик юзасидан вужудга келган фалсафий-диний-мистик таълимот бўлган даосизмнинг асосини қурувчи киши ҳисобланади. Урта асрларда идеалист файласуфлар тарафидан бузилган даосизм бутунлай реакцияга хизмат қиладиган бўлиб қолди ва ҳар қандай динга ўхшаб, у ҳам меҳнаткашларнинг синфий норозиликларини бўғишни ўзига мақсад қилиб олди. Го Мо-Жонинг ҳикояси шу динни шоҳқилишга қаратилган

ўхшаган чайир қўллари кўкрагида қовуштирилган, кўринишига қараганда ҳурпайиб кетган сочларига ва кигизга ўхшаб кетган соқолига кўпдан бери тароқ тегмаган эди. Агар ўнг қўли хира пашшаларни қўриш учун тинмай қимирлаб тургани демаса, чолни кўрган киши, офтоб уриб ўлган гадойининг мурдаси ётибди деб, ўйларди. Кўзлари ярим очиқ чолнинг боши тагида ёстиқ ўрнига бамбук тахтачалари* турарди.

Тўсатдан чолнинг қулоғига қандайдир товуш эшитилди. У бошини кўтарди ва ғудурлади:

— Оҳ... яна оёқ товуши!... Шундай кун қизигида дарранда ҳам инидан чиқмай ётади, фақат одамлар санқиб юради холос, дўзах ўтини ҳам парво қилишмайди.

Чол ўрнидан турди ва эринибгина керишди.

Шу вақт тўсидан унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлди, отнинг тақасига ўхшаган каттакон буқоғи пуфакдек кўпчиб, шишиб, бармоқлари терак япроқларидек титради.

— Дань! Сенмисан, муҳтарам Дань!**

— Мен, қария! Мен!

Бу хитоблар ҳар икки томондан ҳам бир вақтда айтилди; бу ажойиб чоллар бир-бирларига қарши отилишиб, худди икки қуриб қолган печакдек, қаттиқ чирмашиб қучоқлашиб кетишди.

Дўстлар бир-бирларини қучоқларидан бўшатмай анчагача сиқиб туришди, ниҳоят, Дань кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетган юзини кўтарди.

Унинг соқоли ва қошлари бутунлай оппоқ, қопқа посбониникидан ҳам оқроқ бўлиб, юзи эса анча қорайиб кетган эди. Қошларининг ўртасида бошига тушган мусибатларнинг белгиси бўлган рам ажинлари, пастки қовоқларининг териси халтум-халтум бўлиб осилган, чаккаларида қийинчилик билан ўтказилган йилларнинг ва ҳорғинликнинг излари кўриниб турар эди. Пешонаси билан бурни офтобдан қорайиб кетган. Елкасидаги чопони қирқ ямоқ, бошидаги эски қолпоғи чангга ботиб кетган. Ҳаммадан ҳам ажойиб Даннинг қўлидаги сиқимлаб туриб турган қора ҳўкиз думи эди.

* — Қоғоз ва чўтка ижод қилинганга қадар хитойлар китоб ва бошқа ҳужжатларни бамбук тахтачаларига ўйиб ёзар ва уларни тартиби билан ипга тизиб қўйишарди.

** Дань — ёки Ли Дань — Лао-цзиннинг исмларидан биттаси бўлиб қадимий адабий-фалсафий ёдгорликлардан бўлган «Даодацзин»нинг автори ҳисобланади.

Ниҳоят қучоқларидан бир-бирларини бўшатишиб, қўл ушлашиб бориб, теракнинг соясида ўтиришди. Олдин қопқа посбони гап бошлади:

— Эй, донишманд Дань, бу қанақаси бўлди? Ахир сен яқиндагина бошингни олиб, Ханьгудан ўтиб кетган эдинг-ку...

— Эй қария, — паст овоз билан жавоб берди Дань, — сабр қил, ҳаммасини сенга батафсил айтиб бераман... Лекин бугун ҳанузгача туз тотганим йўқ. Бир қултум сув билан ейдиган бирор нарсанг бўлса бер, дўстим.

Бу гапни эшитган посбон ирғиб ўрнидан туриб, уйдан бир қувачада сув ва уч-тўртта зоғора нони олиб келди. Шу орада донишманд, посбонга ёстиқ бўлиб хизмат қилувчи китобни олиб ўқий бошлади.

— Ўҳ-ҳ-ҳ-ў... — хўрсинди у, ниҳоят. — Ўзимдан ўзим уялиб, кетяпман. Бу «Дао Дэ-цзин» китобимни ёндириб юборган бўлсалар яхши бўлган бўлар эди.

— Китобни нега ёндирар эканмиз? — деб сўради ҳайрон қолган посбон, донишманднинг олдида нонларни қўя туриб. — Сен ўз асарингни менга ташлаб кетганингдан бери, уни жонимдан ҳам азиз кўрадиган бўлиб қолдим. Мен бу китобдан бир нафас ҳам ажралмайман. Уни ўқир эканман, бу жазирама ва ёвузлик олами гўё йўқолиб кетади-ю, хаёлимда бошқа бир олам пайдо бўлади. Шунда бутун вужудим билан роҳат қиламан. Руҳим чириган тананинг кишанларидан қутулиб, туғилишдан бурунги фонийликнинг маҳфий ҳолатига қараб талпинади. Уни кундуз кун иқсам, қуёш ўрнини ой эгаллайди ва унинг нури шундай майин, мулоим бўлиб қоладики, беихтиёр болалик кунларимдаги онамнинг кўзлари эсимга тушиб кетади. Агарда китобингни кечқурун мутолаа қилсам, шу кеча тун ик бўйи ухлаёлмай чиқаман. Қулоғимга юлдузларнинг шодлик тароналари эшитилади, кўзимга Самовий дарёда* чўмилаётган тўда-тўда малоникалар кўринади. Мана бу кумушсимон оқ тераклар кўзимга мафтун этувчи табассум билан менга тикилиб турган гўзаллардек, уларнинг нафас олишлари болдан ҳам тотли туюлади... Донишманд Дань, китобни ўқир эканман, шу поёнсиз олам жуда ҳам кичкина уруғчадан ўсиб чиқадиган бир нилуфардек туюлади. Бу нилуфарнинг хушбўй иси ажойиб нағма-наво бўлиб қуюлади ва унинг ранглари эса бутун оламни босиб кетади. Ер ҳам, само ҳам,

* Осмон дарёси (Тяньха) ёки кумуш дарёси (Йингха) деб хитойлар «Сомон йўли»ни айтишарди.

ҳамма ёқ муаттар бўлади, гўзаллик, муҳаббат, ҳаёт билан тўлиб кетади! Аммо одамлар эсимга тушиши биланоқ қувончларим сўнади ва мен нилуфарнинг жигарида қуртлар пайдо бўлганлигини ва уларнинг камолатга етган гўзалликни кемириб-ямлаб маҳв қилаётганларини кўраман. Шу дамда мен, қутурган бир тошқинга айланиб, кишиларнинг ҳаммасини босиб кетмаганимга аччиғланаман. Мен худди ёввойи ҳўкиздедек одамларга ташланиб, топтаб, ҳар томонга улоқтириб, эзгилаб ташламоқчи бўламан, лекин... пешонамдан шох ўсиб чиқмаганига хафа бўламан. Эй... донишманд Дань, ҳўкиз дегач эсимга тушди. Сенинг мағрибга кетишда миниб кетган қора ҳўкизинг қаёқда қолди?

Бу орада донишманд, қопқа посбонини фасоҳат билан нутқ сўзлашга қўйиб бериб, ўзи кулчаларни бирма-бир буркаб оғзига тиқиб, зўр иштаҳа билан ер, қувачадаги сувдан ҳўплаб-ҳўплаб ўтирарди. Ноннинг ярми ейилиб бўлганда, Дань бир оз ёзилди.

— Ҳа, — деди донишманд — ҳаётнинг энг яхши ҳузур-ҳаловати, албатта, емоқ-ичмоқликда. Эй менинг қора ҳўкизим. Жонини мени деб қурбон қилган бечора қора ҳўкизим!.. Сен қора ҳўкизни сўраяпсанми, қария? Эссиз, эссиз! Афсуски шундай асл жонивордан қолган нарсаси мана шу...

Донишманд қора ҳўкиз думини силкитиб қўйди.

— Нима бўлди ахир, Дань? Ёки йўлда сени бирор қароқчи тунаб кетдимиз? — ҳайрон қолиб сўради ҳўкиз думига эндигина кўзи тушган посбон.

Донишманд қолган нонни кавшаб сувдан ичди-да, шошилмасдан гапира бошлади:

— Бундай бўлди, қария... Мен Ханьгу тоғи йўлидан ўтиб кетаётган вақтимда, бутун қалбим ва хаёлларим билан жимжит биёбонга интилардим. Мен, одамзоднинг оёғи етмаган даҳшатли, сокин биёбонни кўриш орзусида қанчалик куйиб ёнардим! Қора ҳўкизга миниб олиб жазирама офтобда, гармселнинг тафтида мен кечаю кундуз тинмай юриб борардим. Ниҳоят манзилга, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган ерга етиб бордим. У ерда поёнсиз сап-сарик қумдан бошқа умуман ҳеч нарсаси ҳам йўқ: на бир бутоқ, на бир кўкарган ўт, ва на бир қатра сув бор. Бечора ҳўкизим. У узоқ йўлга бардош бера олмади. Қумга зўрға етиб бориб, ҳорғинликдан ётиб қол-

ди. Икки кунгача унга қараб юрдим, аммо қўлимдан нима ҳам келарди? Учинчи куни ҳаром ўлди... Мен-чи!? Мен ким бўлиб чиқдим? Эй чол! Мен разил бир тамагир бўлиб чиқдим. Ҳа! Разил тамагир! Гарчанд мен ўз китобимда ҳақиқатнинг ҳаққонийлиги, камолатининг комиллиги ҳақида қанчадан-қанча дабдабали сўзларни қалаштириб ташлаган бўлсам ҳам, пасткаш бир тамагир бўлиб чиқдим. Мен бир вақтлар воқеликда сезиш ва билиш мумкин бўлган яхшилик — яхшилик эмас деб, сени ишонтирган эдим. Энди менга равшан бўлдики, мен яхшилик деб айтилган нарсанинг жуда ҳам оз бир қисминингина тушуниб олган эканман. Мен шунга ишонган эдимки, агарда мен тўғри йўлдан чиқсам ҳамма нарсага эришаман, чунки қинғирликнинг ўзида тўғрилиқ бор. Зулмат ичида нур топаман дебоқ кўриб-билиб туриб ўзимни кўрликка солардим. Мен, оғирлик — енгилликнинг илдизи, турғунлик эса, ҳаракатнинг боши деб ўйлардим, шунинг учун мен куни бўйи юриб ўз юкимни енгиллатишга уринмаслигим билан фахрланардим. Мен биронта катта манфаатни кўзласам, кишиларга арзимас фойдаларни кўрсатиб, уларни ўзимга мойил қилардим. Агарда мен янги балиқ емоқчи бўлсам, уни ҳовузда боқардим. Мен пасткаш одамман, менинг китобим ҳам бахт-саодат ва сохта яхшилик ҳақидаги таълимотдир. Ҳаммага ўзимни энг буюк, фавқулодда киши қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, мағрибга қараб йўлга чиқиб эдим. Мен адашибман! Остона ҳатлаб, ташқарига чиқмай туриб дунёни таниб бўлмайди. Мен тасвир қилган биёбон, ҳақиқий, чинакам биёбонга ҳеч бир ўхшамайди. Чинакам биёбонга мен кўп машаққатлар чекиб эришдим, йўлда қора ҳўкизимдан жудо бўлдим, сал бўлмаса жонимдан ҳам жудо бўлай дедим. Мен ҳаётнинг энг буюк бахт эканлигини илгаридан ҳам билар эдим-у, шундай бўлса ҳам, қинғир кўнгиллик билан «тана—жафо чекишгагина сабаб бўлади,» деб тарғиб қилардим. Мен каззобман! Мен мутаҳамман! Ҳўкизнинг бошига ҳам мен етдим!

Қари файласуф борган сари ўз чечанлигидан руҳланиб вайсар экан, посбон оғир сукутга чўмиб ўтирар, унинг ғамгин юзи худди қора булут қоплагандек маъюс эди.

— Ҳа! — Ҳаяжонланиб давом этди донишманд. — Ҳўкизнинг ўлими мени инсофга киритди. У менга тарки дунё қилиш ярамаслигини ўргатди. Мен энди кимки дунёни тарк этса, ўз жонини ҳам тарк этган бўлишлигига қаноат

ҳосил қилдим. Ҳақиқат ва камолат ҳақида сафсата сотиш ва номардларча биёбонга қочиб чиқиб кетишнинг ўрнига авом билан бирга бўлиб, бир тупгина шоли майсасини ўтқизган ва бир дона буғдой бошоғини ўстирган яхшироқдир. Эй менинг устозим ва пирим қора ҳўкизи! Сен менга таълим бердинг, энди сенинг думинг мен учун «Дао Дэ-цзин»нинг беш минг сўзидан кўра беш минг марта қадрлироқдир! Гапларимга тушундингми дўстим!..

Лекин посбон ҳамон индамас ва унинг қош қовоғи борган сари осилиб борарди.

Шу орада донишманднинг томоғи қақраб кетди. У энг сўнгги нонни еб, кетидан сув ҳўплади. Қўлига томган сув томчисини силкитиб ташлаб, қувачани посбонга қайтариб берди-да, таскин берадиган бир тарзда ҳўкиз думини елпий бошлади.

— Сендан жуда миннатдорман, қария. Мени меҳмон қилиб қорнимни туйғазганингдан кейин кўнглимда шундай роҳат, шундай лаззат пайдо бўлдики, гўё қурбонлик маросимини тугатгандек, гўё баҳорни кута-кута унга етишгандек бўлдим... Мана шу қувачадаги покиза сув ва мана шу нонлар кишига шунчалик лаззат бахш этиб турса-ю, қандай қилиб киши қувонмай тура олади ахир! Э қария, бир вақтлар сени алдаб юрганимдан жуда хижолатдаман, алвон-алвон ранглар кўзни сўқир қилади, товушлар қулоққа зарар етказади, таом киши табиатини ҳаром қилади деб юрардим. Нега ахир, ранглар кўзни кўр қилиб, товуш қулоқни гаранг қилсин-да, таом кишига зиён қилсин? Бўлмаган гап! Кўзлар кўриш учун, қулоқлар эшитиш учун, оғиз ейиш учун ато қилинган! Мана бу рангларнинг ажойиблигини қара: дарадаги қўнғир-қизил тошлар, зумрад рангли дарахтлар, нилигун осмон, кўзни қамаштирадиган оппоқ булутлар!.. Мана шуларнинг ҳаммаси кўзга фараҳбахш эмасми? Ҳозир эшитилиб турган, чигирткаларнинг чириллаши — қулоқларга ҳузур бермайдими? Мен буларнинг ҳаммасини кўряпман, эшитяпман, аммо кўр ё кар бўлганим йўқ-ку. Мен покиза сувдан ичиб, нонларни едим, буларнинг қандай роҳат эканлигини энди биламан! Агарда мен буларни емаган, ичмаган бўлсам, кекса юрагим уришдан тўхтаб қолган бўларди.

Шундай, ўз вақтимда мен жуда кўп бемаъниликларни қилдим. Мен ўз вужудимни турли азоб-уқубатларга ду-

Чор қилиб, кўр, кар, там билмайдиган бўлиб қолишим
 мумкин эди. Кўзим рангларни, қулоғим товушларни фарқ
 қилишдан, оғзим тамни сезишдан қолишини хоҳла-
 ган эдим. Мен энг яхшиси гўрга кириш, фақат ўлиш
 деб ўйлаган эдим. Йўқ. Алдаганман, разилона ёлғон айт-
 ганман! Ахир мен далилларимнинг манбаи сўқирларча
 мағрурланиш, ўз-ўзини севиш эканлигини билар эдим.
 Ҳар доим мен, ўзимнинг тубан, ифлос манфаатимни қан-
 дай олий эҳсонлар билан, яхшиликлар пардаси билан
 қопласам ҳам, фақатгина ўз хусусий фойдамни кўзлаб
 ҳаракат қилардим. Эй, мен энди қандай аччиқ пушаймон
 қилаётирман-а! Мен аччиқ сабоқ олдим, ҳам чин кўнг-
 лимдан тавба қилаётирман! Биёбонга интилиш билан мен
 ҳаммага ўзимнинг жуда ҳам пок бир зот эканлигимни
 кўрсатишни мўлжаллаган ва шу билан ўзимга жуда катта
 фойда ортдирмоқчи бўлган эдим. Ҳўкизимдан ажрала-
 ман, кекса жонимни аранг қутқариб келаман деб ўйла-
 ганми эдим? Энди таъзимини еб, тавба қилаётирман!
 Бу сабоқни менга устозим, қора ҳўкизим ўргатиб қўйди.
 Мана шу сабабдан унинг думи менга «Дао Дэ-цзин»даги
 беш минг сўздан кўра беш минг марта қадрлироқдир.
 Оҳ!.. Устозим, қора ҳўкизи! У ўз ҳаётини мен учун, разил,
 пасткаш бир тамагир учун фидо қилди. У икки кунгача
 қумнинг устида кўз ёшларини оқизиб, менга мўлтиллаб
 қараб ётди. У озиқ сўрарди. Аммо эриб турган мисдек
 яллиғланиб турган осмоннинг тагида, темирчининг ўчо-
 ғидек қизиб алангаланиб турган ерда, менинг ўзим ҳам
 тирик қолишдан умидимни узган бир вақтда, унга қа-
 рашга чамам ҳам келмас, у тўғрида ўйламаёқ қўйган эдим.
 Тўғрисини айтганда, у учинчи куни ҳам тирик бўлган
 бўлар эди-ю, аммо... Мен, мен ўзим ўлдирдим уни! Мен
 ташналикдан, очликдан қийналиб ўлар эдим, бунинг
 устига очкўз шайтон «бунинг қонини сўриб, чанқоғингни
 бос» деб васваса қиларди, ва мен унинг кейинги оёғи-
 га пичоқни бир неча марта тикиб олдим. У шундай
 зорланиб бўқирдики, ҳатто қалбимга ўрнашиб олган
 ёвуз шайтон ҳам титраб кетди. Бироқ мен! Бош томир-
 ни кесмаганимча тўхтамай зарбани уравердим. Қон
 булоқдек отилиб чиқди, иблис заҳарханда билан ундан
 тотиб кўришга мени ундарди. Мен! Жароҳатга очкўзлик
 билан қаттиқ ёпишиб олдим. Ҳўкизнинг зорланиб бў-
 кириши пасая бошлади, ниҳоят, бу худди чақалоқ бола-

ларнинг ўхлаётганидаги ҳиқиллашига ўхшаб, сийрақлашди.

Кейин қон тўхтаб қолди, жониворнинг оёқлари чўзилди, танаси жон талвасасида бир титради-да, қимирламай жим бўлиб қолди. Мана шундай қилиб уни — ўша қора ҳўкизни, ўзининг ўлими билан менга ҳақиқатни очиб берган муқаддас ҳайвонни, ўз қўлим билан ўлдирдим. Оҳ, энди мен мотам тутаман, ундан миннатдорман, унинг яхшиликларини ҳеч бир эсимдан чиқармайман. Унинг думини кесиб олдим, шу ҳодисанинг хотираси қилиб ўз муридларимга бериш учун уни олиб юрибман*. Қорним тўйгандан кейин руҳим тирилди ва мен орқамга қайтиб келдим. Ҳозир энди мен уйимга қайтиб кетмоқчиман, кишиларнинг ёнига қайтмоқчиман, қария, бурун мен нима таълим берган бўлсам, уларнинг ҳаммаси тентаклик. Менинг ҳақиқат деб таълим берган нарсаларим — фақат ўлчаб бўлмайдиган, ҳаракат қилиб турувчи моҳият холос. Ўз китобимда такрор-такрор айтган камолат бўлса — ўлчаб бўладиган, лекин жонсиз шакл, ҳақиқатнинг тош тобутидир. Мен энди тавба қилдим, чинакам одам ҳаёти билан умр кечириш учун кишиларнинг ёнига қайтиб бормоқчиман. Менинг хотиним, бола-чақам бор. Улар ҳозир Вэй хонлигидаги Дуаньган деган жойда туришади. Шуларнинг ёнига бораман. Афсуски мен фақатгина тарихни биламану, бошқа ҳеч қандай ҳунар билмайман! Аммо мен ўзим учун ўзим ишлашни истайман, энди менинг бирор ҳунарга ўрганишим зарур. Оилага фойда етказиш учун мен уй супуриш, хотин ва болаларимнинг кирларини ювишга ҳам розиман. Энди ҳеч қачон кишиларга юқоридан туриб такаббурлик билан қарашга ва ғаразли ҳақиқат билан сохта камолат тўғрисида сўзлашга юзим чидамайди.

Донишманд Дань ўзининг узундан-узоқ монологини тамомлади, ўзининг кўнглини тўлдириб турган ҳамма нарсани айтиб ташлади, ва шундагина посбоннинг боядан бери бир оғиз ҳам сўз айтмай жим ўтирганини билди. Унинг юзида, гўё ғазабланган осмонни момақалдиروқ

* Айтишларича, шундан кейинги асрларда даослар қўлларини белги сифатида доим ҳўкиз думи олиб юришган. Улар билан чивин қўриб юришган, ҳақиқатда эса афсонанинг боши худди мана шундан бошланган.

булутлари босиб тургандек, ғамгинлик аломати бор эди. Шу вақт кекса донишманд секин ўрнидан турди.

— Яхшиси, ҳақиқат ва камолат тўғрисида кишиларни йўлдан оздирувчи бу китобни ўзимоқ ёндириб юбора қолай, — деб минғиллади у, ва боғ-боғ қилиб боғланган бамбук тахтачаларни қўлтиғига қисиб, қора ҳўкиз думини қўлига олди-да, жўнаб қолди.

Оқ теракнинг тагидаги чигирткалар ғамгин-ғамгин чириллашарди. Қуёш аста-секин ғарбга қараб оғиб боради.

Посбон бир оз ўзига келганда, унинг буқоқлари кўпчиб қабариб кетди, кўзи косасидан чиққудай бўлиб, бутун вужуди ғазабдан титради.


— Қаззо! Муттаҳам! Фирибгар! — деб жазаваси тутиб, чинқириб юборди у. — Менга сен фириб бердинг малъун, иблис! Ҳо! Сен албатта, ўзингнинг қора ҳўкизингни сотиб юборгансан-да, ундан кейин менинг нонларимни ямлаш учун мана шу макрли нутқларни ўйлаб чиқаргансан.

Чол мана шу ҳақоратли сўзларни айтиб, қичқириб ғазабдан ўзини йўқотиб қўлига тушиб қолган қувачани дарахтнинг танасига улоқтириб, чил-чил қилди-да, кетиб қолган донишманднинг орқасидан муштумини ўқталиб, қичқирди:

-- Дань! Дань! Сен донишманд эмассан, сен тарихда энг катта қаллоб одамсан! Ўзингнинг сохта китобингни ҳам олиб кетдинг. Биламан, унинг сенга нима учун керак бўлганини: уни бозорга олиб бориб нонга алиштирасан!

Оқ теракнинг тагидаги чигирткалар ҳамон аввалгидек зорланиб чириллашар, қуёш эса аста-секин ғарбга қараб оғиб борарди.





ГОМОЖО

ЖҰНАШ ОЛДИДАН

хо, гуллар қандай хушбұй-а.

— Ҳа, бу дорчин дарахтининг гуллари, аммо бу йил жуда оз бўлди.

— Ҳидни дарров ажратиб ололмаганимиз унчалик ҳайрон қиларли эмас.

— Сиз ватанингизга қайтиб кетаётирсизми?

— Аммо, ундан олдин иссиқ булоқларда дам олсаммиқан деб ўйлаб турибман.

— Жуда соз. Сиз инженермисиз?

— Йўқ, медик.

— Демак Фукуокада анчагина турибсизда?

— Ҳа, олти-етти йил.

— Олти-етти йил? Унда уйингизга анча-мунча хотиралар билан қайтар экансиз-да.

— Хотиралар дейсизми? Бугунги сиз билан қилинган сайр-у, мана шу гулларнинг хушбўй ҳидидан бошқа эсда қоладиган нарсаси бўлмаса керак деб қўрқаман.

— Йўғ-е, йўғ-е! Мени ғоят хурсанд қилдингиз, раҳмат.

Ай Му вокзалга бориб хизмат қилиш бюросидан бир қўл арава кира қилиб олиб, ўша заҳотиёқ қари аравакаш билан орқасига қайтди. Улар Ҳакодзаки ибодатхонасининг ёнидан индамасдан ўтиб кетишди— бу

ерлар Ай Мунинг яхши кўрган сайргоҳи, бу ерларга у уч ойдан бери — унинг оиласини бу райондан кўчиб кетишга мажбур қилганларидан бери келгани йўқ эди. Гаплашишга сабаб бўлган гул ҳидлари ибодатхонани ўраб турган боғдан келар эди. Беш минутчадан кейин Ай Му билан чол Сиомио ибодатхонасига келиб қолдилар. Ай Мунинг учта боласи худди меҳробнинг ёнидаги бўйраларнинг устида ўйнаб юришибди. Яқин келиб қолган оталарини кўрган болалар қичқиришиб юборишди.

— Булар сизнинг жўжаларингизми? — деди чол болаларни кўрсатиб.

— Ҳа, менинг жўжаларим.

— Бадавлат экансиз.

— Э, буларни нима қилишни билмайман, — бола кўпайган сари пул озайиб борапти.

— Болалар кўп бўлса яхши бўлади. Қанча кўп бўлса шунча яхши. Биз — фақир одамлармиз, агар болаларимиз бўлмаса, бутунлай хароб бўламиз. Менинг ўзимда бештаси бор. Катта қизимни узатган эдим, уч ой бўлди, битта бола ҳам туғиб олди. Иккинчи ва учинчилари ўғил, бировларникида ишлайди. Иккита кичкинаси мактабда ўқийди. — Чол ўз бола-чақаси тўғрисида қувонч ва мағрурлик билан гапирарди.

Ай Му ўзида озроқ хафалик сезди.

— Сиз кунига неча соат ишлайсиз, — деб сўради у.

— Эрталабки соат еттидан кечқурунги еттигача ишлайдиган бўлганимга мана энди йигирма йил бўлди ва шундан бери бир кун ҳам ишдан қолганим йўқ. — Чол кулиб юборди. — Хо-хо-хо.

Улар гаплаша-гаплаша ҳовлига етиб келганларини билмай қолишди, келиш билан уйга кириб кетишди. Ҳовлида бир кўзи кўр эскифуруш бола аравасини кўраётган эди.

— Ўҳў, эскифуруш дарров келиб қопти-ку, — деди Ай Му.

Эски-тускиларни сотиб оладиган худди мана шу киши бултур апрелда, Ай Му ватанига қайтиб кетаётганида унинг нарсаларини олиб қолган эди; улардан энг қиммати фисгармон эди, у бир юз эллик иена турар ва фақат ярим йилгина тутилган эди. Эскифуруш унга фақат олтамиш иена берган, қолган нарсаларни текинга олган. Ўша сафар яхши фойда қилиб ўрганиб қолгани сабабли, Ай

Му ўзининг кетишидан хабар бериши биланоқ дарров велосипедда етиб келибди.

Ай Му билан қўл араванинг аравакаши гаплашиб ўтириб, юкларни тангишмоқда эди.

— Тахминан кунига қанча пул топасиз! — сўради Ай Му.

— Бир хил эмас. Ишга қараб бўлади. Баъзан иш кўп бўлади — у вақтда кўпроқ пул тушади, баъзан иш озроқ бўлиб қолади — пул ҳам оз тушади. Ўрта ҳисоб билан кунига икки иена тўғри келади.

— Икки иена? Бу унча ёмон эмас -ку.

— Ҳа, учма-уч келтиришга етади.

Ай Му ўзининг Шанхайдаги турмушини хотирлади. У ерда у кун и бўйи бош кўтармай ишлашига қарамай, пули кўпинча трамвай билетига ҳам етмасда. Бундан чиқди у аравакашдан ҳам хароб экан-да. Агарда чол унинг турмушининг ички тарафлари билан танишса, у вақтда Ай Мунинг чолга эмас, аксинча чолнинг Ай Муга ачиниши лозим бўларди. Ай Му юкларни жойламоқда, хотини бўлса эскифуруш билан бир чеккада савдолашмоқда. Харидор бола аравасини неча-неча марта лаб қараб чиқди-ю, аммо ҳали ҳам молга баҳо бергани йўқ.

— Хўш, қанча берасан ўзинг, айтавер, сен билан овра бўлиб туришга вақтим йўқ, — деди ниҳоят сабри тугаган Ай Мунинг хотини.

— Эййййх... — Эскифуруш чуқур хўрсинди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

— Яна ниманглар бор? — сўради у, оёқлари арралашиб қисқартилган тўрт бурчакли ёзув столини кўриб.

— Мана шу арава билан стол бор, — бошқаларини таниш-тунишларга бериб юбордик.

— Эййййх... — Эскифуруш яна хўрсинди, — атиги шу иккита нарсангиз бўлса... — яна бир марта хўрсиниб қўйди, — ҳаммасига бир ярим иена берай.

— Қанча?!

— Бир ярим иена.

— Ҳа-ҳа-ҳа — кулиб юборди Ай Мунинг хотини, унга қўшилишиб эри ҳам кулди.

— Ҳазиллашяпсанми!.. Ўтган сафар биз бу нарсаларни гаровхонага қўйганимизда ҳам тўрт иена беришган эди, — деб Ай Му бошлаб эди ҳамки, эскифуруш сўзини бўлди:

— Шунн билиб қўйингки, — бу нарсалар жуда ҳам эски, агар мен буларни олсам, ҳаммасини ремонт қилиб чиқиш лозим бўлади. Шунда ҳам уни сотиб бўладими йўқми ҳали. Бойлар эски нарсаларни олишмайди, кабағаллар олишга пул тополмайди.

— Арзонроқ сотсанг, ҳар ким олади.

— Сен жуда ҳам хасис одамсан! — зарда билан деди Ай Мунинг хотини. — Арзон олиб қиммат сотиб ҳаммани алдамоқчи бўласан. Булар барибир бу нарсаларни ўзи билан бирга олиб кетолмайди деб мўлжаллаяпсан. Буларни сенга бир ярим иенага сотганча танишларга бериб кетганим яхши.

— Бу нарсаларингиз эски эмасми!? Мен уларни бултур негадир кўрмаган эканман, — деди харидор.

— Йўқ, чинини айтганда улар тутилган нарсалар. Биз уларни Шанхайда йигирма юанга олганмиз, лекин янгиси Японияда кам деганда юз иена туради — сенинг ўзинг ҳам баҳони яхши билсанг керак.

— Ҳе-хе-хе — масхара қилгандек кулди эскифуруш, ўзининг бутун кўриниши билан иккиланиб турганини ифодалаб.

Ай Мунинг хотини эскифурушни ёлғиз қолдириб, эрининг ёнига келди.

— Хўш, нима дейсан, бир ярим иенага берасанми унга? — сўради Ай Му хотинидан хитойчалаб.

— Бир ярим иена, жуда оз.

— Мана бу табаррук кексанинг гапига қараганда бу кишининг бир қизлари туғибди. Аравани шунга ҳадя қилмаймизми?

— Яхши гап. Сўраб боқайлик — олармикин?

— Бизнинг битта бола аравамиз билан битта ёзув столимиз бор, биз буларни сизга ҳадя қилмоқчимиз, — деб мурожаат қилди Ай Му аравакаш чолга.

— Йўғе-йўғе, овора бўлманг.

— Агарда сизга лозим бўлса, ийманишнинг ҳожати йўқ, ўзингиз эшитдингиз-ку, уларга бир ярим иена баҳо беришяпти.

— Ия, ия, улар кам деганда юз иена туради — деди чол, — аммо сизнинг ҳимматингиз минг иенадан ҳам ортиқ...

— Менга қара бобо, — сўзини бўлди Ай Мунинг хотини, — бизда бир қуён ва бир неча жўжа бор, улар

тўрт ойлик бўлиб қолди. Сўйишга увол. Сотиш қийин. Биз уларни ҳам сенга берайлик.

— Йўқ, йўқ, овора бўлманглар!

— Бугун кечқурун келинг, жўжаларни қўноқда тутиб олиш ўнғайроқ бўлади.

— Войй, сизларни нима билан хурсанд қилишни ҳам билмай қолдим... — деб, чол уларни раҳматларга кўмиб юборди.

— Мана бизда тағин битта олтин балиқ бор, — Ай Мунинг хотини ошхонадан бир банка кўтариб келди, — мен бунни сизга идиши билан ҳадя қиламан.

— О, балли, раҳмат, — чиндан ҳам қувониб кетди чол ва кўз ёшлар билан таъзим қилди.

Қувончидан тили тутилиб қолган бўлса керак, бир оғиз ҳам сўз айтолмади. Бир кўзи кўр эскифуруш бу аҳволларнинг ҳаммасини кўриб бир четда индамай турарди; кейин қўлларини чўнтагига тиқиб, жўнаб қолди.





МАО ДУНЬ

КУЗГИ ҲОСИЛ

ски ҳисоб бўйича май ойининг охирларида Тун-бао соғая бошлади. Келини Си Дан-ян ибодатхонадаги Шицзудан икки марта унинг учун сўраб олган «сеҳрли ҳабдори» дан ташқари касал пайтида у ҳеч қандай дори ичмади. Киши камбағаллашган сари жисман бақувват бўлади ва шундай бўлгач, ҳар қандай дардга бардош беради, деб хаёл қилар эди, у.

Кекса Тун-бао биринчи марта тўшакдан туриб, юрмоқчи бўлди-ю, лекин ўзининг заифлигини сизди. Оёқлари худди юмшоқ бир нарсага ботиб кетаётгандай жуда ҳам нимжон туюлди, бели эса қайишиб кетди.

Кекса Тун-бао: «Агарда тўшакда кўп ётилса суяклар ҳам занг босиб кетади-да», — деб, ўзини-ўзи юпатди. У кучи борича тетик бўлиб кўринишга тиришарди, лекин юзини юваётган тосда ўз аксини кўриб, беихтиёр хўрсиниб қўйди.

Наҳотки, сувга тушган унинг акси бўлса? Ҳа, анчайин туртиб чиқиб турган юз суяклар, диккайган бурни, ич-ичига тушиб кетган кўзлари — ўзиники. Сочлари ҳурпайган: соқоли оқ-сариклашган, дўппайиб турган

кекирдаги эса муштумга ўхшайди. Худди ажинанинг ўзи!

Кекса Тун-бао ўзига-ўзи тикила-тикила, ниҳоят чидай олмади: тосда кўринган аксига кўз ёшлари тўкилди. Бу ўжар чол кўп йиллар давомида биринчи дафъа йиғлаб юборди.

Кекса Тун-бао эллик йиллик оғир меҳнати эвазига унча-мунча гўр-ер ортдирган эди ва кўп замонлардан бери иккита нарсани: Бодисатвани ва саломатлиқни улуғлар эди. У, бойлик қандай йўл билан тўпланмасин, Бодисатва ҳомийлик қилмаса, бефойда эканлигига қаттиқ ишонган эди. Тан сиҳатлик бўлмагач, Бодисатва сени қанчалик қўлламасин, барибир кун кечиришинг қийин. Мана шунинг учун ҳам Тун-бао Бодисатвани бойлик худоси деб биларди, янги ой туғилган ва роса тўлган кунлари* чол қишлоқ четидаги кўприк олдида жойлашган бойлик худосининг кўримсиз ибодатхонаси сари йўл олар ва у ерда зўр бериб сажда қиларди. Шу тариқа қирқ йиллик умр, худди бир кундай ўтиб кетди.

Қасаллик туфайли ажина тусига кириб қолгани Тун-баога пиллаларини сотишда муваффақиятсизликка учраганлигидан ҳам бадтарроқ таъсир қилди. Унга энди худди бутун оиласи хонавайрон бўлгандай ва бундан кейин яхши турмуш кечириш мумкин эмасдай туюларди.

— Нимадан экан? Бир ой касал бўлиб ётдим-у, ўзимни шунчалик олдириб қўйдим... — сохта овоз билан сўради у, чўкка тушиб ўчоқдаги оловни пуфлаётган келинидан.

Хотин жавоб бермай, ўтни пуфлайверди. Унинг тўзиб кетган сочлари ўтга илашгундай эди. Лекин нимхушк-шоҳчалар ҳадеганда ёна бермас, тутун бутун уйни тўлдириб кўчага ҳам тарқалмоқда эди.

Шоли хирмонидан югуриб келган ўн икки яшар невараси Сю-бао тутун димоғига ургач, йўтал аралаш, қорним очди, деб бақира бошлади.

Чол ҳам тутундан йўталиб, оёқлари қалтираб ўрнидан турди ва келинига ёрдам бериш мақсадида ўчоққа томон юрди. Шу пайт ўт ёниб кетди: ниҳоят, шоҳчалар аланга ичида чирсиллай бошлади.

* Яъни ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи кунларида.

Си Дан-ян бир неча тут шохчаларини ўчоққа ташлаб, бошини кўтарди. Кўз ёшлари юзига оқиб тушган эди. Тутун кўзларини ачиштирганиданми, ёки бошқа бир сабабданми, ҳар ҳолда камсухан ва ишчан хотин ҳозир йиғламоқда эди.

Қайната ва кўзи жиққа ёшга тўлган келин жимгина бир-бирларига қарашиб олдилар. Ўчоқдаги ўт алангаланмоқда ва ташқарига таралмоқда эди. Аланга хотиннинг юзини қип-қизартириб юборган ва юзининг бўзарган тусини яширса ҳам, лекин озғинлик аломатини яшира олмасди. Онасининг пинжига кириб, ёшига нисбатан паст бўйли кўринган неваранинг ҳам, терисига ёпишиб олган суякларигина қолганди, у буришган кичкина маймунга ўхшарди.

Кекса Тун-бао буни ҳозир жуда ҳам равшан синчиклаб кўрди.

Қоронғи бурчакдаги ўзининг кроватида ётиб неварасининг қўлини силаётган вақтларида унинг қанчалик ориқ эканлигини сезганди, лекин боланинг нақадар озиб кетганлигини фақат эндигина кўрди. Тун-бао йиғи аралаш товуш билан:

— Вой-бўй, сенга нима бўлди, Сяо-бао? Болалар сил касалига дучор бўлганинг йўқми? — деди.

Бу сўзларни чол базўр айтди, унинг қаърига тортиб кетган кўзлари келинининг юзларига тикилди.

Аёл индамай, йиртиқ чит камзулининг этагини кўтариб кўз ёшларини артди.

Қозон қопқоғининг остидан оппоқ хушбўй буғ бурқираб чиқмоқда эди. Сяо-бао қозон ёнига чопиб бориб ҳидлади ва лабини буриштириб ойисига ўгирилди:

— Ойи! Яна ўша қовоқми! Қачон қараса қовоқ экан-да. Менинг бирам шавла егим келадики! — деди.

Си Дан-ян тут новдасини қўлига олиб, маҳмадонагарчилик қилган ўғлини савалайдигандай кўринди, лекин новдани ерга бир урди, кейин иккига бўлиб оловга ташлади. Бирор сўз демасдан орқасига ўгирилди.

— Финшима болам, — тўнғиллади чол. — Сабр қил, отанг қайтгандан кейин биз ҳам шавла қиламиз. Отанг бувангнинг олдида бир оз пул қарз олгани кетди. Пул топилса, отанг гуруч сотиб олади, кейин ойинг шавла пишириб беради.

Тун-бао озғин қалтироқ қўли билан неварасининг пешонасини силади.

Ҳақиқатда ҳам шундай эди. А-си эрта азонда қайнатаси Чжан Цай-фа ёрдами билан қарзга пул топиш мақсадида шаҳарга кетган. У ҳамма ёлғон-яшиғни ишга солиб бўлса ҳам қиш-

лоқларда судхўрлик билан шуғулланувчи кекса жаноб Удан унинг учун эллик юань қарз сўраб олиб беришликка кекса Чжанни кўндириши керак эди.

Бола бу сафар ҳам уни алдаётганликларини яхши биларди. Отаси ва онасининг пул қарз олиб, гуруч сотиб олиш ҳақидаги гапларини бир ярим ойдан бери эшитса-да, оиланинг овқати ҳамон қовоқ ва батат* эди! Очигини айтганда, бататни қуришиб бир оз тузланса тузуккина овқат бўлади. Сяо-бао ҳам уни яхши кўради, лекин мана бу қовоқдан қилинган жуда ҳам бемаза, ширасиз қуруқ терт жонга тегди. Бу қандай қилиб ҳар кун и овқат ўрнига ўта олади? Бунинг устига икки ҳафта мобайнида ҳар кун икки марта туз** солмасдан мана шу қовоқни ейишади. Буни эсга олишнинг ўзидаёқ боланинг кўнгли айнирди.

Сяо-баонинг қорни ғулдирарди. У йиғидан тўхтаб бувасига қаради ва хаёлидан кечирди: буваси ҳам, отаси ҳам, онаси ҳам,— жуда паст, шафқатсиз одамлар, агар оёғи чаққон кичик амакиси А-до қайтиб келса борми, у албатта, ўтган сафарига ўхшаган ёғлиқ буғдой нон олиб келади ва секин унинг оғзига солиб қўяди. Мана уч кечаю кундуз А-до амакидан дарак йўқ эди. Сяо-бао буни жуда яхши сезарди. Қозондаги нарса қулқуллади — қовоқ пишди. Тун-бао қозон қопқоғини кўтарди: қозондаги сув қайнаб тугаган, қозоннинг четлари эса қирмоч олган эди.

Чолнинг қовоғи солинди. Келини унинг ғашига тегмоқда эди. Ҳеч қандай эҳтиёткорлик йўқ! Баҳорда қурт боқиш бошланмасданоқ оиладаги бори йўқ гуруч тамом бўлган. Ўшанда ҳам қовоқ пишириб еган эдилар. Бир қозон сувга иккита қовоқ солардилар ва беш кишидан иборат оила аъзолари, катталар ҳам, кичиклар ҳам тўйгунча еярдилар, ҳар ким бир неча косадан шўрва ичарди. Энди, чол касал бўлиб бир ой тўшакда ётиб қолгач, бу ёшлар ҳамма нарсани меёрсиз ишлатишига ўрганиб қолибди. Ахир, бундай қилиб бўладими? Тун-баонинг ранги ўчиб, юзи ғазабдан қизариб кетди. Чол сув қуйилган чанни ковлади ва қозонга сув тўлдириш мақсадида чўмични қўлига олди. Лекин Си Дан-ян косаларни қўлига олиб ўчоққа отилди ва қовоқ шовла билан тўлдира бошлади.

* Б а т а т — иссиқ мамлакатларда бўладиган чирмовиқлар оиласига кирувчи ўсимлик (бошқача «ширин картошка»)

** Гоминдан Хитойида тузга монополия бор эди, шунинг учун тузнинг нархи жуда ҳам баланд эди.

— Сув қуйманг, кераги йўқ! — деб бақирди у. — Ахир, биз уч кишигинамиз-ку, ея берайлик, кечга томон балки А-си бир неча шэн гуруч олиб келар. Эй, Сяо-бао, бугун шавла қуюқ, мазали бўлди. Тўйиб егин!

Син Дан-янинг чаққон қўллари қозон қулоқларига ёпишган қовоқ қирмочларини қира бошлади.

Чолнинг жаҳли чиққанидан томоғи қуриб қолди. У индамай косани қўлига олиб, унга шавла тўлдира бошлади ва зўрға эшик олдиғача бориболиб, пирамон тагидаги остонага ўтириб олди. Чол бутун танасида қандайдир бир тушуниб бўлмайдиган беҳоллик сезган ҳолда, аста-секин овқатни ейишга тутинди.

Шоли хирмонини қизартириб турган кузги қуёш нурлари кўзни жимирлаштирарди. Хирмон ортидан оқиб ўтадиган анҳор кумуш лентадек бўлиб туюларди. Ҳозир анҳор жуда ҳам саёзланиб қолган. Анҳорнинг ҳувиллаб қолган қирғоғидаги бир неча тол сарғая бошлаганди. Қирғоқда одамлар у ёқда турсин, ҳатто, ит ва паррандалар ҳам кўринмасди. Кўпинча бу ерда пешиндан кейин хотин-халаж ва бола-чақалар тўпланишарди. Улар кир ювар, идиш-товоқларни тозалардилар. Хирмонда ҳам ҳамма вақт эркаклар бўларди. Улар тушдан кейин дарахтлар тагида чордана қуриб ўтириб, узун трубкалар чекардилар. Бошқа уйларда ҳам одамлар бўларди. Улар кекса Тун-баога ўхшаб остонада ўтирар ва овқат еб, бир-бирлари билан суҳбатлашардилар.

Ҳозир қизғин қуёш нурлари билан ёритилган анҳор қирғоғида сукунат ҳукм суларди. Умуман бутун қишлоқ худди тақир тепадек кўринарди.

Кекса Тун-бао уйининг олдидаги айвончага чиқиб ўтирмаганига ҳаммаси бўлиб бир ойча бўлди. Бу вақт ичида қишлоқ унинг назарида худди невараси Сяо-баодек бошқача бўлиб, ўзгариб қолгандай туюлди.

Ошқовоқни еб тамомлаган бўлса ҳам, чол ичига тортиб кетган кўзлари билан гоҳ буралиб оқаётган анҳорга, гоҳ нариги қирғоқдаги жимжит кулбаларга тикилиб, беихтиёр қошиқни қимирлатишда давом этарди. Нима учун ҳамқишлоқларидан биронтаси ҳам кўринмаслигини хаёлига ҳам келтирмасди. Чол битта нарсани—унинг касал бўлиб ётган вақтида дунё бошқача бўлиб қолганини сезарди! Шунинг билан бирга ўзи ҳам, Си Дан-ян ҳам, Сяо-бао ҳам ўзгарганди. Ўзи ўсиб улғайган, жона-

жон қишлоқ таниб бўлмайдиган даражада ўзгарганди. Тун-баонинг қалбида чидаб бўлмайдиган қайғу-алам пайдо бўлди. У косани беихтиёр ёнига қўйиб, қўлини бошига тираган ҳолда ҳар хил хаёлларга чўмди.

Кейин кекса Тун-бао қачонлардир «узун сочлилар» лагеридан қочган бобоси унинг отасига «узун сочлилар» босиб ўтган қишлоқларда одамларгина эмас, балки ит ва паррандалар ҳам қолмаганлиги ҳақида гапириб берганлигини эслади. «Узун сочлилар» бунини «тозалаб кетиш» деб атаганлар. Бу йил ҳам япон малъунлари Шанхайга ҳужум қилганда, бутун қишлоқ: «Яна «узун сочлилар» келди!»— деб дод-вой солди. Ахир, иш тинч йўл билан ҳал бўлди деган овозлар тарқалганди-ку. Тун-бао касал бўлиб ётган вақтида ҳам «узун сочлилар» келганликларини эшитмаган, лекин қишлоқнинг қуп-қуруқ саҳрога ўхшаб қолганлиги «узун сочлилар»нинг «тозалаб кетиш»ларини жуда ҳам эслатарди.

Бобосининг, баъзида «узун сочлилар» бирор қишлоққа кириб, қирғин қилмасдан деҳқонларни ўзларига бирлашишга ундардилар, деб айтганлари ҳам эсида. Ана шунда ҳам қишлоқлар бўшаб қоларди. Балки, ҳозир ҳам унинг ҳамқишлоқлари «узун сочлилар»га қўшилиб кетишгандир?

У илгари, баъзи жойларда «узун сочлилар» бир неча йил давомида тўполон чиқариб юрганликларини эшитган. Ахир, унинг қишлоғидаги одамларнинг ҳаммаси ишончли-ку... Балки бу ерга «узун сочлилар» у алаҳсираб ётган вақтларида келгандир... Йўғ-э, наҳотки.

Кимнингдир қадам товушлари эшитилди. Тун-бао чўчиб бошини кўтарди ва қаршисида кенг япалоқ башарани кўрди. Унга кичкина чўчқа кўзлар тикилиб қараб турарди. Чол қўшнисини Ли Гань-шэннинг хотини, қишлоқда ном чиқарган бузуқ Хэ-хуани таниди. Аёл ҳам сал озган, шу туфайли бир оз ёқимтойроқ бўлиб қолган, чўчқа кўзлари ҳам илгарига қараганда ёқимлироқ бўлиб кўринарди, қарашларида ҳам эсанкираш аралаш хайрихоҳлик билиниб турарди. Чол дарров ўз оиласи билан Хэ-хуа оиласи ўртасида баҳорги қурт боқиш вақтида бўлиб ўтган адоватини эслади. Қасалдан тузалганидан кейин кўрган ёт одамларидан биринчиси худди шу «оқ йўлбарс юлдузи» бўлганлигидан, Тун-бао бунини энг ёмон аломат деб билиб, жаҳл билан тупуриб,

юзини бекитиш учун бошини пастга эгди. Бир неча фурсатдан кейин бошини кўтарган эди, Хэ-хуа кўздан ғойиб бўлибди. Чолнинг оёқлари остида қуёш нурлари ўйнардди. Тун-бао қайиқ шаҳардан қишлоққа томон йўл олгандир ҳамда тўнғич ўғли А-си қарзга пул топиб ва оиласига гуруч харид қилиб, унда сузиб келаётгандир, деб ўйлади. Чол ҳатто, тупугини ҳам ютиб қўйди.

Ростини айтганда, ҳамма вақт овқат ўрнида истеъмоқ қилинаётган бу қовоқ шавласи унинг ҳам меъдасига теккан, гуруч деган сўз хаёлига келганидаёқ сўлаги оқадиган бўлиб қолган. Шу вақт у озиб кетган ва ачинарли аҳволга тушиб қолган неварасини эсига олди...

— Сяо-бао! Сяо-бао! — баланд овоз билан чақирди, у.
— Бу ёққа кел!

Бу касалдан тургандан кейин унинг биринчи чақируви, соғлом одамнинг чақируви эди.

Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Тун-бао атрофига қаради ва бутун кучини йиғиб яна бир марта баланд товуш билан чақирди.

Бирдан қўшниси Хэ-хуанинг уйидан қўлида қовурилган нонга ўхшаган думалоқ нарсани кўтариб Сяо-бао югуриб чиқди. Қичкина маймунча Сяо-бао нонни маҳкам сиқимлаб олган қўлини юқорига кўтариб бобосининг ёнига келди ва мақтаниб:

— Бобо! Қаранг, нон! — деди ва шу замониёқ нонни оғзига солди.

Кекса Тун-бао беихтиёр сўлагини ютди ва озгина суқланиб кулимсиради. Лекин у ўзини жиддий кўрса-тиб майин товуш билан сўради.

— Сяо-бао, сенга бу нонни... ким берди?

— Хэ... Хэ... — оғзи тўла тўнғиллади, Сяо-бао.

Тушунарли. Чолнинг юзи яна жиддийлашди, қалби қаҳр-ғазабга тўлди.

Сяо-бао душманининг уйига кириш у ёқда турсин, ҳатто у ердан нон ҳам олиб чиқибди. Қандай шармандалик! Ҳатто шу уйда ҳам ҳалигача нон ёпишади, эй танг-рим, шу ҳам адолатданми?

Чол жаҳл билан депсинди ва тишларини ғижирлатди, аммо бечора неварасига қўл кўтаришга журъат қила олмади.

Сяо-бао бу орада нонини еб бўлиб жуда хурсандлик билан гапга тутинди:

— Бобо, мёнга нонни Хэ-хуа берди. У жуда яхши хотин, унинг яна нони бор.

— Маҳмадона! — ғазабидан қизариб кетди чол, ва худди болани урмоқчи бўлгандай қўлини кўтарди.

Аммо невара қўрқмади.

— Ҳа, ҳа! — гапидан тўхтамади у. — Хэ-хуа нонни шаҳардан топди, эртага эса шаҳарга гуруч, оқ гуруч олгани борармиш!

Кекса Тун-бао ирғиб ўрнидан турди. Унинг бутун вужуди қалтирарди. Гуруч кўрмаганига бир ярим ой бўлди, бирор одамда, айниқса Тун-бао ҳамма вақт нафрат билан қараб келган мана бу хотинга ўхшаш кишиларда гуруч бўлиши унинг қалбида ҳасад уйғотарди. Чолнинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Бунинг нимаси ажабланарли! — кескин равишда деди у. — Улар босқинчи бўлсалар керак ва бирор кишининг мол-мулкини талагандирлар. Бундай қилмишлари учун уларни тутиб олсалар, бошларини олишади. Ана шунда адолатли қасос олиш бўлади!

Кекса Тун-бао кўзини неварасига тикиб, оҳиста сўкинарди. Агарда бу гапларни Хэ-хуа эшитиб қолиб жанжал кўтарса, бунинг учун жавоб бериш кераклигини тушунар эди. Ахир, ҳеч нарсадан, ҳеч нарса йўқ одамларни босқинчилар деб сўкиш — ҳазил гап эмас.

Аммо, Хэ-хуанинг уйида жимжитлик ҳукм суларди. Ҳеч нарса тушунмаган Сяо-бао афтини буриштирди.

— Йўқ, бобо, бу нотўғри! Хэ-хуа — яхши хотин. Нони бўлган вақтларда мени меҳмон қилади.

Чол бўздай оқариб кетди. У жимгина атрофига қаради ва бузилган эски қудуқ ёнида бамбук ёғочини кўриб, уни қўлига олди. Сяо-бао бу нарса яхшиликка олиб келмаслигига кўзи етиб, жуфтагини ростлади ва ўчакишгандек яна Хэ-хуанинг кулбасига лип этиб кириб кетди. Тун-бао боланинг орқасидан қувмоқчи эди, лекин шу замониёқ боши айланиб, кўз олди қоронғилашиб, оёқлари чалмашиб кетди. Чол ерга ўтириб қолди ва қўлидаги ёғочни тушириб юборди.

Шу пайт анҳорнинг нариги тарафидаги шоли хирмониди бир киши кўринди, у тўртта ходадан ясалган кўприкдан ўтиб, кекса Тун-бао томонига қараб кела бошлади.

— Муборак бўлсин, муборак! Томошага чиқибсиз-да, муҳтарам Тун-баол!

Чолнинг кўз олди ҳамон қоронғилашиб турган бўлса ҳам, ҳамқишлоғи Хуан Роҳибни товушидан дарров таниб олди. Чол жуда хурсанд бўлиб кетди. Улар бир-бирлари билан қадрдон дўст эдилар. Тун-бао касал ётганидан Хуан тез-тез келиб кўриб турарди.

Ҳамқишлоқлари уларни тентак ҳисоблардилар: кекса Тун-бао қишлоқда «океаннинг нариги томонидан» деб аталган ҳамма нарсани, худди ўзининг ашаддий душманидек, жуда ҳам ёмон кўришлиги билан машҳур эди. Хуан Роҳиб эса шаҳарда ўрганиб олган ва керак бўлмаганда ҳам ишлата берадиган китоб сўзларига ишқибозлиги билан ном чиқарган эди. Масалан мис тангани, у ҳамма вақт «квадрат тешикли оғайни*» деб атар, бирор кишига мурожаат қилганда, «сизнинг бебаҳо оилангиз», «муҳтарам жаноб» ва шунга ўхшаш ибораларни ишлатарди. Оддий кишилар бундай тушуниб бўлмайдиган олимона сўзларни эшита туриб, Хуан гапираётгани йўқ, балки дуо ўқияпти, деб ўйлардилар, шунинг учун ҳам унга «Роҳиб» деган лақаб бергаидилар. Лекин кекса Тун-бао Хуаннинг «китоб сўзи»ни тушунар ва тўнғич ўғли А-сига кўпинча, Хуан Роҳиб деҳқончилик билан машғул бўлиб, фақат ўз талантини ерга кўмади, дер эди.

— Роҳиб,— кўнглидаги қайғу-аламини тўкиб солди, кекса Тун-бао. — Мен сизга очигини айтаман: менинг шунчалик жаҳлим чиққанки, ўлимга ҳам розиман! Бир ойи касал бўлиб ётдим, шу орада дунё шунчалик ўзгариб кетибдики, уни ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди. Ўзингиз бир ўйланг: қишлоғимизга, худди «узун сочлилар» келиб, бутун эски одатлари бўйича ҳамманинг таъзирини бериб кетганга ўхшайди. Мана бу манжалақи «оқ йўлбарс юлдузи» қаердандир нон ўғирлайди, бизнинг ярамас мазахўрак Сяо-баомиз эса ундан нон тилаб олади. Нима дейсиз, сизнингча, унинг адабини бериб қўйиш керакми?

Кекса Тун-бао қўлидаги ёғочни бир неча марта айлан-тириб ерга урди.

Хуан Роҳиб худди шаҳар ҳомийси — худо ибодат-хонасида яшовчи фолбинлардай елкасини қисиб, бошини қимирлатиб ва раҳмдиллик билан хўрсиниб, унга қулоқ соларди.

* Қадимги Хитой тангаларининг ўртасида квадрат тешиги бўлар ва уни шнурга ўтказилиб қўйиларди.

Ниҳоят, у маънос ҳолда гап бошлади:

— Дунёда тез орада ғалаён бошланишидан Тун-бао оғайнимнинг хабарлари борми? Ҳамқишлоқларимиз қайда ва нима учун кетишди? Бойларни талаш ва уларнинг ғаллаларини босиб олишга кетишди. Бу ишни Байицбан қишлоғининг деҳқонлари бошлашди, бугун эса бизникилар ҳам улардан ўрнак олишди, сизнинг мухтарам олий ўғлингиз А-до ҳам улар билан бирга. Тун-бао оғайнимнинг бебаҳо саломатликлари эндигина эпақага келди, шунинг учун ҳурматли ўғилларининг ишларини билмаган бўлиб кўринганлари яхшироқ. Ҳа-ҳа! Сергаплик қилганим учун афв этадилар!

Чол кўзларини олайтириб ирғиб ўрнидан турди. Лекин бирдан, бошига бир нарсa тушгандек, ҳолдан кетиб яна ерга йиқилди. Лаблари қалтираб кетди.

«Бойларни талаб, уларнинг ғаллаларини босиб олиш?..»

Кўрқув ва шодликдан Тун-баонинг боши гангиди. Демак Хэ-хуа ҳақиқатда ҳам бу ионларни ўғрилиқ билан топган экан-да! Демак унинг сўзлари тўғри чиқди. Лекин А-донинг ҳам бундай ярамас ишларга қўшилгани чолининг кўнглини бутунлай ғашлантириб қўйди. Ишқилиб ўғли учун ўзини «адолат юзасидан жазога» тортишмаса!

Хуан Роҳиб кўрқиб дўстига қаради.

— Афв этсинлар мени! Энг муҳими — бу ўзларининг бебаҳо саломатликларини эҳтиёт қилишлари. Менинг тилим нималар қилиб қўйди?! Лекин булар ҳаммаси аҳамиятсиз нарсa. Маъмурлар, эшитишимча, бундай ишларга жуда ҳам қатъиятлик билан қараётганлари йўқ. Лекин ўғлингиз қайтгандан кейин огоҳлантириб қўйинг, бундан кейин бундай ишларни қилмасин. Вассалом!

— Э, Роҳиб! — дарғазаблик билан гап бошлади, кекса Тун-бао. — Сиздан яшириб ўтирмайман: мен ҳамма вақт бу ярамас ҳайвон ўғлимда ҳеч қандай одамгарчилик аломати йўқ, деб ҳисоблардим, кўпдан бери, бобом ўлдирган кичкина узун сочли жин—дозорнинг руҳи менинг оиламга бирор зарар етказиш мақсадида А-до гавдасига ўрнашган деган шубҳам бор эди. Мана айтганим тўғри келди. Агарда ўғлим қайтиб келмаса, бу жуда яхши, агарда қайтиб келгундай бўлса-чи, мен бу ҳайвонни тириклайин ерга кўмаман. Бу тўғрида мени хабардор қилганингиз учун сизга раҳмат, Роҳиб, бўлмаса мен дунё-

Дағи ишлардан сира хабарим йўқ, ғафлатда ётаверган
яканман.

Кекса Тун-баонинг лаблари титрар эди. У худди ўзи
ўлдириб қўйган кичкина узун сочли жин қаршисида тур-
гандай, кўзларини юмди. Хуан Роҳиб Тун-баони бун-
чалик ўжар деб ўйламаган эди, шунинг учун ҳам унга
бу тўғрида алжиганлиги учун афсусланди. Чол унга
ташаккур айтишга тутинганда, у дарров тўнғиллади:

— Сизга нима бўлди! Арзимаган иш! Менинг ҳозир
жуда ҳам муҳим ишим бор... Хайр, соғ бўлсинлар!

У, худди бирор кишининг қўлидан қутулгандай ор-
қасига ўгирилиб жўнаб қолди.

Кекса Тун-бао чуқур ўйга толиб, ўтирган жойидан
қимир этмади. У «узун сочлилар» ҳақида нимаики билса,
отасидан эшитганими, отаси эса — бобосидан эшитгани-
ми, ҳаммасини хотирлар эди. Гуан-сюй* ҳокимияти-
нинг дастлабки йилларида рўй берган катта деҳқонлар
ғалаёнининг шоҳиди бўлганлигини ва ғалаёнчиларнинг
қонга беланган каллаларини кўргазмага қўйиб қўйил-
ганлигини ўз кўзи билан кўрганигача хотирлади. Ниҳоят,
Тун-бао, агарда ғалаёнлар билан ҳақиқатда ҳам бирор
нарсаса эриша олинса, «узун сочлилар» аллақачоноқ
бутун ер узини қарам қилган бўлардилар, деган манти-
қий хулосага келди!

Ҳа, касал бўлган пайтимда дунё ҳақиқатда ҳам ўз-
гариб кетибди. Бу ўзгариш эса унинг учун — якка
деҳқон учун қўрқинчли эди, гарчанд унинг жўн хўжа-
лиги эндиликда кулаётган бўлса ҳам, бойиб кетиш орзуси
унда анчайин кучли эди.

II

Қуёш тоғ ортига бекингандан кейин, Тун-баонинг
тўнғич ўғли қайтиб келди. Қарзга пул топа олмаган,
лекин шундай бўлса ҳам, уч доу гуруч олиб келган эди.

— Жаноб У пулим йўқ деди, — қовоғи солиқ ҳолда
гап бошлади А-си. — Унинг башараси аввалига жуда ҳам
даҳшатли эди, лекин кейинроқ бир оз пасайиб менга уч
доу гуруч берди. Дўконида эса бир неча юз дань** ғамлаб

* Гуан - сюй (1895 — 1908) — Цин сулоласининг энг
охиридан олдинги императори Цзай Тяннинг подшоҳлик девизи.

** Дань — 103,5 литрга тўғри келадиган ўлчов ҳажми.

қўйилган. Мана шунинг учун ҳам қишлоқларда одамлар оч қоляпти! Уч доуни менга, йилнинг иккинчи ярмида ҳосилни йиғиштириб олганимиздан кейин беш доу қилиб қайтариб бериш шарти билан берди. Бу унинг анчайин марҳамати бўлди, ахир, одамлар қанчайин бойиса, шунчайин очкўз бўлади.

А-си олиб келган гуручини иккита унча катта бўлмаган чанга тўкиб, уй орқасидаги эски чўчқахонага чопиб борди-да ярим товуш билан хотинига ниманидир ҳикоя қила бошлади.

Тун-бао кузата бошлади! Улар нимани пичирлашиш-яптикин? У, чанларга назар ташлади ва бугун А-сининг қилиқлари ғалати эканлигини пайқади. Бу уч доу гуруч қаердан олинганлигини чол тушунолмас эди, лекин суриштиришга ботина олмади. Ахир, бунингсиз ҳам, у яқинда бирор яхшиликка ўрганишга кўнмаётган кичик ўғли А-до туфайли келини билан жанжаллашиб қолган эди. Си Дан-ян уни—Тун-баони, «кекса бемаъни» деб ҳақоратлаган эди, унинг устига: «Ажаб бўпти, ўғлингнинг устидан арз қил, ота-онасини ҳурмат қилмайди дегин, уни тириклайин ерга кўм, бунинг учун маъмурлар сени олтин ёмби билан мукофотлайдилар!» деб мазақ қилганди.

Кекса Тун-бао болалардан мерос қолган: «Қамбағаллар ҳам ўз бурчини билиши керак»,—деган оқилона нуқтаи назарга амал қилса ҳам, лекин қонун-қондалар бу ерда фойда бермаслигини тушунарди: ахир, ўз бурчини билиш—озиқ-овқат эмас, унинг билан кишининг қорни тўймайди, у қовоқдан ҳам баттарроқ.

Келини билан бўлган жанжалдан кейин Тун-бао янада ўйчан бўлиб қолди. У, А-си қанчалик виждонли ва адолатли бўлмасин, барибир оғзи бўш ва хотинининг ғийбатларини кўтара олмаслигини тушунарди, шунинг учун ҳам ҳозир эр-хотинни чўчқахона олдида шивирлашиб гаплашаётганликларини кўриб, чол ғазабидан тишларини ғижирлатди. Лекин унинг қўлидан нима ҳам келарди?

Узоқдан А-си ва Си Дан-янни кузата туриб, у бирдан эски чўчқахона ҳақида ўйлаб қолди. Чўчқахонани ўз қўли билан бундан беш-олти йил бурун қурган. Бу яхшигина чўчқахона эди: фақат ёғочнинг ўзидан ўн юань кетган. Аммо, ўтган йил чўчқахона бутунлай бўш турди, унинг устига бу йил ҳам бирор чўчқа боласини

сотиб олишга кўзи етмайди. Чўчқaxonани қуришдан илгари, Тун-бао атайлаб геомантшуносни* таклиф қилганди. Буни бунчалик муваффақиятсиз чиқишига кимнинг ақли етибди! Тун-баонинг ғазаби чўчқaxonага қаратилди. Чол қалтираган ҳолда тўнғич ўғли томон юрди ва нарироқдан бақирди:

— А-си! Ёш жаноб Чэнга тахта керакмиш, деб эшитдим. Эртагаёқ чўчқaxonани бузиб, тахтасини сотамиз! Чўчқа боқиншга қудратимиз етмас экан, бу чўчқaxonанинг бизга нима кераги бор?

Эр-хотин шивирлашишни тўхтатиб, чолнинг товуши келган томонга ўгирилдилар.

Қош қорайиб қолган бўлса ҳам, Си Дан-яннинг сал қизарган ҳаяжонли юзи аниқ билиниб турарди:

— Ким оларди уни, — чолнинг сўзини қайтарди. — Ёш жаноб Чэнга бундай ифлос тахталарнинг нима кераги бор!

— Олади! Менинг юзимдан ўта олмайди, — аччиғидан бақирди Тун-бао. — Ахир, уч авлод давомида оилаларимиз ўртасида дўстлик ҳукм суриб келади, олмасликка қандай журъат қилади!

Унинг кўз олдида яна оиланинг шонли ўтмиши: «узун сочилилар» қароргоҳидан бирга қочишган бобоси билан ёш жаноб Чэннинг бобоси ўртасидаги алоқалари намоён бўлди. Кекса Тун-баонинг бобоси Чэнь оиласида зўр ҳурматга сазовор, қола берса Тун-баонинг ўзини ҳам у ерда анчайин ҳурматлашарди. Ёш жаноб баъзида уни «Тун-бао амаки» деб ҳам атарди. Чолга нисбатан бўлган бу иззат-икром, унинг бойлар олдида бўйин эгишининг асосий сабабларидан эди.

Си Дан-ян бошқа ҳеч нарса демасдан, қовоғини солиб узоқлашди.

— А-си, менга қара, бу А-до нима иш қилиб юрибди? — Келини кетиши биланоқ беҳосдан сўраб қолди Тун-бао ва ғазаб билан ўғлига тикилди... — Мени ҳеч нарсадан хабари йўқ, деб ўйлайсизларми? Йўқ, то кўзим юмилгунча, менинг назаримдан қочиб қутула олмайсизлар!

* Г е о м а н т и я — боболарнинг шахсига сиғиниш билан боғлиқ бўлган қадимги «фан». Бу «фан»га асосан, гўр кавлаш, уй хўжалик иншоотлари ва шаҳарларни қуришга жуда ҳам қулай жойлар тайинланар эди; улар жойнинг тузилиши: тоғлар, дарёлар, бамбук ўрмонлари, йўл қайлишлари ва шунга ўхшашларнинг тутган ўрнига қараб белгиланарди.

Уйнинг томида қарға қағиллади. А-си черепица си ниғини олиб қарғага қараб отди. Тупуриб, бошини қимирлатди, лекин ҳеч нима демади. Ахир, нима ҳам дейиш мумкин: отаси бир хил сўзлайди, хотини эса бошқача, укаси учинчи хил сўзлайди. А-си бўлса кўнгилчан одам, унингча ҳамма ҳақли кўринади, кимнинг ёнини олишни билмайди.

— Қалласини олишади,— деди кекса Тун-бао.— Бутун онласини қатл қилишади. Мен-ку турмушда ҳамма нарсани бошимдан ўтказганман!

— Ахир, шунча одам-ку... Наҳотки ҳамманинг бошини олиб улгуришса? — деб қаршилик кўрсатмоқчи эди А-си, лекин отасининг чақчайган кўзлари ва пешонасида бўртиб чиққан кўк томирларини кўриб дарров гапини бошқа ёққа бурди.— Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ. А-до шунчаки бир ўйинқароқлик қилиб кетди-да. Шаҳарга эса, улар бугун боришгани йўқ.

А-си ҳам, А-до ҳам, келини ҳам — ҳаммаси бир шайка, деб гумон қилган чол, тишларини ғижирлатиб:

— Ўйинқароқлик эмиш! Хуан Роҳиб ҳаммасини айтиб берди, наҳотки у ёлғон гапирса? — деди.

— А-си отасининг сўроғига бардош бера олмай, хотинининг насиҳатини эсидан чиқариб:

— Йўқ, ундай эмас, ҳақиқатда ундай эмас. Хуан Роҳиб тоза ҳам адаштирибди,— деди. Улар бугун шарққа, Янцзяцзяо қишлоғига йўл олишди. Ҳамма ишни хотинлар бошқаряптилар. Эркаклар эса фақат қайиқни ҳайдаётдилар. А-до ҳам қайиқни ҳайдашга ёрдам бераётир. Мен ҳаммасини яширмай айтдим...

Лекин А-си барибир энг муҳимини яширди: биринчидан, А-до қайиқни ҳайдашга ёрдам бермасдан, балки қишлоқдаги ишларга раҳбарлик қиляпти, иккинчидан эса А-сининг ўзи ҳам хотини билан келишиб қўйди, агарда бугун қарзга пул топа олмай, гуруч сотиб ола олмаганда, эртага у ҳам қайиқни ҳайдашга ёрдамга борарди.

Кекса Тун-бао ўғлига шубҳа билан қараб қўйди, лекин ҳеч нарса демади.

Кеч кирди, уйнинг туйнугидан оқиш тутун кўтарилди. Ичкаридан Сяо-баонинг ашуласи эшитиларди.

— Дадаси! — эрини чақирди Си Дан-ян.

Эр дарров жавоб бериб уйга қараб юрди. Бир неча қадам ташлаб, кейин тўхтади ва эркин нафас олиб:

— Уч доу гуруч қўлга киритдик, энди саккиз-ўн кун бемалол яшай оламиз. А-до қайтса энди қайиқ ҳайдашга юбормаймиз, — деди.

— Чўчқахонани барибир бузишга тўғри келади, бўлмаса ёмғир, шамолдан ўзи ҳам қулаб тушиши мумкин...Шундай қилганда ҳарқалай қўлимизга бир оз пул киради-ку.

Кекса Тун-бао юқоридаги сўзлари билан ўғлига: «Жиний ишлар билан шуғулланадиган даражада аҳволимиз танг эмас!» — деган маънони англатмоқчи бўлди. У материални баҳолаётган уддабурон дурадгор сингари бармоқлари билан чўчқахона тахталарини чертиб кўрди ва уй томонга қараб жўнади.

Қишлоқ четидаги шולי хирмонида шовқин-сурон кўтарилди. Бу Янцзяцяога борган кишиларнинг қайтиб келганлигидан дарак берарди. Сяо-бао худди сичқондай уйдан югуриб чиқди ва А-до амакисини истаб топишга шошилди. Си Дан-ян ҳам шошилишга ўчоққа бир неча тут шохчаларини ташлаб, янгиликларни билиш мақсадида шולי хирмонига қараб чопди.

Қозон қопқоғи остидан хушбўй, ҳақиқий гуруч ҳидларини таратиб қуюқ буғ кўтарилди. Кекса Тун-бао бурнини тортиб, оғзидаги сўлагини ютди. Очликдан қорни ғулдирарди-ю, ўйи бошқа ёқда эди: ёввойи отдек ҳар ёққа сакраётган А-донинг адабини қандай қилиб бериб қўйса экан. Дала ишлари ҳақида ҳам бош қотириш вақти етган эди: унга ҳаммаси бўлиб бир ойча муддат қолган эди. Кекса Тун-бао қишлоқда дала ишлари тўғрисида бир ой олдин қайғурадиган одам эди.

А-до, дарёнинг нариги томонидаги Лу Фу-цин каби бу кеча қайтмади. Айтишларича, улар иккови, эртага эрталаб қайиқда Яцзуйтань қишлоғига жўнаш учун Янцзяцяо қишлоғидаги бир деҳқонникида тунаб қолгандилар. У ерда уч қишлоқдан одамлар тўпланиб, биргалашиб шаҳарга жўнамоқчи эдилар. Бу янгиликни Си Дан-ян Лу Фу-циннинг синглиси Лю-баодан эшитди. Бутун қишлоқ бу янгиликни қизғин муҳокама қиларди. Лекин ҳеч ким бу ҳақда кекса Тун-баога бирор оғиз сўз айтмади. Унинг ўжар феъли ҳаммага яхши маълум эди.

Ҳамма кечки овқатга ўтиргандан кейин, унча-мунча нарсани фаҳмлаб қолган Тун-бао, бирдан катта ўғлига қараб: — Қайтиб келмабдими дайди, жуда ҳам яхши. Менинг энди бундай ўғлим йўқ! — деди.

А-си тилини чўпиллатди ва жим қолди, Си Дан-ян эса чолга кўз тагидан жаҳл билан қараб, нафрат билан пиқ этиб кулиб қўйди.

Бу кечаси Тун-бао ухлай олмади. Кўзини юмган замони бир оз уйқуга кетар ва кўзини очиб худди уни биров калтаклаётгандай ҳар сафар сесканиб тушарди. Чол уйқуга кетишдан чўчирди. Чарчаганидан қовоқлари шунчалик оғирлашган эдики, гўё уларни минг цзинча оғирлик босиб турарди.

Мудраган куйи А-сининг нималарнидир гулдирагани қулоғига кирди. Тун-бао эр-хотин ўзаро бирор нарса тўғрисида пичирлашаётандир, деб ўйлади, лекин бирдан кучли бақирӣқ эшитди ва чолнинг аъзойи-бадани зин-гиллаб кетди.

— А-до! Отам сени тириклайин ерга кўймоқчи! Эй, бу ҳаммаси бўлмаган гап! Ахир, у ҳозир нималар рўй бераётганини тушунармиди! Балки одамлар бирин-кетин чеккага чиқишиб бутун қилинган жиноятлар учун сен жавобгар бўлиб қоларсан...

Уйқудаги босинқираш! Чол ҳарбир сўзни барала эшитди. Сочлари тикка бўлиб кетди, кўзларини катта очди ва бошини кўтариб, бақирди:

— А-си!

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Фақат невараси Сяо-бао уйқусида кулди ҳамда Си Дан-ян сўкинди. Кровать тахтаси ғижирлади ва бир оздан кейин қаттиқ хуррак товуши эшитилди.

Кекса Тун-баонинг уйқуси бутунлай қочиб кетди. У қоронғиликка тикилиб ётар, хаёлида ҳар хил фикрлар ўралашмоқда эди. Оиласининг турмуши кундан-кун яхшиланиб борган бахтли кунлар эсига тушди. Ҳозир у даврлардан эски ҳисоб китобидан бошқа ҳеч нарса қолмаганди. Тут барглари серҳосил бўлган бу йил-чи! Бундай бўлишини, ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетишини ким хаёлига келтирибди. Бундай ҳосил бўлган йилда қарздор бўлиб қолиш, унинг устига ўзига қарашли тутзорнинг бир қисмидан маҳрум бўлиш. Ахир унинг бобосидан бошлаб ҳамма қариндош-уруғлари ҳалол ва инсофли одамлар эди-ку. Кекса жаноб Чэнь ҳам тириклик пайтида доим уларни мақтар эди. Кекса Тун-баонинг ўзи ҳам ёши йигирмага тўлгандан бери ҳамма вақт шаҳарлик жанобларнинг «энг яхши» қилиқларига сўзсиз тақлид қиларди... Гарчанд

у, ерни омок билан ҳайдаса ҳам ҳамма вақт ўз бурчини яхши биларди. Энди нима бўлди? Фалак тўнини тескари кийиб олди, ҳатто, Тун-баодек одамга А-додек жинояткор ўғил тақдим қилди. Тун-бао бунинг тағига ета олмайди. Наҳотки, ўша кичкина «узун сочли»нинг руҳи ҳалигача бошқа танга ўтмаган бўлса, ахир, ўшандан бери олтмиш йилча муддат ўтди-ку. Бирдан чолнинг аъзойи-бадани терлаб кетди ва унинг бутун вужуди қалтирай бошлади. Фалак! Ахир, А-до ўзининг бутун қилмишлари билан ўша «узун сочлилар»дан туки ўзга эмас-ку. Шу вақт чолнинг эсига бирдан шу нарсга келди: тўрт-беш йил илгари ҳамма ерда «йўқолсин Тухао ва лешэнь»* деб бақириб юрганларида, А-до яшириб қўйилган қилични, «узун сочлилар»нинг қиличини кўтариб чиқмаганмиди ва уни ўйнамаганмиди? Бу қилични Тун-баонинг бобоси «узун сочлилар»нинг қароргоҳидан қочганда ўзи билан бирга олиб келганди. Мана шу қилич билан Тун-баонинг бобоси ўша вақтда «узун сочлилар»нинг кичкина пойлоқчисини ўлдирганди. Энди эса А-дони тақдирнинг ўзи мана шу қилич билан боғлаганди.

Кекса Тун-бао кўп ўйлади ва ўйлаган сари ўйлари янада қўрқинчга соларди. Лекин Тун-бао бир нарсдан беҳабар эди, у бу ерда А-додан хафа бўлиб ғзабидан тишларини ғижирлатаётган бир пайтда, мана шу А-донинг ўзи Лу Фу-цин билан бирликда эрта тонгда Янцзяцяодан ўттиздан ортиқ деҳқон хўжаликларини бу ёққа бошлаб келмоқда эди.

Кекса Тун-баонинг ҳамқишлоқлари тун бўйи ҳаяжонли тушлар кўриб чиқдилар. Улар Янцзяцяо қишлоғидан деҳқонларнинг келишини саросимали чидамсизлик билан кутмоқда эдилар ва тонг отар-отмас ҳаммалари ўрнидан туриб, меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўра бошладилар.

Тонг шафақлари девор тешикларидан кўрина бошлади, шоли хирмонида чумчуқларнинг чуғурлашлари эшитилди. Қишлоқда қолган Хуан Роҳибнинг севимли хўрози ҳам чақирди, ва узоқдан чўзиқ товуш эшитилди, қаердадир хотин киши фарёд қилаётгандай эди...

* Т у х а о ва Л е ш э н ь — помешчик - мустабидлар ва қишлоқ текинхўрлари; деҳқонларнинг энг ашаддий эксплуататорлари ва зolimлари эдилар. Расман ҳуқуқронлик қилар ва эски Хитой қишлоғида кишиларни тафтишсиз суд қилар ва жазолар эдилар.

Ниҳоят, кекса Тун-Баонинг кўзи уйқуга кетди ва бирдан, тушидами ёки ўнгидами, унинг олдида ўша ярқираган «узун сочлилар» нинг қиличи намоён бўлгандай бўлди. Тўсатдан қиличнин биров кўлига олди. Қўлидан юқорида мускуллик елка кўрниди, кейин юмалоқ кўзли ва қалин қошли башара бошини кўтаргандай бўлди...

— Ахир, бу А-донинг ўзи-ку!... — қўрқинчдан бақриб юборди чол ва кроватдан туриб ўтирди.

Хонага анчайин ёруғ тушган эди. Си Дан-ян нонушта ҳозирлар эди. Ўчоқда ўг ёнмоқда эди. Чол аста-секин ўзига келиб, кроватидан тушди. Шоли хирмонни томондан одам товушларининг қаттиқ шамолдай шовқин-сурони келди. Кейин бонг урилганлиги эшитилди.

— Ёнғин? Қаерда? — деб сўради кекса Тун-бао ва кўчага отилиб чиқди. У, шоли хирмонигача югуриб келди ва Гуан-суй ҳукмронлик қилган даврнинг бошларидаги гуруч ғалаёнлари* вақтида кўрган ажойиб ҳодиса кўз олдида намоён бўлди. Шоли хирмонида эркаклар ва хотинлар, чол-кампирлар ва болалар тўпланган ва улар ҳаммаси тартибсиз равишда:

— Эй, ташқарига чиқинглар, биз билан бирга юринглар! — деб бақирди.

Улар орасида А-до ҳам бор эди. Бонгни чалган ҳам ўша эди.

А-до отасини узоқдан кўриб, унга томон югурди. Чолнинг юзига қон урилди, кўзлари чақнади.

— Ҳайвон! Қаллангни олишади! — бақирди у, ўғлининг башарасига қараб.

— Олишса, олиша қолсин. Гуручсиз ҳам шу ўлимга гирифтормиз. А-си қани, унинг хотини қаерда? Юринглар ҳаммаларинг... — Қаҳ-қаҳ уриб кулди А-до.

Ўғли сўзини тамом қилмай туриб, чол унга муштини кўтарди... Бирдан уларнинг ўртасида А-си пайдо бўлди. У, отасининг қўлини ушлаб қолди ва укасига насиҳат қила бошлади:

— А-до, гапимга кир, энди ҳеч қаёққа борма. Мен кеча уч доу гуруч олиб келдим, овқат қилишга масаллиғимиз бор!

* Гуруч ғалаёнлари — пойтахтга юбориш учун оғир гуруч солиқларига қарши норозилик белгиси остида XIX асрнинг 70 йилларида Чжэцзян, Цзянсу ва бошқа вилоятларда кўтарилган деҳқон кўзғолонлари.

А-до қалин қошларини чимирди ва ранги ўзгариб кетди. У бир нарса демоқчи эди, лекин шу вақт унинг кетида бир одам пайдо бўлди. Бу Лу Фу-цин эди. А-сини қўли билан четлаштириб қаттиқ хохолаб кулди:

— Сизларда уч доу гуруч борми? Бу жуда ҳам керак эди-да: Янцзяцяо қишлоғилик одамлар ҳали нонушта қилганларни йўқ. Ҳаммаларинг бу ёққа келинглар.

— Юринглар бизникига гуруч ейишга!

А-си қулоқларига ишонгиси келмади. Аммо, Янцзяцяо қишлоғининг аҳолиси дарров чақириққа жавоб бериб, А-сининг уйи томон жўнадилар. Кекса Тун-бао юрагининг бир парчасини юлиб олгандай бўлдилар. У бақирди, кўз остлари қоронғилашди, оёқлари чаллашиб кетди ва ерга ўтириб қолди.

А-си қутурган итдай Лу Фу-цинга ташланди, бўйишига ёпишиб ғажий бошлади. У йиғлар ва пойма-пой бир нарсаларни жоврар эди...

— Жинни бўлганмисан! — уни ўзидан итарарди Лу Фу-цин. — Бу нима қилганинг? Қулоқ солсангчи менга, А-до, сен бир қарагин.

Шу пайт А-си Лу Фу-цинни қўйиб юбориб, укасига ташланди ва уни калтаклай бошлади.

— Газанда ҳам ўз ини олдидаги кўкатга тегмайди, — йиғлаб бақирарди у, — сен бўлсанг ўз уйингга ҳамма нарсани еб битириб кетадиган одамларни олиб бормоқчисан! Нима қилияпсан ўзинг!

А-си укасининг калласини қаттиқ қайириб олганидан А-до бирор сўз айтишга мажоли бўлмай тўнғилларди, холос.

Лу Фу-цин ака-укани ажратиб қўйишга уриниб, уларнинг ёнида депсинарди, лекин ажратиб қўйишликка қўрби етмас эди. Чол эса, ерда ўтириб олиб, ғазаб билан сўкинарди. Яхшиямки, Лю-бао улгиб келиб А-сини укасидан ажратиб қўйди.

— Сенинг яна бошқа қарзга гуруч оладиган жойинг бор, — ҳарсиллаган ҳолда деди А-до, — бошқаларнинг қарз оладиган жойлари йўқ. Улар нима қилишлари керак? Уйингда гуруч борлиги туфайли улар билан бирга боришни истамайсан, агарда оз одам борса, бунинг фойдаси йўқ. Мана кўрдингми — гуручингни бекорга ейишмайди; у ҳолда сен ҳам биз билан шаҳарга борасан, сен ҳам на-сibasиз қолмайсан.

А-си чордана қуриб ўтирди ва худди ёғоч бутдай қотиб қолди. Лу Фу-цин бир қўли билан бўйнидаги тишланган ярасини ушлаб, бошқа қўли билан А-сининг елкасига қоқди:

— Биз шундай келишдик: Дунцуньфан қишлоғида кимнинг гуручи бўлса бизни меҳмон қилади, кейин ҳаммамиз бир бўлиб шаҳарга борамиз. Кўрдингми, А-синим, менда айб йўқ, ҳаммамиз шу қарорга келдик.

— «Узун сочлилар» ҳам шундай ваҳшийлик ва ўзбошимчаликка бориб етмагандилар, — ярим товуш билан деди кекса Тун-бао, лекин бирортасининг тўғри юзига қараб сўкишга ботина олмади, фақат кўзларини ерга тикиб, ўзича ўйлади: «Майли, шаҳарга боринглар. У ерда боплаб адабларингни беришади. Қилмишларингга яраша жазосини тортасизлар, худойим билиб-кўриб тургандир-ку. Ана ўшанда чол ҳам «ўз умрини ит қабилида ўтказмаганлигини» биласизлар.

Бу орада янзьянзолик деҳқонлар гуруч тўлғазилган иккита чанни кўтариб шовқин-сурон билан тўда-тўда бўлиб Тун-баонинг уйдан чиқиб келишарди. Си Дан-ян сочлари тўзғиган, кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда уларнинг кетидан бақириб йиғлаб, чопи келарди:

— Бу ахир, ўзимиз учун эди, бу бизнинг овқат-озимиз! Нимага одамларнинг ўзига тегишли нарсаларни ўғирлайсизлар! Аблаҳ босқинчилар!

Лекин ҳеч ким унга эътибор бермасди. Деҳқонлар чанларни шоли хирмонининг ўртасига қўйиб, яна онг уришга киришдилар.

Лю-бао куч билан Си Дан-янни бир чеккага тортиб, худди уришаётгандай бақириб, унга нималарнидир тушинтиришга уринарди:

— Ҳамманикини оламиз! Кимнинг овқат-озиги бўлса тортиб оламиз, тушуняпсанми! Ким айтди сизларга бойларнинг уйига бориб, бўйин эгиб қарзга гуруч сўраб олсин, деб? Сенинг қарзга сўраб оладиган жойинг бор, бошқаларники йўқ, нима, очдан ўлсинларми? Фақат сенинггина оиланг бор! Нимага энди, худди қайнатанг ўлгандай осмону фалакни бошингга кўтарибодлаяпсан. Ҳозир сеникини ейишган бўлса, кейин сенга ёрдам қилишади ва ҳаммасини қайтариб беришади, йиғлашнинг нима кераги бор!

Чўққайганича серрайиб ўтирган А-си, ниҳоят, хўрсиниб ўрнидан турди, хотинининг ёнига келиб, насиҳат

қилаётгани ёки жаҳли чиққани номаълум бир ҳолда, тўнғиллади:

— Ҳаммаси сен туфайли! Ҳаммаси сенинг ўйлаб топганинг. Энди ҳалок бўламиз. Нима қилиш керак энди! Улар билан бирга кетамиз. Осмон йиқилса, барчанинг устига тушади.

Қаердандир иккита қозон топиб келиб, шоли хирмонига қуришди. Янцзяо ва Дунцуньфан қишлоқларининг аҳолилари шошилини гуруч ювишга ва шавла пиширишга киришдилар.

Эрталабки қалин туман тарқалиб қуёшнинг заррин нурлари шоли хирмонига қия тушганди. Ранги ўчган кишилар сал қизаришганди. Шарққа томон, анҳор кенгайиб ва чуқурроқ бўлган ерда, олтита қайиқ турарди. У ердан баланд жўшқин ашула эшитиларди. Худди мана шу қайиқларда иккала қишлоқнинг аҳолиси шаҳарга қараб сузиши керак эди.

Тун-бао чўққайиб ўтирганича, одамларнинг шовқин-сурон билан шавла еяётганини ва шу тариқа шовқин билан қайиқларга тушиб жўнаб кетаётганлигини ғазаб билан кузатарди.

Буларнинг ҳаммаси чолга тушида кўрингандай туюлди. У узоқлашаётган қайиқлар ортидан қараганича қолди. У зўр бериб қайиқни ҳайдаётган А-дога қарарди, Лю-бао билан дўстона суҳбат қилаётган А-си ва Си Дан-яннинг йиғлаган, ғамгин юзларига боқарди, кеманинг қўйруқ томонида А-донинг ёнида туриб, қўлларини силкитиб худди ўзининг ҳам қайиқни ҳайдашаётгандай фараз қилаётган Сяо-баога телмурарди.

Кекса Тун-бао худди уйқудан уйғонгандай, бирдан ўрнидан турди ва анҳор ёқалаб ғарбга томон югура кетди. Қаёққа ва нима учун чопаётганини ўзи ҳам билмас, фақат томоғига бир нарса тиқилиб қолган ва шунинг учун бирор кимса билан суҳбатлашмоқ кераклигини сезарди.

Қишлоқ сув қуйгандай, ҳатто болалар ҳам кўринмас эди.

Чол, ниҳоят, анҳорнинг нариги қирғоғида унга томон тентакларча шошилиб келаётган кишини кўрибоқ орқасига қайрилиб чопди. У кишининг боши оқ латта билан боғланган эди. Аввало чол уни таний олмади, лекин киши тўртта ходадан қурилган кўприкка яқинлашганда, бу Хуан Роҳибнинг худди ўзи эканлигига қаноат ҳосил қилди. Тун-бао эркин нафас олиб, узоқданоқ бақирди:

— «Узун сочлилар» ҳам бунчалик ноинсоф эмас эдилар! Эсингизда борми? Мен чол, ҳаётимни ит умридек ўтказганим йўқ. Бу аблаҳ босқинчиларнинг шаҳарда боплаб адабини беришади.

Хуан Роҳиб тўхтади ва худди танимаётгандай Тунбаога тикила бошлади, ва ниҳоят қалтироқ товуш билан:

— Бундай одатлар қаердан чиқди? Қаердан? Сиз билардингиз... Менинг кекса хўрозим... Уни ҳам еб кетишди. Бундай одатлар қаердан чиқди, — деди.

— Аблаҳ босқинчилар! Сизнинг хўрозингиз тўғри-сида гапиришнинг нима ҳожати бор?.. Хўроз ўзи нима деган гап? Улар одамларни ҳам ўлдиришади! Ўлдира беринглар! Ўлдира беринглар! Аблаҳ босқинчилар! — бутун овозининг борича бақирди чол ва уйига қараб чопди.

Шаҳарга кетганларнинг ҳаммаси шу кун кечқурун соғ-саломат қайтишди ва ҳар қайсиси беш шэндан гуруч олиб келди. Кекса Тунбао шунчалик ажабланган эдики, нима дейишини ҳам билмас эди. Унинг учун битта нарсга равшан эди: ҳозирги шаҳарлик жаноблар ҳақиқий жанобларга ҳеч ҳам ўхшашмайди, бўлмаса бундай воқиа қандай бўлиши мумкин. Қандайдир бирор юзта деҳқонни кўриб шунчалик қўрқишибдики, улар билан одамга ўхшаб яхши муомала қилибгина қолмай, ҳар бирига беш шэндан гуруч ҳам беришибди. Булар қанақа жаноблар ўзи? Ёки бўлмаса кекса Тунбаонинг бутун ҳаёти ҳақиқатда ит умрида ўтиб кетдими? Ҳа, дунё шундай ўзгариб кетдики, ҳеч нарсгага тушуниб бўлмайди!

Унинг ўғли А-до, қола берса бошқалар ҳам жуда ҳадсиз диларидан ошиб кетишди!

III

Ҳамма ерда «гуруч ғалаёплари» бошланиб кетди. Ўнли атрофидаги ўндан ошиқ шаҳарчаларда деярли ҳар куни оч-ялонғоч деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бўлиб турарди. Маҳаллий қишлоқ оқсуяклари деҳқонларнинг ҳеч нарсга билан ҳисоблашмаётганликларини кўриб, ниҳоят, ўзларининг олиҳимматлик ниқобларини олиб ташладилар ва тартиб ўрнатишга қарор қилдилар. Уезд ва район бошқармалари ва ҳатто шаҳарларнинг савдо палаталари, гуруч запасларини зўрлик билан тортиб олиш ва бой хўжаликларга зиён етказиш ман қилинади, ҳамда

ҳамма нарсани тинч йўл билан келишиб, ҳал қилиш керак, деган дабдабали эълонлар чиқардилар. Номаълум бир оқсуяк эса, бунинг устига гаровга берадиган дўконларнинг ва шולי каппонларининг хўжайинларини деҳқонларнинг эҳтиёж ва талаблари тўғрисида ўйлаб кўришга даъват қилди, уларни ўз жонажон сармояларининг бирор қисмидан ажралиб қолиш ҳақида қайғурмасдан, ҳозирги ташвишли кунларга бардош беришлик учун «олиҳимматли дарвозаларини очишга» чақирди.

Лекин қишлоқ бойлари ва савдогарлар бу олиҳимматли дарвозаларини қандай қилиб очишликни муҳокама қилгунларича, деҳқонларнинг қоринлари очлик азобиға бардош бера олмади. Дабдабали эълонлар бирор натижа бермади, аввалдан қишлоқдаги ишларни бартараф қилишга уста ҳисобланган қишлоқ оқсоқолларининг насиҳатлари ҳам фойда бермади. «Гуруч запасларини экспроприация қилиш» учун бошланган ҳаракат кенг миқёсда авж олиб борар эди. Бу ҳаракатга юзлаб иштирокчилар эмас, балки беш юз-олти юз ва ҳатто мингга яқин одамлар қўшилди. Ҳаракат яқин ўртадаги район марказларининг гина қоплаб қолмай, балки катта шаҳарларга «олис юришлар» тусига кириб кетди.

Кекса Тун-бао қишлоғидан олтмиш ли узоқликда бўлган жуда ҳам бой бир шаҳар жойда, оч-яланғоч деҳқонлар билан ҳарбий полиция ўртасида тўқнашув ҳам бўлиб ўтди. Полициячилар осмонга қараб ўқ узишарди ва бир неча ўнлаб деҳқонлар қамоққа олинганди. Лекин эртаси кун минглаб жуда ғазабланган деҳқонлар тўдаси шаҳарчани қуршаб олди, бунинг натижасида шаҳарча қўшни шаҳарлар билан бўладиган ҳар қандай алоқадан маҳрум бўлди. Қамал қилинган шаҳарчага бошқалардан илгарироқ олиҳимматлик дарвозаларини очиш, яъни оддийроқ қилиб айтганда, ён беришдан бўлак чора қолмаган эди: деҳқон шולי каппонларидан қанчаинки гуруч истаса, бир данга бир дань ҳисоби бўйича кузда қайтариб бериш шарти билан қарзга олиши мумкин; гаровга берадиган дўконлар бир марта гаровга берганда процент олмайдилар; шаҳар савдо палатаси қарзга бир юз эллик дань гуруч ажратади ва гуручни деҳқонлар ўртасида бўлиб бериш учун қишлоқ оқсоқоллари ихтиёрига беради.

Шаҳар аъёнлари ва савдогарлар ғалаён авж олиб турган бир вақтда, фақат уни бостира олувчи сиёсат

тутиш зарурлигини англадилар, бундай ўйлаб қарганда, юз эллик дань гуручнинг баҳридан ўтиш — нима деган нарсa, унинг ҳиссасини шаҳар аҳолиси ҳисобига чиқариб олса ҳам бўлади.

Бу орада вилоят тинчлигини сақлаш отряди тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳарча ва атроф қишлоқларнинг ҳамма муҳим пунктларини ишғол қилди, ва бу отряд олиҳимматлик дарвозаларини очиб билан бирликда ўз ишини қилди: бўрон тинчиди, шолнинг зўрлик билан тортиб олиш аста-секин тўхтатилди. Эски ҳисоб бўйича июнь ойи бўлиб, дала ишлари ҳам яқинлашиб қолган эди.

Кекса Тун-баонинг оиласи «тартибсизликлар» туфайли кейинги вақтларда ҳар кун шавла ер ва бир кунда икки марта ёвғон қайнатарди. Гарчи янги қарз қўшилмаган бўлса ҳам, А-сининг «бўрон» бошланишидан илгари қарзга олган уч доу гуручи ҳали бўйнида эди ва гуручни қайтариб беришлик алам қилар эди. Дала ишларига киришиш вақти ҳам етди, А-си ҳам, Си Дан-ян ҳам энди янада кўпроқ қарзга ботиш мумкинлигини тушунардилар.

Тун-бао, ўғли ва келинининг маъюс юришларини кўриб, қаттиқ гижинарди. Кейинги ой ичида ҳақиқатда унинг обрўси жуда заифлашиб кетди, шунга қарамасдан ҳозир гуруч таловчилик қилиш ўрнига далага чиқиш керак эди. Тун-бао, худди ағдарилган сулоланинг амалдоридай, ўзини ҳамма йўлларни биладиган эски отдай, тартиб ўрнатишга мажбур, деб ҳисобларди. У ҳамма вақт А-си ва Си Дан-яннинг атрофида гир айланиб, дала ишлари ҳақида гапирар ва ёшлигида у нечоғлик ишчан бўлганлиги, бутун умрини меҳнат билан ўтказган, ҳеч қачон умидсизликка берилмаган, натижада анчайин мол-мулкка эга бўлган отасининг меҳнатсеварлик орқасида ном чиқарганлиги тўғрисида ҳикоя қилар эди.

Ҳар сафар, даладан қайтишлари биланоқ; у бақира бошларди:

— Эртага, индинга шоли кўчатларини ўтказиш керак.

Бир кун у:

— А-си! Сенга кўз тегдими? Ўғит тўғрисида ўйлайсанми ёки йўқми? — деб сўраб қолди.

— Бизда ўтган йилдан қолган тўла бир пакет сульфат аммонийси бор, — тилар-тиламас жавоб берди ўғли.

Чол ирғиб ўрнидан туриб кетди ва жаҳл билан ўғлига тикилди:

— Қанақа сульфат аммонийсининг пакети? Заҳар! Қилмишлари одамларга зарар келтиришдан бошқа нарса бўлмаган, океанининг нариги ёғидаги малъунларининг заҳари! Ўзимизнинг кунжарамиздан яхшиси бор эканми? Ота-боболаримиз шундан фойдаланишган. Соя кунжараси ерга куч беради, сенинг порошокларинг нима беради? Йўқ, бу йил ерга фақат соя кунжарасинигина соламиз!

— Ҳеч бўлмаса, бир бўлак кунжара сотиб олишга ҳам пулни қаердан оламиз? Ахир, мана ўтган йилги порошок ўз кучини йўқотадиган дейишади, унга янгисидан аралаштириш керак экан, бунга ҳам пул йўқ!

— Бекорларни айтибсан! Сенингча, демак шоли экиш керак эмасми? Нимани ейсан, қандай яшайсан, қарзларингни қандай узасан? — бармоғини А-сининг юзига тираб, бақирди чол.

Ўғил отасининг ҳақлигини тушунган ҳолда хўрсинарди. Фақат экин экиб, улар ярим йилча тирикчилик қилишлари, ҳамда озроқ бўлса-да қарзлардан қутулишлари мумкин. Аммо, кейинги йилларнинг тажрибаси унга ерни ишлаш учун пул қарз олишлик — судхўрнинг ишчи ҳайвонига айланиб қолишдан бошқа нарса эмаслигини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйганди. Лекин уни ҳар ҳолда хўжайин боқади, оиланинг эса ҳеч қачон қорни нонга тўймайди. «Экишнинг фойдаси бўлармикан? Беҳуда меҳнат!» — тез-тез айтиб қўярди Си-Дан-ян ва икковлари ҳам А-донинг «Деҳқон қарзга киргандан кейин — у қайтиб ўзига келиши қийин», — деган гапига қўшилишарди. Ғаллакорликдан бошқа бирор нарса билан яшаш мумкин бўлмаганлигидан, А-си ва Си Дан-ян: ерни ишлашлик учун ҳеч қандай қарз олмаслик керак, вассалом! — деган хулосага келдилар.

Ўғлининг индамаганлигини кўриб, чол ўкинч билан: «Энди буларнинг ишига ҳеч аралашмайман». — деб ўйлади ва кечга томон шаҳарчага қараб йўл олди. У, қариндоши Чжан чолга ва ёш жаноб Чэнга, ўғилларининг ҳечнарсасага ярамасликларидан ҳасрат қилди, лекин улар уни юпата бошлади: «Болаларга бунчалик қаттиқ қўллик қилиш ярамайди, ахир, уларнинг ҳам ўз бахти бор...»

Тун-бао шаҳарчада тунаб қолди. Эртасига эрталаб ёш жаноб Чэнь афюн чекиб бўлиб ухлашга ётмоқчи бўлиб турганда чол унинг олдига келиб қарзга пул сўради. У

озгина, фақат бир бўлак соя кунжарасини сотиб олишга лойиқ қарз сўради. Ёш Чэннинг жуда ҳам уйқуси келиб турган эди, лекин чолнинг илтимосини рад қила олмади ва кунжарафурушдан Тун-бао учун насияга ўғит сўраб беришга рози бўлди.

Чол кунжарани олиб, қишлоққа жўнади. Бутун йўл бўйи ўз-ўзи билан гаплашар ва ўзича секин кулиб қўярди. Уйига келиб, у кунжарани айвонга қўйди ва юзини англаб бўлмайдиган бир қиёфага киргизиб, келинига:

— Охирги нафасим танамдан чиққандан кейингина ишларингга аралашмай қўяман, ҳозирча менинг қаердан нима олганлигимни сўрамай қўя қолинглар: менинг райимга қараб иш қилинглар, — деди.

Шолини экиб бўлишгандан кейин, кекса Тун-баонинг боши баҳорги қурт боқиш кунларида ўраб олган хаёллар билан тўлди. Қуёшнинг заррин нурлари остида енгил шамол туфайли кўчатлар, худди уларни биров қўл билан тортиб олаётгандай, ердан жуда тез кўтарилдилар. Лекин дарёдаги сув тез пасая бошлаганди. Уватларнинг четига чиғирлар ўтнатишди. А-сининг бир ўзи улгурмаётганлиги туфайли, кекса Тун-бао ҳам тепага чиқди, аммо, ўнга яқин челақда сув тортгандан кейин, нафаси қисилгани, бели ва оёқларининг кучли зирқираганини пайқади.

— Вой... — оғир нафас олди у, ва қайтиб тушди, унинг ўрнига Си Дан-ян чиқди.

Шоли тез ўсиб, қанчалик кўп сув ичмасин, ташналиги тобора ортар, қуёш эса ҳар куни ўтли аждарҳодай дарёдаги сувни ичиб қўяр эди.

Чиғирларда дам етишмаганлигидан, зўр-зўраки бирорта кишини бир кунга бўлса ҳам чақиришга тўғри келар эди.

Хэ-хуанинг оиласи бу йил шоли экмади, унинг ўзи ва унинг кишида раҳм-шафқат уйғотувчи камсухан эри ҳам хийла бўш эдилар. Энди Хэ-хуани ҳеч ким «оқ йўлбарс юлдузи» деб атамас ва ҳамма бир-бирига гал бермай эр-хотинни чиғирларда ишлашга таклиф қиларди. Лу Фу-цин ҳам бўш эди, у бу йил ижарага ер ола олмади, шунинг учун ҳам у ва унинг синглиси тез-тез Тун-баоларникига ёрдамга келишиб туришарди.

А-до қишлоқда кам кўринарди. Кекса Тун-бао уни ҳеч кўргиси келмас, А-до қишлоққа келган вақтларида ҳам, ўз оиласида ишламай бирон бошқа кишиникида ишларди.

Ҳар куни эрталаб кўм-кўк тиниқ осмонга қараб одамларнинг қовоғлари солинарди. Баъзида кун ботишидан илгари осмонда оқ булутлар пайдо бўлар ва шунда бутун қишлоқ шодликка тўларди. Кампирлар кўзларини қисиб осмонга телмурар ва дуо ўқир эдилар. Лекин шодлик яна беҳуда кетарди: бир ой ичида бирор томчи ёмғир ёғмади.

Кекса Тун-баонинг ери тепалик жой эди, бу эса, унинг онласига катта машаққат келтирарди. Лойқа сув саёзланиб қолган дарёдан етти чжан узунликда чўзилган ариқча орқали далага етиб боргунча, қатқалоқ бўлиб қолган ерга ярми сингиб кетарди, соғлом мўрт поялар бўлса кундан-кунга худди қонсизлардай сарғайиб ва сўлиб борарди.

Кекса Тун-баонинг юраги тилка-пора бўлгандай туюларди, қўлларини бир-бирига уриб, ғам-ғусса чекарди, депсинарди, лекин бечорага қандай қилиб ёрдам бериб бўларди?

А-си гаранг ҳолда чурқ этмас, аммо, хотини ҳамма вақт мулойим, баъзида эса очиқ-ойдин норозилигини изҳор қилар ва «Ҳосилга бўлган ҳар қандай умид пучга чиқди, ҳамма қилган ишларимиз ер билан яксон бўлди, фақат кунжара туфайли янада кўпроқ қарзга ботганимиз қолди, холос», деб бетўхтов такрорлар эди.

Бундай гаплар жонига теккан чол, бир куни келинига насиҳат қила бошлади:

— Сув етиб берса бўлгани, бу йилги ҳосил жуда яхши бўлади...

— Си Дан-яннинг янада жаҳли чиқди:

— Сув! Сув! Бу сув эмас, бизнинг қонимиз. Биз эса, мен, А-си ҳамда Лю-бао ақаси билан, агарда уларни битта одам деб ҳисобласак... барибир фақат учтагинамиз. Бундай қараганда, учаламиздаги бу қон қанча бўлар? Бир ойдан ортиқ сиқишади. Ҳаммасини сиқиб бўлишди. Ўғлинг А-донинг шунча кучи бўлишига қарамасдан, уни уйингга йўлатмайсан!

— Ҳа албатта, А-дони чақиргундай бўлса, бир мушт уриб ҳўкизни йиқитади, — хотинига кўзини қисиб, қўшиб қўйди А-си.

Чол тупуриб, ҳеч нима деб жавоб бермади.

Эртасига кўнгли хурсанд А-до, сув чиқаришга ёрдамга келди. Лекин кечиккан эди. Дарё шунчалик қуриган эдики, фақат ўртасидагина озгина сув қолганди. Ака-ука

учта зина кавлашибгина зўрға сувга етишди, лекин бу ҳеч қандай фойда бермади. Ҳўкиздай бақувват А-донинг ҳам сув тортишга қурбати етмади. Нарироқда, ғарбга томон беш чань узоқликда бир оз чуқурроқ жой бор эди. А-до у ерга тушганда сув белидан келди, лекин бу томонда сув чиқарадиган асбобни ўрнаштиргани бирор саёзроқ жой топилмади. Агарда кечаси билан осмондан бирор нам келмаса, кекса Тун-баонинг шолиси ҳалок бўлади! Қола берса фақатгина Тун-баонинггина эмас, балки бутун ҳамқишлоқларининг шолиси ҳам ҳалок бўлади. Яна уч-тўрт кун ўтгач, ер ёрилиб худди тошбақа косасига ўхшаб қолади.

Одамлар баланд дарахтларга чиқиб олиб, у ердан осмонга тикилар эдилар. Лекин осмон беғубор, кўм-кўк, бирорта ҳам булут кўринмас эди.

Шаҳарга бориб океаннинг нариги томонидан келтирилган насосни ижарага олиб келишдан бошқа илож қолмаганди. Аммо, кекса Тун-бао океаннинг нариги томонидан келтирилган нарса тўғрисида эшитгиси келмас, ҳамда бу насоснинг зўр кучига жуда ҳам ишонгуси келмасди.

Тўғри, ўтган йили сув тошқини вақтида қўшни қишлоқда бу насосдан фойдаланган эдилар, лекин Тун-бао унинг қандай ишлашлигини ўз кўзи билан кўрмаганди. Синчков Хуан Роҳиб уни жуда мақтаган эди. Барибир бу фақат насосгина ва унинг бундай узоқ масофага сув чиқара олиши ҳам номатълум.

Чол ўз фикрини айтмоқчи бўлган эди, Си-Данян бирдан бақириб берди:

— Насос-ку, яхшия, лекин қайси пулга уни олиб келамиз? Кичкина бир бўлак ерни суғориш бир юандан ошиққа тушади, дейишади.

«Агар худои таоло муъжиза қилиб бугун кечаси бизга ёмғир юборса, яхши бўлар эди!» — ўзинча ўйлади кекса Тун-бао ва қишлоқ четидаги кўприк ёнидаги «бойлик худоси»нинг кўримсиз ибодатхонаси сари шошилди. Чол жуда кўп сажда қилди ва худо йўлига катта назр-ниёз қилишга ният қилди.

Шу кечаси А-си ва бошқалар тўйгунча ухлашди: дарёдаги сув тамом қуриб битган ва бошқа сув оладиган жой қолмаганди. Биргина Тун-бао кўз юма олмади.

Бирдан унга кўчадан шатир-шутур товуш эшитилгандай бўлди. Ёмғир ёғаётгандир деб ўйлаб, чол дарров ўрнидан

турди ва айвонга чиқиб осмонга қаради. Ёмғир йўқ эди-ю, лекин юлдузлар ҳам кўринмасди, осмон булутли кўринарди. Ҳафсаласи пир бўлган, лекин ҳали ҳам умиди узилмаган чол чўкка тушиб дуо ўқий бошлади.

У ўрнидан туриб учинчи марта ҳовлига чиққанда шарқдан тонг ота бошлади. Тун-бао ўзининг асл шолитарини кўздан кечириш учун далага қараб йўл олди.

Кечаси шудринг тушганди, шу туфайли шоли кундузги қуёшнинг алангали нурлари остида кўринганига қараганда анчагин кўм-кўк ва бақувватроқ кўринарди. Лекин тупроқ шўнчалик қуриган ва ёрилган эдики, қўл билан сиқса ҳам уқаланмас эди.

Кекса Тун-баонинг юраги ўйнаб кетди: ҳозир қуёш чиқади ва шоли, унинг билан бирга бутун оила ҳам ҳалок бўлади.

Чол хирмонига яқинлашганида осмоннинг шарқий томонида қондек қизариб қуёш кўринди. Хирмоннинг четидан оқиб ўтадиган анҳорча бутунлай қуриган, унинг тубида бурган ўсиб ётар эди.

Қирғоқ бўйлаб одам бўйи маккажўхори қад кўтарганди. Маккажўхори майдонининг олдида олти киши ниманидир қизғин баҳслашишар эдилар. Тун-бао иккиланиб у ерга яқинлашди ва яқинроқда тўхтади. Булар унинг ҳамқишлоқлари бўлиб, суҳбат океаннинг нариги томонидан келтирилган насосни ижарага олиш тўғрисида борарди.

— Оладиган бўлсак, ҳозир олишимиз керак! — таклиф қилди «Йўлбарс» лақабли қўшниларида бири Ли. — Бу океаннинг нариги томонидан келтирилган насос кун бўйи ишлайди, лекин кеча эшитдимки бугунга уни ҳеч ким заказ қилмабди. Шошилиш керак; бекорга бориб келсак алам қилади. Эй, Тун-бао, сен ҳам қўшиласанми?

Чол ҳеч нарса тушунмагандай кўзларини бақрайтирди. Унинг фикрлари бўлина бошлади. У, бу океаннинг нариги томонидан келтирилган насосдан бирор фойда чиқишлигига ишонмас эди, шунинг билан бирга унинг пули ҳам йўқ эди. У, аввало насосни қўшнилари бир синаб кўришларини истарди. Ундан кейин у ҳам олиши мумкин, пулга келганда эса, бир неча кун кейинроқ тўласа ҳам бўлади.

Шу кун Тун-баонинг оила аъзолари пешингача даладан кетишмади. Улар худди, дақиқа сайин саломатлиги ёмонлашаётган, тузалишини умид қилиб бўлмайдиган касал

тўшаги ёнида қоровуллик қилгандай, ҳамма вақт уват атрофида айланиб юришарди.

Аввало шолининг тукчалари, кейин поялари ҳам қуйн эгилиб тушди. Тупроқ қуриб, ер ёриларди.

Дарёнинг яқинроқ жойида сув қолмаганлигидан ва бошқа бирор жойда ҳам сув йўқлигидан деҳқонлар ишсиз қолишди. Бир неча киши қишлоқ четидаги кўприкка бориб, сабрсизлик билан узоқларга тикилардилар. У томондан шолини сув билан даволовчи «врач» — океаннинг нариги томонидан келтирилган насос кўриниши керак эди.

Пешин пайтда, раҳмсиз қуёш ҳамма ёқни ўтдай ёндираётган вақтида, кўприк устида қоровуллик қилиб турганлар бирдан қичқира бошлади.

— Кемада қандайдир машинани олиб келишяпти!

Бу океаннинг нариги томонидан келтирилган насос эди. Кўринишидан унинг ҳеч қандай ажойиблиги йўқ, лекин айтишларича, етти-саккиз бақувват йигитлардан кўра ҳам яхшироқ сув тортар эмиш.

Бутун қишлоқ қирғоққа югуриб келди. Ўғли билан бирликда Тун-бао ҳам етиб келди. Қайиқ қирғоққа яқин тўхтамай, дарёнинг ўртасида тўхтади. Бир неча чжань узунликдаги ва йўғонлиги билакдай ажойиб мулойим трубани қирғоққа туширдилар ва уватга ўрнатдилар.

— Сув ҳозир мана шу трубадан ўтиб далаларингизни қандай бостиришини кўрасизлар, — деҳқонларга мақтаниб тушунтира бошлади шаҳардан трубани олиб келган киши.

Қайиқдаги машина попиллаб гувуллай бошлади ва мулойим трубадан сув отилиб чиқди. Жуда ҳам осон, ҳеч қандай меҳнат сарф қилинмайди.

Ҳар томондан деҳқонлар шовқин-сурон кўтардилар, кулгилар эшитилди. Ҳамма бу сув учун ҳақ тўлаш керак бўлишини ва бу анчайин қимматга тушишини унутиб, мароқ билан насоснинг ишлашини кузатарди.

Бир оз нарироқда турган Тун-бао ҳам кўзларини олайтирди. Бу океан нариги томонидан келтирилган антиқа ичида дириллаётган машинага тикилиб қараб, унинг ичига шубҳасиз бирор сеҳргар беркитилиб қўйилган, деган қарорга келди. Бу маҳаллий худо ибодатхонасининг олдидаги кўлда яшовчи «илон балиқ»нинг худди ўзи бўлса керак, сув эса — «илон балиқ»нинг тупуклари. Қим билди, балки кечаси бу «илон балиқ» ҳеч кимга билдирмай

тупукларини йиғиштириб, дом-дараксиз бўлиб кетар. Эр-тага эса, шаҳарлик кишилар деҳқонлардан насос ҳақини ундира бошлайдилар. Лекин барибир бу кишининг ҳавасини келтириб оқувчи зилол сув кекса Тун-баонинг шубҳаларидан ғолиб келди. Океан нариги томонидан келтирилган насос даланинг бошқа бўлагини ҳам суғориб бўлганда, чол «илои балиқ»ни ўзининг даласига ҳам таклиф қилишни ўйлади. Агарда «илои балиқ» аста-секин тупукларини йиғиштириб олишга келгундай бўлса, кечаси кетмонини қўлига олиб даласини қўриқламоқчи бўлди.

Бу сафар кекса Тун-бао на ўғли ва на келини билан маслаҳатлашмасдан, тўғридан-тўғри Хуан Роҳиб ва Ли Йўлбарсининг олдига бориб улардан насос учун проценти билан саккиз юань тўлашлиги учун қафиллик қилишларини илтимос қилди. Юмшоқ трубани унинг шолипоясига олиб боришиб сув қуя бошлашди.

Қуёш тоғлар ортига бекингандан кейин, кекса Тун-баонинг шолипояси бир цунь чуқурликда бир хилда ажойиб зилол сув билан қопланганди. Ёнгил шамол сувни мавжлантирар ва шолипоя буришган кампир юзига 'ўхшаб кетарди.

Тун-бао хурсанд эди ва келинининг саккиз юань янги қарзга қарши жаврашига ҳам ҳеч эътибор бермас эди. Саккиз юань хийлагина пул, албатта, лекин гуруч ундан қимматроқ. Бир дань гуруч ўн юань туради, ўтган йили эса оқланмаган шолини ҳам ўн бир юандан сотишган.

Тун-баонинг кўнглида яна янгидан умидлар пайдо бўлди. Аммо, катта ўғлининг юзи аввалгича ғамгин эди. А-си узоқ вақт шолипояга қандайдир эсанкираш билан тикиларди. Мана сув ҳам бор, поялар эса ҳамон жонсиз букилиб, бошини қуйи солиб турибди ва уларда ҳеч қандай ҳаёт йўқ! Қуёш нурлари пояларнинг бутун куч-қувватини олиб қўйганлиги аниқ. Шоли жуда ҳам нозик ўсимлик, сув бўлса жуда ҳам кеч келди.

— Бугун кечкурун шолига минерал ўғит солиш керак, шундай қилинса, у эртагаёқ ўзига келиб қолади... — деди А-до ақасининг қулоғига.

А-сининг юраги қинидан чиқа ёзди. Ҳа, тўғри, химик ўғитдан яна бир қўл тегизилмаган пакети қолган. Ҳозир уни жуда ҳам ишлатадиган вақти. Ростини айтганда, отам, химик ўғитлар тупроқнинг бор қувватини тортиб олади, дейди. Тортиб олса, тортиб ола қолсин.

Бунинг қандай бўлганлиги номаълум, лекин кекса Тун-бао ўғилларининг гапини эшитиб қолди. Чолнинг жаҳли чиқиб, ўғилларига ташланди:

— Заҳар! Узун сочли шайтоннинг пайдо бўлиши! Аблахлар, заҳар сочмоқчимисизлар!

Ҳаммалари Тун-баони тинчлантиришга шошилиб, уни бир чеккага олиб чиқдилар. Химик ўғит тўғрисида бошқа ҳеч ким оғиз очмади. Лекин чол тинчлана олмасди.

— Мана кўрасизлар, кечаси билан поялар ўғналиб қолади, сизлар бўлса порошок сепмоқчи бўласизлар. Бу ахир, заҳар-ку!.. — тинчлана олмасди у.

Энди Тун-баонинг, кечаси шолিপояга «илон балиқ» келиши мумкин деган шубҳасига, қандай бўлмасин А-си ёки бошқа биров билдирмасдан порошок сепиб қўймасин, деган қўрқинч ҳам қўшилди. Йўқ, ўлса ҳам, бугун кечаси билан шолипояни қўриқлаб чиқишга тўғри келади. «Илон балиқ» ҳақида чол ҳеч кимга ҳеч нарса дегани йўқ эди. Унинг қўнглидаги сири, қандай бўлмасин А-до акаси билан бирор балони бошламасликларидан қўрқишида, холос. Тун-баонинг ўжарлиги яхши маълум эди.

Тун осойишта ўтди. Ўзининг тупугини олиб кетгани «илон балиқ» ҳам, порошок сепмоқчи бўлган ўғиллари ҳам шолипояга келмади. Шоли эса, илгаригидек жонсиз кўринар ва баъзи жойларда эса кечагига қараганда ҳам ёмонроқ бўлиб қолган эди. Кекса Тун-баода, балки «илон балиқ»нинг тупуклари ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардир деган шубҳа туғилди. Лекин бундай бўладиган бўлса, нима учун бошқа шолипояларда шоли ўғналди ва кўкариб кетди?

Ниҳоят, Си-Дан-ян келиб, бу бемаъни чол бутун оилани ҳалок қилади, деб бақира бошлади...

Тун-баонинг юзи жаҳли чиққанлигидан қоронғилашиб кетди. Шу вақт Лу Фу-цин келиб қолиб, ҳар ҳолда химик ўғитни бир сепиб кўриш керак, балки унинг бирор фойдаси тегар, деб маслаҳат бера бошлади. Чол қўшнисига кўзларини олайтириб, индамай қўя қолди.

Шундан кейин А-до билан А-си порошокни олиб келиб, сепа бошладилар, Тун-бао ҳеч нарсани кўрмаслик учун бошқа томонга ўгирилиб олди.

Икки кундан бери қуёш унча қиздирмас ва баданни куйдиргандай эмас эди; шолипоялардаги сувнинг чуқурлиги ҳамон ярим цунча эди. Кекса Тун-баонинг шолиси

ўғналиб, яна кўкара бошлади. Чол эскича поршокнинг кучини тан олмаса ҳам, заҳар ҳақида бошқа ҳеч нарса демади. Кейин осмон қоронғилашди, ёмғир ёға бошлади, шундан кейин ёқимли қуёш қиздирди ва шоли қийғос ўса бошлади.

Ҳамма эркин нафас олди: одамларга янгидан жон кирди! Осмон ҳокими ҳали кўр бўлгани йўқ экан.

Ниҳоят, майин кузги шамол эсди, ва қурғоқчиликка қарши қирқ кунлик бетўхтов кураш худди ҳаяжонли тушдай орқада қолди. Бутун қишлоқ қувонч билан тантана қилмоқда эди: тажриба бу йил ҳосил яхши бўлиш-лигидан дарак берарди.

Кекса Тун-бао (ахир, у ўз умрини ит кунидай ўтказгани йўқ) таъкидлар эди:

Ҳосил тўрт дандан кам бўлмайди. Йил шундай серҳосил келдики, чол ҳатто, баъзида оҳиста қўли билан эгилиб кетган шоли бошоқларини кўтариб, беш дань ҳақида хаёл қиларди. Қандай соғлом, тўлишган ва бир хилдаги бошоқлар!

У, агарда тўрт ярим дандан ҳисобланганда ҳам барибир, бўлмаганда қирқ дань бўлади, деб кўнглидан ўтказди. Саккиз карра саккиз доуни, яъни олти дану тўрт доуни ижарага тўлашга тўғри келади, барибир ўттиз дандан ошиқроғи қолади. Бир данга ўн юандан ҳисобланганда уч юз юань бўлади. Бу деган сўз, қарзнинг ярмидан қутулиш деган сўз эмасми? Яна бир данга ўн юань — бу энг паст баҳо.

Деҳқонларнинг турмуши яхшиланиб кетиши учун бир марта яхши ҳосил йиғиштириб олиш кифоя. Осмон ҳокими кўр бўлгани йўқ-ку!

Аммо, шаҳар савдогарлари ҳам кўр эмас, уларнинг кўзи ҳам фақат фойдани, фақат чақаларни кўради. Шоли ўриш бошланмасданоқ шаҳарда унинг нархи тушиб кетди. Шунча меҳнат сарф қилинган шоли бир дона ҳам қолдирмай ўриб-йиғилгандан кейин эса, унинг нархи бир данга олти юангача тушиб кетди. Деҳқонлар ўз кучларини аямай шолини оқлагунларича, шаҳарда оқланмаган шолининг бир данининг нархи тўрт юангача тушиб қолди. Ниҳоят, деҳқонлар гуручни бозорга олиб боришганда, уни уч юанга ҳам ўтказиш қийин бўлиб қолган эди. Гуруч каппонларининг хўжайинлари деҳқонларнинг ғамгин юзларига бепарво қараган ҳолда, писанд қилмай:

— Бу бугунги баҳо, эртага бундан ҳам пастга тушиб кетади, — дердилар.

Қишлоқни бетўхтов судхўрлар босишарди; ҳаммалари бақиришар, шовқин-сурон қилишар, сўкинишарди.

Уларга қарзларини тўлашса-чи? Ҳеч нарса қолмайди. Оқланмагани икки юань тўққиз цзяодан*, оқлангани — уч юань олти цзяодан.

Кекса Тун-баоининг орзулари барбод бўлди.

Қишлоқ нола ва лаънатларга тўлди. Си Дан-ян тел-балардек бир нарсани ҳамон таъкидларди.

— Экишнинг пима кераги бор эди? Бекорга меҳнат-сарф қилдик, қарзларнигина оширдик!

Баҳорги муваффақиятсиз қурт боқишдан кейин кекса Тун-бао оғир касалликка йўлиққан эди, кузги ҳосилнинг аччиқ тажрибаси уни ўлимга гирифтор қилди. Унинг нафаси қисқарган ва тили қотиб қолганди, лекин кўзлари ҳали очиқ эди. У, А-дога тикилиб:

«Сенинг ҳақ бўлиб чиқишлигингни ким ўйлабди! Жуда таажжуб...» дегандай бўларди.



* Цзяо — ўн тийин.



Л А О Ш Э

ОҒА - ИНИЛАР

ларнинг оралари бузилишига сабаб хотин кишига бўлган муҳаббат бўлмаса-да, гапни айнан шундан бошламоқчиман. Қора Ли билан Оқ Ли бир-биридан беш ёш фарқ қилган ака-укалар эди. Улар менинг мактабдошим эди: каттаси билан мактабни тугатаётганимизда, кичиги энди мактабга кирган эди. Қора. Ли яқин дўстим бўлгани учун, мен уларникига тез-тез бориб турардим, шу сабабли ҳам Оқ Ли ҳақида баъзи нарсаларни билар эдим. Шу ёшдаги кишилар орасидаги беш ёш фарқ катта фарқ бўлади. Ака-укаларнинг лақаблари турлича бўлгани сингари ҳаётга қарашлари ҳам бир-бирига ўхшамас эди. Агар Қора Ли тўнгич авлод қаторига кирса, Оқ Ли бутунлай янги замон кишиси эди. Лекин ака-укалар ўртасидаги тортишув ва жанжалларнинг сабаби бу ҳам эмас. Қора Ли мутлақо қора эмас, чап қоши устидаги қора ҳоли бўлгани учун ҳам номига «қора» сўзи қўшиб айтилган. Укасининг бундай белгиси бўлмаган. Фақат акасидан ажратиш учунгина Оқ Ли дейишарди. Ака-укаларга лақаб қўйган мактабдошлар буни манتيқ жиҳатдан жуда тўғри деб билишарди.

Ҳақиқатда эса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам оқ ва бир-бирларига жуда ўхшар эдилар.

Каттаси ҳам, кичиги ҳам бир аёлни (кечирасиз, унинг исмини айтиб ўтирмайман) яхши кўрар эдилар. У аёл ака-укаларнинг қайси бири ўзига кўпроқ ёқиши ҳақида фикр юргизиб кўрмаган, шунинг учун ҳар иккаласидан ҳам кўнгил уза олмас эди. Ака-укаларнинг жанжаллашмаслигига кўзлари етса ҳам, одамлар ҳарқалай ташвишланиб турардилар. Аммо ишқ ҳар қандай дўстлик ва қариндошлик муносабатларини бузиб юборар экан.

Натижада Қора Ли қизнинг баҳридан ўтди.

Мен шу воқияни ҳозиргача яхши эслайман: эрта ёз кунларидан бирида кечқурун ёмғир томчилаб туриб эди, мен Лишикига ҳангамалашиб ўтиришга бордим; у уйда бир ўзи, қизил балиқчалар расми солинган тўртта юпқа чинни пиёлачаларни ҳар қанақасига териб ўтирган экан. Одатда биз ўзаро такаллуф қилмас эдик, мен ўтирдим-да тамаки чекишга бошладим. У бўлса ўз ишини қилаверди, гоҳ у пиёлачани, гоҳ бошқасини айлантириб балиқчаларни худди унга қараб тургандек қилиб теради-да, сўнг рассом янги турткисига қарагандек, бутун гавдаси билан орқасига ташланиб уларни кўздан кечиради. Сўнггра пиёлачаларни бир ёққа суриб қўяди, уларни янгидан қатор қилиб тизади, диққат билан кузатиб чиқади-да, сўнг мен томонга қайрилиб, завқ билан кулади. У шунга ўхшаш машғулотлар билан ўзини овутар эди. Қора Ли мукамал бир нарса билан шуғулланмас, бироқ ҳамма нарсага қизиқар эди. У ҳамма нарсани билагон бўлиб кўринишга уринмаса-да, ҳамма нарсани билиш — характер ўзлаштириш учун ёрдам беради, деб ўйларди. Ҳақиқатан ҳам унинг характери ажойиб эди! Ҳатто эски китобларни елим билан ямаш каби эрмаклар устида ҳам бемалол бир неча кунлар ўтираверарди.

— Мен уни Лао-сига* қолдирдим,— деди ва менга қараб кулди.— Бошқача иш тута олмадим. Ахир уни деб оға-инилик алоқамиз бузилади.

— Сен замона кишиси эмассан, — дедим мен ҳам кулиб туриб.

* — Оқ Ли ёшига қараб тўртинчи ука (Лао-си) ҳисобланар эди, Чунки амакисининг ўғиллари ҳам бор эди.

— Йўқ, мен ҳеч қачон бошқача иш тутишга ўрганмаيمان. Уч киши ўртасида муҳаббат бўлиши мумкин эмас. Мен у билан сўзлашдим ва унинг ихтиёридан қатъий назар, отини атамасликка қарор қилдим. Шундан сўнг бошимдан тоғ кўтарилгандек бўлди.

— Мен ишқ ҳақидаги бундай муҳокамани биринчи марта эшитишим.

— Биринчи марта? Мен ҳам сенга ҳаммасини айтиб ўтирмайман. Қўявер, майли, билганини қилсин. Биз оғанилар гиди-биди қилиб ўтирмаймиз. Агар бизда яна шунга ўхшаш бирор ҳодиса рўй бериб қолгудек бўлса, ё у ён беради, ё мен ён бераман. Бунга ишонаман.

— Демак, Осмон маркази остида яраш, муроса!*

Биз яна кулишдик.

Ўн кунлардан сўнг Қора Ли меникига келди. Мен унга диққат билан назар солдим: у бу сафар хафaroқ кўринди, афтидан уни нимадир ташвишга солган. У бирор нарсадан безовталанган пайтларида биз одатда бир қадахдан ичар эдик. Унинг қовоғи осилиб кетганини кўриб, мен дарҳол вино тайёрладим... Ли бир неча ҳўплам ичди, унинг қўллари бир оз титраб турарди. Бу одам сир сақлаёлмас эди. У бирор ҳодиса бўлиб қолганда бор кучи билан билдирмасликка уринса ҳам, лекин чеҳраси сездириб қўярди. Ли жуда ҳам содда киши эди.

— Мен ҳозиргина уникида бўлдим, — деди Қора Ли жилмайиб туриб.

Қора Ли вақти чоғ бўлмаса ҳам, ғамини нари кетказиш учун бўлса керак, астойдил кулди. Агар дўстлари бўлмаса, унинг бир кун ҳам яшай олмаслиги турган гап.

Мен уни шошилтирмадим. Биз, у билан суҳбатлашганимизда ҳеч қачон шошилмас эдик. Шундай бўлган тақдирда ҳақиқий ҳис ва кайфиятларни яхшироқ билиб олиш мумкин: улар ҳар вақт сўз орасида яққол сезилиб туради.

Биз бир-биримизга қараб-қараб қўйиб жилмайишардик холос. Бизнинг кайфиятимиз ва индамасдан бир-биримизга қараб ўтиришимизнинг ўзи ҳар қандай сўзлардан ҳам афзал ва сермаъно эди.

Худди шундай ўлтиришларимиз устидан чиқиб қолиб Оқ Ли бизни ҳамиша овсарлар дер эди.

* — Хитойлар Хитойни осмон маркази остида жойлашган ва Хитой ҳам ер юзининг марказида жойлашган деб ҳисоблардилар. *Ред.*

— Ўлгудек гап сотдик-а бугун — деди Қора Ли. Унинг сўзларидан ҳеч нарса рўй бермагандек, агар укаси айбдор бўлганда ҳам, унинг ёлғиз ўзи айбдор эмас, демоқчи бўлгандек эшитиларди. Унинг жанжал ҳақида оғиз очмоқчи эмаслиги, бироқ очмай ҳам туролмаслиги сезилиб турарди.

— Ҳаммасига ўша сабабчи. Айб менда. Мен хотинларга ҳеч тушуна олмадим. Уни ташлаб кетганимни сенга айтиб эдим-ку. Бу фикрга ёмон ниятда келган эмас эдим. Унга эса бутунлай бошқача туюлибди. Гўё «атайлаб мени ҳақоратлади» деб ўйлабди. Сен тўғри айтгансан: мен замона кишиси эмасман. Мен севгига бошқача қарайман. Қизлар эса кетларидан тўқсон тўққизта жазман юришини яхши кўрар эканлар. У мендан жуда хафа бўлибди. Тоза боплаб ўч олди. Мен уни ташлаб чиқиб кетиб эдим, у эса, укамни ҳайдаб юборибди. Турган гапки, укам менга осилди, мен бугун яна қизниқига бордим, кечирим сўрадим. У аччиғ устида мени уришди, улар энди ярашиб қолишса керак. Ҳар ҳолда умид қиламан. У чинакам уришмади, фақат мен билан ҳам, укам билан ҳам дўст бўлишни хоҳлаганини билдирди. Бу ҳечам мумкин бўлмаган нарса. Сен билан бир маслаҳатлашиб олай деб унга ҳеч нарса демадим. Агар мен унга маъқул бўладиган жавоб бермасам, у укам билан ярашмайди, укам бўлса яна мен билан жанжаллашади.

— Ундай бўлса! — дедим. — Лао-си билан бир гаплашиб кўрайми?

— Бўлади,— деди у, қўлида рюмка ушлаганича ўйга чўмиб. — Қел, қўй, овора бўлма, нима бўлса бўлсин мен у билан мутлақо юз кўрмас бўламан. Укам жанжал кўтаргудек бўлса, индамайман, қўяман.

Биз яна у ёқ-бу ёқдан гаплашдик: у кейинги кунларда диний китоблар ўқиётганини айтди. Унинг бу нарса билан шунчаки таъби хоҳлаб қолиб шуғулланаётганига ишончим комил эди. Мен ҳеч маҳал турмуш жонга теккандан ёки унинг руҳида жиддий ўзгаришлар рўй бергани учун дин ҳақида гап бошляпти — деб айта олмас ва тасаввур ҳам қила олмас эдим.

Акаси кетиб ҳам эди, укаси кириб келди. Оқ Ли мениқига кам келарди. Бу сафар унинг қандайдир бир иши

бор кўринди. У ҳали университетни тугатгани йўқ, лекин акасига қараганда хила миялик киши кўринарди. Башарасига бир қарагандаёқ бу одам қаерга бормасин бошлиқ бўлади, унинг ҳар бир сўзи кишини ё у кўрсатган йўлдан боришга мажбур қилади, ё тўппа-тўғри дор остига олиб бориб қўяди. деб ўйлайсан киши. Гапга келганда акасига ўхшаб хушмуомала эмас эди. Овсарлар қаторига кириб қолмаслик учун унга мулозамат қилмадим.

— Лао-эр* шубҳасиз сенинг олдинга келган ва бўлган гапларни шубҳасиз гапириб бергандир. — «Шубҳасиз» сўзлари билан безалган бу гапга жавоб беришга шошилмаслигим турган гап. У, ҳам «ҳа» дейишимни кутмай давом этди:

— Баҳона ахтариб юрганимни биласанми... Унинг нима демоқчи бўлганини тушунмадим.

— Мени чиндан ҳам ўшасиз тура олмайди деб ўйлайсанми? — деди-да, кулимсиради. У ҳам акасига ўхшаб куларди, лекин Қора Ли менга ҳеч қачон бунақанги эътиборсизлик билан қарамас эди. — Мен акамнинг жиғига тегиш учун у билан учрашадиган бўлиб қолдим. Бўлмаса унинг орқасидан юрармидим. Аслига келганда, эркаклар билан хотинлар муносабатининг асосида жинсий алоқа ётмайдими? Шундай бўлгач менга бошқаси қуриб кетибдими?! Лао-эр аёлларга бўладиган муносабатларини муқаддас деб билади, унга тантана билан таъзимлар қилади, қўйиб берса оёғиниям ўпади. Акамга қолса мен ҳам шундай қилишим керак эмиш. Бироқ, кечирасиз, унга ўхшаб тентак бўлиб қолганим йўқ, — деб кулганича сўзини тугатди.

Мен қулмадим ҳам, бир оғиз гапирмадим ҳам. Унинг гапларини диққат билан эшита туриб, ўзидан кўз узганим йўқ. Унинг башараси акасига ўхшаса ҳам, вазоҳати бутунлай бошқача эди. Шунинг учун гоҳ яхши таниш киши билан сўзлашаётганга ўхшардим, гоҳ олдимда бегона киши ўтиргандек бўлиб кетарди. Таниш башарада нотаниш вазоҳатини кўриш мени ўнғайсизлантирарди.

— Бу ёғини эшит. Мен унга пой-патак бўлиб ўтирмадим, пайтини топиб ўпиб олдим. Бу унга ёқиб кетди. Ҳар ҳолда эҳтиросни қондириш тиз чўкиб тавозелар қилиш-

* — Лао-эр — ёшига қараб иккинчи ака (Лао-эр) ҳисобланар эди.

дан яхшироқда. Аммо гап унда эмас, мени қизиктираётган нарса шуки, Лао-эр билан мен ҳамма вақт бирга бўлишимиз шартми? Сен нима дейсан?

— Мен нима дейишимни билмай қолдим.

Оқ Ли ўзича мени овсар деб ўйлаган бўлса керак, хохолаб кулди.

— Турмушга мен ўз йўлим билан бораман, у ўз йўли билан боради. Менинг ҳам ўз планларим бор, унинг ҳам ўз плавлари. Шундай экан ҳар қайсимиз ўз йўлимиздан борганимиз яхши.

— Сенинг планларинг қанақа? — қийналиб сўрадим, индамасликка чидамим етмай.

— Планларимми? Ҳозирча айтмайман. Биз аввал акам билан ажралишамиз, ундан сўнг биласан.

— Ҳали ажралиб кетиш мақсадида уришаётибсизларми? — деб сўрадим ўзимни ақллилар оқили ҳис этиб туриб.

Ли жилмайиб, бош қимирлатди: У худди менинг яна бирон нарса сўрашимни аниқ билгандек кўринди. Ҳақиқатан ҳам у топди.

— Нима учун яхшиликча келишиб қўя қолмайсизлар? Наҳотки жанжаллашиб ўтириш шарт бўлса?

— У гапимни тушунармиди? Сен у билан бамайлихотир гаплаша оласан. Мен гаплаша олмайман. Бошқа-бошқа бўлиш ҳақида гап очишинг биланоқ, кўз ёши қила бошлайди. Сўнг дарров «Онамиз ўлиш олдида нима деб эди? Аҳил бўлинг, уришмай-талашмай юринглар демабмиди» дейди... Албатта шуни айтади. Гўё тириклар ўлганларнинг чизган чизиқларидан юришлари керак эмиш. Ахир ишонасанми, молу-мулкни бўлишга кўнмайди. Ҳаммасини сен ол дейди. Мен бўлсам унинг ҳисобига бойишни хоҳламайман. У менга акалик қилади ва меҳр билан мени ўзига боғлаб ташлайди. У мени тушунар эмиш, ҳақиқатда эса турмушдан орқада қолиб кетган одам. Ҳозир замон меники. Шунга кўра менинг устимда бундай катта ғам-хўрлик қилишнинг кераги йўқ, — деди у, бирданига одатдан ташқари жиддий тусга кириб.

Мен унинг чехрасидаги ўзгаришларни кузата бордим ва Ли ҳақидаги фикрим борган сари ўзгарди. Ақаси билан мени овсарга чиқарган Оқ Ли унақанги такаббур йигит эмас. У, шубҳасиз ҳаётда мустаҳкам ўрнашиб олмоқчи. Яна шуни ҳам тушундимки, агар у ақаси билан яхшиликча

сўзлашмоқчи бўлса, унга Қора Лига таъсир қила оладиган сўзлар ахтариб топишга, қариндошлик муносабатлари ҳақида кўп сўзлаб ўтиришга тўғри келарди. Шуларнинг барчасини катта Ли ҳам айта оларди. Аммо муросасозлик қилиб ўтиргандан кўра ўпишиб қўя қолиш маъқул. Оқ Ли ҳам ҳар қайсиси ўз йўлидан кетиши учун алоқани шартта узиб ташлашга қарор қилган. Ахир Лао-эр яхшилиқча келишишга асло унамайди-да. Агар ақаси ён бермаса, Оқ Ли ғавғо кўтаради ва ақасига ён бермаслиги билан уқасининг мол-мулкига кўз олайтирган бўлиб чиқади.

Бир зумда менга ҳамма нарса равшан бўлди.

— Сен мени аканг билан гаплашиб беришимни истайсанми?

— Ҳа, топдинг. Бақирӣқ-чақирӣқ озроқ бўлади,— деб жилмайди. — Унинг таъбини ортиқча хира қилгим ҳам келмаяпти, ҳар қандай бўлганда ҳам ака-укамиз ахир,— у охирги сўзни оғриниб айтди.

Мен катта Ли билан сўзлашишга рози бўлдим.

— У билан сўзни қанчалик узил-кесил қўйсанг шунчалик яхши бўлади. Мен у билан ака-укалик риштасини йигирма йилга бўлса ҳам узишга тайёрман. — У жим қолди ва жилмайишга уринди. — Мен ўйлайманки Лао-эр тезроқ уйланса, дўмбоққина бола кўрса яхши бўларди ва шунда менинг бор-йўқлигим ҳақида тезроқ унутар эди. Йигирма йил ўтгач мен ҳам унга ўхшаб қариб қоламан, агар омон бўлсак, ўшандагина уйга қайтиб келиб амаки бўламан. Фақат унга шуни айтиб қўйгинки, севги масаласида мулозаматни камроқ қилиш, кўпроқ ўпиш керак, тиз чўкмасдан, аксинча пайига тушиш ва қўлга кирита олиш керак.

Ли ўрнидан турди ва ўйлаб туриб: «Мен сенга олдиндан раҳмат айтаман» деди. Охирги жумланинг фақат мен учун айтилгани аниқ эди, буни гапирмаса ҳам бўларди.

Мен ваъдамнинг устидан чиқиш учун ҳар куни Қора Ли олдига борардим ва у ҳар гал вино тайёрлаб қўярди. Биз у билан бирга овқат ердик, ичардик, суҳбатлашардик, аммо ҳеч қандай қарорга келмасдан тарқалишар эдик. Қарийб икки ҳафтагача шундай бўлди. У, нима ҳақда гапираётганимни тушунар эди, Лао-сининг мустақил бўлишига рози бўлгандек ҳам кўринарди, аммо кетишим олдида фақат бир гапни такрорларди:

— Мен ундан ажраб тура олмайман. У нима хаёл қилади? Мақсади нима? — деб у ёқдан-бу ёққа юриб, гудирарди. Қоши устидаги холи эса пешонасидаги ажнинлар орасига кириб қолиб, кичикроқ кўринарди. — Мақсади нима экан ундан сўраб кўргин, билай, ўшандагина тинч-ланаман.

— У айтмаётибди, — деб мен ҳам бир неча бор такрор-ладим.

— Айтмаяптими? Демак, бу ерда бир чатоғлик бор. Наҳотки менинг укам шундай бўлса?! Майли мен билан уриша қолсин, шу ҳам тузукроқ! У авваллар бундай эмас эди. Орамиздаги жанжаллар яқинда бошланди, бу шу аёл туфайли бўлса керак! Укам менга уйланишга маслаҳат беради. Ўзинг ўйлаб кўргин-а! Мен ҳали уйланмасимданоқ шунча жанжаллар бўлаётир, уйланганимдан сўнг қандай бўлишини ҳам тасаввур қилиш мумкин! Чиндан ҳам унинг планлари қандай экан-а? Бўлак бўлишми? Кўнглига ёққанини олаверсин. Уни хафа қилдим шекилли. Мен у билан тортишмайманку-я, аммо менинг ҳам ўз тушунчаларим бор. Қизиқ, нима қилмоқчи экан? Кўнглига нима келса шуни қилаверсин, аммо мол-мулкни тақсимлашнинг нима кераги бор...

Шу тариқа бир соатдан ортиқ қуруқ сафсата гапларни вайсаб ўтирди.

У кундан-кунга ўзини турли оҳангга солиб, каромат кўрсатиш, фол очиш, диний китоблар ўқиш билан шуғулланадиган бўлиб қолди, лекин ҳеч нарса, буларинг ҳеч қайсиси унга укасининг кўнглидаги мақсадларини билиб олишга ёрдам бермади. Фақат унинг гумонларини оширарди, холос. Аммо бу ташвиш уни ҳовлиқишга ёки довираб қолишга олиб бормади, у илгаригидек ошиқмас, пинагини бузмас эди. Унинг тутган ишлари ҳис-туйғуларини қувиб етолмаётгандек кўринарди. Бу одам қанчалик ташвиш тортмасин ҳамма вақт осойишта ва шунчалик секин ҳаракат қилар эдики, худди ўз ҳаётини атайин беҳуда ўтказишга жазм қилгандек. Мен уни, Лао-сининг планлари келгусигагина тааллуқли ва ҳозирга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб тинчлатардим. У бошини чайқаб, менинг фикримга қўшилмаслигини билдирарди.

Шу тариқа яна бир ой ўтди.

— Менга қара, — дедим, бир куни унга, — укам мени шошилтаётгани йўқ, унинг планлари узоқ вақтга

мўлжалланган бўлса керак, ҳозирча бу ишга киришмайди.

Ли, илгаригидек, бошини чайқайди. Вақт ўтаверди, иш узоққа чўзилиб кетди. Бир якшанба кунини эрталаб мен унинг бутхонага кириб кетаётганини кўриб қолдим. У ёру дўстларини кўришга кирган бўлса керак деб ўйлаб, бир оз кутиб турдим, аммо ўчиқавермаганидан кейин кетиб қолдим. Шундай ҳурматли дўстимнинг бошида кўп қайғулар бор! — деб ўйладим, — севгидан кўнгли қолди, укаси билан келишмовчиликлар, балки яна бошқа бирон ташвиши бордир. Менимча, буларнинг ҳаммаси ҳам унга оғир туюлса керак. У худди ўз ҳаётини атайин беҳуда ўтказишга жазм қилгандек бўлиб кўринарди, чунки у ҳар қандай майда нарсага ҳам ҳаддай ташқари жиддий қарайди. Ҳатто пиёлалар ҳам тартибсиз қўйилиб, умумий бир шакл бериб турмаса унинг кўнгли жойига тушмайди. Унингча ҳамма нарса, энг арзимаган нарса ҳам жой-жойида бўлиши керак. Шундагина унинг кўнгли жойига тушади. У ўз виждонини пок қилиш учун бутхонага кириб кетди, аммо ҳар қандай янги нарсадан бутунлай воз кечгиси келмас, турмуш ундан илгари кетиб қолиб, у нима қилишни билмас эди.

Қора Ли аёлни жуда яхши кўрган ва уни фақат укаси учун ташлаган бўлса керак, ундан айрилгач, у ҳақда эсламайдиган бўлиб кетди.

— Биз ҳам яхши кўларни кўрармиз, — деди у, кулиб. Аммо бу кулгининг сунъийлиги ва зўрма-зўракилиги сезилиб турар эди!

Пешиндан кейин мен яна уникага бордим. Яна укаси ҳақида ўтган ойдагидек гаплашдик. Бу сафар Қора Ли бутунлай бошқача кўринди. Унинг чехраси очиқ, кўзлари аллақандай кулиб турарди; кўринишидан қандайдир ажойиб қадимий китоб топиб олганга ўхшарди.

— Мен сени кўрган эдим, — гапни биринчи бошладим мен.

— Тоза қизиқ бўлибди-да? — жилмайиб бош иргитди у. У аллақачон маълум бўлган бирор нарса ҳақида гап бошламоқчи бўлса, ҳамма вақт шу сўзни айтар эди. Шайтон ҳақида қандайдир бир воқияни айтгудек бўлсанг ҳам Ли буни жуда қизиқ дейди. У шайтоннинг бор-йўқлиги ҳақида баҳслашиб ўтирмайди, эшитганига ишонаверади, ахир турмушда ундан ҳам қизиқроқ нарсаларни учратиш

мумкин-ку. Унингча бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам у эшитган нарсаларининг ҳаммасига жуда тез ишонади. Ли бундай нарсаларни чуқурроқ билишни истамайди деб бўлмайди, унинг сезгилари ақлидан устун турарди, холос.

— Принцип ҳамма вақт бир хил бўлади: бир одамни бошқа бир одам учун ўзини қурбон қилишга кўндиради,— деди у.

— Ҳали сен севган аёлингни қурбон қилмадингми? — дедим, янги фактлар ахтариб туриб.

— Йўқ. Бу унга кирмайди. Бу фақат жудолик холос, ўз танасидан яқин бир нарсани узиб ташлашга қараганда анча осон. Мен шу кунларда қадимги китоблардан ўқиб ундан укамнинг қилмишларига жавобгар эканлигимни тушундим, ахир масала фақат унинг мендан ажралиб кетишига йўл қўйишидагина эмас. Ўзинг ўйлаб кўр. Агар гап фақат бошқа бўлиш устида бўлса, нима учун унинг ўзи мен билан гаплаша қолмайди.

У сени бунга кўнмайди, деб қўрқади.

— Йўқ! Шу кунларда мен жуда кўп ўйладим. У муқаррар қандайдир жуда хавфли бир иш қилишни ўйлаган. Бу ишга менинг ҳам бошимни чулғамаслик мақсадида бўлса керак, у мендан алоқани бутунлай узиб ташлашга қарор қилган. Сен уни ёш ва буларни ёшлик қилиб қилаётир, деб ўйлайсанми? У эса бизни алдаш учун бугаппи баҳона қилмоқда; у менга жабр бўлишини ва мени хафа қилишни истамайди, албатта. Мени ўзидан нари йўқотиб туриб, бемалол ишга киришади. Худди шундай! Мен бунга йўл қўёлмайман! Мен ўзимни қурбон қилишим керак. Ахир онам ўлиш олдида айтган эди-ку...

Онасининг ўлиш олдида айтган сўзлари менга аллақачон маълум бўлгани учун гаппи давом этдириб ўтирмади.

Мен ҳақиқатан ҳам шунчалик бўлар деб ўйламаган эдим, унинг сўзларига ишонгим келмай қолди, унинг ҳисларининг уйғонишига диннинг шу қадар кучли таъсир қилишини қаёқдан билай!

Қора Ли мабодо укасининг планларини ўйлаб топган бўлса, унда мен кичик Лини кўришга қарор қилдим. Айтмоқчи, катта Ли гапининг тўғрилигига жуда ҳам ишониб етмаган эдим, шундай бўлсада, унга ишонмасликка ҳам менда далиллар йўқ эди. Оқ Лини қидирмаган жойим қолмади!

Ў на университетда, на ётоқда, на кутубхонада, на теннис майдонида, на ошхонада бор эди, худди ундан ном-нишон қолмагандек. Одамлардан ҳам сўрадим. Ҳамма ҳам бирдек уни бир неча кундан бери кўрмаганларини айтарди.

Оқ Ли ўзига ўзи ишонган одам эди.

Агар Қора Ли уйдан бир неча кунга кетгундек бўлса, бу ҳақда ҳатто ёр-дўстларига ҳам билдириб қўяр эди. Оқ Ли эса, тўсатдан ғойиб бўларди. Менда ўша аёлни кига борсам-да, Оқ Ли ҳақида сўраб кўрсам деган бир фикр туғилди.

Мен ҳам у аёл билан таниш эдим, чунки уни кига Қора Ли билан тез-тез бориб турардим-да. У аёл ҳам бир неча кундан бери Оқ Лини кўрмаган экан. У ака-укалардан, айниқса каттасидан жуда хафа кўринарди. Мен ундан Оқ Ли ҳақида бирон нарса билишга уриндим, у бўлса, аксига Қора Лини гапирарди. Билдимки, у ҳақиқатда фақат Қора Ли билан қизиқади, балки уни севади ҳам. У Қора Лининг барини тутиб турмоқчи-ку, аммо ундан дурустроқ бирор киши учраб қолгудек бўлса, унинг жавобини бериб юбормоқчи бўлса керак. Учрамаган тақдирда эса, ночор унинг ўзини ушлаб тураверади.

Хаёлимга шундай фикр келган бўлса ҳам, ёшларни бирлаштириш учун ҳеч қандай чора кўрмадим. Тўғриси айтганда мен буни қилишим керак эди. Аммо Қора Лига қаттиқ берилган бўлганим учун унинг олижаноб бир аёлга муносиб эканига ишонган эдим.

Мен унинг олдидан чиққанимда юрагимда аллақандай тушуниб бўлмайдиган ҳислар пайдо бўлди. Оқ Ли қаёққа кетган экан-а? Мен унинг йўқ бўлиб қолганини Қора Лига билдирилмадим, чунки у укасини қидиртириш учун газетага эълон берган ва кечаси билан, мижжа қоқмай, фол очиб чиққан бўлар эди. Бу ишни ташлаб қўйиш ва Оқ Лини ахтармаслик ҳам мумкин эмас эди.

Бир куни катта Ли кабинети олдидан ўтаётиб унинг хиргойи қилаётганини эшитиб қолдим. Бу овоз Қора Ли кайфининг чоғлигини билдирар эди. У одатда пичирлаб шеър ўқир ёки «болохонада турган қиз қоғозда асралган қанд каби тоза» деган севимли нақаротни секин айтиб юрарди, бу нақарот унга шу ашуланинг ўрнига ўтар эди. Ҳозир эса у қандайдир бошқа куйни айтарди. Мен диққат билан қулоқ солдим. У диний шеърлар ёдлаб ўти-

рарди. Ли қўшиқ куйини илиб олиш қобилиятига эга эмас эди, шу сабабли хиргойи қилса ҳам, диний шеърлар ўқиса ҳам, барибир унинг овози бир хил чиқарди. Ҳар ҳолда бугун унинг кайфи чоғ кўринади. Бунга сабаб нима?

У мени сезиб қолиб, дуо китобчасини бир чеккага суриб қўйди-да, қувонч билан деди:

— Жуда ўз вақтида келдинг, мен сенинг олдингга бормоқчи бўлиб турган эдим. Лао-си ҳозиргина чиқиб кетди, у мендан минг юань олди-да, мол-мулкни бўлиш тўғрисида оғиз ҳам очмади.

Албатта укасига пул нима учун керак бўлиб қолган-лигини сўраш унинг хаёлига ҳам келган эмас. Унда у шунчалик хурсанд бўлмас эди. У укасининг ишига аралашмас эди. Унинг ўзи билан бирга яшашини истарди, холос.

— Ҳа, тоат-ибодат ҳам ўз кучини кўрсатди, — деди, тантана билан. — Шу кейинги кунларда мен тинмай тоат-ибодат қилдим. Шундай қилиб, кўриб турибсанки, укам бўлак бўлиш ҳақида ҳеч нарса демади. Бу пулларни ташлаб юборса ҳам майли, лекин мен укамни бой бермайман!

Одатдагидек унга бир қадаҳдан ичишни таклиф қилдим, аммо у бошини чайқаб жилмайди:

— Ўзинг ича қол, мен бўлсам бирга овқатланаман.

Мен ҳам ичмадим, Лао-сини қидириб юрганларимни ҳам билдирмадим. Укаси келган бўлса у тўғрида гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор. Аёл ҳақидаги гапимни Ли бепарволик билан эшитди. Гўё аёл ҳақида, ўзи ҳақида айтадиган гапи йўқдек, жилмайиб қўйди холос.

У менга муқаддас китобда ёзилган қандайдир қизиқ воқиаларни гапириб берди, мен бўлсам унинг гапларини эшита туриб: «Унинг укасига ва аёлга бўлган муносабатларида қандайдир чатоғлик бор бўлса керак» деб ўйладим, нима эканига эса, ақлим етмади. Уйга бориб етгунча ҳам бу ташвиш кўнглимдан кўтарилмади.

Орадан неча кундир ўтди, аммо ака-ука Лилар хаёлимдан нари кетмас эди. Бир кун кечқурун менинг олдимга Ван У келди. Ван уларникида тўрт йилдан бери рикша бўлиб ишларди.

У ҳалол ва ишончли киши эди. Яқинда ўттиз ёшга тўлди. Унинг бошида чандиқ бор: болалик чоғида эшақ

тишлаб олган дейишади. Унинг ҳеч қандай камчилиги йўқ, лекин баъзан озгина ичишни яхши кўради. Кўпроқ ичиб қўйгудек бўлса, бошидаги чандиғи қизариб кетади.

— Ван У, нима иш билан келдинг? — деб сўрадим. Бизнинг у билан муносабатимиз яхши эди. Ҳар сафар Катта Ли олдида узоқроқ ўтириб қолганимда мени уйим-гача элтиб қўярди, мен ҳам унга чой пулини канда қилмай бериб турардим.

— Сизни кўргани келдим,— деди-да стулга ўтирди.

Унинг ниманидир хабар қилмоқчи бўлгани кўриниб турарди.

— Бир пиёла чой ичасизми? Ҳозиргина дамлаган эдим.

— Майли. Ўзим қуяман. Ҳақиқатан ҳам чой ичким келяпти.

Мен унга папирос тутдим.

— Нима бўлди?

— Мен аслида айтмаслигим керак эди-я, аммо озроқ ичиб олганим учун, тилим қичишиб, айтким келяпти.

У чуқур нафас олди.

— Агар гапинг Лиларга тааллуқли бўлса, дарров айта-қол, хато қилмаган бўласан.

— Мен ҳам шундай ўйлаяпман. — У бир оз жим қолди, лекин ичган виноси унга тинчлик бермас эди. — Мен Лилар оиласида сал кам тўрт йилдан бери хизмат қиламан. Ҳозир эса менга оғир бўлиб қолди. Катта Ли менга яхши муносабатда бўлади, кичик Ли билан бўлса худди оғайнилардекмиз. Шунинг учун ҳам менга қийин. Кичик Лининг ишлари ҳақида катта Лига айтишим мумкин эмас, аммо у жуда содда одам. Катта Лига айтсам, кичик Лини хафа қилган бўламан. Шундай юрагим сиқилиб кетадики, тўғриси айтсам мен кичик Ли томонига ўтишим керак эди. Катта Ли яхши одам, аммо у хўжайин-да. У қандай яхши бўлмасин барибир хўжайин ва хўжайинлигида қолади. Ака-укалар сира бир-бирларига ўхшамайдилар. Хўжайин ҳақиқатан ҳам мен билан яхши муносабатда бўлади: масалан иссиқ кунларда мен уни бирон ёққа олиб бораётган бўлсам, у ҳамма вақт йўлда бир нарсани баҳона қилиб, менинг дам олишимга имкон беради, баъзан китоб дўкончасининг олдига боради, баъзан эса, гугурт сотиб олади. Агар шундай қилмаганда мен уни яхши хўжайин, деб айтармидим. У ҳақиқатан ҳам яхши. Шунинг учун ҳам унга ҳурмат билан қарашим, унинг яхши-

лигига яхшилик билан жавоб қилишим керак. Қачондан бери рикша бўлсам-у, шуни тушунмайманми?

Мен чой қуйиб бериб ўтириб, унинг гапларига тушунаётганимни, унга раҳмим келаётганини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам сездиришга уриндим. У яна бир пиёла чой ичди-да, кўкрагини кўрсатиб туриб хўрсинди.

— Кичик Лини чин қалбимдан яхши кўраман. Яхши кўрмай ҳам бўладими? У— ёш, менга фақат рикшагина деб қарамайди. Аммо уларнинг юраклари бошқа-бошқа: каттаси менга ғамхўрлик қилади, кичиги бўлса, иссир бўлса бўлмаса кучинг борица чоптиради. Шундай бўлса ҳам ўзаро гаплашиб ўтирганда у ҳамма вақт: нима учун киши киши ташишга мажбур, — деган савол устида бошини қотиради. У бизнинг тарафдоримиз. У дунёдаги барча рикшаларга бўлган адолатсизликдан жуда қайғиради. Хўжайиннинг мен билан муносабати ёмон эмас, аммо барча рикшалар ҳақида ўйламайди. У аравада ҳар замонда бир юради, укаси кўпроқ юради, хўжайин оёғимга раҳм қилса, укаси қалбимдаги орзу-умидларим билан қизиқади. Хўжайин кўпроқ уйда ўтиради: у менинг оёғимни эҳтиёт қилади, аммо қалбимдаги ўйларим билан нима иши бор? — Ван сўзини ғамгинлик билан тугатди.

Мен унинг сўзини охирига етказмаганини билдим ва аччиқ чой унинг кайфини тарқатиб юборишидан қўрқиб, уни шошилтирдим:

— Ван У, давом эт! Қўнглинда бор гапингни айт. Қўрқма, мен хотин киши эмасман-ку, гапириб юрмайман.

Рикша чандиғини ушлаб кўрди-да бошини қуйи солиб, бир секундча ўйлаб олди, кейин стулни берироғ суриб шивирлаб гапира бошлади:

— Биласизми, трамвай изи битай деб қолди, эртаминдин трамвай юра бошлайди-да; биз рикшалар тамом бўламиз. Мен ўзим ҳақимда ўйлаётганим йўқ, мен барча рикшалар ҳақида ўйлаётирман, — деб менга қаради у.

Мен унинг сўзини тасдиқлаб, бош иргитдим.

— Кичик Ли бунга тушунади, — давом этди у. — Шунинг учун ҳам биз у билан дўстмиз. У менга: «Бирор нарсга ўйлаб топ, Ван У.» деб таклиф қилди. «Албатта ўйлаб топаман, — деб жавоб бердим. — Бўпти!» Секин-аста биз бир қарорга келдик, лекин қандай қарорга келганимизни айтолмайман. Биласизми, — у овозини яна

ҳам секилатди,— мен айғоқчиларнинг кичик Ли кетидан тушиб юрганларини кўряпман. Балки бошқа нарсадандир, ҳар ҳолда одамнинг орқасидан пойлаб юришлари яхши эмас. Қийин аҳволга тушиб қолганимнинг сабаби мана шу: бу ҳақда қатта Лига айтсам кичик Лини хафа қиламан. Гапирмай қўяқолай десам бу ишга хўжайинни ҳам тортмасалар деб қўрқаман. Ростини айтсам, нима қилишимни билмай қолдим.

Мен Ван Уни жўнатиб хаёл сура бошладим.

Қора Ли тўғри айтган экан: унинг укаси хавфли йўлга кирибди. Балки трамвай изини бузмоқчи бўлишаётгандир, балки ундан ҳам хавфлироқ ишни мўлжаллашгандир. Шунинг учун ҳам Оқ Ли акасини бу ишга аралашиб қолмаслиги учун бошқа бўлишга қарор қилган бўлса керак. Ҳар ҳолда Оқ Ли қурбон бўлишдан қўрқмайди, бошқаларнинг ҳалок бўлишидан ҳам қўрқмайди, лекин, акасининг ҳаётини ҳам хавф остида қолдиргиси келмайди: ахир унинг ҳалок бўлиши билан ишни қутқазиб бўлмайди-ку. Ишнинг пачаваси чиққандан кейин акаси ҳақида ўйлашнинг фойдаси йўқ.

Нима қилиш керак эди? Қора Лини огоҳлантириб қўйиш керакмиди? Унинг акалик меҳрини қўзғатиб юборган бўлардим. Оқ Лини йўлдан қайтаришга уриниш ҳам фойдасиз, яна бунинг устига мен Ван Уни фош қилган бўлар эдим.

Ишлар бўлса кундан-кунга жиддийроқ тус ола борди. Трамвай қурувчи компания трамвайнинг ишга тушиш кунини ҳам эълон қилди. Ортиқ чўзиш мумкин эмас эди. Қора Лини огоҳлантириб қўйиш керак эди. Мен уникига бордим, аммо уйда Ван Удан бўлак ҳеч ким йўқ экан.

— Хўжайин қани?

— Кетди.

— Пиёдами?

— Бир неча кундан бери аравада юрмай қўйди, муттасил пиёда юряпти.

Мен Ван Унинг юзига қараган эдим, ҳаммасини тушундим:

— Унга айтдингми?

Ваннинг бошидаги чандиғ тўқ қизил тус олди:

— Мен ортиқча ичиб қўйиб, ҳаммасини айтиб бердим.

— Учи?

— Йиғлаб юборишга сал қолди.

— Шундай бўлса ҳам у нима деди?

— У мендан: «Ван У, сен нима қолмоқчисан?» деб сўради. Мен унга: «Қичик хўжайини нима қилса, Ван У ҳам шуни қилади», деб жавоб бердим. У фақат «яхши» деди-да бошқа ҳеч нарса демади. Ўшандан бери у ҳар куни қаёққадир пиёда борадиган бўлиб қолди.

Мен роса уч соат кутдим. Қора Ли келганда кеч кирган эди.

— Ҳа, қалай? — деб сўрадим. Бу савол билан ҳамма гап айтилган эди.

— Бир нав, — деб жилмайди у.

У менга шундай жавоб қила олади, деб хаёлимга келтирмаган эдим. Ортиқ сўраб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди: у бир қарорга келган. Менинг вино ичгим келди-ю, аммо ёлғиз ичишнинг қандай лаззати бор? Кетишдан бошқа чора қолмаган эди. Кетишим олдида:

— Бирор ерга уч-тўрт кунга борайлик — деб таклиф қилдим.

— Бир-икки кундан кейин гаплашармиз, — деди у хайрлаша туриб.

Ҳар қандай жўшқин ҳис-туйғулар ҳам бирданига совуб кетиши мумкин. Илгарилар унинг менга шундай муомала қила олиши хаёлимга ҳам келмаган эди.

Ўша куни кечқурун трамвай ишга тушгандан кейин яна Қора Лининг олдида бордим. У уйда йўқ экан. Мен уни ярим кечадан оққунча кутиб ўтирдим, лекин келмади. У атайлаб мендан қочиб юрган бўлса керак. Ван келди-да:

— Эртага, — деди жилмайиб.

— Хўжайининг қаёқда.

— Билмадим. Ўша куни сиз кетганингиздан кейин қошининг устидаги холини бир нарса билан куйдирди-да, анча вақтгача ойна олдида ўйланиб ўтирди.

Тамом. Хол йўқ бўлдим, энди Қора Ли ҳам йўқ. Уни кутиш фойдасиз. Мен қўзғалиб ҳам эдим, энди кетмоқчи бўлган Ван мени тўхтатди.

— Агар эртага мен билан... — бошидаги чандиғини ушлаб, — онамдан хабар олиб турарсиз.

Орадан беш соат ўтгандан кейин Ван югуриб кирди, у тез югурганидан терлаб кетган эди.

— Тамом... тилка-порасини⁴ чиқариб ташладик, — дея олди, холос.⁵ У⁶ нафасини ростлаб олгунча бир оз вақт ўтди. Чойнакни энгаштириб бир неча қултум чой ичди.

— Ҳаммасини дабдала қилиб парчалаб ташладик. Сўнгра отлик полиция босиб келди ва биз бирпасда тарқаб кетдик. Сяо Ма-люни ушлаб олганларини ўз кўзим билан кўрдим. Бизда қурол бўлмагани чатоғ бўлди. Фишт билан нима ҳам қила олар эдик? Сяо Ма-лю пухта ўйламасдан иш қилди-да.

— Кичик Лига нима бўлди?

— Мен уни кўрганим йўқ. — Ван У, лабларини тишлаб бир оз ўйланиб қолди. — Ҳа, бўлар иш бўлди. Агар бирор кишини қамамоқчи бўлсалар, унда албатта, бошлиғимиз сифатида кичик Лини олиб кетадилар. Аммо у бефаросат эмас, минг қилса ҳам ёш-да. Сяо Ма-лю сингари қўлга илиниб қолмас, деб ўйлайман.

— Катта Лини сен ҳам кўрмадингми?

— У кеча уйга келмади. — Ван бир оз ўйланиб турди. — Мен бир неча кун шу ерда кўзга кўринмай турсам яхши бўларди.

— Бўлади.

Эртасига эрталабки газеталарда трамвай изини бузган қўзғолончиларнинг бошлиғи Ли — жиноят устида қўлга олингани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. У билан бирга бир студент, беш рикша ушланган.

Ван У газетани кўздан кечираркан фақат бир сўзни — «Ли»ни кўрди.

— Кичик Ли ҳалок бўлибди, иш тамом, — деди рикша. У бошини худди чандиғини ушлаётгандек икки қўли билан ушлаб олди, кўзларидан оққан ёш газета юзига оқиб тушди.

Ли билан Сяо Ма-люнинг отишга ҳукм қилинганлиги халқни қўрқитиш мақсадида, уларни кўчама-кўча айлантриб юриш ҳақидаги хабар бутун шаҳарга ёйилди.

Кун жуда дим, иссиғ, қуёш бўлса шафқатсизлик билан қиздирарди. Кўчаларнинг тоши шу қадар қизиб кетган эдики, оёқларни куйдирарди, шундай бўлса ҳам кўча тўла одам. Очиқ аравада қўллари орқасига боғланган икки киши ўтирарди. Аравани қўриқлаб келаётган полиция ва солдатларнинг қиличлари қуёш нурларида ярқиллайди. Арава борган сари яқинлашарди, ундаги иккита оқ нарс ҳам секин-секин силкиниб келарди. Олдинда ўтирган кишининг кўзи юмуқ. Унинг пешонаси тер босган, лаблари эса дуо ўқиётгандек билинар-билинемас қимирлаб турарди.

Мен аравадан узоқ эмасдим. Аравадаги одам силкина-силкина нарироғдан ўтиб кетди. Уни кўриб юрагим ачиб кетди. Мен анча вақтгача ўзимга келолмадим, кейин битта-битта юриб арава орқасидан қатл қилинадиган ерга бордим. Одам бутун йўл бўйи бирор марта ҳам бошини кўтармади.

Унинг қошлари бир оз чимирилган, оғзи ярим очиқ, кўкраги қондан шалаббо бўлиб кетган. У ўлаётганида ҳам дуо ўқиётгандай эди.

Мен унинг ўлигини сарвағишлаб олдим.

Мен икки ойдан кейин Оқ Лини Шанхайда учратдим. Агар уни чақирмасам, югурганича ўтиб кетарди.

— Лао-си!


— Ҳа! — қўрқув аралаш жавоб берди. — Сенми? Мен акам тирилибдими, деб ўйлабман.

Менинг овозимда Қора Лини эслатадиган бирор нарса бўлса керак, балки ҳалигача қалбимда яшаётган унинг акаси гапириб юборгандир.

Оқ Ли анча қариган ва акасига кўпроқ ўхшаб кетган. Биз бир-биримизга бошқа ҳеч нарса демадик, у суҳбатни давом этдиришни истамагандек кўринди. Унинг мана шу сўзлари эсимдан чиқмайди:

— Лао-эр, балки жаннатга тушгандир. Унга жаннатда жуда яхши, мен бўлсам ҳали ҳам бу ерда, ер юзида дўзах эшигини бузмоқдаман.





БА ЦЗИНЬ

ЁМҒИР

1

еча кундан бери тинмай ёмғир ёғарди. Осмоннинг қиттай жойини ҳам қолдирмай булут қоплаган.

Эрталабдан то кеч оқшомгача ёзув столимда ўтирдим. Столим дераза олдида қўйилган. Бошимни кўтариб, дераза ойналаридан сирғаниб тушаётган ёмғир сувларига қарадим. Кўзларимга ойнагина эмас, ташқаридаги ёмғир селининг хира пардалари ҳам кўриниб туради. Ёмғир томчилари деразага урилиб бир оҳангда шитирлайди, бу шитирлаш бир неча кундан бери давом этади. Дастлаб бу товуш фақат қулоқларимгагина кириб турди. Сўнгра секин-аста қалбимга етиб борди. У юракни тирнаб, олдимдаги китоблардан хаёлимни олиб қочарди. Охири бўлмади, кечга бориб хат кўз олдимда тўзиб кета бошлади. Мен ортиқча тоқат қила олмадим. Китобни бир томонга суриб, ўрнимдан турдим, ва хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим, папирос тутатдим.

Устма-уст тортган эдим уй тутунга тўлди. Уй жиҳозларини кўзим илғамай қолди. Аммо қулоқларим аввалгидай яхши эшитади: ўз қадам товушларимни бемалол эшитаман.

Бошимга ажиб бир фикр келди: наҳот дунёда ёлғиз ўзимдан бўлак ҳеч ким бўлмаса? Бу фикр мени ташқари чиқишга ундар эди. Ортиқча иккиланмай, папиросни ташладим, пальто, шляпани кийиб чаққон-чаққон юриб зиналардан тушдим-да, ҳилват йўл билан ташқари чиқдим.

Кўчада ҳамон ёмғир қуяр эди. Тор кўча жимжит. Ёмғирдан ивиган тош йўлкада оёқларим тойилади. Ёмғир томчилари юзга урилади, кўз ойнагимни нам қилади. Ҳозир бу ҳаёлимга ҳам келмасди. Ичимни нимадир куйдираётганини ва бу ўтни ўчириш учун менга худди шу ёмғир керакдек ҳис қилардим. Ихтиёрсиз равишда тор кўчадан катта кўчага чиқдим.

Кўча анча кенг эди. Лекин кўз олдимда совуқ бир бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: дўконларнинг эшиги устига осиб қуйилган фонусларнинг хира шуъласи липилларди. Кўча бўйлаб риқшалар аравачалари билан товушсиз югуришиб борарди. Аллақандай кўланка кўзимга илғанди. Ҳамма нарса сокин. Фақат шиддат билан тинмасдан ёмғир ёғарди: унинг томчилари жонсиз ерни ғазаб билан қамчиларди.

Мен йўлқадан илдам босиб борардим. Ёмғир сувлари шляпамнинг гардишидан дув-дув томиб турарди: кўзойнагим ойнасида томчилар туриб қоларди. Лекин мен уларни сидириб ташлай демасдим—ҳатто қўлимни пальто чўнтақларидан чиқармас эдим. Олдимда нима бор, нима йўқ кўра олмасдим, қарашни ҳам истамасдим. Гўё аллақандай куч гавдамни эзарди-ю, мен жон-жаҳдим билан унга қаршилиқ кўрсатардим. Менинг учун биргина нарса — у ҳам бўлса юриш қолганди.

Хўш, қаёққа бораман? Буни билмас ва билишни истамасдим ҳам. Чорраҳага келганда ҳам тўхталиб турмадим. Оёқларим кўп марта халқобларга тушиб кетди. Ботинкаларимга сув кириб, пайпоқларим жиққа ҳўл бўлиб кетганига ҳам эътибор бермадим. Бошимда фақат бир фикр — олға босиш бор. Худди салгина тўхтасам, кимнингдир темир панжаларига тушиб қоладигандай туюларди.

Бир кўчадан ўтдим... яна биридан... Менинг олдимда ҳамон ўша шавқсиз бўм-бўшлиқ. Билмадим, қанча йўл юрдим, лекин юрагим боягидай ёнарди. Аъзойи-баданимга ўтиб кетган ёмғирнинг муздек томчилари юрак ўтини ўчира олмасди. На совуқни ва на ҳорғинликни сезардим.

Бир тор кўчанинг бошига келганда тўсатдан тўхтадим. Йўқ, тўхтамадим, балки бурилиб шу тор кўчага кирдим. Нима учун шундай қилдим? Ўйлаш учун фурсат ҳам йўқ эди.

Бу тор кўча ҳам жимжит. Кўп уйларда чироғлар ўчиб бўлган, чироғлари ёниб турган деразалардан эса қувноқ кулгилар эшитилмасди. Мен уч рақамли уйнинг ён эшиги олдига келдим-да тўхтадим. Эшикни қоқиш учун энди қўлимни чўзганда, ҳайрат ва қўрқув аралаш туйғу билан бу ерда Юй туришини англадим.

Эшикни Юйнинг ўзи очди. Кўришмаганимизга бир неча кун бўлган эди. Унинг заррача қони йўқ юзлари шу вақт ичида яна ҳам аянчлироқ тус олибди. Мени кўриб унинг юзларида қўрқув ифодаси пайдо бўлди. У ҳеч нарса демади. Йўл бериб зина орқали юқоридаги хонасига бошлади.

— Нега келдинг! Ахир сени чақирмаган эдим-ку,— деди у ёзғириб, лекин ўзини тутолмай, қўлимни дўстона, қаттиқ қисди.

Мен миннатдорчилик билдириб унга қарадим, қўлимни озод қилиб, ташвишли оҳангда, секин сўрадим:

— Бирор янгилик борми?

Юйнинг кўзлари қайғуга тўлиб кетди ва катта очилди: у бошини қуйи солди, кейин маъюс қиёфада бир-икки бош чайқади.

— Наҳот чора йўқ? — сўрадим чўчиб.

У қўлини елкамга олиб бориб, секин:

— Секинроқ гапир, — деб огоҳлантирди ва бир оз жим тургандан сўнг: — айтишларига қараганда унга илгаригидай яхши қарашаётган эмишлар. Лекин қаерда турганлигини ҳали ҳам билганимиз йўқ, — деди.

У мутлақо ноумид эди.

— Ишонса бўладиган гапми? — дедим мен.

— Ким билсин! Ҳар ҳолда биз фақат шу кичкина янгиликкагина эгамиз. Кўпчилик дўстларимизга бирор хабар билишни тайинладик, лекин фойдасиз — биз у билан кўриша олмаймиз.

Юй хотиржам кўринар эди. Лекин бу хотиржамлик тагида яширин дард борлигини пайқадим. Тўрт-беш кун олдин учрашганимизда ҳам худди шу сўзларни гапирган эди. Кўриниб турибдики, яқин орада ҳеч қанақа янги гап эшитган эмас.

— Тўхта! Роса ивиб кетибсан-ку, — деди у бирдан, ўзи келишининг хожати ҳам йўқ эди. Ўз тинчлигинг ҳақида ҳам ўйлашинг керак. — Унинг бу ёзғиришида меҳрибонлик балқиб турар эди. Ғамгин жилмайдимда, пальтом билан ивиб кетган шляпамни ечиб, курсига қўйдим. Ёзув столига ўтира туриб ҳасрат билан:

— Мен бундай яшаёлмайман... Уйда диққинафас бўлиб ўлишга тоқатим йўқ. Қандай даҳшатлигини биласанми, зиндондан ҳам даҳшатлироқ.

— Чидаш керак! Ҳадеб фиғонинг фалакка чиқавермасин! — деб у ҳам ўтирди ва менга ачингансимон қаради. Мени юпантирмоқчи бўлиб гапирар экан, товуши бўлиниб-бўлиниб турарди. — Чидамлироқ бўлишинг керак. Менинг аҳволимга қара, андек ўйлагин, қай тарзда яшаяпман. — У жим қолди. Сочларини ғижимлаб ўзига азоб бераётган алланарса тўғрисида ўйлаётгандай бўлди. Эҳтимол бирор кўнгилсиз воқиа эсига тушиб, хаёли бўлингандир. Бу, албатта унинг* таъсири эканлигини билар эдим. Оғир азоб тарқалиб борарди, аммо кўнгил изтиробда эди.

— Хуанинг онаси келди... — У қўлларини стол устига ташлаб, кафтларини столга қаттиқ тиради. Қутилмаганда, бир фикрга келгандай давом этди: — Шу ерда турибди, болохонада. Ҳали қизи тўғрисида ҳеч нарса билмайди. Менинг эса айтишга оғзим бормади. Ўзинг ўйлагин ахир ёлғон гапиришим керак. Ёлғон гапиришим осонми. Ахир у холам. Унинг кўз олдида катта бўлганман. У Хуа билан бу ёққа келиши тўғрисида хат орқали келишишган эди, уларнинг ёзишмалари ўзимнинг қўлимдан ўтган. Унда бундай бўлишини сира хаёлга келтирмаган эдик. Ўзинг ўйлаб кўр. Қандай қилиб энди бўлган гапни айта оламан. Яқинда унинг ёши эликка тўлади.

Унинг товуши жуда титраб кетди, охириги сўзни айтганда кўзларида ёш пайдо бўлди, бироқ изтироб чекаётганлигини менга билдиргиси келмас эди. Ожиз инқиллаб, жим бўлди.

Хуа менга онасини қанчалик яхши кўришини айтган эди, онасининг яхши хотин эканлиги ҳақида бизга тез-тез ҳикоя қилиб берар эди: у Хуани хор-зор этмай одам қаторига қўшиш, мактабда ўқитиш ниятида йигирма йил-

* Хаунинг — тарж

лик умрини беваликда ўтказган. Бу кекса, ақлли, софдил аёлнинг Хуа ўзига муносиб куёв топиб, бахтиёр яшаса бўлгани деган бирдан-бир нияти бор эди. Қизининг феълига тушуна олмаса ҳам, жон-дили билан севарди. Эндичи... Бу тўғрида ўйлаб туриб бир вақтлар Хуа айтган сўз эсимга тушди. Яна юрагимга оғир дард туташди. Бутун кучимни тўплаб, бу дардни енгдим. Чунки мен ҳам юзимда заррача қайғу аломати сездирмасликка тиришар эдим.

— Қандай бўлмасин, уни қутқариш чорасини ўйлаб топиш керак — дедим мен ўз-ўзимга мурожаат қилгандай, секин. Қизга қай тарзда яхшироқ ёрдам қилиш устида бутун вужудим билан ўйладим. Бироқ бошим оғир тортиб, фикр юргизиш қобилиятимни йўқотиб қўйдим. Мен гўё жароҳат қоплагандай чакакларимни жон аччиғида ишқалардим.

— Яна нима ўйлаб топишимиз мумкин? Бирор тадбир кўриш чорасини кўп кишилардан суриштирдим. Уни ҳатто қаердалигини биладиган одам йўқ, — деди Юй куйиниб. Бу қуруқ гап эмаслигини биламан: у чиндан ҳам неча кунлардан бери Хуани ахтариб елиб югурган. Аммо ҳеч қанақа натижага эриша олмай гаранг. Балки, дунёдан ўтгандир деган машъум фикр миямга келди. Мен уни даф қилишга уриндим. Лекин у яна миямни сурлик билан чулғаб оларди. Бу сўзларни эшитишдан ўзим қўрқсам ҳам, товуш чиқариб гапириб юборганимни билмай қолдим.

— Ундай бўлмаса керак, йўқ, асло ундай эмас! — Юй шу қадар кескин эътироз билдирдики, гўё ҳаёти унга боғлиқдай. Овози секин-секин қатъий, сўзлари жиддий тус олди. Афтидан Хуа менинг чангалимда-ю, у тортиб олмоқчи. — Ахир Хуанинг ҳеч бир гуноҳи йўқ-ку. Ҳеч қанақа хилоф иш қилгани йўқ-ку.

— Хилофми, хилоф эмасми, улар учун фарқи борми? — дедим шартта ўрнимдан туриб, ёзув столига таянар эканман. Унинг сўзларини рад этмоқчи бўлгандай. — У қиз бошқалар сингари тубанликни истамади, кўнглидагини айтишдан, хоҳлаганини қилишдан чўчимади — шунинг ўзи кифоя эмасми? — дедим. Юй ўзини йўқотиб менга қараб жим турар эди. Мен бир оз ҳовримдан тушдим. Қайтиб жойимга ўтирдим. Кўз олдимда оғзи боғланган қоп ва дарё пайдо бўлди... Мана қоп сувга ташланди, оқиб кетяпти... оқиб кетяпти, ва борган сайин сув остига чўкиб боряпти. Назаримда унинг жасади — худди шу

қопда. Ихтиёрсиз равишда кўзларимни юмдим. Қовоғларимни оғригудек қисдим, юзларимни бор кучим билан ғижимладим.

— Йўқ-йўқ! Бундай қилишга ҳақлари йўқ. Аминманки, у тирик.— Фавқулудда ишонч билан янграган Юйнинг овози кўзимни очишга мажбур қилди ва мен унинг қиёфасида қатъият ифодасини кўрдим. Аммо бу қатъият секин-аста яна сусая бошлади. Юйнинг ўзи ҳам ўз сўзига унчалик ишонқирай олмас эди. У товушини чиқариб-чиқармай шубҳа билан:

— Бироқ бу йил ҳамма нарса кутилмагандагидай бўлди. Қим бир нарса дея олади? — деди.

Болохонада кекса аёлнинг қақшоқ йўтали эшитилди-да, тезда тинди. Юй бир оғиз ҳам гапирмади. Хонага сукунат чўкди. Қалбимда эса ҳамон ҳалиги аёлнинг йўтали такрорланади. Бу аёл Хуанинг онаси. Ихтиёрсиз яна қизни эсладим. Алам ва ғазабим янгидан қайнади.

— У ҳали ётгани йўқ: доим ярим кечага бориб ухлайди. — Юйнинг чехраси яна қайғули тусга кирди, менга қараб туриб маъюс: — Боёқиш туну кун қизи ҳақида ўйлайди, — деди. — Бирор нарса пайқаб қолганми деб ҳадик оламан. Одатим ёлғон гапни эплай олмайман, ўзимни жуда осон билдириб қўйган бўлишим ҳам мумкин; бекорга у менга шу қадар қайғу, шу қадар таъна кўзи билан қарамайди, бир нима демоқчи бўлади-ю, гапиролмайди.

— У ҳеч нарса била олмайди,— дедим мен мужмал.

Мен уни овунтирмоқчи эмасдим — шунчаки бир нима дейишим керак эди-да. Аммо нима айтиш менинг учун барибир эди. Руҳимни қайғу кемирар эди. Нима биландир, кўкрагимни бўшатишни хоҳлар эдим. Қўлларим ақлимга итоат қилмади. Қаерга қўйишимни билмай кучимнинг борица юзимни ғижимладим.

— Барибир билади, бир кунмас бир кун, ҳамма гапни айтиб қўймасам деб қўрқаман, уни алдаёлмайман, ахир, — деди Юй тушкун кайфиятда умидсизлик билан. У гўё ўз-ўзи билан гаплашаётгандай бўлса ҳам, мендан жавоб кутаётганлиги сезилиб турарди.

Мен сукут қилдим. У бир нарсадан хавотирлангандек менга қаради-да, бирдан ҳайқирди:

— Қон. Қон. Юзингда...

Мен тушундим. Юзимни силадим. Қафтим қип-қизил қон. Ҳаяжонимни ичимга ютиб босиқ товуш билан:

— Ҳечқиси йўқ, бир томчи қон экан-да! — деб жавоб бердим.

У жим қолди. Унинг юзлари таажжуб ва хавотирни ифодалаб турар эди. Юйдан хиёл бурилиб ўтирардим: сўзларини эшитишга мадорим қолмаган. Кўзи кўзимга тушишидан қўрқардим. Хонадаги сукунатдан қўрқардим, унинг саволлари устида ўйланишдан қўрқардим. Ўрнимдан турдим, пальто, шляпамни кийдим-да, индамай пастга қараб йўл олдим. Болохона ёнидан ўтганимда Хуанинг онаси безовталанди шекилли, яна қаттиқ-қаттиқ йўтала бошлади. Унинг йўтали худди мени қамчилагандай бўлиб зиналардан жадал учиб тушдим.

Юй ҳам шошиб орқамдан тушиб, буйруқ оҳангида, секин бир неча сўз айтди. Эҳтиётроқ бўлиб ҳаракат қилишимни маслаҳат берди. Бу биринчи марта эмас эди. Нимадир деб ёнғирлаб жавоб бердим-да, кўчага чиқдим.

Олов мени яна аввалгидай куйдирарди. Ёмғир саваларди. Ер яксара балчиқ сув билан қопланган. Қадам босган сайин ҳар томонга сув сачрайди. Пальтомнинг ёқасини кўтардим ва осмонга қарадим — ҳеч нарсa кўринмади. Ёмғирнинг муздек томчилари қизиб кетган юзларимга уриб, қон изларини ювиб туширди. Ярам салпал ачишди. Не чора! Хўрсиниб қўйдим ва ерга қараганимча тор кўчадан чиқдим. Туман тушгандай бирдан ҳамма ёқ парда билан қопланди. Юзим ҳўл, шляпам бошимга оғир ботар, шляпамнинг гардишидан ёмғир сувлари дувиллаб тўкилади. Пальтом ич-ичигача ивиб кетган. Шимимнинг почалари лой сувдан шалаббо, ботинкаларим ҳам балчиққа ботавериб, бўлганича бўлган. Бошимни қуйи солиб ҳамон юриб борардим. Қаёққа кетяпман деб ўйламасдим ҳам. Уйга қайтгим келмасди — бўм-бўш, совуқ хонадан безор бўлганман. Мен шу топда бир нарсани — фақат бошим оғган томонга кетаверишнигина билардим холос.

У кўчадан бу кўчага ўтаман... қанча кўчага кириб чиққанам эсимда ҳам йўқ. Бир гавжум кўчадан кетаётиб, тўсатдан бурилдим ва тор кўчага кирдим. Оёқларим бир уй дарвозаси олдига келганда тўхтаб қолди. Чўчиб бошимни кўтардим: тўқ сариқ ранг билан бўялган эшикка ёпиштирилган оқ қоғозда ўн беш рақами қорайиб кўринарди.

Бирдан фикрларим равшанлашди. Эшикни тақиллатиб ўтирмай, икки қадамча орқага тисландим. Кўзим қоронғи болохонага тикилди. У ерда қабристон жимлиги турарди.

Оғриқнинг ўткир тиги юрагимни тилка-пора қилди. Мен ўйга чўмдим: кечагина пастдан туриб «Хуа» деб чақирсам болохона деразасида унинг чехраси намоён бўлар ва қўли билан мени табриклар, сўнгра зиналардан тушар, эшикни очиб мени ичкарига таклиф этар эди. Биз думалоқ столчада чой ичиб ўтириб ҳар хил масалаларни муҳокама қилардик. Мен унга кейинги бир-икки кун ичида қандай вазифаларни бажарганим ҳақида ҳикоя қилиб берардим. У ҳам ўз ишларни ҳақида гапирар, гоҳ-гоҳ нарсаларни алоҳида хурсандлик билан таъкидларди. Ўқиган китобларига доир баъзи бир саволлар берарди. Сўнгра қоп-қора кўзларини менга мулойим тикиб кўнглидаги бор гапларни ёзиб ташларди. Мен ҳам кўксимдаги бор гапни унга айтардим. Бундай учрашувлар тез-тез бўлиб турарди. Ҳар замонда биз билан ҳамдамлашиш учун Юй ҳам келарди. Бундан ўн кун олдин ҳам Юй билан уникига келиб, болохонада бир неча соат гаплашиб ўтирган эдик. Энди эса ҳамма нарса бирдан ўзгарди.

Дўстларим мени кўп марта огоҳлантиргани учун бу ерга келмасликка қарор қилган эдим. Хуани энди бу ердан топа олмаслигимни билардим. Бироқ мени бу ерга оёқларимнинг ўзи судраб келди. Бошимдан кўра оёқларимнинг бу уйни унутиши қийинга ўхшайди. Чунки худди шулар менга ўтмишни бошдан-оёқ эслатди.

Ҳадеганда бу уй олдидан кетолмадим. Мен узоқдан болохонага, жипс ёпилган дераза эшикларига қарадим. Дераза орқасида қоронғи зулмат ҳукм суларди. Афтидан у ёққа ҳали ҳеч ким чиқмаган. Эҳтимол у ухлаб қолгандир деб ҳам ўйладим, лекин бу фикрдан ўзим аччиқ кулдим. Кўз олдимда худди ўша катта қоп - қора кўзлар қараб тургандай. Мен уни аниқроқ кўрмоқчи бўлдим, лекин кўзойнагимни хиралаштирган ёмғир томчилари ҳалақит берар ва олдимда нима борлигини яхши кўра олмас эдим. Ёмғир бош-кўзим демай шафқатсиз қамчиламоқда. Шундай бўлса ҳам хотиржамман. Ўзимни панага олай демай, бир жойда ҳамон тошдай қотиб турардим. Мен қўшни уйлардан бирининг дарвозаси қаттиқ шарақлаб очилганидагина ўзимга келдим. Фақат шундагина бошқа бир фикр хаёлимдан ўтди ва аста жўнаб кетдим.

Боягидай яна қаёққа боришни билмас эдим. Оёқларим мени бу тор кўчадан судраб олиб чиқди. Кўча фонуслари жонсиз милтиллайди. Қайсидир саррофнинг гумаштаси

дўкон панжарасини тушириб, беркитарди, икки-учта соя-бон тутган ўткинчилар мен томонга келарди. Буларнинг менга ҳеч қандай дахли йўқдай. Бу катта шаҳарда мен ўзимни бирдан бутунлай бегона ҳис этдим. Бундай фикрдан аҳволим яна ҳам оғирлашди, юрагимдаги олов кучлироқ алангалана бошлади — мен ўтдай ёнардим. Ёмғир бўшатмасди. Лекин ёғяптими, йўқми энди сезмасдим. Оёқларимга қаёққа хоҳласа ўша ёққа олиб боришга эрк беришдан бошқа иложим йўқ эди.

Мен тош йўл ёқалаб борардим. Оёқларим оғир тортиб, ботинкам ичи лойга тўлиб кетди. Мен тезроқ юра олмасдим. Фонусларнинг хира ёруғи ва чексиз қоронғиликнигина кўрардим холос. Шамолдай тез келаётган автомобиль ёнимдан қаттиқ сигнал бериб ўтди. Мен чўчиб довдираб кетдим. Сачраган лойдан ҳамма ёғим расво бўлди. Қаттиқ кулги овозини эшитдим.

«Қишилар қанчалик бир-бирига оқибатсиз!» деган фикр юрагимга игнадай қадалди, юзларимни худди томир тортгандай бужмайиб кетганини сездим. Аччиқ фикрлар миямни зирқиратиб ўйиб кириб келаётган бир пайтда автомобилдаги одамларнинг чақчақлашиб кулишгани менга чиндан алам қилди. Ростини айтганда менинг ўй ва изтиробларим билан кимнинг иши бор. Мен азоб чекаман, ҳолдан тойиб бораман, эҳтимол энг машғум йўл тутиш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келар, аммо бунга ҳеч ким билмасди. Сўз билан ифода қилиб ўлмайдиган, руҳимни эзадиган бу каби ҳиссиётлар ғазабимни қўзғатиб, кўксимни ларзага келтирганлигини ҳис қилдим.

Чўнтакдаги панжаларим ғижирлаб, сиқилиб муштга айланди. Ниманидир пачақлаб ташлагим келар ё бўлмаса шу ондаёқ ўзим пачоқ бўлиб кетгим келарди! Бетоқатлик билан ёмғирни янада зурайишини, то мени ва ҳамма ёқни сел олмагунча тинмай ёғишини истаб қолган эдим.

Лекин ёмғир зарра кучаймади, пасая бошлади. Ичимни куйдираётган олов, ўша ҳарорат доим юрагимни ёндириб кулга айлантириб юборадигандай туюларди. Тишларимни ғижирлатиб, телбаларча тентираб жаҳл билан олға юраман. Энди мен бояги совуқ кўчаларни кўрмасдим. Менинг учун қаёққа борсам ҳам барибир эди.

Мен бир кўчадан ўтдим. Яна бошқасидан... Ихтиёрсиз равишда бир тор кўчага бурилдим. Оёқларим яна уч рақамли дарвоза олдига келиб тўхтади. Юйнинг олдига

янгидан кириш маъқул бўладими, йўқми бу ҳақда ўйла-масданоқ қандайдир беқарорлик билан тўхтадим.

Дўстимнинг қайғули қиёфасини кўришдан ва кекса аёлнинг йўтал товушини эшитишдан қўрқиб бу ерга келишни истамас эдим; мен ҳатто эшикни тақиллатишга ботиниб қўл чўза олмас эдим. Лекин ўчакишгаандай оёқларим бу ерга олиб келди. Улар бўлган воқияни унута олмаганлар; оёқларим ғолиб келди. Бу уйни ҳатто қалбимдан чиқариб ташламоқчи, унутмоқчи бўлган эдим, аммо оёқларим бу ерга олиб келди. Шундай бўлса ҳам эшикни қоқиб ичкари киришга журъат эта олмадим. Бошимни кўтариб дарвозахона олдидан болохонага қарадим. Унинг деразалари жипс беркитилган, ичкарида чироқ йўқ — бу болохона ҳам деярли ҳозиргина кўриб қайтган болохонадай эди. Кекса аёл ухлаётган бўлса керак! У тушида нималарни кўраётганини билиш учун топган-тутганимни берган бўлардим. Ҳеч шубҳа йўқки, у тушида тирик ва хушчақчақ Хуани кўряпти. Агар рози бўлса, шу туши учун истаганини берардим. Фикр-ёдим ҳозир кекса аёлда. Кўринишидан қалби соф аёл. Хуа унинг суратини кўрсатган эди. Унинг кўз ва лаблари худди Хуанинг кўз ва лабларини эслатарди. Менда шу пайт уни — Хуанинг онасини кўришга шундай иштиёқ пайдо бўлдики, бу иштиёқни соқит қилиш асло мумкин эмас эди. Аммо мен унинг ёлғиз қуруқ йўталинигина эшитардим; у болохонадан эмас, балки менинг қалбимдан эшитиларди. Энди ҳаммасига тушундим, мен у ерга эшик қоқиб кира олмайман. Чуқур уҳ тортиб, дадил қадам ташлаб кетдим.

Худди биров мени таъқиб қилаётгандай жуда тез юриб борардим. Йўлда бирор марта ҳам тўхтамадим, атрофга ҳам қайрилиб қарамадим. Ёмғир зарралари келиб юзларимга уриларди. Аммо буни сезмас эдим.

Уйга оёқда туролмас даражада ҳориб-толиб етиб келдим.

2

Ҳаво булут ва совуқ. Қовоғини солиб турган осмонни кўриб сўнгги умидлар ҳам пучга чиққандай туюлади. Лекин мен умидсизлик кайфиятида кроватда ётишни ҳам, ёзув столига қапишиб олиб жим ўтиришни ҳам хоҳламайман. Хонанинг у бурчидан-бу бурчига ғамгин бориб

келаман. Бошим айланиб кетгунга қадар устма-уст папирос чекаман.

Кеча кун бўйи олдимга пашша ҳам келмади. Оламда нима гап — беҳабарман. Хуа ҳақидаги ўйлар менга азоб беради. Дўстларимдан биронтаси келиб уч-тўрт оғиз сўз айтиб кетар деб кутдим, бироқ кечгача ҳам ҳеч ким эшик қоқмади. Мен кўчага чиқиб ўн бешинчи уй олдида бир оз тентираб юрдим ва кейин истар-истамас уйга қайтдим, сал ўтмай ухлаб қолибман. Туни билан туш кўриб чиқдим. Хуанинг қиёфаси липиллаб кўз олдимдан ўтади. Аммо дурустроқ кўзга ташланмайди. Уйқудан туриб кўрган тушимни аниқ хотирлай олмадим.

Папирос устига папирос чекиб хона ичида у ёқдан-бу ёққа анча юрдим. Назаримда, миям қайнаб, бошим тарс ёрилиб кетаётгандай бўлади. Охир чарчадим. Ёзув столи ёнига келиб ўтирдим. Аллақандай бир китобни очиб паст овоз билан бир неча жумла, бир неча саҳифа ўқидим. Нима ўқиганимни ўзим ҳам билмайман.

Бир вақт эшик аста чертилди. Бошимни кўтариб Хуанинг хонага кириб келаётган шарпасини кўрдим, у одатдагидай жилмаярди.

— Хуа! — қичқириб юбордим севинч аралаш қўрқув билан ва ўрнимдан туриб кетдим. Кўзларим тиниб, ўпкам оғзимга тиқилди.

Эшик яна секингина ёпилди. Бироқ хонада ҳеч ким йўқ эди. Аста-секин ўзимга келдим. Хуанинг бу ерга келолмаслигини билардим. Юрагим оғир азобдан сиқилиб кетди.

Хуага тегишли бирор нарса топаман деган умидда стол тортмаларини, китоб шкафини титкилай кетдим. Титкиламаган жойим қолмади, лекин ҳеч нарса тополмадим. На қоғоз ва на хат бор эди. Тўғри, кундалик дафтаримда Хуага онд бир талай хотираларим бор. Ҳар сафар кундалик дафтарни варақлар эканман, Хуани кўз олдимда кўргандай бўламан; унинг ўзига «сен менинг кундалик дафтаримда яшайсан» деб тез-тез кулдиришим бежиз эмас эди. Лекин ҳозир кундалик дафтар йўқ, Хуанинг қиёфасини қандай гавдалантира оламан?

Эски китобларнинг бири орасидан мутлақо кутилмаганда ранги ўчиб, тусини йўқотган бир фотосуратни топиб олдим. Унда Хуа, мен ва яна икки ўртоғимиз бор эди. Бунақа тўпланиб расмга тушиш одатимиз йўқ эди. Нима

учундир ўша сафар паркда бирга тушган эканмиз. Бунга икки йил бўлган. У вақтда Хуанинг ҳали кокили бор эди.

Мен расмга термулиб, ўтган хушчақчақ онларимизни эслашга тиришдим; суратда Хуанинг қизлик чехраси бир оз сўлғин, қоп-қора кўзлари эса сўниқ эди, бир қарашда бу расмдаги чехра Хуаникига ўхшамасди ҳам. Ҳам қайғу ҳам маъюслик билан уни қўлимда ушлаб турарканман, эрта-индин яккаю ягона шу расмдан ҳам ном-нишон қолмайди, деб ўйлардим.

Кеч оқшомгача, Юй келгунга қадар кунни аранг ўтказдим. Ўтган икки кун ичида унинг сочидаги оқлар яна ҳам кўпайибди. Бундай ўзгаришдан ташвишга тушдим.

— Қандай янгликлар бор? — деб сўрадим ҳаяжон билан.

— Энди умид қолмадими деб қўрқаман, — жавоб берди у дард аралаш ва кроватга ҳорғин ёнбошлади.

Яна савол беришга менда мажол йўқ эди. Ўзим ҳам шундай жавоб бўлар деб кутган эдим. Мен бу жавобни такрор эшитишдан қўрқар эдим. Юракда оғир дард билан хонада у ёқдан-бу ёққа юрар ва тинмай папирос чекар, тутунини шимириб ютиб юборгим келар эди холос.

— Хуа! — Юй бирдан менга қаради ва ўрнидан бир оз турди. Мен ўгирилиб, унга қарадим ва гапиришини кутдим.

— Билишимча, Хуадан умид йўқ, — деб такрорлади у. — Хуани бўлган эмас, деб тонишяпти. Бундан беҳабармиз дейишяпти. Бундай гаплар одатда у одамнинг умри қирқилгандан кейингина айтилади. Ўша кеча сен ҳақ экансан.

Юйнинг катта очилган кўзлари менга тикилди. Унинг кўзлари қизарган, юзлари қандайдир бошқача эди. Мана ҳозир у дод деб юборади. Аммо йиғламади. Фақат бужмайди, серажин юзларида яна кўплаб янги чизиклар пайдо бўлди.

Юрагим қаттиқ урарди, ичимдан ташқарига интилаётган ҳис ва туйғуларни зўр бериб босишга ҳаракат қилардим. Юй ўтган кеча мен айтган тахминимни тасдиқлади ва мен энди унинг сўзларидан қаттиқ эзилиб кетган эдим. Юзларим қўрқинчдан буришиб, беш минутча лом-мим демай жим қолдим.

— Хуанинг онаси нима бўлди? — деган савол оғзимдан отилиб чиқди.

— Хуанинг онаси уйига қайтади — деди у хаста овоз билан, қийналиб.

— Уйига? Қизини кутмасдан-а? — дедим чўчиб.

— Худди шуни сенга сўзлаб бермоқчиман.

У бирдан ўрнидан турди, ёзув столи ёнига келди ва бағрини столга бериб ўтирди. Менга қараб гап бошлади. Мен чап қўлим чиғаноғи билан стол четидаги бир уюм китобларга таяниб сўзларини тинглар эдим. У беғам кўринса ҳам юзида оғир қайғу излари сезилиб турар эди.

— Хуа нима бўлганини, унга айтиб бердим. Тўғриси ўзимни ортиқча тия олмадим. Кеча оқшом уйга жуда кеч қайтдим. Болохона қоронғи, ухлаб қолибди-да деб ўйладим. Лекин уйга кириб ўтирар-ўтирмас мени чақирганини эшитдим. У шарпасиз хонамга кириб келди. Сочлари тўзғиб кетган, оёқда зўрға турар эди. Юзлари ғамгин, қизариб кетган кўзлари билан тикилганича менга яқинлашди. Уша пайтда у худди арвоҳга ўхшарди. Рўпарамга келиб тўхтаб, отимни атади. У шу кеча-кундузда қатра кўз юммаганини, қизига бирор нарса бўлганми деб хавотир олаётганини айтди. Ростини айтиб беришимни илтимос қилди... Кўп нарсани унинг ўзи ҳам пайқаган экан. Аввалига ёлғон гапиришга уриниб кўрган эдим, ҳафа бўлиб йиғлай бошлади, биласан-ку ахир, Хуан, мен унинг кўз олдида ўсганман. Ёшлигимдан кўтариб катта қилган. Энди у ҳасрат ва надоматда руҳан қийналиб, мендан фақат рост гапиришимни илтижо қиларди. Қандай қилиб ёлғон гапира олишим мумкин. Хуа бу ерга келиб, институтга кирганида мен учун Хуага яхши ғамхўрлик қилгин, бегона жойда биров уни алдаб қўймасин, деб зорланганлари эсимда. Уйга қайтаётганимда ҳар сафар келиб уни кўраман, боёқишнинг боши осмонга етгандай бўлиб, миннатдорчилик изҳор қилади ёки бир талай совға юборади. Эндичи... Ўзинг ўйлаб кўр, Хуан, юзи-кўзига қараб туриб, ёлғон гапира оламанми? Ҳамма нарсани унутдим. Балки сўзларим уни ҳалок қилиб қўяр, бунинг оқибати нимага олиб келишини ҳам ўйлаб ўтирмадим; ўз-ўзимни унутдим. Унга ҳамма ҳақиқатни айтдим-қўйдим...

Юйнинг кўзлари ёшга тўлди. Товуши хирқирай бошлади, нимадир унинг томоғидан бўғаётгандай эди. Аянчли бўлганидангина эмас, балки ғоят ачинарли бўлганидан унинг юзларига ботиниб қараш қийин эди. Афтидан қатъият ва

Ўзини-ўзи идора қилганига қурбн етмайдиган оламнинг изтиробн акс этиб турар эди.

Унга нисбатан ачинини ҳисси менн яна чулғиб олди. Жигарим яна қон бўлиб, дард тобора зўрайиб берибди. Мен ўтган кундагидай яна ичимга ўт туғанишимдан қўрқар эдим. «Хўш кейинчи?» дегандай Юйга қуруқ кўзларимни тикиб турдим.

— У номаъқул бирор нн қилгани йўқ,— деб ланом этди Юй, бир оз жимликдан сўнг.— фарёд ҳам қилмади; у вужудн билан титраб-қақшаб худди ҳозир йиқилиб тушадигандай бўлди, холос. Ёшга тўлган унинг кўзлари ўкинч ва афсус билан менга қараб турар эди. У тиниқ товуш билан шу сўзларни айтди: «Мен бундай бўлишини аввалдан билардим! Аввалдан! Йиғирма йилдан олди. Ҳамма вақт бу ташвишдан қутулиш мумкин деб ўйлардим, ишнинг бундай, оддий тугагини ким билибди, дейсан».

У бурчакда турган стулга бориб ўтирди, аста ингранди. Бу зарбадан эси оғиб қоладими деб ўйладим. Нима қилишни билмай, шошилиб қолдим, тинчлантирмоқчи бўлиб ёнига бордим. У бошини кўтариб, менга қаради. Юзларида қайғу-алам акс этарди, лекин унда телбаликдан нишона ҳам йўқ эди. Ёноқларидан дув-дув ёш оқарди. У оғзимни очмасданоқ, нима демоқчи эканимни тушунди ва куйиниб «Менга тасалли беришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммасини тушунаман. Мен аввалдан шунга кўникиб келаман. Хуанинг феъли худди отасиникига ўхшаган. Шу феъл унга ҳам бирор кулфат келтирмаса деб хавотир олардим. Шунинг учун ҳам мен унга Жо-Хуа*деб ном қўйганман. Мен унга китоблар ўқиб бермадим. Эрга чиққандан кейин умрининг охиригача ўз майлича осойишта ва беташвиш яшасин деган умидда фақат кашта тикишга ўргатмоқчи бўлдим. Ана шундай бўлганда уни тарбиялаш учун сарфлаган меҳнатларим зое кетмаган бўлур эди. Мен уни ҳаддан ташқари яхши кўрардим. Шундай қизни суймай ҳам бўладими. У ўқийман деб ҳоли-жонимга қўймади. Райини қайтаролмадим. Нима деса ҳаммасига «хўп» дердим. Ҳаддан ташқари юмшоқ кўнгилман-да ўзим ҳам, агар ўшанда ўқишга рухсат бермаганимда, эҳтимол бугун бундай кўргулик бўлмасди. Сен унинг отаси, амакинг нима бўлганини билмайсан... Мен Жо-Хуани алдаб бу тўғрида оғиз очганим йўқ эди. Эрим икки ойча тюрьмада ётиб, қий-

* Гулга ўхшаш.

ноқларга бардош беролмай охир қазо қилган. Бу Сюань-тун ҳукмронлиги даврининг сўнгги йилида* бўлган эди. Ўшанда мен ундан хабар олиш учун тюръмага қатнар эдим. Ўзим ҳадемай, она бўладиган одамман. У нима сабабдан бу йўлга кирганини сўзлаб берди. У ўз жони учун қайғурмасди. Фақат мени ва қорнимдаги болани ташлаб кетишдан қўрқарди, холос. У туғиладиган боланинг ўғил бўлишига ишонар, ота ишини давом этдиради, деб умид қилар, уни яхши тарбиялашимни илтимос қилар эди. Мен ихтиёрсиз равишда «Агар қиз бўлсачи» деб сўрасам, у нохуш оҳангда: «Унда, ўзинг билганча қилиб эрга берасан — вассалом!» деб жавоб берди. У қазо қилди-ю икки ойдан кейин Жо-Хуа дунё юзини кўрди. Мен севиниб кетдим. Қиз бўлгани ҳам яхши бўлди дедим ичимда, чунки уни ҳалиги йўлдан сақлаб қола оламан. Қиз бола ота изидан кетади деб ўша вақтда ким ўйлабди!». У гўё сўзлари тугаб, мадори қолмагандай жим бўлиб қолди. Унинг кўзлари юмук, стулнинг суянчиғига қўйилган боши эса аста тебранар эди. Ҳолдан тойганлиги сезилиб турарди. Мен ҳайрат билан унга қарадим, энди менга ҳаммаси равшан бўлди. Тасалли беришни эп кўрмадим. Чунки ҳамма нарсани мендан кўра яхшироқ фаҳлаганини билардим. Унинг ҳикояси мени ғоят ҳаяжонлантирди. Аммо шу билан бирга сўнгги умидларимни ҳам йўққа чиқарди. Мен фавқулодда шундай фикрга келдимки, Хуа билан бўлган иш мутлақо қонуний, буни четлаб ўтиш қийин. Бундай хулоса мени ўлимга маҳкум этгандай миямга урди. Бирдан Хуанинг онаси ўрнидан турди ва менга очиқ чеҳра билан қараб уф тортди: «Мен сени айбламайман, заррача ҳам айбламайман! Мен аллақачон шундай бўлишига ишонар эдим. Энди мен ухлайман» деди. У ҳорғин қадам билан хонадан чиқди. Билишимча, шу кеча мижжа қоққани йўқ. Мен туни билан унинг умидсизлик дарди ва ёлғизликни ифодаловчи йўталини эшитиб ётдим. Бу товуш менга аёлнинг кулфат ва машаққатлари билан кечирган умрини эслатди. Мен тортган азоб-уқубатлар устига унинг чеккан азоб-уқубатлари ҳам келиб қўшилди. Мен ҳам шу кеча тузук қуруқ ухлай олганим йўқ. Бугун эрта билан кўчага чиқишга тараддудландим. Болохона жим-жит. Хуанинг онаси ухляпти деб ўйладим. Бироқ болохона ёнидан ўтиб кетаётганимда эшик катта очилиб у

* Яъни 1911 йилда.

мени чақирди. Тўхтадим. Бўздай оқ юзлари ваҳимали эди. Менга заиф товуш билан: «Мен яна бир кун кутаман. Эртага тушдан кейин уйга қайтаман» деди. Бошқа бир сўз ҳам демай, нима дейишимни ҳам кутмай, эшикни ёпиб олди. Мен зинада турар ва кириб гаплашсамми йўқми, деб ўйлаб туриб, хаста йиғи овозини эшитиб қолдим. У йиғлар эди. Мен ўзимни ўнғайсиз ҳис этдим. Киришга юрагим дов бермади. Шоша-пиша кўчага чиқдим. Ишхонадаги ўз ишларимни бажардим, яна у-бу ерга кириб чиқдим, энди сенинг олдингга келганим эди. Ҳаммаси мендан «тобинг йўқми» деб сўрашади. Шу икки кун ичида касал бўлмай иложинг борми? Чиндан ҳам бу аҳволда мен узоққа бормайман!

Юй ўрнидан турди. Кроватга яқин келди ва биров уни оёғидан чалиб юборгандай гуп этиб ўзини ташлади. Гапираётганида унинг юзига боққаним йўқ эди. Шунингдек у ҳам менинг юзимни кўра олмаган эди. Хонага аллақачон қоронғилик чўккан бўлишига қарамай, чироғни ёқмаган эдим. Ёруғдан кўра қоронғиликда ғамни енгиш осонроқ бўладими, ким билсин.

Мен ҳозиргина Юй ўрнидан туриб кетган ёзув столига бориб ўтирдим. У кроватда жим ётар эди. Қоронғида шу йўсин анча вақтни ўтказдик. У оғир нафас оларди. Мен секин-аста ўйлаш ва ҳис этиш қобилиятимни йўқотиб борар эдим. Кўкрагим қандайдир бир бўшлиққа ўхшар ва ўзим худди мурдадай эдим.

Ниҳоят Юй ўрнидан турди. Чироғни ёқди ва деди:

— Мен бордим. Агар бирор хабар топсам олдингга яна бир келаман. Эҳтиёт бўл, кўчага камроқ чиқ!

У, аста қадам ташлаб чиқиб кетди. Мен ёлғиз қолдим.

Мен унинг сўзларини жуда яхши уқиб олдим ва унинг маслаҳатига кўра иш тутай дедим. Аммо унинг кетганига ҳали бир соат ҳам бўлмай туриб кўчага чиқдим. Оёқларим уйда тинч ўтиришга қўймади — мени улар қалбимдан чиқариб ташлашга уринган жойимга етаклар эди.

3

Уйқудан кеч уйғондим; деразамдан қуёш мўралар ва хонам анча илиб қолган эди. Кеча бутун оқшом кўча кезиб вақт ўтказдим. Уйга қайтиб ҳам нималар қилганимни тўла тасаввур қилолмайман. Ҳатто қай вақтда ухладим, эсимда йўқ.

Кечаси кўчадан чиқаётиб олдимда қадди-қомати худди Хуаникига ўхшаб кетадиган хотинни кўргандайман. Мен унинг кетидан «Хуа!» деб чақиришга жазм қилиб кўчама-кўча чошиб бордим, лекин нафасим бўғиларди. Мен унинг Хуа эмаслигини яхши англардим. Юйнинг: «Эҳтимол, Хуа эди орамиздан кетгандир» деган сўзларини хотирладим. Аммо кўринишидан Хуага ўхшаб кетадиган аёлни кўришнинг ўзи ҳам менга бирмунча таскин бера оларди. Оёқларим буни биларди ва бир неча кўчагача мени унинг изидан олиб бордилар. Охири бир чорраҳада, автомашиналар йўлимни тўсиб қўйди ва мен аёлни йўқотиб қўйдим. Кўз ўнгимдан худди Хуа ғойиб бўлгандай, у ҳам ғойиб бўлди. Излаб жуда кўп йўл юрдим, лекин ҳеч ерда унинг қорасини кўрмадим.

Секин-аста тасаввурларим равшанлашди. Қуёш нурлари бошимни эркалатсин деб деразаларни катта очиб қўйдим. Кеча кечқурунги юз берган воқияларни яна эсга туширишга ҳаракат қилдим. Кечаги аёл менга чиндан ҳам Хуанинг ўзиндай туюлди. Бироқ мен бу билан узоқ овунолмадим: қалбимда алам ва ғазаб ғалаён қилар эди. Юйнинг огоҳлантирганини эслаб, бадтарроқ қийнала бошладим. Мен яшириниб яшай олмас эдим, қандайдир арзимаган нарсадан чўчиб ҳаракатсиз жон сақлашга тоқатим йўқ, ёш умримни ғам-аламдан хазон бўлишига йўл қўя олмайман.

Мен зўр бериб папирос чекардим. Лекин бу ҳам фойда бермасди. Чунки хотиралар фикр-зикримни қамраб олганди. Папироснинг кул ранг булутлари орасидан аввалгидек ўша қоп-қора кўзлар намоён бўлар, қулоқларимдан эса қуруқ йўтал овози аримас эди. Азоб-уқубатлар ҳеч қачон мени тинч қўймаслигини англаб эдим. Ахир нимадир қилишим керак. Менинг ҳозирги ҳолатим ўз-ўзини аста-секин ўлдиришга ўхшарди.

Кундуз соат иккиларда Юй келди. Юзлари қайғули. Кўзлари қизарган, шишиб кетган — йиғлагани аниқ. Лекин унинг қиёфаси мени таажжублантирмади. Ўзим ҳам шундай алпозда келишини кутган эдим. Нима демоқчи эканлигини ҳам билиб турардим.

Бир-биримизга жовдираб қарадик. Аввал у гапирди. — Холамини ҳозиргина кузатдим. Поезд жўнаганда у йиғламади-ю, мен йиғлаб юбордим. Афтидан, у тақдирга тан берган. Қизи тўғрисида хабардор бўлишни менга топ-

ширди ва ҳар қандай қаттиқ зарба бўлса ҳам, бардош беражагини айтди. Бу ерда бир неча кун туриб оғир касалга мубтало бўлгандайлигини кўрдим. Тинмай йўталади, холос. Таниб бўлмас даражада озиб кетган. Мен ўзимни жуда катта жиноят қилиб қўйган гуноҳкордай ҳис этдим. Шунинг учун ҳам йиғладим...

Унинг томоғи бўғилиб, ўпкаси тўлиб кетди. Сўзини давом этдира олмай яна йиғлаб юборди.

Тоқатим тоқ бўлиб кетди. Ўзим чекаётган азобларим устига Юйнинг азоблари ҳам келиб қўшилди. Дунё шунча кенг-у, Юй бўлса ҳамма ғам-аламларни шу кичкина хонага йиғмоқчи. Мен уни келишини кутган эдим, узоқ кутган эдим, у бўлса кела солиб менинг олдимда йиғлаяпти. Унинг ҳўнграб йиғлаши фигонимни ошириб юборди. Юрагимни янада оғирроқ дард эзаётганини ҳис қилдим. Азоб-уқубатнинг чегараси йўқ ва ҳозироқ деворлар ҳам бизнинг устимизга қулайдигандай эди. Шунча ўзимни тутишга зўр берсам ҳам, бўлмади, ғазаб билан бақириб юбордим:

— Нима учун йиғлайсан, Юй? Нима бўлди, сен ҳам йиғлокиликка ўтдингми? Ҳатто Хуанинг онаси ўзини тутибди, йиғламабди! Кишиларнинг озмунча кўз ёши тўкилганми! Дарё-дарё ёш! Наҳот, у ёшлар етмагандай, сен ҳам йиғласанг?! Кимга керак бу? Бир нарса чиқадими? Арт кўз ёшингни ва бундан кейин бу аҳмоқона йиғини мен эшитмай.

Бу сўзларни Юйга айтаётганим йўқ эди, уни койиш ниятим ҳам йўқ эди. Мен бу гапларни фақат бошимизга тушган мусибатни даф қилиш ниятидагина айтар эдим. Мен сабрни роса қилдим, эндиликка келганда сабр косам тўлди, азоб-уқубатларни енгиш истагида бошимни мағрур кўтардим.

Юй ҳозирги ҳолатимга тушуна олмай менга чўчинқираб қарарди. У энтикиб йиғлашдан тўхтаб, кўз ёшларини артди ва бир оздан кейин узиқ-узиқ товуш билан:

— Йиғлаётганим йўқ... йиғламайман... Фақат Хуа энди йўқ, — деди.

У қўлтиғидан мижиғланиб кетган бир парча тўрт бурчак қоғозни олиб, менга узатди ва мен уни қалтираб турган қўлим билан юлиб олдим. Кўзларим эзилиб, латта бўлиб кетган қоғоз парчасига тикилиб қолди. Унда қалам билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Энди мендан умид қилма, чамамда, тез кунда тамом! Ажабланишнинг ҳожати йўқ. Бу йил ҳамма нарса одатда»

гидай бўлди. Оқибат ҳар хил бўлиши мумкин. Мен ҳамма ўтган ишлар ҳақида ўйлайман. Лекин пушаймон қилмайман. Ҳатто хурсандман. Сизларни ҳеч қачон унутмайман. Онамга яхшироқ қаранглар. У мени ҳаддан ташқари севади. Шунинг учун бу зарбага бардош беролмаслиги ҳам мумкин. Энг яхшиси ҳаммасини бирдан билмасин. Унга секин-аста ётиғи билан айтиб беринглар. Мени унутманглар. Ҳушёр бўлинглар...

Хуа»

Мен хатни бир марта, яна бир марта, борингки, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла юрагимда акс садо бермагунча қайта-қайта ўқий бердим. Кўнглим бир оз таскин топгандай бўлди. Гўё Хуа ёнимда, мен билан гаплашяпти.

— Менга бу хатни келтирган киши, энди уни тирик эмаслигини айтди. — Юйнинг овози қулоғимга мотам садоларидай эшитиларди, — буни холамга айтганим йўқ, бу гал мен уни алдадим. Хуанинг хоҳишини бузишга кўнглим бўлмай, сўнгги марта ёлғон гапирдим.

Юйнинг кўзларидан яна ёш қуйилди, ҳўнгроқ йиғи товушини бўғди.

У ҳамон хўрсиниб йиғлар, унинг товушсиз йиғиси бутун хонани тўлдирарди. Худди хонани ҳавонинг ўрнига қайғу-алам буткул қоплаб олгандек эди. Сал илгари бир оз таскин топган менинг юрагим яна янгидан бесаранжом бўлиб, гуп-гуп ура бошлади. Унда ёлғиз: «Мен ҳамма бўлиб ўтганлар ҳақида ўйлайман» деган садо янграр эди. Бу садосўнгги марта янграрди. Лекин мен ҳам ҳамма бўлиб ўтганлар ҳақида ўйлаётганимни изҳор қилиш учун Хуани қайтара олармидим! Энди кеч! Орамизда бутун бир олам ётибди. Рухий изтиробим яна кучайди. Вужудимни янада улканроқ умидсизлик қуршади. Қуёш ҳам хиралашди. Осмонни ёмғир булутлари қоплаб борарди. Ҳаммаёқ хира, ғамгин, ҳасратли, ишончсиз эди. Юйнинг ҳўнграб йиғлаши юрагимга ўткир игнадай тинимсиз санчилиб, асабларимни ларзага келтириб, қутуртириб юборгудай туюларди. Ортиқча ўзимни тия олмадим. Оёқларимга қалтироқ кириб, муҳолифат сари биринчи бўлиб дарак берди. Майли Юй ва бошқа дўстларим мени огоҳлантиришсин, майли Хуанинг куни менинг бошимга ҳам тушсин. Мен энди ор-

тиқча уйда биқиниб, яшириниб яшай олмайман, заррача бўлса ҳам бирон нарса қилиш учун кўчага чиқаман! Ортиқча кутиш мумкин эмас! Кейин жуда кеч бўлиб қолиши мумкин!

— Юй! Юр Чинникига борамиз! — дедим мен дадил-ланиб. Юй хавотир ва ўйчан оҳангда аста:

— Майли-ю, ёмғир ёға бошлади-да, — деди ва кўз ёшларини артиб менга боқди.

Мен ташқарига қарадим: ёмғирнинг илк томчилари дераза ойналарига мадорсиз келиб қўнар ва унда тўхтаб қолар эди. Сокинлик. Аччиқ табассум лабларимни туртиб ўтди. Мен дадил қаддимни ростладим! Биз учун бу ёмғир нима деган нарса? Биз борамиз! !

1936 йил.





БА ЦЗИНЬ ОЙДИН КЕЧА

лининг баркаси* шаҳарга жўнашга тайёр турарди. Чарх тўлган ой дарё қирғоғига нур сочиб, тоғ тепасига кўтарилмоқда. Дарё эса, тоғ этагидаги қоронғиликдан ўтарди. Ой нури тушиши биланоқ, сувнинг оҳиста мавжланиши кўзга чалинар, дарё имиллаб оқар, ойнинг дарёда оқиб кетмоқчи бўлаётгандай акси, сувда узилиб-узилиб қалқиб турарди. Қоронғилик лаҳза сайин тарқаб бормоқда, лекин ҳали ҳамма ёқ қора чойшап остида. Тоғ, дарахт, дала ва уйлар устидаги тун пардасини ойнинг хира нури ёриб ўта олмасди.

Кема боғлайдиган ердаги ғуж-ғуж нилуфарлар орасида А-лининг баркаси боғлиқ турарди. Нилуфарлар баркасни ўраб олган, ёқут гуллари очилиб, барглари баркас тумшугига ўрашиб кетган эди. Баркас лип-лип чироғ билан ёритиларди. Қоронғи тун уйқудаги баркасни ташқи кўзлардан яшириб турарди. Баркасда бир неча одам бўлишига қарамай, ҳеч бир овоз эшитилмас, кимсасиз оролчага ўхшарди.

Капада икки йўловчи чўзилиб ётар; кема тумшугида ўтирганича бир бола мудрар; қа-

*Баркас — кагта қайиқ (тарж).

йиқчи А-ли бўлса, кема қуйруғида эринчоқлик билан па-
пирос чекарди.

Одамлар жим; гўё ҳамма гаплар гапирилиб бўлгану,
янги гап топилмаётгандай. Одатдаги шароит, йўловчилар
ҳам эски. Баркас ҳар кун и кечқурун шаҳарга жўнаб, одат-
да эртаси кун и эрталаб орқасига қайтарди. Бу қатъий
тартиб камдан-кам ўзгарарди. Ўша йўловчиларнинг
ўзи ҳафтада бир неча марта шу баркасга тушишарди.
Улар аниқ бир вақтда келар, кам гапиришар, қапада бир
оз мизғиб олганларида, баркас аллақачон шаҳарга етган
бўларди. Кўпинча йўловчилар қирғоққа тушишар, гоҳида
эса, унча катта бўлмаган пароходга ўтиб, вилоятнинг бош
шаҳрига жўнашарди. Ёш йўловчи қишлоқдаги бошланғич
мактабнинг ўқитувчиси эди. Оиласи шаҳарда тургани учун
ҳар шанба кечқурун шаҳарга борарди. Иккинчи йўловчи
шаҳар дўконида гумашта бўлиб ишлар, унинг оиласи бўлса
қишлоқда турарди. Уни хўжайини кўпинча савдо иши
билан вилоятнинг бош шаҳрига юборарди.

Кема тумшуғида ўтирган боланинг тўзиб кетган сочла-
рини ой нури ёритиб ўтди. Бола пайқабми, пайқамайми оҳис-
та бош чайқаб қўйди. У чарчаган, кўзлари юмиқ, лекин
гоҳи-гоҳида кўзларини катта очиб, қирғоқдан кетган йўл-
га ва сувга қарарди. Ҳамма ёқ жимжит. Бола бир нарсаси
деб ёлдириларди-да, яна жим бўлиб қоларди.

— Қизиқ! Гэнь-шэн ҳали ҳам йўғ-а, — деди ўқитувчи
ўзига ўзи у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдариларкан. У бар-
касининг тумшуқ томонига қаради-да, капанинг деразаси
ўрнидаги туйнук пардасини очиб, бошини ташқарига чи-
қарди.

Атрофга жимлик чўккан. Бирор жойда милт этган ёруғ-
лик кўринмас — ҳатто қирғоқдаги ибодатхона ҳам уйқу-
га кетган. Ҳувиллаган йўл ой нурида чўзилиб ётарди. Ўқи-
тувчининг яқингинасида, баркасининг ёнида бинафша ранг
гулли бир тўда нилуфарлар юзиб юрарди.

Ўқитувчи бошини қапа ичига олди. У туйнукни берки-
таркан, гумашта Ван Шэннинг кема ҳайдовчидан ба-
ланд овоз билан:

— Ҳой А-ли, соат неча бўлди? Жўнаш вақти бўлмади-
ми? — деб сўраганини эшитиб қолди.

— Ҳали Гэнь-шэн келгани йўқ. Вақт эрта-ку, нимадан
қўрқяпсан? — деб баланд овоз билан орқадан жавоб берди
А-ли.

— Гэнь-шэн ҳар сафар соат етти дегунча етиб келарди. Ҳозир бўлса... — деди ўқитувчи соатини пайпаслаб қидираркан гапга аралашиб. У яна туйнукни очиб соатини кўрсатди-да, ўтирганларга қараб гапида давом этди:

— Ҳозир бўлса, еттидан ошиб кетди. Энди келмаса керак.

— Келади, албатта келади! Шаҳарга нимадир олиб бормоқчи эди, — деб қатъий эътироз билдирди, кема ҳайдовчи. — Жаноб Цзюнь, ташвишланманг! Жаноб Ван, сиз эски йўловчимсиз-ку ахир. Йўловчиларни ҳар кун пароходга элтиб қўяман, шу маҳалгача бирон кун кечга қолган эмасман.

— Гэнь-шэн ҳеч қачон кечга қолмасди. Ҳар доим жуда барвақт келарди, энди бўлса кутдириб қўйди, — деди жаноб Цзюнь.

— Эҳтимол, бирор иш билан айланишиб қолгандир? — деди Ван Шэн ўнг оёғини чап оёғи устига оларкан.

— Уни яхши биламан, ҳеч қандақа иши йўқ. Афюн ҳам чекмайди, вино ҳам ичмайди, — уни ҳеч нарсга ушлаб қола олмайди. Ҳозир келади.

— А-ли, кема қуйруғидан қапа орқали тумшуққа томон секингина ўтиб:

— А-линь. — деб чақирди.

Мудраб ўтирган бола, ирғиб ўрнидан турди.

А-ли болага бир қараб қўйиб, кема боғлайдиган жойга тушди. У қирғоққа қараб бир неча қадам юрди-да, яна изига қайтди. Сувнинг кумуш юзида олтин шуълалар жилоланарди. Осмонда, худди А-лининг рўпарасида, баркашдай ой нур сочиб турар, ойнинг кумуш нурлари унинг бошига совуқ сувдай қуйиларди.

Қирғоқда, ибодатхона олдидаги анжир дарахти остида шарпа кўринди.

— Гэнь-шэн келяпти, — мамнунлик билан дўриллади А-ли ва болага қараб: — Тайер бўл. Гэнь-шэн келди — энди кетамиз! — деб буйруқ берди.

А-линь алланима деди-да, лангарни олиб, секингина баркасни итарди. Қайиқ қўзғалиб, қирғоққа тумшуғи билан қадалди.

А-ли ҳали ҳам кема боғлайдиган жойда турарди. Соя яқинлашди. Қайиқчи тикилиб қаради; қамиш хипчин ушлаб олган паст бўйли бир киши келарди. Келган одам Гэнь-шэн эмас экан. У қишлоқдаги атторлик

дўконининг хўжайини А-чжан бўлиб, у ҳам бугун шаҳарга кетаётган экан.

— Кетамизми? — деди жилмайиб А-чжан, кема турадиган жойга чопиб келиб, А-лини кўрганида.

— Вақтида келдинг! Лекин ҳали биз Гэнь-шэнни кутамиз, — деб жавоб берди А-ли бир оз хавотирланиб.

— Саккиз ҳам бўлди. Гэнь-шэн, энди келмайди, — деб пўнғиллади қападан туриб ўқитувчи.

— Қизиқ. Шу вақтгача Гэнь-шэн келмадими? Доим барвақт келарди-ку, — деб А-чжон баркасга чиқди-да, хипчинини ташқарига ташлаб, қапага кириб ўтирди. Чўнтагидан сигарета оларкан, беғамлик билан ойга қараб оҳиста керишди-да, сигаретини ёндирди.

— Ҳой, А-ли, Гэнь-шэн шу ердами? — деб бақирди ўрта ёшлардаги калта сочли бир хотин, катта-катта қадам ташлаб, кема боғлайдиган жойга келар экан. У оёқ яланг, эгнига люстриндан тикилган блузка билан шим кийиб олган эди.

— Гэнь-шэн? Ҳаммамиз уни кутиб ўтирибмиз, бирон ерда санқиб юргандир. Қаердалигини сен билишинг керак эди, — деди алам қилгандай тўнғиллаб А-ли.

— Келмадими? — деб хотин хавотирлана бошлади.

— Қораси ҳам кўринмади.

— Шундай хавотир оляпманки... Сен ҳазиллашаётганинг йўқми? — деб сўради яна ҳам эсанкираб қолган хотин.

— Гэнь-шэн хола, мағнабозчилик қилишга вақтим йўқ. Гэнь-шенинг кемага чиқмоқчими? Биласанми? — жиддий сўради А-ли.

— Оҳ, фалокат, — деб хотин чинқириб юборди-да, орқасига чопиб кетди.

— Ҳой, хола, Гэнь-шэн хола. Бу ёққа қапа! — деб бақирди А-ли нима гап бўлганлигига тушуна олмай.

Аммо хотин қайрилиб ҳам қарамади. У энди қирғоққа етиб олган «Гэнь-шэн»лаб чақирганича ўкириб чопиб борарди.

Бу фарёд ва оҳу воҳни эшитиб, А-лининг юрагига ғул-ғула тушиб қолди. У қимирлашга ҳам мадори келмай қайиқ боғлайдиган жойда, қотиб турарди.

— Нима гап? — безовталаниб сўрашди йўловчилар. Гап нимадалиги бошқаларга қараганда А-чжанга яхшироқ маълум эди. Гумашга бир оз ўрнидан кўтарилиб, бошини

кападан чиқарди-да, воқияни суриштирди. Ўқитувчи бўл-са бошини туйнукдан чиқариб атрофга қарай бошлади.

— Ким билади дейсан! — деди жаҳл билан А-ли бошини буриб.

— Яна хотини билан уришиб жаҳли чиқиб кетгандир-да, деб ўзича тахмин қилди А-чжан.— Яна эркаклар бахтли кишилар эмиш, ҳа-ҳа-ҳа. — У сигарета қолдигини сувга ташлади-да, оғзини тўлдириб тупуриб, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Ҳеч қачон Гэнь-шэн хотини билан уришган эмас. Мен биламан. Бундай бўлмаса керак. Бунда бутунлай бошқа сир бордир,—деди жиддий қилиб А-ли. У чуқур ўйга толди: «Бошқа сир» — нима бўлиши мумкин?

— Гэнь-шэн! — деб хотиннинг сокин кечада ғамгин ва юракни эзувчи овози эшитилди. — Гэнь-шэн! — яна-да аламли ва ноумидлик билан қичқирди. Бу овоз ҳам, худди аввалгиси сингари узоқликда йўқолиб кетди.

— А-ли, нима гап ўзи — тинчликми? — баланд овоз билан сўради ўқитувчи, қайрилиб туйнукни ёпаркан. Унга ҳеч ким жавоб бермади.

— Кетдик! — дея шоширди тоқатсизланган гумашта; у вилоятнинг бош шаҳарига борадиган пароходга кечиқишдан ташвишланарди. Хотиннинг фарёдига қулоқ солиб турган А-лининг юраги сиқилиб кетди. У йўловчиларга жавоб қайтармади. Худди тош қотгандай, эрини чақираётган хотиннинг овозини тинглаб турган А-ли бирданига:

— Бўлмаган гап. Бу хотин жинни бўлиб қолган, — деди-ю, қирғоққа югуриб кетди.

Боятдан бери баркас тумшуғида мудраб ўтирган бола ирғиб ўрнидан турди-да:

— Дада, қаёққа? — дея қичқириб отасининг орқасидан чопа кетди.

Аммо, А-ли индамай чопиб кетаверди. Боланинг овози бўшлиқ ичига тарқалиб сингиб кетди. Фақат аёлнинг бетўхтов уввос солиб йиғлашигина эшитиларди, ойнанинг кумуш нури ана шу нола-фиғондан тарқалаётгандай туюларди. Аёлнинг овози юракни қаттиқ эзар, худди тепиб турган юрак узилиб, парча-парча бўлиб кетаётгандай эди.

Лой йўлдан уч киши: аёл, кема ҳайдовчи ва бола орқа-ма-орқа чопиб боришарди. Лекин бола ярим йўлдан орқага қайтди.

Баркас кема боғлайдиган жойда турар; йўловчилар кападан чиқишиб, кема тумшуғида ўтириб олишганича ҳайрат билан Гэнь-шэнга нима бўлганлиги тўғрисида баҳслашишарди. Нима гап бўлганлигига тушунолмай ҳар хил хаёлларга боришарди. Баркасни ғала-ғовур босди.

Хотин кишининг оҳу фарёди бора-бора ўчди. А-ли борса, хотин дарахтга ҳорғин суяниб ўтирган экан. Хотиннинг сочлари тўзиб кетган, юзларида ёш томчиларининг излари кўринар, катта очилган кўзлари эса сувнинг нариги қирғоғидаги қоп-қора дарахтга қадалган эди. Шу туришда арвоҳга ўхшарди. Хотин пиқиллаб йиғларди.

— Гэнь-шэн хола, сенга нима бўлди? Жинни бўлдингми? Ўзи нима гап? — деб сўради етиб келган А-ли ва унинг қўлидан ушлаб, қаттиқ силкитди.

Гэнь-шэн хола бошини лиқиллатиб қўйиб йиғидан тўхтади. У кўзлари катта очиқ бўлса ҳам, А-лини худди танимаётгандай бақрайиб турарди.

— Гэнь-шэн, Гэнь-шэн... — деди анча жимликдан кейин, йиғи аралаш.

— Ҳа, Гэнь-шэнга нима бўлди? Гапир! — ўз ҳолига қўймади А-ли.

— Билмайман, — деб жавоб берди паришонлик билан хотин.

— Тфу, билмасанг нимага йиғлайсан? Ростдан ҳам жинни бўлиб қолибсан, — деди А-ли ачитиб ва ерга тупурди.

— Тутиб олишган! Уни тутиб олишган... — деди-да, бирданига афти буришиб, телбаларча дод сола бошлади.

— Тутиб олишган? Ким? Гэнь-шэнни тутиб олишган деяпсанми? — қўрқув аралаш зўрға сўради А-ли. Унинг юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади. Гэнь-шэн А-лининг дўсти эди, А-ли уни жуда ювош одам деб биларди-ку, нега ушлашиб олишади?

— Бу албатта, Тан Си-фаннинг иши. Бу ўша! — деб энтика-энтика гапирди хотин. — Кеча Гэнь-шэн Тан Си-фань менинг тўғримда бандитлар билан гўё алоқаси бор деб, вилоят маҳкамасига етказибди деган эди-я. Мен ишонмаган эдим. Гэнь-шэн бугун кундузи кетди. Тан Си-фаннинг одамлари уни таъқиб қилиб юрганларини қишлоқда кўришибди. Улар кўпчилик, ораларида изқуварлари ҳам бор экан. Мана Гэнь-шэн қайтиб келмади. Албатта, ўшалар ушлаб олишган.

Хотин яна йиғлай бошлади.

— Тан Си-фань? Бу ҳалиги бир тийин устида ўзини ўлдириб юборадиган чол эмасми? Нимага энди у, Гэнь-шэнга ёмонлик қилади? Бу ерда бошқа гап бўлмаса деган хавотирдаман. Хола, ахир Гэнь-шенни ушлаб олганларини ўз кўзинг билан кўрганинг йўқ-ку.—А-ли дағаллик билан уни юпатаркан, овозида бояги тўрслик йўқ эди.

— Бошқа гап? Бошқа гап борлигига фақат сен ишонасан. Тан Си-фань оқсоқол бўла олмаганида роса алам қилган эди. У жаноб Ини ўлдиришга бир неча марта яширинча одам юбориб, удда қила олмаган, шунинг учун оқсоқол бўлишдан маҳрум бўлиб қолган эди. Яқинда Гэнь-Шэн жаноб Ининг укаси жаноб Цзинь билан бирга аллақанақа деҳқонлар иттифоқини тузгандан кейин, Тан Си-фаннинг йўлига ғов бўлди-қўйди. Мен қачондан бери, шу тошбақага халақит берма деб насиҳат қиламан, у бўлса гапимга қулоқ солмайди. Кунуззукун тухао билан лешэнларни ҳайдаш керак деб талашарди. Мана энди — ҳаммаси тамом бўлди. Ушлаб олишди, агар ўлдирмаган бўлишса ҳам, барибир уйга тирик юборишмайди... бандитлар билан алоқаси бор дейишади — бу катта жиноят-ку, — дерди Гэнь-шэн хола йиғлаб, қарганиб.

— Тан Си-фаннинг шунчалик раҳмсизлигига ишонмайман, — деб ғудранди А-ли.

— Унинг пули кўп. Ҳатто, вилоят бошлиғи ҳам яқин дўсти. У ҳар маҳал Тан Си-фаннинг гапига киради.— Гэнь-шэн хола аста-секин ўзига кела бошлади, овози қатъийлашиб, кўзлари чақнади. Ғам-алам ўрнини ғазаб эгалламоқда эди. — Тан Си-фань жаноб Ига ўхшаган яхши одамларга қарши ҳар доим фитна уюштириб юради. А-люга нима бўлганини унутдингми? Гэнь-шэн билан ҳам худди шундай булди. — Унинг юзида яна кўрқув аломатлари пайдо бўлди.

А-ли ҳеч нарса деёлмай қолди. Ҳа, А-лю воқияси ҳали ҳам ёдида. А-лю мўмингина деҳқон эди. Йиғим-терим пайтида ёлланиб ишлар, иш бўлмаганда эса, ҳаммоллик билан кун кечирарди. Бир куни у, бир неча ҳаммоллар билан обкаш солиғи тўлашдан бош тортиб, солиқ йиғувчи Тан Си-фаннинг уйида ғовга кўтарди. Икки кундан кейин вилоятнинг жамият хавфсизлигини сақлаш бошқармасидан полициячилар келишиб, А-люни қамоққа олишди. Бандитлар билан алоқаси борликда

айблаб, уни беш йилга сургун қилишди. Полициячилар А-люни обкашда юк кўтариб, А-ли баркасига чиқаётганида қўлга олганларини қайиқчи ўз кўзи билан кўрган эди. А-лю жуда ювош, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган бир одам бўлса ҳам, жамият хавфсизлигини сақлаш бошқармаси уни бандитлар билан алоқаси борлиқда айблади. Дунё қандай адолатсиз тузилган!.. Энди А-ли Гэнь-шэн холанинг сўзларига ишонди.

Қайиқчининг ғам босди, юрагини бир нарса қисаётгандай эди. Қўлларини қовуштирганича чуқур ўйга толди. Лекин ўйлаб ўйига етолмади. Мияси ачиб, боши айланарди, ўйлари чувалашиб кетган, хаёлида ҳар хил нарсалар пайдо бўларди. Гэнь-шэн холанинг қўлидан ушлаб:

— Тезроқ қимирла! — деди. — Гэнь-шэнни ушлашган бўлишса ҳам, барибир қутқаришимиз керак. Бу ерда ўтириб олиб, йиғлашингдан нима фойда. — Хотинни қўлидан тортиб турғизди, кейин икковлари қирғоқ бўйлаб елиб кетишди.

Ярим йўлга бормасданоқ, А-лининг ўғлини учратиб қолишди. Бола улар томонга ўқдек учиб, бор кучи билан «Дада»лаб қичқириб келарди. Унинг юзи бўздек оқариб кетган...

— Гэнь-шэн... — деди бола ва гапини давом этдиришга ҳам мадори келмай, отасининг қўлидан тортди.

— Гэнь-шэн? Қаёқда? — Гэнь-Шэн холанинг оғзидан отилиб чиққан бу савол, боланинг гапини бўлиб қўйди. У болани ушлаб олиб, силкий бошлади.

— Гапирсангчи А-линь? Нима гап? — воқиянинг мудҳишлигини сезган қайиқчи жуда ҳаяжонланган эди.

А-лининг қўрқувдан буришиб кетган кичкинагина юзи терга ботган; у энди дудуқланарди.

— Гэнь-шэн... с... — деб бола икковини эргаштириб чопиб кетди.

Йўловчилар сув ёқасидаги майсалар ўсган кичкина дўнгликда чўққайиб ўтиришарди. Дўнглик йўлдан пастроқда эди. У ерга ҳаммадан олдин бола етиб келди.

— Ана, дада! — деди даҳшат билан бақириб.

Гэнь-шэн хола чинқирганича унинг орқасидан ташланди. А-ли ҳам югурганича етиб келди.

Сув ёқасида жуда чиройли очилган бинафша ранг гулли бир түп нилуфар ўсар эди. Ўқитувчи чўкка тушиб, гул шохларини четга сурганида орасидан кўпчиб, шишиб,

кетган гавда кўринди. Бир одам сувда тўнтарилиб ётарди. Оёқлари люстрин шими устидан аллақандай дарахтнинг илдизи билан боғланган. Кўйлаги чап курагининг пастроғидан тешилган эди.

— Гэнь-шэн! — аянчли қичқирди хотин. Биров оёғига болта билан ургандай, чўкка тушди-ю, қўлларини узатиб ўликни қучоқлаб олди. Унинг аччиқ йиғиси қалбларни тилка-пора қиларди.

— Энди унга ёрдам беролмайсан! — деб қўйди ўқитувчи, бошини А-ли томон бураркан. Унинг овозида чуқур қайғу бор эди.

— Кўриниб турибдики, аввал отишган, — деб қўшиб қўйди гумашта.

— Қаранглар, ҳамма ёғи қонга бўялган.

— Келинглар, чиқариб оламиз, — деди дўкондор.

А-ли чуқур хўрсинди. У ўғлининг қалтираётган қўлини маҳкам ушлаб турганича, кўзини сувдан узмас эди.


Гэнь-шэн холанинг фарёди ҳавони ларзага соларди. Бу йиғида майда-майда заррачаларга бўлина-бўлина талай қалбларнинг талпиниши акс этаётгандай туюларди. Заррачалар бутун ойдин кечани тўлдириб юборгандай. Кишиларнинг назарида бутун борлиқ: ҳаво, ер, ҳар бир дарахт, ўт-ўланлар, ҳар бир гул ва ҳатто нилуфар барглари ҳам йиғлаётгандай эди.

Ой ёғдусида қишлоқ ҳам, дарё ҳам жимгина ётарди. Қайғу билан тўлган ҳаво қишлоқни ўраб олган, у ҳам йиғлаётгандай эди. Одамлар ҳам йиғлар, уларнинг кўзларидан дарё-дарё ёш оқарди.

Бу ажойиб ойдин кеча эди. На шамол бор, на ёмғир. А-лининг баркаси ҳеч қачон ўз тартибини бузмаганди. Лекин бу кеча у биринчи марта йўлга чиқмади.

1933





Е Ш Э Н - Т А О

А-Ф Э Н

ўшнимизнинг хизматкори Ян хола хўжайинларининг топшириғига мувофиқ шаҳарга совғалар олиб бориш учун отланди. У икки кундан кейин қайтиб келиши керак эди. Бунга хизматкоримнинг ҳаваси келиб:

— Уни роса омади келибди-да, шаҳарда кўп ажойиб, қизиқ нарсаларни кўради!— деди.

Мен бу сўзларни тасодифан эшитиб ўйлаб қолдим: «Бу, Ян холанинг омади келганидан эмас, балки бўлажак келини — А-феннинг бахти кулганидан бўлса керак».

Бу йил А-фэн ўн икки ёшга тўлди. Унинг қисқа, унчалик эътиборга арзимайдирган қиссасини Ян холанинг ўзидан билиб олдим. А-фэн балиқчи оиласида туғилган. У дунёга келган дастлабки кундан бошлаб, тўрга тушган балиқлар билан бирга бир қайиқда ётар эди. Кўп вақт ўтмай отаси ўлиб, балиқ овлайдиган қайиқ ўрнига тобутдан жой олди. Онаси темир йўлда юк ташувчи бўлиб ишлайдиган кишига турмушга чиқди. Иккинчи эри бир жойда доимий туриб ишламас эди; болани ўзлари билан бирга, у ердан-бу ерга олиб юриш мумкин эмас эди, бунинг устига, қиз туфайли кўпроқ харажат қилиш керак

бўларди. Ўша ердагиларнинг маслаҳатига кўра А-фэнни тарбиялаш учун Ян холага беришди. Ян холанинг ўғли бор эди, у ҳозир йигирма тўрт ёшга кирган. Қиз бу вақтда эндигина олти ёшга тўлган эди. Ўша пайтдаёқ Ян хола бир вақт келадики, ўғли уйланиши керак, шундай бўлгандан кейин шу қизни ҳозирданоқ тайёрлаб қўйиш қулай эмасмикан? деган нарсани кўзда тутди. Шундай қилиб А-фэн бошқа оналик ҳам бўлиб қолди.

Ян хола билан қиз қўшниларимизникига хизмат қилиш учун ёлланиб келишди. Қизчанинг вазифаси қудуқдан сув олиб келиш, майда бозор-ўчар ишларини бажариш ва хўжайинларининг беш ёшлик қизини боқиш эди. А-фэннинг бўртиб турган анордек соғлом юзида қувноқ табассум жилоланиб турарди. Лекин Ян холанинг қорасини узоқ-яқиндан кўриши биланоқ табассум ғойиб бўларди: А-фэн бошига қаттиқ қўлнинг келиб тушишини яхши билар эди. Шундай бўлганидан кейин у билан ўйнашиб бўладими?

Ян хола ҳамиша бирор нарсадан норози бўлиб юрар, оғзидан қарғиш тушмасди. А-фэн ундан ҳамма вақт дакки еяр эди. А-фэн овқатни секин еган пайтларида Ян хола:

— Жонинг борми, йўқми! Сенга нима бўлди, тезроқ чайнасанг ўласанми? — дерди. Агар қиз бирон ерга шошилиб, қаттиқроқ депсинса борми, Ян хола яна:

— Ажал қувлаяптими, нега бунча шошасан! — деб бақирарди.

Аммо, шуни айтиш керакки, у қизга ҳеч жаҳл қилмас, ҳатто қарғаётган пайтларида ҳам ўзини қийнамас, пинагини бузмас эди. У жавраб-жавраб яна ҳеч нарса билмагандек ўз ишини давом этдираварди; сотиб олиб келган нарсаларини ҳисоб-китоб қилар, иш орасида қўпол ҳазиллар билан хўжайиннинг кўнглини олар, лекин шу ҳазил орасида ҳам одатдагидек беадаб сўзларни ишлатаверарди. Ян холанинг оғир, қўпол қўллари қизчанинг бошига дамба-дам тушиб турарди. Бироқ унинг калтаги ҳам қарғиши сингари беғараз эди.

А-фэн боқаётган хўжайиннинг қизи тўсатдан қаттиқ йиғлаб юборгудек бўлса борми, Ян хола А-фэнни шу заҳотиёқ тарсаки билан мукофотларди. А-фэн қудуқдан ёғоч пақирда олиб келаётган тўла сувидан йўл-йўлакай озроқ тўкиб келса ҳам худди шундай ҳодиса юз берарди. Ян хола ишдан бўш вақтларида А-фэннинг сочларини тарарди. Кўндан бери тароқ кўрмаган сочлар

пахмоқ бўлиб қолган эди. Ян хола ёғоч тароғини олиб худди хаскаш билан ерни тирнаётгаидек қизнинг сочларини тарай бошлайди. А-фэн озор чекар, йиғлагуси келар эди. Аммо ночор чидар эди. Ян хола қайрилиб у ёқ-бу ёққа қаради дегунча, А-фэннинг қип-қизил юзларида яна та-бассум пайдо бўларди. Қарғиш ва калтаклаш унинг учун худди уйқу ва овқат каби одат бўлиб қолган эди. Хоти-рамда бир ҳодиса шундай ўрнашиб қолганки, ҳали ҳам унута олмайман.

Бир куни тушки овқатдан кейин, Ян хола сирланган кастрлюлкани тозалаб ўтирган эди. Бирданига кастрюлка қўлидан сирганиб тушиб кетди. Қаттиқ қўрқиб кетган хола кастрюлкани қўлига олди-да, ҳамма томонларини синчиклаб кўздан кечирди ва ўзига тасалли бериб:

— Ҳа ўлсин, ҳеч нарса бўлмабди! — деди.

Бу вақтда А-фэн кир ювиб ўтирган эди. Ҳеч қачон, ҳеч нарса ҳақида ўйламаган А-фэн, шу пайт ҳақиқат ва норозилик ҳақида фикр юритди. У ишини тўхтатмай оҳис-талиқ билан деди:

— Агар шу ишни мен қилганимда, мени урардингиз.

А-фэн бу сўзларни эшитилар-эшитилмас айтди-ю, аммо Ян холанинг қўлларини ҳаракатга келтириш учун, шивиллашнинг ўзи ҳам кифоя эди. Бир! Икки!.. Ҳар бир мушт тушган сари А-фэн тишини-тишига қўяр, кўзларини борган сари чирт юмарди, кўзларини очгандан кейин юм-юм ёш оқарди. Қизнинг хатти-ҳаракатида кўпгина чидам, қатъийлик, жасурлик бор эди. Нам қўллари билан оғ-риган ерларини силар, сочларидан томаётган сувлар кўз ёшлари билан аралашиб юзига оқиб тушар, лекин ҳўнграб йиғлашга журъат қилолмас эди. Худди шу пайтда уч ёш-лик ўғилчам, мен ўтирган стул ёнида турарди, кўзларини жовдиратиб Ян хола билан А-фэнга тикилиб қарар, жид-дий юзида эса қўрқинч ва қочиб кетиш аломатлари сези-либ турарди: у қайрилиб қўлчаларини тиззамга қўйди-да, пастки лабини чўччайтирди.

Бир! Икки!.. унинг қулоғига калтак овозлари тўхтов-сиз эшитилиб турарди. Охири у, ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Мен шундагина кишиларнинг бир-бирларига ҳам-дард эканликларининг маъносига тушундим. Бола юзини тиззаларим орасига қўйиб яширди. Бироздан кейин А-фэн кирларни қуриштиш учун кетди, Ян хола бўлса кулимси-раб бундай деди:

— Болам! Наҳотки шунга ҳам йиғласанг?

А-фэн кирларини қуритиб қайтиб келганидан кейин, хўжайинининг қизи билан овора бўлди. Яқин атрофда Ян холанинг йўқлигини сезгач, у одатда мактаб ўқувчилари айтадиган «вақир-вуқур қурбақа» деган ашулани завқ билан куйлай бошлади.

Ян холанинг ҳаракатларида қандайдир ғайритабиийлик сезиларди. Лекин ўзи ҳақида менга ҳикоя қилиб берган гапларидан малум бўлдики, турмушнинг ўзи уни шу ҳолатга солиб қўйган.

Унинг ўғли дурадгорликка шогирд тушган эди. Лекин у ранда билан болтадан кўра, вино ичиш ва ошиқ ўйнашни афзалроқ кўрарди. Бир куни бой бериб, узлишга пул тополмай жанжал бошлади. Уни қамашди. Полиция ундан пул талаб қила бошлади, аммо унда пул йўқ эди. Шунда роса дўппаслашди. Ян холанинг жаҳли чиқиб ташвишланди, аммо нима ҳам қила оларди? Қалтакланган ўғлини қутқазиб олиш учун, емай-ичмай тўплаган пулларини олиб бориб бериши керак эди. Ўғлини узоқ вақт, оёққа туриб кетгунда даволади. Ян хола ўғлидан қунт билан ишлашни ва бундан буён қимор ўйнамаслиқни кўп марта сўради. Лекин уч кун ҳам ўтмай, ўғлининг яна қиморхонада эканлигини айтишди. Ян хола югурганича ўша ерга бориб, ўғлини олиб келди ва унинг олдида уввос солиб йиғлади. Кўп вақт ўтмай унга яна шу тўғрида хабар беришди.

Холага бу ҳақдаги хабар қайта-қайта етиб келар, ҳар сафар ҳам ғазабланарди. Лекин ўғлини кўрди дегунча койиш ўрнига ўйнаб-кулсин деб унга тез-тез пул бериб турарди. Эҳтимол шуларнинг ҳаммаси уни шундай қилиб қўйгандир.

Холани шаҳарга жўнатишгандан кейин, унинг ҳамма бажарадиган ишлари ўз-ўзидан А-фэнга қолди. Шу кунларда А-фэн Ян хола бор вақтдагидан кўра, ҳалол ва чаққонроқ хизмат қилди. Унинг бепарволиги, ялқовлиги, хатслари қаёққа кетди? Гўё меҳнатдан қувонар, у билан завқланарди. Қиз соат уч бўлмаёқ куни бўйи қилиниши лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини битирди, фақат кечки овқатни тайёрлаши қолди, холос. У хўжайинининг қизини қўлига олиб алла айта бошлади. А-фэн ашуланинг сўз ва оҳангида янглишар: аммо унинг нозик томоғчасидан чиқаётган товушлар тўхтовсиз янграрди; товушининг гоҳ секинлашиб, гоҳ кўтарилиши ҳам, табиий бир гўзал

оҳанг бағишларди. Хўжайинининг қизи оҳистагина кулиб, А-фэндан яна қўшиқ айтиб беришни сўрай бошлади. А-фэн бундан руҳланиб, қизчани оналарча эркалади-да, шўх ўқувчилардек қаттиқ овоз билан яна қўшиқ айта бошлади: У ҳеч қачон шундай берилиб ашула айтмаган эди. Одатда Ян хола шу яқин атрофда бўлмаса ҳам, А-фэн жуда секин ашула айттарди. Қаттиқроқ ашула айтганини хола эшитиб қолса борми, мушти елкага тушиб қоларди. Лекин шу топда қиз қандайдир бир алоҳида қувонч билан ашула айтаётган эди, бир оз куйлагандан кейин ўзи жуда завқланиб кетди. Куй кулки билан қўшилишиб, охири бу соф ва содда кулги, ашуладан устун келди. Ян холанинг қарғиш ва калтаклари, кучи етмайдиган оғир қўпол ишлар — ҳаммаси унутилди, қиздан жуда узоқлашди. А-фэн ўз ҳаётини гўзал, эркин, ва абадий деб ҳис қилди. Шунинг учун ҳам бутун ғамларини унутиб, қалбидан шодланиб кулар ва кулгиси ҳар қандай қўшиқдан ҳам афзал эди.

Унинг оёғи остига бир оқ мушукча келиб ўтириб олди. А-фэннинг фартуғи оҳиста силкинди. Шунда мушукча фартуғининг барини ушлаб олмоқчи бўлиб, гоҳ тирноғи билан тимдалар, гоҳ чирмашар эди. А-фэн атайлаб фартуғини кўтарди. Мушукча орқа оёғида турмоқчи бўлиб олдинги оёқларини кўтарди-ю, аммо ўзини тутолмай йиқилди, кейин яна сапчиди. У кишининг кўнглини очувчи, бирам яхши, оппоқ, семизгина эди. У «Мени сев» дегандек А-фэнга мулойимгина кўзларини сузиб, термуларди. А-фэндан шу вақтгача бирор кимса севги деган нарсга тўғрисида сўраганми ўзи? У бирор кимсани севганми ўзи? Лекин худди шу топда мушукчага А-фэннинг севгиси керак бўлиб қолди ва у мушукчани яхши кўриб қолди. Узоқ вақтдан бери сақланиб келаётган ҳис-туйғу ниҳоят отилиб рўёбга чиқди. А-фэн мушукчани илгарилари тез-тез кўриб турган бўлса ҳам аҳамият бермас эди. Лекин бугун, шу дақиқадан бошлаб мушукча ҳақиқий дўсти бўлиб қолди. У қўлидаги кичкина қизни стул ёнида туришга ундаб ерга қўйди, ўзи эса фартуғининг боғичини ерда судраб, мушукчанинг эътиборини жалб қилишга турди. Мушукча бўлса, яшириниб зийраклик билан қараб турди-да, тасмани ушлаб олиш учун бирданига олдинга ташланди. А-фэн уй ичида тез айланар, мушукча бўлса, унинг кетидан сакрарди-ю, лекин тасмани ҳеч ушлай олмасди. Мушукчанинг чаққон ҳаракатлари рақс тушаётгандек, жуда ҳам жозибали эди, А-фэн

завқланиб у билан яна ўйнагиси келарди. Ў уй ичида учаётгандек тез айланар, кулиб мушукни «Мана! Мана!» деб чақирарди.


Унинг юзида одатдагидай, тер томчилари пайдо бўлди. Қиз худди ҳозиргина қудуқдан сув олиб келгандек қисқа-қисқа ва тез-тез нафас оларди. Бироқ у тўхтай олармиди? Шу онда қарғишни ҳам, калтакни ҳам, оғир юмушларни ҳам, ҳатто ўзини ҳам эсидан чиқарган эди. Агар оламда энг асосий нарса — муҳаббат, ҳаётга интилиш ва қувончдан иборат бўлса, айти вақтда А-фэннинг қалбида бутун олам мужассам бўлган эди.

1921 йил, 1 март.



Е ШЭН-ТАО

ДАРС



арсга чалинган қўнғироқ кўплаб ўртоқлари қатори уни ҳам синфга чорлади. Бу ерда ҳеч нарсани ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Чунки ҳамма бўладиган ишлар шундай одат тусига кириб қолган эдики, беихтиёр синфга кираверасан.

У ўйноқи қора кўзларида қалби акс этиб турадиган хушчақчақ бола эди. Унинг қўлида оч кўк ранг тут барглари билан тўлатилган сигарет қутичаси бор эди. Баргларнинг устида кичик-кичик оч кул ранг ипак қуртлари ғимирлаб юришарди. Бола қутичани тиззасига қўйди.

Бола қутича қопқоғини сал очиб, бамай-лихотир бир назар ташлаб қўйди. Шунда унинг фикри-зикрини мана шу бир тўда жониворлар эгаллаб олди. Боланинг ўзи ҳам шундай кичкина қуртга айланиб кетгандек бўлди... Мана унинг ўзи тоза, зумраддек гилам устида ўрмалаб кетяпти, маза қилиб ширин-ширин хушбўй баргларни еябди. Қанчалик роҳат. Унинг ўртоқлари бўлса, маскарад кийимлари кийиб мулойим, жуда чиройли ўйинга тушмоқдалар. Қанчалик гўзал!

Боланинг кўпчилик мактабдошлари ҳам худди шу кайфиятда эди. Улар қутичадаги кичкина-кичкина жониворларни томоша қилишиб, бир-бирларига қараб жилмайишар ва завқ билан хохолаб кулишарди. Бошқа болалар бўлса ўрниларидан туриб кетиб, атрофда айланаб юришар ва у ёқ-бу ёққа назар ташлашарди.

Синфда тинч ўтирган биронта ҳам ўқувчи қолмади, ҳамманинг фикри-зикри бирон бир дарсга тааллуқи йўқ нарса билан банд эди.

Агар болаларнинг шу дақиқадаги руҳий ҳолатларини ифодалай оладиган буюк рассом, композитор ёки ёзувчи топилганда эди, у «Қайнаб турган ҳаёт» деган умумий ном билан аталиши мумкин бўлган, гўзаллиги жиҳатдан бемисл санъат асари яратган бўлур эди.

Лекин бола бу нарсалардан мутлақо беҳабар эди. Қайнаб турган бу ҳаётининг у бир зарраси эканлигидан ўзининг ҳам хабари йўқ эди. Ахир бошқа шаклга кирганда, у энди оддий бола эмас, кичкинагина ипак қурти эди, холос.

Тўсатдан оёқ товуши эшитилди. Синфга, жиддий ва совуқ назар билан салмоқли қадам ташлаб, бир жаноб кириб келди. Тапир-тупур оёқ товушлари, парталарнинг тақир-туқур овозлари, киши танасининг енгил ҳаракатлари эшитилди. Орага жимлик чўкди.

Қўққисдан юз берган бу ғовур-ғувур боланинг онгига етиб, уни ипак қуртидан яна ўз ҳолига келишига мажбур этди. Бола табиёт ўқитувчиси Фан жанобларини кўрганидан кейин, ҳеч нарса бўлмагандек тортмадан дарслик китобни олди-да, стол устига қўйиб очди. Жониворлар ғимирлаб турган қутичани энди қўлда ушлаб туриб бўлмасди. Стол тортмасининг очиглигидан фойдаланиб, бола тезлик билан қутичани унинг ичига қўйиб қўйди. Талай тажрибалар бундай ҳаракатларни шундай усталик билан бажаришга ўргатган эдики, ҳатто бу ишни ҳеч ким пайқай олмас эди.

Унинг қўли бўш бўлса ҳам, мияси бўш эмас эди. Чунки миясида сон-саноқсиз фикрлар ғимирлаб ётарди. Унинг мўлжалида бу барглар қуртларга фақат эртагача ётарди. «Эртага янги барглар узиш керак. У ерга Ван Фу билан бирга бораман,» — деб ўйлади.

Шу пайт унинг энг яқин дўсти Лу Юан эсига тушди. Улар кўпинча уч киши бўлиб юришар, бирга ўйнашарди. Уларнинг ҳамма ўйин ва ҳазилларида иноқлик бор эди.

Нега ўқитувчи Лу Лу Юанни англиз тили дарслиги сотиб олишга мажбур этди? — ўйлади у. — Ахир биз бир китобдан ўқиб юрардик-ку. Лу Юан ҳам вақт саволларга яхши жавоб беради, ўқитувчига яна нима керак экан-а?»

Шу орада синфга кириб келган ўқитувчининг йўғон ва жиддий овози уни чўчитиб юборди:

— Осмондаги жисмлар икки гуруҳга бўлинади. Фазода муайян ўрин олган ва нур сочиб турувчи жисмлар—юлдузлар деб аталади; доира ҳосил қилиб айланадиган ва ўзлари нур сочмайдиган жисмлар — сайёра дейилади...

Ўқитувчи болага яқин туриб, баланд овоз билан гапирётган бўлса ҳам товуши деярли боланинг қулоғига бориб етмас, айрим сўзларгина кириб қолар эди, холос!

— Осмон жисмлари... Ёруғлик... Юлдузлар деб... Сайёралар деб...

Ўз ўйига берилиб кетган бола, ўқитувчининг сўзларини англашга ҳаракат ҳам қилмас эди. «Ўқитувчи дарслик сотиб олишни талаб қилганда, — эслади у, — Лу Юан худди унинг гапларига рози бўлгандек, бошини эгиб турди-ю, лекин ҳеч нарса сотиб олгани йўқ. Сотиб олсанг тинчийсан, вассалом. Ҳеч бўлмаганда ўқитувчи ҳар кунни жиғингга тега бермайди-ку, деб уни ишонтирдим-ку ахир. Лекин Лу Юан бошини қуйи соларди, холос. Ўша кунни ўқитувчи Лунинг сўзлари ҳатто мени ҳам ҳайратга солди: унинг нима деяётганини ҳам англай олмадим. «Дарсликлари бўлмаган ўқувчи ҳам, ўқувчи бўлтимми?» дейиш билан нима демоқчи, «арзийдиган эмас» деган нима дегани экан? Мен илгари Лу Юаннинг жаҳли чиққанини ҳеч кўрмаган эдим, лекин бу сафар ўқитувчининг гаплари уни тутоқтириб юборди. Юзлари мастларникига ўхшаб қип-қизариб, чакка томирлари ўйнаб кетди, кўзларига ёш тўлди. Лу Юан бошини кўтарди-да, лўнда-лўнда қилиб: «Менда дарсликлар йўқ, ундан кейин мен бу ерда ўқишга арзитайман, тушундингизми! Аммо, қаердан бўлмасин менга ҳам ўқиш учун жой топилиб қолар ва мен албатта ўқийман...» деди. Ҳамма, ҳатто ўқитувчи Лунинг ўзи ҳам ҳайратда қолди.»

— Орбита... ўзгармас... Айланиб чиққан яна дастлабки ўз ҳолатига қайтиб келади... Ер курраси. — Ўқитувчининг бу сўзлари боланинг қулоғига зўрға етиб борарди.

«Ҳар қалай Лу Юан сўзининг устидан чиқди, — эслашни давом этдирди у. — Эртаси кун ва ундан кейин

бир неча кун босим мактабга келмади. Уйига борган эдим онаси бир қариндоши билан бирга Шанхайга кетди, деди. У ерда нималар қилиб юрганини билмайман. Онасини ташлаб кетишга қандай қилиб кўнгли борди экан?».

Бола Лу Юан ўтирадиган партага кўз ташлади. Юпқагина чанг босган парта устида ўқувчилар ташлаган майда қоғозлар ва тут барглари ётарди.

Қуриб қолган тут баргларини кўриши билан, боланинг миясида ипак қўртлари учун эрталаб озуқанинг ғамини еб қўйиш керак деган фикр пайдо бўлди.

Уйқудан туришим биланоқ тўппа-тўғри Ван Фунинг олдига бораман, — деган қарорга келди у. — Тут баргларини юламиз-да, роса ўйнаб оламиз. Кейин мактабга борамиз: Синф раҳбари менинг йўқлигим тўғрисида йўқламага белги қўймас деб ўйлайман. Бироқ баргларни қаердан топса бўлади? Фишт девор ҳаробалари ёнида ўсиб ётган дарахтларнинг барглари ёмон. Уларнинг барглари майда ва сийрак. Лекин Мяньянцзиндаги дарахтларнинг барглари жуда яхши! У ер бирам ажойибки! Биз албатта ўша ерга борамиз!»

— Иссиқлик манбаи... Ҳайвонот ва ўсимликлар... Ҳаёт... Кўз олдингизга келтирингчи... Агар қуёш бўлмаса нима бўларди?

Ўқитувчи Фан одатдан ташқари ҳаяжон билан гапирар эди. Унинг юзида ҳатто сунъий жилмайиш пайдо бўлди. У «нима бўларди» деган охириги сўзларни алоҳида бир титроқ товуш билан айтди. Жимлик чўкди, сўнгра синфда ғалати луқма ташлашлар бошланди: «Ўлим келарди!» «Ҳаёт кечириш мумкин бўлмай қоларди», «Қуёш — бу бизнинг улкан печимиз». Болаларнинг сўзлари англашилмас даражада бир-бири билан қоришиб кетган. Синфда ҳаяжон ва безовталиқ сезилар эди. Бола атрофга қараб аланглади. Ўқитувчи сўраётганини фаҳмлагач, у бошқа болалар кетидан беихтиёр такрорлади: «Ҳаёт кечириш мумкин бўлмас эди».

Лекин унинг хаёли Мяньянцзиндаги кичкина сойда эди: «Кичкинагина қайиқчамиз бўлганда эди, худди эртақдагидек секингина сузиб юрардик. Ўтган сафар бизга эгаси йўқ қайиқ учраб қолди. Қирғоқда турган қайиққа сакраб тушдигу, шу заҳотиёқ бамбук таёқчаларни ишга солдик. Мана кўм-кўк қирғоқлар ҳам секин-аста тебраниб узоқлаша бошлади. Севинганимиздан чапак чалиб қичқиритардик. Қайиғимиз ёнгинасидан кичкина балиқчалар

ғаласи бұзчининг моқисидек гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа сузиб ўтгани кўзимга кўриниб турарди. Уларни тутиб олмоқчи бўлдим, аммо балиқчалар қочиб кетишиб, қўлимда фақат бақатўнигина қолди. Кейин бўлса Лу Юан қўлини сувга тикди-да, юзимга сув сачратди. Ҳаммамиз кулишдик. Ўртоқларим мени жалада қолган, ови юришмаган балиқчи дейишга турди. Бахтга қарши, биз қирғоққа томон тез қадам ташлаб келаётган синф раҳбарини кўриб қолдик. У чопиб сувнинг ёқасига келди-да, зўраки табассум қилиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бизларнинг қирғоққа чиқишимизни сўради. Хурсандчилик шу заҳоти ғойиб бўлди. Қирғоққа келиб тўхтаганимиздан кейин, бирма-бир ерга тушдик. Раҳбаримизнинг авзои бузилди. Биз ўйламасдан ҳаётимизни хавф остида қолдирармишмиз, хавф-хатарга эътибор бермас эмишмиз, ўзимизни-ўзимиз балога гирифтор қилар эмишмиз... Шунга ўхшаш койиш ва таъналар ёғилиб кетди.

— Шимолий қутб... Жанубий қутб... Ўқ. — Ўқитувчининг худди алаҳлаётгандек эшитилаётган сўзлари болани ўхтин-ўхтин ўзига жалб этарди.

Тўсатдан бошланган тартибсиз шивирлашлар боланинг ўйларини бузди. Унинг дўстлари диққат билан ўнг томонидаги ойнага қараб, бармоқлари билан сездирмай ўша томонни кўрсатишар ва ўзаро секин гаплашиб ўтирарди. Бола улар кўз ташлаётган томонга қараб дераза орқасида учиб юрган оқ капалакни кўрди. Қанотларининг тез-тез ҳилпирашидан капалак дум-думолоқ бўлиб кўринар эди. Капалак афтидан синфга учиб кирмоқчи бўлди шекилли ойнага урилди. Ялтироқ ойнага урилди-ю, ойнада майда чанг қолдириб, бор кучи билан орқага ташланди.

«Аттанг, капалак бу ерга учиб киролмади-да, — деб ўйлади бола. — Қандай катта ва зерикарли синф-а! Агар бу ерга оқ сариқ, ола-була капалаклардан қўйиб юборилса борми, бирам қизиқ, бирам ғалати бўларди-да. Деразани очиб капалакни ичкарига қўйиб юборсак, нима қиларкин?»

Унинг лаблари беихтиёр шивирлади:

— Деразани очинглар!

Шу заҳоти бошқа болалар ҳам унинг сўзини аҳиллик билан маъқуллашди:

— Деразани очинглар!

Ўқитувчи Фан бирданига гапдан тўхтаб қолди. Унинг жиддий қарашларидан ўқувчилар бир зумда жим бўлишди.

— Капалак! Шу ҳам гап бўлди-ми? — таъна билан деди ўқитувчи.

— Учаверсин. Биз узунлик... Масофа... Градуслар сони ҳақида гаплашайлик.

Бола охирги сўзни эшита олмади. У худди китоб ўқиётган одам каби бошини эгди-да, кўз қири билан деразага бир қараб қўйди. Капалакнинг алла қачон учиб кетганлиги хаёлига келмаган эди. У яна ўйга чўмди: «Ҳалиги капалак ҳозир қаерда экан? Балки кўприкка яқин қирғоқ бўйидаги яланглик устида учиб юргандир ёки ловиянинг тўқ бинафша гуллари тепасида хуш бўй анқиб турган ҳавода парвоз қилиб юргандир? Балки ундан ҳам узоқроқ Мянъянцзинда — терак тагида барқ уриб очилиб ётган ёввойи атир гулларнинг тотли шарбатидан ичаётгандир? Эҳтимол у мени кўриш учун яна қайтиб келар?»

Бола, саёҳатдан чарчаган капалакнинг қайтиб келишини кутиб, диққат билан дераза томон қараб турарди. Худди уйқу орасида эшитилаётгандек туюлган ўқитувчининг сўзлари ҳам, болалар билан тўла синф ҳам — ҳаммаси унинг назарида йўқдек эди.

Вақт худди охири кўринмайдиган, дарёда тўхтовсиз оқиб турган сув каби жуда секин ўтарди.

Эсаётган шамолдан дераза орқасидаги дарахтлар силкинади. Шохларини эгганларида, ўйинга тушаётгандек кўринади. Дарахтларнинг зумраддек яшил либоси ва хушқадлиги бола қалбининг энг чуқур жойларини қитиқламоқда эди. Бу дарахтлар худди ширин алла айтаётгандек боланинг бутун баданини бўшаштирар ва қалбига ором бағишларди. Унинг қулоғига аввал жажжи қушчаларнинг сайрашлари, кейин ариларнинг осойишта ва мулойим ғинғиллашлари эшитилди. Шунда тўсатдан одамзодга хос бўлган қандайдир бир сирли шубҳа унинг қалбини чулғаб олди: «Ўқитувчи бизга товушнинг ҳавода тарқалиши ҳақида гапирган эди. Бироқ товушнинг ўзи нима? Товуш ҳавога тарқалар экан, қулоқ уни қандай қилиб қабул қилади?»

Шу онда у, ичига ажойиб қўнғироқча жойлаштирилган катта шиша шарни эслади. «Ўқитувчи бу асбобни синфга товушнинг ҳавода қандай қилиб тарқалишини тажрибада кўрсатиш учун олиб келганини айтган эди. Шишанинг ичидан ҳаво насос ёрдамида тортиб чиқарилди, сўнгра ўқитувчи шарни шундай тебратдики, қўнғироқнинг тили кучли

тебрана бошлади, лекин қўнғироқнинг товуши эшитилмади. Билмадим, ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Мен ҳаво насосини ҳам кўрдим: у тагига ёғоч ўрнатилган иккита юмалоқ ойначадан иборат эди. Аммо унинг ҳавони қандай қилиб тортиб олишини ҳечам кўрган эмасман. Ўқитувчи ҳамма вақт «Асбобларга қўл тегизманглар, фақат кўз билан қарашгина мумкин» деб қайта-қайта уқдирарди. Биз товуш тарқалишини билмоқчи бўлсак, кўзлар қулоқларнинг ўрнини боса оладими ахир?»

Энди у ўқитувчининг сўзларини мутлақо эшитмас эди, фақат деразанинг нариги томонида янграётган табиатнинг турли-турли куйларига қулоқ солар эди. Қалбга кайф берувчи оромбахш ҳис-туйғуни паст, якоҳанг фисгармония товушидан олинаётган таассурот билан тенглаштириб бўладими?

Боланинг ҳар куни ўқишдан кейин далага чиқиб кетадиган одати бор эди. Бу унга бениҳоя лаззат бахш этарди. У табиатга анчадан бери мафтун эди. Уни табиатга бу қадар берилишдан қайтара оладиган музика асбоби топилармикан?

...Боланинг руҳий ҳолатини тушунтириш қийин эди. Уни ҳеч қандай фикр ҳам, кайфият ҳам ҳаяжонлантира олмас эди. Мана, синф яна жонланиб кетди. Тетик, хушчақчақ қўшиқ болага дарс тугаганини эслатди. У шошганича, столнинг тортмасини очди-да, қутичани олиб, ўзининг ипак қуртларига тикилди. Улар ҳам табиатнинг зарралари эди. Ҳақиқатан ҳам, у, табиат билан чамбарчас боғланган эди.

1921 йил, 24 сентябрь





Ж О У Ш И

ЧЎРИ ОНА

тери жаллоб эди. У қишлоқдаги овчилардан мўйна ва ошланган териларни йиғар, шаҳарга олиб бориб сотар эди. Кези келганда деҳқончиликка ҳам аралашиб, шоли ўтқазишда хўжайинларига ёлланар эди. У шолини шу қадар тўғри ўтқазар эдики, шолিপоядаги деҳқонлар ундан ҳамиша олдинда юришни сўрашар, унга қараб шоли ўтқазгилари келарди.

Аммо, тери [жаллоб аввалгича камбағал бўлиб қолаверди, қарзи ҳам йил сайин кўпайиб борди.

У камбағаллигидан бўлса керак, афюнга берилди, ичкиликка ўрганди, қимор ўйнайдиган бўлди. Бора-бора қаҳри қаттиқ ва жоҳил бўлиб қолди. Бу билан йўқчиликдан қутула олмади, аксинча, борган сари қашшоқлашди, одамлар энди унга чақани ҳам қарзга бермайдиган бўлди.

Тери жаллоб ана шундай қашшоқлик ва муҳтожликда яшаб охири касалга мубтало бўлди: озиб, юзлари дўмбиранинг мис гардишига ўхшаб сап-сариг бўлиб кетди, ҳатто кўзларининг оқигача сарғайиб кетди. Катталар сариқ касали бўлган дейишар, болалар эса «сариқ амаки» деб чақиришар эди.

Бир куни хотинига:

— Энди тоқатим қолмади, — деди, — декчани ҳам сотмасак деб қўрқаман. Менга сен бирон ёрдам бера оларсан деб ўйлайман. Иккимизнинг очлик билан кун кўришимиздан нима фойда.

— Мен... ёрдам? — хотини дудуқланиб секингина сўради.

Хотини ўчоғининг орқасида боласини олиб ўтирарди; ўғилчаси уч ёшга кирган бўлса ҳам эмарди.

— Ҳа, сен, — эрининг овози касалдан кейин жуда кучсиз чиқарди. Мен... мен сени гаровга қўйдим.

— Нима?! — Аёл ўтирган жойида қотиб қолди.

Уйга чўккан сукунатни кучсиз тин бузди. Эри орасира эптикиб гап бошлади:

— Бундан уч кун илгари Ван Лан келган эди. Бу ерда анчагина ўтирди ва ҳадеб қарзини қистади. Кетаётганида орқасидан чиқдим. Цзюмутань ҳовузи олдида қандай қилиб бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. «Ғарқ бўлиб кетсам, иш тамом» деб ўйладим, аммо дарахтга чиқиб, сувнинг гирдобига ўзимни ташлашга юрагим дов бермади. Бирдан бой ўғли қичқирди, шундай қўрқинчли қичқирдики, юрагим қинидан чиқаёзди. Энди орқамга қайрилган эдим, даллол кампир Шэнга кўзим тушди. Ярим кечада бу ерда нима қилиб юрганимни сўради. Кампирга ҳамма гапни айтиб бердим ва бирон кимсадан менга қарзга пул олиб беришни илтимос қилдим. Даллол кампирнинг чайқовчи танишлари кўп, улардан кийим-кечак ёки бирон майда-чуйдани сўраб олиб бериши, мен уларни вақтинча гаровга қўйиб туришим мумкин эди. У пайтда Ван Лан кулбамиз атрофида оч бўридек изғиб юрмасди. Даллол кампир кулиб юборди: «Хотинингни бекорга боқиб ётасанми? Афтингни кўр: ҳамма ёғинг сап-сариқ!» Мен унинг қаршисида бошимни қуйи солиб, нима жавоб беришимни билмай турдим. Шунда кампир айтди: «Ўғилчангдан жудо бўлиш сенга оғир, албатта. Ёлғиз ўғлинг! Хотининг-чи...» Наҳотки «хотинингни сот» дейди, деб ўйладим. «Нима қилибди, никоҳдаги хотининг бўлса ҳам, шу қадар йўқчиликка тушганингдан кейин бошқа иложинг йўқ-да, — деди Шэнь. — Хотинни уйда сақлашдан нима фойда? — Бу ерга яқин жойда бир сюцай*

* — Сюцай — Амалдорлик ўринига ўтириш ҳуқуқини берадиган, биринчи илмий даража, бу даражани уезд шахрида имтиҳон бергач таъсис қилинади.

Сор. У элликдан ошган, ҳали ҳам бефарзанд. Биронта хотинни ўйнаш қилиб олмоқчи бўлган экан, хотини унамабди. У фаҳат бирон хотинни уч-тўрт йилга сотиб олиб беришга кўнибди. Хотини менга ўзининг суцайи учун муносиб хотин излаб топишни буюрди: топадиган хотинингиз ўттиз ёшларда, бола туққан, камтар, ҳалол, астойдил ишлайдиган ва чизган чизигимдан чиқмайдиган бўлсин, деди.

Уларникида сўнги марта бўлганимда бекам ваъда бериб, мен топадиган хотин шу шартларга кўнадиган бўлса, саксон юан, ҳатто юз юан ҳам тўлайман, деди. Анчадан бери шундай хотинни излаб юрибман, аммо муносиби кўзга тушмаябди». Кампир мени ҳовуз ёнида кўриб қолиб, сени ҳар жиҳатдан ўшанга лойиқ деган фикрга келганини ҳам айтди. Шэнь, бунга сен нима дейсан деб сўраганида бир оз йиғлаб олган бўлсам ҳам, розилик билдирдим.

Жаллоб зўр-базўр, эшитилар-эшитилмас овоз билан бошини қуйи солиб гапирарди. Хотини ўтирган жойида қотиб қолгандек, чурқ этиб овоз чиқармасди. Эри яна хўрсиниб сўзида давом этди:

— Кеча даллол кампир сюцайникида бўлибди. Эри ҳам, хотини ҳам жуда хурсанд бўлишибди. Улар сен учун юз юан берадиган бўлишибди ва шу шартни қўйишибди: агар сен уч йил мобайнида ўғил туғиб бермасанг, уларникида яна икки йил турар экансан. Шэнь кетадиган кунингни шу ойнинг ўн саккизинчи кунини, яъни беш кундан кейин кетишингни ҳам аниқ белгилаб қўйибди. У бугун шартнома тузади.

Хотини хўрсинди, аъзойи баданини титроқ босиб, эридан сўради:

— Буни нега аввалроқ айтмадинг?

— Кеча бир неча марта олдингга келдим-у, айтолмадим. Ростини айтсам кўп ўйладим, бошқа иложим йўқлигига ақлим етди.

— Шу гапинг пишиқми? — Хотиннинг тишлари қирсиллар эди.

— Шартноманигина кутиб турибман.

Шўрлик бошим-а! Наҳотки бошқа илож бўлмаса-я, Чунь-баочамнинг отагинаси?!

Хотиннинг қўлидаги боланинг исми Чунь-бао эди.

— Ҳа, пешонамиз шўр! Камбағал бечорамиз, тирик қолайлик десак, бошқа иложимиз борми? Бу йил бир дона ҳам шоли кўчати эколмаймиз деб қўрқаман.

— Чунь-баонинг ўйлаяпсанми? Энди уч ёшга кирди-я, онасиз қандай туради?

— Ўзим тарбия қиламан. Бола эммаса ҳам бўладиган бўлиб қолди.

Эри жаҳл қилгандек, уйдан чиқди.

Чунь-баонинг онаси ҳўнграб йиғлади.

Хотин бошидан кечирганларини хотирлаб, бундан бир йил аввал қиз туққанини эслади. Туғиб бўлгач у кроватда мурдадек ҳолсиз ётарди. Аммо мурда ҳеч нарсани сезмайди, у эса сезарди. Чидаб бўлмас оғриқ бутун аъзойи-баданини зирқиратарди. Ҳозиргина туғилган чақалоқ бир қучоқ пичан олдида ётиб, қўл-оёқларини қимирлатар, «инга-а-инга-а» деб қаттиқ йиғларди. Чақалоқнинг киндаги ҳали кесилмаган, йўлдош шундоқ ёнида ётарди. Она бор кучини йиғиб ўрнидан туришга, қизини чўмилтиришга интилиб кўрди-ю, аммо бошини кўтара олмади; гавдаси ерга михлаб ташлангандек эди. Шу пайтда эри, ана шу тош юрак одам пайдо бўлди. Ҳамма ёғи қип-қизариб кетган бу одам чақалоқнинг ёнига бир челақ қайноқ сув келтирди. Она бор кучини йиғиб: «Тегма, тегма» деб бақирди. Аммо яна ҳам ёвузлашган, ўта кетган шафқатсиз эр хотиннинг сўзига қулоқ солмади. Бола ҳамон йиғлар эди. Отаси қўзичоқни сўйишга ҳозирланаётган қассобдек оҳиста, аммо қатъий бориб, дағал қўллари билан энди дунёга келган тирик жонни олиб қайноқ сувга ташлади.

Бола чурқ этиб овоз чиқармади: фақат сувнинг чайқалиши ва мурғак тананинг вишиллаб куйишигина эшитиларди. Шунда она ажабланди: «Чақалоқ нега йиғламай қўйди? Наҳотки индамай ўлимига рози бўлди?» Оҳ, она энди тушунди, ўша пайтда ҳушсиз ҳолда эди, унинг юрагини кимдир юлиб олган эди. Ҳозир кўз ёшлари ҳам қуриди.

— Оҳ, шўрлик бошим, — деди секингина хўрсиниб, Чунь-бао кўкракдан бош кўтариб, онасининг орқасига яширинди ва «Ойи! Ойи!» деб чақирди.

Эртага кечади деган куни кечқурун она уйнинг энг қоронғи бурчагига бориб ўтирди. У ўчоғ олдида шам қўйди, атроф хира ёришди. Ёш хотин бошини тиззасидан ётган Чунь-баонинг бошига қўйди.

Даллол кейин курсида боласини кўтариб, қимирламай ўтирган хотинни қистади.

— Ҳаммоллар уйга тушликка етиб боришлари керак. Тезроқ йиғиштирила қол.

Ёш хотин кампирга шундай қарадики, бу қараш «Мен ўз уйимдан кетишни истамайман. Шу ерда очдан ўлганим яхшироқ» деган маънони англатарди.

Даллол онанинг фикрини пайқади, ёнига келди-да, жилмайиб туриб аврай бошлади:

— Худди содда қизга ўхшайсан-а. Бу сариқ эрингдан сенга нима фойда? У одамлар бадавлат, икки юз мудан ҳам ортиғроқ ерлари, ўз уйлари, тўкин-сочин рўзгорлари, сиргирлари бор, эшикларида қороллар юради. Бекамнинг феъл-атвори жуда яхши, одамлар билан яхши муносабатда бўлади, хушмуомала, меҳмондўст. Сюцай унчалик кекса ҳам эмас, унинг юзлари оппоқ, мўйлаби йўқ, у бир оз букчайиб юради, чунки умрида жуда кўп ўқиган; чинакам ўқимишли одам! Менга нима бало бўлди! Уларни роса мақтаб юбордим? Ўзинг ҳали борганингда ўз кўзинг билан кўрасан! Мен унақанги алдоқчи совчилардан эмасман.

Она кўз ёшларини артди.

— Чунь-бао... Сени қандай ташлаб кетаман-а!

— Чунь-баонинг ғамини ема... — деди кампир энгашиб, қўлини унинг елкасига қўяр экан. — Боланг бешга кирди, қадим замондан қолган гап бор: «Бола уч-тўртга кирдими, онасиз яшай беради». Шунақа, сенсиз ҳам эплашади. Энг муҳими ўз ишингни билиб қилгин — сюцайга бола туғиб берсанг — олам гулистон.

Ҳаммоллар ҳам дарвоза олдида туриб:

— Намунча йиғлайсан, биринчи марта эрга чиқаётганинг йўқ-қул! — деб онани қисташарди.

Ниҳоят кампир Чунь-баони онанинг қўлидан тортиб олди.

— Бер, олиб кетай.

Бола йиғлаб даллолнинг қўлида типирчилади. Даллол уни олиб кетди.

— Уйга олиб киришлар, ташқарида ёмғир ёғпти, — деди она цяоцзига ўтира туриб.

Эри қўлини пешонасига қўйиб қимирламасдан ўтирганича бир сўз демади.

Иккала қишлоқнинг ўртасидаги масофа ўттиз ли бўлса ҳам ҳаммоллар атиги бир марта дам олдилар. Цяоцзининг устига ёпилган соябондан майда ёмғир томчилари хотиннинг кийимларига томарди.

Келган хотинни кутиб олиш учун уйдан эллик тўрт-эллик беш ёшлар чамасидаги тўла юзли, муғомбир кўзли кексагина хотин чиқди.

«Бу, албатта, хон ойим» — ўйлади она қўрқа-писа қараб, аммо кўришмади. Хоним гўё меҳрибонлик қилаётгандек онанинг қўлидан ушлади ва зинапоя олдига олиб борди, у ёқдан баланд бўйли, ориқ, кулча юзли киши чиқди. У ёш хотинни диққат билан кузатиб, очиқ чеҳра билан жилмайди.

— Жуда ҳам барвақт келибсан-а! Роса ивибсан-ку.

Кекса хотин эркакнинг сўзига эътибор қилмай сўради:

— Цяоцзида бирон нарса борми?

— Ҳеч нарса йўқ, — деди келган хотин.

Эшик олдида тўпланишган бир неча қўшни аёллар хотинга қизиқиб қарашди, аммо Чунь-баонинг онаси билан хоним тезгина уйга кириб кетишди.

Ёш хотин ўз уйини ва Чунь-баосини негадир жуда ҳам соғиниб қолди. Хотин бу ерда уч йил яшашидан мамнун бўлиши кераклигини тушунарди. Бу онла ва уни сотиб олган янги эр аввалгисидан эҳтимол яхшидир. Сюцай — меҳрибон, самимий, раҳмдил одам, гапирганда ҳам овози зўрға чиқарди. Хон ойим ҳам ажойиб хотин бўлиб, одамга меҳрибон, гаплари мулоим эди.

Сюцайнинг хотини онага дабдабали, серхашам тўйларидан буён ўттиз йил ўтганини айтди. Бундан ўн олти йил аввал хоним бир ўғил туққан; унинг сўзича бу бола жуда ҳам чиройли ва фавқулудда ақлли бўлган, аммо бола тўққиз ойлик бўлмасдан, чечак чиқиб ўлган. Кекса хоним кейин туғмаган. Хоним эрига маъшуқа олишни маслаҳат берган, лекин хотинини жуда ҳам севганиданми, ёки муносиб хотин топилмаганиданми ҳар ҳолда, шу пайтгача сюцайнинг иккинчи хотини бўлмаган.

Хонимнинг гаплари онанинг содда қалбига етиб бориб, чуқур таъсир қилди: она гоҳ қайғу ва алам изтиробиди ёнар, гоҳ севинар, гоҳ кўксини қандайдир оғир нарса босаётгандек ҳис этарди.

Кекса хоним ниҳоят ёш хотинга ўз орзуларини айтди.

Ёш аёл қизариб кетди, аммо хоним сўзида давом қилди:

— Сен бир неча марта туққансан. Албатта бу ҳақда мендан кўра кўпроқ биласан.

Улар шундан кейин ўринларидан туриб кетишди.

Кечқурун сюцай ҳам ёш хотинга оиласини батафсил гапириб берди, у кўпроқ хотинини мақтади. Эҳтимол ёш хотиннинг майлини ўзига қаратиб олмоқчи бўлгандир. Хотин қизил ёғочдан қилинган шкаф ёнида ўтирарди, у бундай шкафни ўз уйида сира кўрмаганидан, жуда қизиқиб қарарди. Унинг ёнида ўтирган сюцай сўради.

— Отинг нима?

Хотин жимгина, жиддий вазиятда ўрнидан турди ва кровать томонга юрди. Чол унинг кетидан бориб, кулди:

— Уяляпсанми? Ҳа, эрингни эслаяпсанми? Ҳа-ҳа, энди эринг — мен. — деди у оҳиста ва қўлидан ушлаб келди. — Хафа бўлма. Ўз болангни ўйлаяпсанми? Аммо...

У гапини тамомламай яна кулди. Қийимларини еча бошлади.

Кутилмаганда узоқдан кекса хонимнинг сўкинаётган овози эшитилди. Хотин хоним кимни уришаётганига ҳайрон эди, ошпаз хотинни уришаётганмикин, аммо ёш хотинга хоним худди уни қарғаётгандек, аламини ошпаз хотиндан олаётгандек туюлди. Сюцай ўринда ётиб:

— Кела қол, кел! — деди, — У ҳамма вақт шунақа вай-сайверади. Илгари хизматчига яхши гапирарди, хизматчи ошпаз Хуан-ма билан хушмуомала бўлиб қолгандан бери хоним ошпазни уришгани-уришган.

Вақт ҳам ўтиб борарди. Уй-жойи ёш хотиннинг хаёлига камдан-кам келадиган бўлди. Чунь-баонинг йиғиси ҳали қулоғидан кетмаган, ўғлини бир неча марта тушида кўрган бўлса ҳам хотин янги оиланинг ҳаётига аста-секин ўрганиб қолди. Туши борган сари алғов-далғов бўла бошлади, уй юмуши эса кундан-кунга кўпайиб борди.

Чунь-баонинг онаси кекса хонимнинг жуда ҳам ҳадикчи ва гарчи ташқи кўринишдан унга яхши қараётгандай бўлса-да, аммо кунчи эканлигини ва эри ҳамда ёш хотиннинг ҳар бир қадамини пойлашини сезиб қолди.

Сюцай бирон ердан қайтиб келиб, тасодифан кекса хонимдан олдин ёш хотини билан гаплашиб қолган пайтлари бўларди. Шундай пайтларда кекса хонимга гўё эри ёш хотинга совға олиб келгандек туюлар ва эрини ёнига чақириб олиб қулоғини бурарди:

— Бу ёш хотин бошингни айлантириб қўйганга ўхшайди-я. Ўз иззатингда тургин, — дерди.

Шундан бери ёш хотин сюцай уйга қайтганда ёнида кекса хоним бўлмаса, у билан учрашмаслик учун дарҳол ўзини панага олар эди.

Кекса хоним аста-секин қийин ва ҳар турли кўп юмушларини оқсоч хотинга буюргандек, ёш хотинга буюрадиган бўлиб қолди. Ёш хотин ақлли эди, кекса хоним кийимларини ечиши билан уларни олиб ювншга ўтирарди.

— Менинг кийимларимни ювиб нима қиласан? Ўз кирларингни ҳам Хуан-мага бериб ювдир, — дерди хоним ва шу заҳоти қўшимча қиларди, — синглим, яхшиси сен бир чўчқахонага қараб қўйчи: чўчқалар жуда хириллашяпти, овқати бўлмаса керак; мана бу Хуан-ма чўчқаларни доим оч қолдиради.

Саккиз ойдан кейин, қишда, кутилмаганда ёш хотиннинг иштаҳаси ўзгарди: овқат деса кўнгли кетар, фақат янги ҳосилдан янчилган ундан қилинган хамир ош, ҳам батат егиси келарди, аммо тезда бундан ҳам кўнгли қолди, хотин энди хунътунни* орзу қиладиган бўлди. Хотин таомлардан тўйиб еса, қайт қилгиси келарди. Қовоқ, олхўрини кўнгли тусар, аммо булар июнда пишади, қишда қаёқда?

Сюцай ёш хотиннинг ҳолидан хабардор эди. У ҳамиша хурсанд, унга топиб бўладиган керакли нарсаларнинг ҳаммасини келтирар эди. Кўчада хотини учун мандаринни ўзи сотиб олди ва пўртаҳол топишни буюрди.

Бир куни чол айвонда бир нарсаларни ўзича вайсаб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Ёш хотини билан Хуан-ма янги йил учун ун тортаётганларини ва улар тортган ун ҳали уч шэнга** ҳам етмаслигини кўриб қолиб, хотинини қистай бошлади.

— Дамингни ол, унни хизматчининг ўзи тортиб қўяди, янги йил сомсасини ҳамма ейди-ку.

Кечқурунлари уйдагилар гаплашиб ўтиришганда сюцай шамларни ёқиб «Шицзин»*** ни ўқишга киришарди.

* Х у н ь т у н ь — шўрвадаги чучвара.

** Ш э н — ўлчов асбоби, тахминан 31,6 дециметрга тенг.

*** «Ш и ц з и н» («Қўшиқлар китоби») — Конфуцян беш китобнинг биринчи китоби. Бизнинг асримизгача бўлган XI-VII асрларга доир шеър ва қўшиқлар

Дарё ёқасида бўлишиб жуфт-жуфт
Қушлар ҳам сайрайди жўр овоз бўлиб.
Шубҳасиз ёр топар барно қизлардан
Хар йигит севгининг завқига тўлиб.

Баъзан хизматкори ундан сўрарди:

— Хўжайин, ахир сиз цзкойжендан имтиҳон бермайсиз-ку, нега бундай китобларни ўқийсиз?

Сюцай нягини силаб, дарров жавоб берарди:

— Тўғри айтасан. Сен ўзинг инсон учун бахт нимадан иборат эканлигини биласанми? Бир хиллари «Кўнгилдагидек хотин олсанг-у, хизматни яхши адо этсанг» — шунинг ўзи бахт дейдилар. Бу сўзларнинг маъносига етасанми? Бунга эришмоқ инсонга олий бахт. Бундай бахтни тотиб кўрганман, энди мени бундан ҳам каттароқ бахт кутяпти.

Ҳаммалари бирдан кулиб юборишди, сюцайнинг хотинларигина кулишмади.

Кекса бека аччиғлана бошлади. Аввалига ёш хотин ҳомилали бўлганидан хурсанд бўлди. Аммо сюцайнинг ёш хотинга меҳрибончилиги ортиб, ҳамма нарасада унинг кўнглини олишга уринаётганини кўриб, кампир куйинди.

Март ойи кунларидан бирида сюцайнинг кекса хотини ўзини ёмон ҳис этди, боши оғриди, уч кунгача ёстиқдан бош кўтармади. Чол ёш хотиндан унинг ҳам дам олишини сўради ва ёш хотин нимани истаса бажо келтираверди. Бу ҳол кампирнинг фиғонини фалакка чиқарди: кампир иккинчи хотин муғомбирлик қиляпти деб уч кунгача вайсади.

Кекса хотин бўҳтон ёғдириш мақсадида онани масхаралар эди. Унинг сўзича она уларнинг уйига келиб, ўзини катта оладиган, ёлғондан ҳали боши, ҳали бели оғрийдиган бўлиб қолган эмиш. Умуман талтайиб кетган ўйнаш хотиннинг қилиғини қилаётган эмиш. Ўзнинг аввалги уйида, — деб бақирарди бека, — эркаликнинг нима эканлигини билмаган, балки туғиш олдида ҳам овқат излаб қорнида итваччалари билан тентираклайдиган саёқ қанжиқ итнинг ўзгинаси бўлган бўлса керак. Энди мана бу каллаварам чол — бека ўз эрини шундай атади, — ёш хотинга мулозамат-у, хушомад қилганидан, бу ҳам муғомбирлик йўлига ўтиб олди.

— Буни қара-я. Ким ўғил туғолмас экан? — деди бир кун кампир ошпаз Хуан-мага. — Мен ҳам ҳомилали бўл-

ганман, ҳомиладорлик шу қадар оғирлигига ҳеч қачон ишонмайман. Ҳали бола туғилгани йўқ. Ким билсин, эҳтимол қурбақани туғадими? Аввал ҳақиқий бола туғиб олсин, кейин майли, ман-манлик қиладими, олдимда олифтагарчилик қиладими, қилаверсин. Ҳозирча қорнида бир парча эт, ҳали ноз-карашма қилмасалар ҳам бўлади.

Она ўша кун кечки овқатни емади. Беканинг таҳқирини, тўхтовсиз қарғишларини ўринда эшитиб ётди ва фақат секин-секин пиқиллаб йиғлади.

Сюцай тугмаси ечиқ кийимда кроватда ўтирарди. Унинг бутун аъзойи-бадани қалтирар, баданини совуқ тер босган эди. Шу пайтда кийимини кийгиси, чиқиб хотинини ургиси, сочларидан бураб, роса тепкиси, қаҳр-ғазабини сочгиси келарди! Аммо бор қуввати йўқолгандек, қўллари шу қадар бўшашдики, бўғим-бўғимиғача оғриди, ҳатто бармоқлариғача титроқ турди. У оғир нафас олиб:

— Мен унга ҳамиша яхшилик қилдим, бир ёстиққа бош қўйганимизга ўттиз йил бўлган бўлса, бирон марта чертмадим, шунинг учун ҳам гердайиб пошшойимдек юради-да, — деди.

У ёш хотинига эгилиб, қулоғига пичирлади:

— Йиғлама! Тинчлан! Акилласа акиллай берсин! У зурёд қолдира олмайдиган курк товўқнинг худди ўзи. Бошқаларнинг бола туққанини кўролмайди. Агар ўғил туғиб берсанг, сенга иккита қиммат баҳо нарсани: кўк яшма узук ва оқ яшма...

У сўзини ҳали тамомламаган ҳам эди, хотиннинг мазах қилиб кулгани эшитилди.

Сюцай устидаги кийимини чаққонлик билан ечиб, бошини кўрпа ичига олди ва ёш хотинни бағрига босиб шивирлади:

— ...узукни бераман...

... Онанинг ой-куни яқинлашганда кекса хоним доя билан олдин гаплашиб қўйди ва ҳаммага кўрсатиб чақалоққа сарпо тика бошлади.

Эски ҳисоб билан йилнинг энг иссиқ вақти июнь ҳам ўтди, аммо, ёш хотиннинг кўзи ёримади.

Куз келди, совуқ шамоллар эса бошлади.

Мана, кута бериб сабр-тоқат тугай деб қолганда, кўпдан бери кутилган соат келгани ҳаммага маълум бўлди. Сюцайнинг юраги ҳеч қачон бунақа урмаган эди. У ичкари

ҳовлида календарни* кўтариб олиб чарчамасдан у ёқдан-бу ёққа юрар, календардаги сўзнинг маъносини ёдлаётгандек, ўзича ниманидир такрорларди. Дамба-дам ёпиқ дераза олдига келиб ташвишланиб уйга қулоқ соларди. Уй ичидан ёш хотиннинг дард аралаш инграши эшитиларди. Баъзан у булутлар орасидаги қуёшга қарар ва уй эшиги ёнига келиб, ичкарида турган Хуан-мадан сўрарди:

— Қалай?

Хуан-ма бошини бир хилда чайқар ва бир оз жим қолиб, жилмаяр:

— Мана ҳозир, ҳозир.

Чол календарни яна бағрига босар, ичкари ҳовлининг у бошидан бу бошига, бу бошидан у бошига тинимсиз тен-тиракларди. Қоронғи тушиб, ҳамма ёқда баҳор гулларидек чироғлар чарақлаб кетгунча ҳам шу ҳол ўзгармади.

Худди ана шу пайтда бола туғилди. Бола ўғил эди. У бағиллаб йиғлади, сюцай уйнинг бурчагида ўтириб, қувонганидан йиғлаб юборай деди.

Шу кун и ҳеч ким кечқурунги овқатни ўйламади. Одатдагидек ясатилган дастурхон устида бека ҳаммага қараб:

— Болага кўз тегмаслиги учун ҳаммани алдаш керак. Кимки сўраса «қиз» деймиз, — деди.

Ҳамма кулиб, розилик билдириб бош ирғади.

Бир ойдан кейин чақалоқнинг оппоққина юзчаси куз қуёшининг нурида порларди.

Онаси ўғилчани эмизганда, атрофни қўни-қўшнилари қуршаб олиб, болага тикилишарди. Бири боланинг бурнини мақтар, бошқалар лабини, баъзилар қулоғига ҳайрон қолар эдилар, ҳаммадан ҳам онасини мақташарди — у шу қадар семирган, чиройи очилган, ҳатто юзлари оқарган эди.

Кекса хоним худди бувидек боланинг олдини тўсиб, буйруқ қиларди:

— Қочинглар, бола йиғлаворайди.

Сюцай ўғлига нима от қўйишини билмай кўп қийналди, кўп ўйлади, аммо биронта муносиброқ исм тополмади. Хотини ўғил боланинг номи учун биринчи иероглифни «чанмин

* — Қадимий Хитойда хурофий кишилар махсус календардан фойдаланар эдилар, бу календардан қайси кун ва соат бахтли бўлиши ва савдо ҳамда бошқа ишларни олиб боришга, ҳатто бола туғилишига қулайлиги кўрсатиларди.

фугай» ёки «фулу шоуси»* сўзидан, яна ҳам яхшироғи, «шоу» иероглифини ёки маъно жиҳатидан шунга мос бўлган масалан, «цин» «пэнцзу»** ва бошқа сўзлардан фойдаланиш керак деб ҳисобларди. Аммо суючай бундай номлар жуда оддийлигини ва кўп тарқалганини айтиб рози бўлмас эди.

Суючай «Ицзин» ва «Шуцзин»*** ни очди ва бу китоблардан муносиб ном ахтара бошлади, икки ҳафта варақлади, бир ой варақлади, барибир ҳеч нарсга тополмади.

Унинг фикрича ўғлининг номи: ҳам бола бахтиёр бўлишини, ҳам бола отасининг умр қуёши заволга юз тутганда туғилганини ифода қилиши керак эди.

Бундай ном топиш осон эмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Шу орада бола уч ойнинг юзини кўрди.

Бир кун кечқурун суючай ўғлини тиззасида олиб ўтирарди. Кўзойнагини тақиб ўзига керак бўлган ном чиқиб қолармикин деган умидда китобни ёруққа тутиб, варақларди. Шу пайтда ўғилчанинг онаси ниманидир чуқур ўйлаб, паришон ҳолда ўтирарди.

— Номини Цю-бао деб қўйсак қалай бўларкин? — деди бирдан она. Шу ердагиларнинг ҳаммаси унга тикилишди; ҳамма унинг сўзларини эътибор билан тинглади. — Ахир, бола кузда туғилмадими? Шунинг учун уни Цю-бао — Куз хазинаси деб атаймиз.

Суючай бир оз жим турди, кейин бирдан:

— Рост! — деди, — мен бўлсам қанча вақтимни бекорга ўтказдим! Мен эллик йил яшадим, ҳаётимнинг кузи бошланди. Ўғлим ҳам худди кузакда туғилди. Йилнинг бу вақтида пишиқчилик, ҳамма нарсга сероб бўлади. Цю-бао чиндан ҳам боп ном. «Шуцзин» да «ҳамма нарсга кузда етилади» дейилмаганми, ахир! Ўғлим ҳам кузда туғилган-ку!

Чол ёш хотинини бениҳоя мақтар эди:

— Ўзи саводсиз-у, — дерди чол, — ақлдан берган экан.

Бундай сўзларни эшитган она бошини қуйи солиб, заҳарханда билан куларди. Она йиғидан ўзини тутиб олиб ўйлади: «Шунчаки Чунь-бао**** эсимга келди».

* — «Чанмин фугай», «фулу шоуси» — давлат, роҳат, умр ва бахт тилаш.

** «Шоу», «цин», «пэнцзу» — узоқ умр.

*** «Ицзин», «Шуцзин» — конфуций дини беш китобига кирувчи китоблар.

**** Чунь-бао — баҳор хазинаси.

Цю-бао катта бўлган сари ширин бўлиб, онасидан бир минут ҳам ажралишни истамасди. Чақалоқ катта кўзларини очиб бегона кишиларга ажабланиб, узоқ тикилар, ўз онасини эса узоқдан кўрди дегунча танирди ва кун бўйи ёнидан кетқизмасди.

Сюцай болани онасидан ҳам яхши кўрса-да, бола отасига интилмасди. Кекса хоним гарчи болани ўз ўғлидек севса ҳам, Цю-бао уни бегона ҳисоблар, чақалоқнинг катта кўзлари кампирга ҳам бегона кишиларга қарагандек ажабланиб узоқ тикиларди.

Боланинг онага муҳаббати ортган сари, жудолик соати ҳам яқинлаша борарди...

Қишдан кейин баҳор келди, баҳор кетидан ёз. Уйдагиларнинг ҳаммаси Цю-баонинг онаси бу ерга келганига яқинда уч йил тўлиши ҳақида ўйлардилар.

Сюцай ўғилчасини жон-дилидан яхши кўрганидан, хотинига Цю-баонинг онасини ҳамишаликка сотиб олиш учун яна юз юан тўлашга тайёрман деган таклифни қилишга уринди. Аммо, хотини бу таклифни қатъий рад этиб:

— Мен ўламан, уйдан кейин сотиб оласан, — деди.

Сюцай жаҳли чиққанидан овозини чиқариб хўрсинди. Узоқ вақт сукут қилди, кейин кулган киши бўлиб кампирдан сўради:

— Чақалоқнинг онасиёз қолишини ўйлаяпсанми?

Кекса хоним ўз навбатида совуққина кулди:

— Ахир мен онаси ўрнига она бўлолмайманми?

Она иккиланиб қолди. Бир ёқдан уч йил дарров ўтиб кетди-ю, яна сюцайнинг уйдаги хизматкорлар сингари оғир ҳаёт кечиришга тўғри келади. Иккинчи ёқдан иккала ўғилни ҳам баравар севади, кичкина Цю-баони ташлаб кетолмаганидек, катта ўғлидан ҳам абадий жудо бўлолмаслигини яхши биларди.

Ҳар ҳолда она сюцайнинг уйда қолиб кетишни истарди. Чунь-баонинг отаси узоққа бормаслигига: касаллик яқин йиллар ичида гўрга етаклаяжагига унинг ишончи комил эди. Шунда она сюцайдан Чунь-баога ота тутунишни илтимос қила оларди, шундай қилиб катта ўғли ҳам ҳамиша ўзи билан бирга бўларди.

Баъзан, ҳориб чарчаган она калисада ўтирарди. Цю-бао эмчакни оғзидан қўймай, унинг тиззасида ухларди. Ёз қуёшининг нурлари кишини ланж қилиб, уйқусини келтирар, онага енгил мудроқ ичида гўё ёнида Чунь-

бао тургандек туюларди. Она иккала ака-укага бир неча сўз демоқчи бўлади, катта ўғлини бағрига босиш учун қўлини чўзади, бироқ, афсуски онанинг қўли бўшлиқда муаллақ қолади.

Қалисадан анча узоқдаги дарвоза ёнида турган кекса хоним эса, онага тикилиб қарарди. У кўрипишича раҳмдил бўлса-да, кўзи ғазабга тўлайди.

«Бу ердан тезроқ кетиш керак, кампир изқувардек орқамдан жосуслик қилиб юрибди» деган фикр онанинг ичини тиндарди. Кутилмаганда Цю-бао йиғлай бошлайди, она эса жон-жаҳди билан болага берилади-ю, дарҳол ҳамма нарсани унутади.

Шу орада сюцай янги режа ўйлаб қўйди: кекса даллол Шэнни чақириб, ундан тери жаллобдан қўшимча ўттиз юан, жуда бўлмаса эллик юанга хотинини яна уч йил гаров қўйишга рози бўлиш-бўлмаслигини билиб беришини илтимос қилмоқчи бўлди.

— Цю-бао беш ёшга киргач,— деди сюцай хотинига, — онасидан ажратса бўлади.

Шу пайтда кекса хоним худди тасбиҳ ўгириб турган эди.

— Амитофэ*,— деб жавоб берди хоним. — унинг уйида яна бир ўғли қолган. Сен уни уйига кеткизиб юборишинг керак... Амитофо!

Сюцай бэшини қуйи солиб, ўз фикрини исботлашда давом этди:

— Ахир ўзинг ўйлаб қарасангчи, Цю-бао икки ёшида онасиз қоладими?..

Аммо, кампир айтганида туриб олди.

— Ўзим боқиб, тарбиялаб оламан.— Кампир тасбиҳни бир четга қўйди. — Нима, ўғлимга бир бало қилади деб қўрқяпсанми?

Сюцай бундай гапни эшитгач, дарҳол уйдан чиқиб кетди.

Хотини орқасидан вайсаб қолди:

— Бу бола мен учун дунёга келди. Цю-бао менинг ўғлим!

Мен сенга меросхўр туғиб бера олмадим, аммо, бу ерда доимо яшаб келяпман-ку, болани ҳам тарбия қила оламан! Жинни бўлиб қолибсан қари аҳмақ! Эсингни еб қўйибсан! Йўлингдан гўринг яқин-у, ҳаддингдан ошиб,

* Д у о ибораси.

бу хотинни уйдан чиқаргинг келмайди. Ота-боболар меҳ-робиди бу хотин билан бирга туриб қизаришга сира тоқатим йўқ*.

Кампир анча вақтгача сасиб-биқсиб қарғанди, аммо сюцай аллақачон ундан узоқлашган ва ҳеч нарса эшитмас эди.

Бир куни ёзда боланинг бошига чипқон чиқди, иситмаси аста-секин кўтарилди. Кекса хоним ярага суриш ёки болага ичиришга дори сўраб бодисатвага** кўп югурди. Аммо, Цю-баонинг онаси боланинг яраси унча оғир эмаслигини бир кўришдаёқ сездиди. Она боланинг бекорга йиғлашини ва терлашини истамади-да, дорининг озгинасини бериб, қолганини яширинча ўзи ичиб юборди. Кампир буни сезиб қолиб, муғомбирларча уҳ тортди-да, эрига айтишга шошилди:

— Кўряпсанми, боланинг касали билан сира ҳам иши йўқ, парвойи палак. Тагин бола унча озгани йўқ дейди-я! Чин севги дилда бўлади, тилдаги севги хўжа кўрсинга, холос.

Ёш хотин яширинча аста-секин йиғлар, сюцай бўлса индамас эди.

Цю-бао бир ёшга тўлганда, каттакон тўй қилиб берилди. Қирқтача меҳмон йиғилди.

Меҳмонларнинг бир қанчаси кийим-кечак, бошқалари — лағмон, қайси бирлари боланинг бўйнига осиб қўйишга шернинг кумуш бошини*** келтиришди, бири узоқ умр кўрсин деб Цю-баонинг қалпоғига қадаб қўйишга тилла рангли чол — қўғирчоқ олиб келган. Меҳмонлар жуда кўп, хилма-хил совға келтиришди.

Улар болани самимий табриклашди ва узоқ умр тилашди.

Кексайиб қолган отанинг юзи бахтдан порлар, гўё ботаётган қуёшнинг заррин нурлари унинг юзида жиллалаётгандек туюларди.

Кечқурун меҳмонлар дастурхонга ўтиришганда, бирдан қоронғилик ичидан бир киши пайдо бўлиб, ичкари

* Ота-боболар меҳробиди — бунда ўлиб кетган ота-боболарнинг номи нероглиф билан тахтага ёзилган бўлади.

** Бодисатванинг тасвири одатда қишлоқ ибодатхоналарида сақланарди; ибодатхонада хизмат қилувчи зоҳидлар гўё ярани тузатадиган турли дориларни сотишарди.

*** Шернинг калласи — Буддани аяғлатади.

ҳавлига йўл олди. Меҳмонлар у кишини диққат билан кузатдилар: бегона киши ҳорғин, кийимлари йиртиқ-ямоқ, сочлари ўсиб кетган, қўлтиғида қоғоз тугунча осилиб турибди.

Сюцай келган киши ёнига борди ва қаердан келганини ажабланиб сўради. У дудуқланиб жавоб берди. Хўжайин саросимада қолиб, бирдан ёдига тушди: «Ҳа, тери жаллоб-ку!»

— Нега совға олиб келдинг? — деди сюцай бир оз енгиллашиб. — Шусиз келаверсанг ҳам бўларди.

Келгинди қўрқа-писа ҳаммага қараб чиқди.

— Йўқ, йўқ... Мен бу азиз фарзандга узоқ умр тилайман...

У шу ерда қоғоз тугунчани олди-да, титроқ қўллари билан қоғознинг икки-уч қатини очди, шу он ҳамма дюйм катталигида олтин суви билан ёзилган тўрт иеороглифни кўрди: «Узоқ умр кўришини тилайман!»

Шу пайт сюцайнинг хотини пайдо бўлди. У меҳмонни диққат билан кўздан кечирди, унинг қарашида унча хурсандлик аломати сезилмас эди.

Кекса хўжайин одоб туфайли жаллобни дастурхонга таклиф этди. Меҳмонлар ўзаро келган киши ҳақида ширлашишарди.

Кўп ичкилик ва унинг кетидан ейилган таомлар меҳмонларни тилга киритди, қизитиб хушқайф ҳолга келтирди. Бор овозларини қўйиб цайцюань* ўйнашди, ким кўп ичишга ўйнашди, шу қадар бақиршидики, бутун уйларзага келди.

Фақат жаллобгина, кўп ичган бўлса ҳам, қимирламай жим ўтирарди.

У билан ҳеч ким гаплашмасди.

Базм охирига етганда меҳмонлар сўнгги марта ўзларини зўрлаб ичишди ва овқатдан тотинишди, бир-бирларига соғлиқ тилашиб, чироғ ёруғида тарқалишди.

Жаллоб хизматкорлар келиб дастурхонни йиғиштирмагунча ичиб, еб ўтира берди. Улар йиғиштира бошлагач, ўрнидан туриб, калиса панасида ғойиб бўлди.

У ерда сюцайга гаров қўйган хотинига дуч келди.

— Нимага келдинг? — деди хотини қайғу ва алам билан

* — Кўҳна Хитойда кенг тарқалган ўйин бўлиб, ким ютқизса маълум миқдорда вино ичиши шарт.

— Бекорга келармидим? Иложи бўлмади-да!
— Нега бўлмаса шу қадар кеч келдинг?
— Совға сотиб олишга пул топиш осонми, ахир? Ҳаммадан қарзга пул сўраб куни бўйи югурдим, совға олишга шаҳарга келдим, жуда шошдим, ҳеч нарса емадим, роса чарчадим, барибир кеч қолдим.

— Чунь-баонинг аҳволи қандай? — деб сўради хотини.

— Ўшангаёқ келдим, — деди оғир нафас олиб эри.

— Ўшангаёқ? — деди қўрқиб она.

Унинг овози акс садо бергандек жаранглаб кетди.

— Бола ёздаёқ жуда оза бошлаган эди, кузга келиб қаттиқ касал бўлиб, ётиб қолди. Врачни чақиришга менда пул қаёқда дейсан? Мана, ҳозир Чунь-баонинг аҳволи оғир. Уни сақлаб қолишнинг иложини тополмаяпман. Ўлиб қолади, деб қўрқяпман. — Эри жуда оҳиста гапирарди. Бир минутча тўхтаб яна давом этди: — Сендан пул сўрамоқчиман.

Онанинг ичини ит тирнагандек бўлди: гўё ит аллақаерини ғажиб, чайнардн; хотин йиғидан ўзини зўрға ушлаб қолди. Йиғлашнинг вақти ҳам эмасди: ахир, унинг ўғилчаси бир ёшга тўлганини табриклагани келган меҳмонлар ҳозиргина тарқалишди-ку.

Она кўз ёшларини ютиб:

— Менда пул қаёқда бўлсин дейсан? — деди. — Бу ерда харажат учун ҳар ойда менга фақат икки цзяо беришади. Шу арзимаган чақани қаёққа қўйишимни билмай ҳаммасини Цю-баога сарфлайман... Нима қилсагикин? — Бир оз жимликдан кейин она: — Болани кимга ташлаб келдинг? — деб сўради.

— Қўшни хотинга. Кечаси уйга етиб бораман. Мен энди кетдим!

У кўз ёшларини артди.

— Бир оз тўхтаб тур-чи. Ундан сўраб боқай, — деди хотин хўрсиниб. Бир оздан сўнг хотин қайтиб чиқди.

Уч кундан кейин кечқурун сюцай қўдқисдан ёш хотинидан сўради:

— Совғага берган кўк яшма узук қани?

— Ўша кечаси эримга берган эдим: у гаровга қўйибди.

— Ахир, мenden беш доллар олмадингми? — деди жаҳли чиқиб сюцай.

Она бош эгди. Бир оз жим тургач:

— Беш доллар нима бўларди! — деб жавоб берди.

— Мен сенга қанча яхшилик қилсам ҳам, — деди сюцай нафасини ростлаб, — кўз очиб кўрган эрини ки болангни дейсан. Мен сени бу ерда яна икки йил сўраб, турмоқчи бўлган эдим, энди бу фикримдан қайтдим. Ўшарда кетавер!

Хотин турган жойида қотиб қолди, у йилгай олмади ҳам.

Сюцай бир неча кундан кейин унга айтди:

— Кўк яшма узук — қиммат баҳо буюм. Мен уни охири ўғлимизга ўтади-ку деган умидда сенга сўзга ушласан эдим. Сенинг дарров гаровга қўйишингни ким биларди? Буни хотиним билмаганига шукр қилиш керак. Мабодо у билиб қолса, уч ойгача шовқин солиб, қаргаб урарди.

Она кундан-кунга озиб, йўталадиган бўлиб қолди. Кўзлари бефарқ қарайдиган, беканинг қарғишлари эки қулоғини батанг қиладиган бўлиб қолди.

Она ҳамма вақт хаста боласини ўйларди. У ўз қўндоқларидан таниш одам келган-келмаганини билишга ўринарди. Мабодо биров у томонга бормасмикин деб қизикарди. Чунь-бао тузалапти деган хабарни эшитишга Чунь-нам истардики, асти қўя беринг. Аммо, ҳеч қандай даража йўқ эди. У икки доллар қарз олиб, касал боласига сета-на конфет сотиб олиб юбориши мумкин эди, аммо кимдан бериб юборади.

Кўпинча кичкина Цю-баосини кўтариб таш йўлга чиқарди-да, ўтган кетганларга қарарди.

Бу нарса кекса хонимнинг тинчини кетказар, қанчалик сюцайга тўхтовсиз уқдирарди:

— Уззукун қанақа қилиб қочиншни ўйлагандан кейин бу ерда қолармиди!

Бир кун кечаси она уйқусида бақирди. Унинг ёнида ухлаб ётган Цю-бао уйғониб кетиб, қаттиқ йилгай бошлади.

Сюцай шошиб-пишиб:

— Нима қилди? Сенга нима бўлди? — деб сўради.

Она бир нималарни деб гўлдураб-гўлдураб, Цю-баонинг овутиди.

— Қатта ўғлинг ўлган бўлиб тушингга кирди-ми? Шунақами? Шунга бақирдингми? — қистай берди она. Ҳатто мени ҳам уйғотиб юбординг.

Хотин дарҳол эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ. Янги қазилган очик лаҳад олдидан чиқиб қолдим.

Сюцай бундан бошқа ҳеч нарса ҳақида сўрамади, онанинг кўз олдида бундан ҳам даҳшатли шарпа пайдо бўлди: энди унга ана шу лаҳадга кириб ётиши керак бўлгандек туюлди.

Шу орада қиш тугади.

Қушлар гўё онани тезроқ кетишга чақиргандек дераза олдида қўниб, тез-тез сайрайдиган бўлиб қолдилар.

Боланинг кўкракдан ажратилганига анчагина бўлган. Роҳибларни чақириб, ажратиш маросимини ўтказишгина қолган. Шундан кейин она ва болани бир-биридан ажратиш — абадий жудолик маросимини ўтказиш мумкин эди.

Шу куни Хуан-ма бекадан қайғириб сўради:

— Цяоцзида жўнатиладими?

Сюцайнинг хотини тасбиҳ ўғирарди.

— Шундағам кетаверади, ҳаммоллар бекорга кўтариб бормаиди, ахир. У пулни қаёқдан олсин? Эрчалари овқатга ҳам пул тополмайди, дейишади-ку. Пулни кўчага ташлашнинг нима кераги бор. Йўл унча олис эмас, мен ҳам пиёда ўттиз-қирқ ли йўл босганман, унга нима бўпти, оёқлари меникидан бақувват, куннинг ярмигача уйга етиб олади!

Кетар куни Цю-баони сўнгги мартаба кийинтираётганда онанинг кўз ёшлари булоқдек оқарди. Бола уни: «Хола, холажон деб чақирарди, чунки сюцайнинг хотини болага ўз онасини «хола» деб чақиритишни, ўзини эса «она» дейишни талаб қиларди.

Она йиғидан энтика-энтика ўғлига бош иргатарди. Бу билан ўғлига: «Тинчлан, қўзим! Онанг сенга яхши қарайди, катта бўлганингда сен ҳам унга яхши қарайсан. Мени бўлса... мени унут!» — демоқчи эди.

Аммо, она бу гапларнинг биронтасини ҳам айтмади, сўзларига бир ярим яшар боланинг тушунмаслигини биларди.

Сюцай Цю-баонинг онаси ёнига секингина келиб, орқа қўлтиғининг тагидан қўлини суқиб унга йигирма цзяо қистирди.

— Мана, ол, икки доллар, — деб шивирлади у.

Хотин Цю-баонинг кўйлагига тугма қадаб туриб, пулни қўйнига яширди.

Кампир ҳам чиқди-да, узоқлашаётган эрининг орқасидан тикилиб қолди.

— Цю-баони олиб кетаман,— деди кампир,— тагин сен кетаётганингда йиғлаб қолмасин.

Она индамади, аммо бола жон-жаҳди билан кекса хонимнинг юзларига шапатиларди. Кампирнинг жаҳли чиқди.

— Майли овқат еб бўлгунингча олдингда тура қолсин. Кейин олиб кетаман.

Хуан-ма онани тўйиб овқат ейишга қистарди.

— Икки ҳафтадан бери ҳеч нарса емайсан. Ҳозир сен бу уйга келган вақтингдагидан ҳам бадтарроқ бўлиб кетдинг. Ойнага бир қараб кўрсанг эди-я! Яхшилаб нонушта қилишинг керак, ўттиз ли йўл босасан, ахир.

Она паришон ҳолда унга:

— Мунча меҳрибонсан-а! — деди.

Ҳаво жуда очиқ эди. Қуёш найза бўйи кўтарилди, аммо кичкина Цю-бао ҳали ҳам онасидан ажралгиси келмасди. Кекса хоним болани онасининг қўлидан жаҳл билан тортиб олди, бола қаттиқ қичқириб кампирнинг қорнига тепкилар ва сочларини юмдалар эди.

— Тушлик овқатдан кейин кетсам майлими,— деб ялинди она.

Кампир унга ўгирилди-да, қаҳр-ғазабини сочди:

— Лаш-лушингни тезроқ йиғиштириб, йўқол! Бир соат олдин кетдинг нима-ю, кеч кетдинг нима. Барибир бу ерда қолмайсан!

Боланинг йиғиси аста-секин узоқлашди.

Она нарсаларини тугаётганда, ҳамон боланинг йиғиси эшитилиб турарди. Хуан-ма хотинга далда берган киши бўлиб, аслида хотин тугунига нима-нималарни тугаётганига кўз ташлаб турарди. Ниҳоят она тугунини кўтариб йўлга тушди.

Дарвозани оча туриб, Цю-баонинг йиғисини яна эшитди. У ҳатто уч лини аста-секин босганда ҳам аввалгича Боланинг инграши қулоғидан кетмади.

Баҳор қуёшининг нурида ёришиб кетган йўл, осмон каби чексиздай туюларди.

Она дарё лабидан кета туриб: «Қани энди шу ерларда қўлиб кетсам» деб ўйлади. У ўз акси кўриниб турган шаф-

фоф, тоза сувда мангуликка ботиб кетишни истарди. Бир минутча дам олиб, ўрнидан турди-да, зўрға судралиб кетди. Сояси орқасидан борарди.

Йўлда учраган кекса деҳқон, хотиннинг қишлоғигача ўн беш ли қолганини айтганда қуёш тиккага келган эди.

Она чолдан сўради:

— Амаки, бирон жойда цяоцзи йўқмикин, ортиқ юролмайман.

— Қасалмисан? — деб сўради чол.

— Ҳа.

Хотин қишлоққа кира беришдаги шийпонга ўтирди.

— Қаёқдан келяпсан?

Она индамади.

— Мен бу ёққа кетяпман, — деди у. — Эрталаб ўзим етиб оларман деб ўйлаган эдим.

Деҳқон жимгина хотинга қараб туриб раҳми келди-да, усти очиқ цяоцзили иккита ҳаммолни чақирди.

Шу кунлари деҳқонлар шоли кўчати ўтқазадиган пайт эди.

Кундуз соат уч-тўртларда қишлоқнинг тор, ифлос кўчасида усти очиқ цяоцзи пайдо бўлди. Унда ўрта ёшли хотин ётарди. Унинг сўлғин, ажин босиб кетган юзлари сарғайиб, қуриган барглари эслатар, ҳорғин кўзлари чирт юмуқ, нафас олиши деярли сезилмас эди.

Деҳқонлар қўрқинч, ҳаяжон ва чуқур ачиниш билан цяоцзини кузатар эдилар. Бир тўда болалар шовқин-сурон, қий-чув кўтариб, гўё бу чекка қишлоққа дажжол келгандек цяоцзи кетидан югуришарди.

Чунь-бао ҳам болалар орасида эди. У замбил кетидан худди чўчқа қувгандек қичқириб чопар эди. Бироқ цяоцзи уйи томонга бурилиши билан у жойида жим бўлиб қолди ва бўшашиб кетди.

Ҳаммоллар цяоцзини дарвозагача олиб келдилар. Чунь-бао турган жойида қотиб қолди: у узоқроқда столбага суянганича хотиндан кўзини олмасди. Болалар қўрқа-писа замбилни қуршаб томоша қилишарди.

Она цяоцзидан тушди.

Она хиралашган кўзлари олдида уводага ўралиб турган, сочлари пақмайиб кетган, уч йил илгаридагидек ҳали ҳам кичкина ҳолича қолган бола — ўз ўғли эканини пайқамаган эди. Она бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Чунь-бао!

Болалар қўрққанларидан қочиб кетишди, Чунь-бао эса қўрқиб отаси турган уйга лип этиб кириб кетди.

Она қоронғи уйда узоқ сукут қилиб ўтирди. Эри ҳам индамасди.

Қоронғи тушиши билан ҳорғин бошини кўтарди:

— Бирон нарса пиширсанг-чи.

Хотини дик этиб ўрнидан турди-да, бурчакка борди.

— Бочкачада гуруч йўқ-ку — деди ҳорғин овоз билан.

Эри заҳарханда қилди:

— Бойнинг хонадонидида юрганинг дарров билина қолди-я. Бизнинг гуручимиз папирос қутисида бўлади.

Ухлаш олдидан отаси ўғлига қараб:

— Чунь-бао, онангнинг ёнида ухла! — деди.

Бола ўчоқ олдида туриб йиғларди.

Кейин онаси унинг ёнига келиб:

— Чунь-баогинам, жонгинам, азизим! — деди.

Она унинг бошини силамоқчи бўлганда, у ўзини четга тортди.

— Нега қочяпсан, адабингни бериб қўяман, — деди отаси пўписа қилиб.

Она ифлос сўрида бақрайиб ётарди. Чунь-бао унинг ёнида бегонадек ўтирарди.

Онанинг мияси ғовланганидан унинг ёнида тўлагина, чиройли Цю-бао типирчилаётгандек бўлди. У ўғилчасини бағрига босмоқчи бўлиб қўлини чўзди, аммо бу Чунь бао эди


Бола аллақачон ухлаб қолган, уйқусида беҳосдан ағдарилди, онаси уни қаттиқ ачомлаб олди.

Онасининг кўкрагига бош қўйиб, қўллари билан силаётган Чунь-бао аста-секин пишилларди.

Тун ўлим каби сокин ва совуқ эди, унинг поёни бўлмайдигандек туюларди...

1930 йил, 20 январь





А Й У

Қ А Й Т И Ш

ин-Юн-сэнь 1935 йилнинг кузида, кутилмаганда қариндошларидан хат олди. Хатни ўқигандан кейин, беихтиёр ҳам уялди, ҳам ғазабланди. Хотинининг унга нисбатан шунчалик қабиҳлик қилганини кўз олдига келтириши ҳам қийин эди. Ахир улар етти йилгача бир жон-бир тан бўлиб уруш-жанжалсиз яшамаганмидилар. Уларнинг бундай тотув ҳаёт кечираётганларини кўриб, бошқаларнинг ҳаваси келмаганмиди? У уйдан чиқиб кетганидан бери бир йил ўтди. Шу вақт ичида келган хатларнинг ҳар бирида, бувиси хотининг уй ишларига яхши қараяпти, болаларни тарбиялаяпти, деб мақтаб ёзар эди. Ё қариндошлари хотинига тухмат қилишаётганмикин? Йўқ! Оқ қоғозга қора билан ҳақ гап ёзилган, охирига эса бир неча обрўли одил кишилар имзо чекишган. Бунга ишониш нақадар қийин. Унинг хотини шарманда бўлган... Бу воқиа шундай кутилмаган пайтда бўлдики, ақлга сиғмайди. Охири у: қандай бўлмасин ўзим уйга бориб ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўриб ишонишим керак, деган хулосага келди. У кўпдан бери уйга бормайди; байрам кунлари ҳам, Ян-

ги йил кириши олдидан ҳам хотинининг бировлардан илтимос қилиб ёздирган бир печта хати келган эди. Бу хатларда у эрининг 4 — 5 кунга келиб ўзи билан болаларини кўриб кетишини сўраган эди. Нега у ўша вақтларда фақат ўзининг ишлари тўғрисидагина ўйлади? Айб ўзида ҳам борда, нега у бепарволик қилди. Бир куни йўл бошқармаси унга беш-олти кушлик отпускаи берди. У уйига бориб келиш учун тайёрланаётганда ўртоқлари кулишиб: «Хотинингдан ажралолмаслигининг билиб қўйдик,» дейишган эди. Кулги уни иккилантириб қўйган эди. Бир қарорга келганидан кейин бўлса, отпускаи томон бўлиб, автобуси билан пассажирлар станцияда уни кутиб турар эди. Дин-Юн-сэнь ғайрат билан ишлар, ҳеч қачон отпускаи олмас эди. Шунинг учун у стажерликдан малакали шофер даражасига кўтарилди. Энди унинг иш ҳақиси хотини билан болаларини ўз ёнига чақиртириб олиш учун ҳам етиб ортарди. Худди шундай бир пайтда, лаънатлар бўлсинки, қўлига мана шундай қўрқинчли, разил хат келиб тушди. Шундан кейин бир марта машинани ҳайдаб бораётган эди, бутун вужудини ҳаяжон қамраб олиб, ўзини тутолмаганидан машина гандираклаб кетаётган маст кишидек бир томонга бурилиб кетди.

Дин-Юн-сэнь билан бирга У-Труба лақабли ҳазилкаш ва сўзомол шофер ҳам хизмат қиларди. У бирон ерда пайдо бўлдимиз, ҳайқариб ҳамма ёққа жар соларди. Мана ҳозир Дин-Юн-сэньнинг қандай хат олганлигидан беҳабар, унинг хотини уйга чақираётганини пайқаб ўртоғи билан ҳазиллашмоқчи бўлди.

— Кетар экансан-да, чол! Нима ҳам дердик. Борди-ю, хотинининг қорни кўтарилиб қолган бўлса хафа бўлиб юрма! Бу ерда сен бировларга ёрдам бераяпсан, бошқалар ҳам сенинг уйингда ёрдам беришади-да. Қарабсанки, ора очиқ, тўғрими?

Бир вақтлар У-Труба ўзи билан бирга ишлайдиган бир шофер отпускаи кетиш учун отланаётганда ҳам худди шундай ҳазил қилган эди. Унда У бунинг гапларини чин деб билмай, хушчақчақлик билан шундай деган эди:

— Ҳали шошмай тур, мана бораман-у, шунда хотинингга бола-чақа кўпайтиришга ёрдамлашиб юбораман!

— Ҳали, хотинининг ўзи йўғу!, — кулги билан жавоб берган эди у.

Аммо бугун Дин-Юн-сэнь У-Трубанинг ҳазилини эшитди-ю, қовоғини солиб, тескари қаради: Бироқ У-Труба очилиб кетди, энди уни тўхтатишни иложи йўқ эди. У Дин-Юн-сэнга гапни бошқа ёқдан олмоқчи бўлди.

— Тўғриси айтганда ҳеч маҳал хотин кишига ишониш керак эмас. Мана бу Диннинг хотини ҳақида гапириб овора ҳам бўлиб ўтирмайман, унинг уйида ҳамма ишлар жойида... Дин бу ерда нима иш қилиб юрган бўлса, у ерда ҳам худди шунинг ўзи, заррача ҳам фарқ қилмайди.

Охирги сўзлар айтилиши билан ҳамма хохолаб кулиб юборди. Дин-Юн-сэнининг кўзлари қонга тўлди. Мушти билан столни уриб ўшқирди:

— Қани, яна гапириб кўр-чи! Абжағингни чиқариб қўяман.

Лекин У-Туруба бу сўзларни назар-писанд қилмай, хохолаб кулиб юборди.— Мана бунинг кўринглар! Ахир бу чидамаслик эмасми? Бошқалар тўғрисида гапирсанг парвойи фалак, ўзи тўғрисида гап кетадиган бўлса, бир оғиз ҳам гапиртиргани қўймайди.

Шундай қилиб, Дин-Юн-сэнь отпускаи олди: зонтигу, орқасида тугуни уйига жўнади. Қишлоғигача тоғлар оралаб тўрт кундан ортиқроқ йўл юриши керак эди. Бироқ, у анча вақтдан бери пиёда юрмагани учун уйига бешинчи кун кечқурун етиб келди. У эшик олдида болалари: беш яшар Цзинь-бао билан уч яшар Инь-баони кўрди. Улар қўшни болалар билан ўйнаб юришган эди. Уларнинг кийимлари ямоқ бўлса ҳам, тоза эди. Юзлари ювилган, бурунлари артилган. Оналарининг уларга ғамхўрлик билан қараганлиги кўриниб турарди. Бошқа пайтларда бўлганда бу нарса уни анча суюнтирган бўларди, лекин бу сафар болаларига қарагиси ҳам келмай уйга кириб кетди.

Дин-Юн-сэнининг ота-онаси аллақачон вафот топиб кетган, уйда бўлса фақат ота томондан бувиси бўлиб, ёши олтмишдан ошган эди. Хотини билан бирга турадиган ҳам шу бувиси эди. Оила унча катта бўлмаса ҳам, авлодда-авлодга қолиб келаётган бир парча ер тирикчилик учун камлик қиларди. Ўтган йили Дин-Юн-сэнь бир вилоятга шоферликка ўқигани кетган. Шунинг учун бир неча му* ориқ ерни парвариш қилиш ёлғиз хотинининг ўзига қолган бўлиб, жуда оғир ишларга мардикор соларди, холос.

* Му — бир сўтика тўғри келадигин ўлчов бирлиги (таржимон)

Август ойи ўтиб борарди. Барча ҳамқишлоқлар кузги ҳосилни йиғиб-териб олиш тараддусида эдилар. Илгари Дин-Юн-сэнь ётиб юрган ўртадаги хонага бошоқ солинган тўрвалар уйиб ташланган, тўсинларда бўлса жўхори боғлари осиглиқ турарди. Ичкари қўрада она товуқ ҳалигача ўзидан ажралмаган жўжачаларининг уйқусини безовта қилмаслик учун уларни қаноти остига олиб ётарди. Бошқа жўжалар бўлса жиғилдонларини тўлдириб ҳовлида мамнуният билан кеккайиб юришарди. Хуллас буларнинг ҳаммаси уй ичи тинчлигидан дарак берарди.

Ошхонага кираверишда бувиси бир боғ ловияни тозалаб ўтирарди. Кейинги пайтларда анча қариб, кампирнинг қулоғи оғирроқ бўлиб қолган. Дин-Юн-сэнь унинг ёнига келиб бир неча марта чақирганидан кейингина, уни таниб олди. Кампир унга ҳали хотини даладан келмаганлигини айтди. Шундан кейин Дин-Юн-сэнь ўз бошига тушган мусибатдан гап бошлади.

— Менга қара, одамлар айтаётган гап тўғрими? — қаҳру ғазаб билан қаттиқ бақариб сўради кампирдан.

Кампирнинг қўли қалтираб, ловиялари сочилиб кетди. У қўрқиб-қўрқиб маъюс овоз билан деди:

— Уни айблама! Бу ишни мен кампир... кузата олмадим!

Дин-Юн-сэньнинг кўзи тиниб боши гир айланиб кетди ва ерга ўтириб қолди.

Шу пайт каттакон бир боғ сариф ловия кўтарган хотини кириб келди. У қип-қизариб ловияни тош зинага қўйди-да, эрига салом берди. Дин-Юн-сэнь ҳеч қандай жавоб қайтармай нафрат билан бошидан-оёғигача разм солиб чиқди. Унинг қорни Дин-Юн-сэнь ўйлагандек жуда кўтарилган бўлмаса ҳам, бир оз тўлишганлиги сезилиб турарди. Энди ҳаммаси аён, хотини ҳомиладор. Кампир тозаламоқчи бўлган ловияларини оёғи остига тўплаб қўйди-да, Дин-Юн-сэньнинг қўлига ёпишиб, чўчиб луқма ташлади.

— Бўлди энди, жон болам, қўй, бундай қилма! Хотини бошини қуйи солиб, чуқур қайғуда кўз ёшларини зўрға тийиб турганга ўхшарди.

— Ҳа нима қилиб турибсан? — деб қичқирди кампир, — бор ювиниш учун сув тайёрла!

Хотини бирпасда сув тайёрлаб сандиқдан бир вақтлар Дин-Юн-сэнь юборган паҳмоқ сочиқни олди-да, ҳўллади,

кейин сиқиб эрига узатди. Хотининг кўзида ёш милтиллаб турарди. Уни ҳўнграб йиғлашга тайёр эканлигини кўрган Дин-Юн-сэнь совуққина товуш билан:

— Қўйиб кетавер, ўзим ювинаман; — деди.

Хотини қўрқа-писа сочиқни тоғара ичига қўйди. Дин-Юн-сэнь ювиниб бўлганидан кейин, хотини чой олиб келиб кўзини ердан узмай ҳадиксираб пичирлади:

— Бир пиёла ича қолсанг...

— Столга қўйиб кетавер! — унинг гапини чўрт бўлди, Дин-Юн-сэнь.

У айбдор қиёфада оҳистагина ошхонага бориб, овқат тайёрлай бошлади.

Роса ўйнаб қонишган болалар кириб келишди. Оғир вазиятни енгиллаштиришни истаб кампир:

— Оталаринг келди, сенлар бўлсангуйда йўқсанлар, — деди, — қани бориб салом беринглар-чи!

Болалар гапга қулоқ солиб салом беришди. Улар оталарининг ёнига боришдан тортинишиб, столда турган тугун билан деворга суяб қўйилган янги зонтика кўз қирларини ташлаб, дадаларига завқ билан қараб туришарди. Каттаси Цзинь-бао тетик, зеҳнли бола бўлибди: ўқувчининг ўзи, фақат портфель етишмайди. Кичиги думалоқ юзли, ўйноқи қора кўзли семизгина Инь-бао жуда ювош қиз кўринарди. Кампир ловия тозалашни давом этдириб, Дин-Юн-сэнга қаради-да, секингина хўрсинди:

— Болалар жуда ҳам яхши ўсишяпти-да... гапга қулоқ солишади. Бирон киши улардан отанг қаерда деб сўраб қолса борми, дарров «шаҳарда» деб жавоб беришади.

Дин-Юн-сэнь болаларини жуда яхши кўрарди. Биронта қишлоққа кетаётган одамдан кийим-бош ёки пайпоқ бериб юбормаган маҳали бўлмасди. Аммо бу сафар ҳеч нарс олиб келмади. Остонани ҳатлаб ўтди дегунча бошига тушган мусибат Дин-Юн-сэньни қийнай бошлади, шунинг учун ҳам болалар мутлақо эсидан чиқиб кетибди. Энди ҳамма нарсани шахсан ўзи билиб олгандан кейин, гумонлар азоб бермай қўйди. У хотинини уйдан ҳайдаб юборишга қарор қилди. Лекин шу топнинг ўзида болаларга қараб, уларни жуда ҳам яхши кўришини ҳис қилди. «Буларнинг ҳоли қандай бўлади?» деган хаёлга борди-ю, жуда қийналди. У бувисининг ёнида чой ичиб ўтириб фикр юритди: энг яхшиси болаларни ўзи билан шаҳарга олиб кетиш; аммо уларга қараб туриш учун вақт қани, ахир у бутун

қишни тош йўлда машина ҳайдаб ўтказди-ку. Уйда қол-дирсаммикин, бироқ кампир болаларга қарай олмайди-да, йилдан-йилга қариб боряпти, бундан буён кампирнинг ўзини ҳам парвариш қилиб туриш керак бўлади.

Шу пайт Инь-бао бироз дадиллашиб, отасининг тиз-засига ёпишди-да, қўлини унинг европача кўйлагининг тугмачасига олиб борди. Цзинь-бао бўлса, аввал скамей-кага, ундан стол устига чиқиб отаси олиб келган тугун-нинг оқ матасини сийпаб ўтирганини кўриб, Дин-Юн-сэнь ўзидан хафа бўла бошлади. Ахир болаларга ҳеч нарса, арзимаган бир совға ҳам олиб келмади-да. Нега энди ша-ҳарда қариндошларидан хат олган пайтида ўз ғазабига эрк бериб юборди? Ушу даражада ғазабланган эдики, уйдаги бор нарсаларнинг ҳаммасидан, онасининг уйидан олиб келган молу мулклари билан қўшиб хотинидан ҳам, болаларидан ҳам кечиб кетмоқчи бўлган эди. Жуда қизи-шиб кетганлигига эндигина тушуниб етди. Болаларда нима гуноҳ? Ота чўнтагидан икки юан олди-да, зўраки илжайиб, болаларини мулойимлик билан чақирди:

— Манглар, мана сизларга пул, қанд олиб ейсизлар!

Болалар жуда суюниб қоғоз пулларни олишди-да, одатлари бўйича баланд овоз билан чувиллашиб ошхона томонга чопиб кетишди.

— Ма ойи, ол! — дадам берди!

— Қандай яхши болалар-а! — деди, меҳр билан кам-пир, — пул берсанг ўзлари сарфлашмайди — дарров она-ларига олиб бориб беришади! Ширинлик ёки ер ёнғоқ со-тадиган киши келган пайтларда бўлса уларга пул йўқ дедингми — шунини ўзи кифоя... Қўшнимизнинг боласи Сяо-Фуга ўхшашмайди, у жуда шилқим. Ер ёнғоқчининг қораси йўқолиб кетса ҳам йиғлайверади...

Кампирнинг товуши энди титрамасди: у Дин-Юн-сэнь-нинг бир оз бўшашганини кўриб, кўнгли ўрнига тушди. Ошхонадан болалар берган пулни ушлаган ҳолда хотини чиқди. Илгаригидек жуда ҳам ғамгин кўринмасди. Эри-нинг кўзига кўзи тушишидан қўрқиб меҳрибонлик билан кампирга мурожаат қилди:

— Ойижон, гўшт олиб келсаммикан? Пастдаги Люлар-никида бир оз гўшт топилар.

Қайнанаси унинг фикрига қўшилдию, шундай бўлса ҳам луқма ташлади:

— Тепаликлардан ўтишга бир ўзинг қўрқмайсанми?

— Ҳеч нарсa қилмайди, тезроқ юрсам бас; — деди хотин, енгил нафас олиб.

Инь-бао билан Цзинь-бао хушчақчақлик билан қичиришди.

— Мен ҳам, мен ҳам бораман!

— Йўқ, йўқ бормайсизлар, — деди она, — қоронғи тушгандан кейин сизларни ким кўтаради? Ахир менинг қўлимда гўшт бўлади-ку!

— Уйда қолинглар, — деди кампир болаларга, — бу қандай гап, дадаларинг келган бўлса-ю, сизлар кетиб қолсанглар!

Цзинь-бао билан Инь-бао уйда қолишди. Дин-Юн-сэнь хотинининг атайлаб унинг учун гўштга кетаётганини билиб турган бўлса ҳам, ҳеч нарсa демади, бу ғамхўрликнинг таъсир этганини ҳам сездирмай, бепарвогина сигарета чекди. Қутича устидаги чиройли хотин расмни кўрган болалар қизиқиб оталарининг олдига яқинлашишди. Ота илжайиб болалар билан гаплаша кетди.

— Чиройлими? Манглар, олиб ўйнай қолинглар!

Шу заҳотиёқ ўзича: буларга коптокми, мирзадиккакми олиб келсаму, роса суюнишган бўлар эди-я! — деб ўйлади. Келини кетгач, кампир тозалаб бўлган ловиясини нарироққа суриб қўйди-да, чуқур нафас олди.

Яхши хотин, — деди у, — билмадим нима бало бўлди-ю...

Дин-Юн-сэнь кампирнинг нима ҳақда гапираётганини тушуниб хўмрайди. Кампир яна ловия билан овора бўлиб, хафалигини яширган ҳолда, ярим овоз билан гап бошлади:

— Сен ҳам яхши иш қилмадинг. Кетганингча худди бу ерда сени ҳеч ким хаёлига келтирмаётгандек, бутун бир йил ичида лоақал бир марта ҳам келиб кетмадинг!

Дин-Юн-сэнь чекиб бўлган тамакисининг қолдигини ташлаб, жаҳл билан жавоб берди:

— Ўзинг ҳам бориб кўрсанг билардинг, кунимиз ўша ердан ўтиб тургандан кейин, нима ҳам деб бўлади!

Кампир сўзини давом этдиришга журъат қилмай, чўчиб жим бўлиб қолди-да, гўлдиради:

— Ҳа, у ҳам жуда ёш...

Дин-Юн-сэнь ғазаб билан ўрнидан туриб, бақириб сўкинди..

— Бузуқ, бузуқ! Бир йил ҳам чидай олмабди.

Шу пайт у У-Труба ва унинг ўртоқлари билан «чидәлмай» неча мартаба шаҳарларда бузуқларни қидирганлиги эсига тушиб беихтиёр қизариб кетди. Аммо шу заҳотиёқ, агар шу ботқоққа ботириш учун уринган биродарлари бўлмаганда балки чидаши мумкинлигини ўйлади. Лекин хотини... Ахир бу ерда унинг бошини айлантирадиган ярамаслар йўқ-ку. Қишлоқдан боришган кишилар бўлса, ўзини жуда яхши, одобли тутиши ҳақида гапиришган эди. Бундан чиқди у ҳамма ишни яширинча битказар экан-да. Демак, у Дин-Юн-сэндан кўра бузуқроқ. Йўқ, у хотинини кечиролмайди!

Дин-Юн-сэнь бирон марта ҳам хотинига кўз ташламай, индамасдан овқатланди. Деярли, гўштга қўл урмаса ҳам ловияни роҳатланиб еди. Болалари кўпдан бери гўшт ейишмаганга ўхшаб кўринарди. Улар нуқул чўпчаклари билан гўштан тортишарди-ю, бошқаларни татиб ҳам кўришмасди.

— Камроқ енглар, бу дадангларга! — пичирлади она.

Дин-Юн-сэнь хотинига қарамай жаҳл билан деди:

— Мен емайман!

Болаларга осонроқ бўлсин деб у, гўштли товоқни ёнларига суриб қўйди. Кампир болаларига назар ташлади-да, секингина уҳ тортди.

— Ажабланадиган ери йўқ! Гўшт кўришмаганига мана олти ой бўлди.

Дин-Юн-сэнь чўпчак билан товоқни уриб, жаҳл аралаш сўради:

— Ахир мен гўшт билан сабзи-пиёз олиб туришларинг учун пул юбориб турмадимми? У пулларни нима қилдиларинг?

У, кампирга жавоб бераётган бўлса-да, аслида хотинини уришаётган эди. Чунки пул солиб юборган хатларнинг ҳаммаси хотинининг номига ёзилган эди. Хотинлар бу нарсани жуда яхши тушунарди.

Кампир Дин-Юн-сэннинг хотинини айблашидан қўрқиб, дарров сўз қайтарди:

— Биз бир тийинини ҳам бекорга харажат қилганимиз йўқ. Ҳамма нарсадан тежаб, қолган пулга одам ёлладик.

Дин-Юн-сэнь ҳеч қандай жавоб қайтармай, овқатини еяберди. У уялди: ҳақиқатан ҳам у шаҳарда роҳат қилиб юрарди. У-Труба билан бир ойнинг ичида неча марта ичкиликбозлик ҳам қилишган. Дин-Юн-сэнь ҳали овқати-

ни еб бўлмасдан туриб, хотини қўл ювишга сув тайёрлади, кейин чой дамлади. Дин-Юн-сэнь қўлини ювгач, чой ичиш учун уйнинг қоронғи бурчагига бориб ўтирди. У ердан чироғ ёруғида овқатланаётган хотинини равшан кўриб турарди. Хотинининг юзлари офтобдан жигар ранг тусга кирган, баъзи жойлари бўлса қорайган эди. Ҳозир бундан икки йил илгаригидек тўлагина ва чехраси очиқ эмасди. Оғир, сермашаққат иш туфайли озган ва шундай ғамгин эдики, кишининг беихтиёр раҳми келарди. Дин-Юн-сэнь астагина уҳ тортди.

Кўчадан оёқ товуши эшитилди. Қадимдан қолган одат бўйча ҳамма вақт қўни-қўшнилари йироқдан келган ҳамқишлоқларини кўргани келишарди: аммо, бу сафар ҳеч ким келмади. Афтидан ҳаммалари ҳам бу кеча бирон муҳим ҳодиса юз беради, деб ўйлашаётган бўлса керак. Бировларнинг ишига бемаҳал аралашиб бошга бало ордиришнинг нима ҳожати бор! Дин-Юн-сэнь буни тушунарди. Шунинг учун ҳам қариндошлариникига боришга шошилмади. Якка ўзи ҳорғин, деворга суяниб ўтирганича сигарета устига сигарета чекарди. Болалари овқатларини еб бўлишгач, унинг ёнига чопқиллаб келишди. Улар оталарига эркаланишар ва бир-бирини туртиб елпуғич билан унга ёпишаётган пашшаларни ҳайдашарди.

Хотини ошхонада идиш-товоқ ювар, кампир бўлса чирсғ ёнига ўтириб олиб, елпуғич билан оҳистагина елпиди. Кампир ҳам қўшниларининг, набирасига совуқ муносибатда эканликларини сезиб ҳасрат қила бошлади.

— Бу йил хўжалигимиз бир оз дуруст боряпти. Шунинг учун ҳам атрофимиздагиларнинг ҳеч қайсиси кўриша олмай, куйиниб ўляпти... Хотинингнинг қўли қаттиқ — қўшнилари қарзга бирон нарсани олишадиган бўлса қандай қилиб ундириб олишни жуда яхши билади. Бу уларга ёқмайди... Рўзғор тебратишнинг боиси ҳам шу-да, қарз олишга олиб, қайтариб бермаса яхшими, ахир?

Дин-Юн-сэнь уйлари ёнидан ўтиб кетаётган кишининг оёқ товушлари эшитилаётган эшик томонга нафрат билан кўз ташлади-да, жаҳл билан гап қотди:

— Ўзи учун ўзи жавоб берсин!

Кампир Дин-Юн-сэньга ҳадиксировчи назар билан тикилиб жим қолди. У бўлса, тупуриб, худди кампирга қарата гапираётгандек:

— Ўзига-ўзи хўжайин бўлмагандан кейин, ундан нима фойда-ю, қандай қилиб яхши хотин бўла олади? — деди.

Дин-Юн-сэnnинг жаҳли чиққанини пайқаган кампир юпата бошлади:

— Раҳмдилроқ бўлсанг-чи! Отанг билан бобонг жуда кўнгли кенг одамлар эди-ку... Унинг шундай ишчанлиги учун ҳам гуноҳилан ўтсанг арзийди!

— Шу кечириб бўладиган гуноҳми?! — ҳайқирди Дин-Юн-сэнь тиззасига уриб, — ахир шундай қабиҳ бир иш қилаётган бир пайтда уяти қаерда экан? Йўқ, у бузилган! Бундан ортиқ бир нарсa ҳам қилиб бўлмайди!

— Ана энди, бўлмаган гапни гапиряпсан, — шошилиб эътироз билдирди кампир, — агар ҳақиқатан шундақа аёл бўлганида аллақачон бошқа киши билан кетиб қолган бўларди! Шунча ҳақоратлашингни била туриб сени кутиб ўтирармиди?

Шундай бўлса ҳам Дин-Юн-сэнь ўзиникини маъқулларди:

— Бундай сурбет кимга ҳам керак!

— Ундай дема, ахир ўз оёғингга ўзинг болта уряпсан-ку! — деди ўксиниб аччиғланган кампир.

Дин-Юн-сэnnинг юзида тажанглик аломатлари пайдо бўлди ва совуққина илжайиб деди:

— Сизларга фақат валдираш бўлса, хотини эрининг олдига похол солибди деган ном ортдирса, ҳеч қиси йўқ-а!

Кампир алаmidан оз бўлмаса йиғлаб юборгудек бўлиб:

— Сенга нима бўлди, атайлаб... мен билан... уришгани келдингми? — деди ҳаяжонланганидан товуши бўлиниб-бўлиниб.

Дин-Юн-сэнь шундан кейингина гапини бас қилди. У сигаретани роса тортиб бошини қуйи туширди. Инъ-бао отасининг тиззасига ёпишиб мудрай бошлади:

— Ойи, укамнинг уйқуси келяпти! — деб ошхонада майда-чуйда ишлар билан овора бўлиб юрган онасини чақирди Цзинъ-бао.

Кўйлагининг бир четига кўзини артган ҳолда оҳиста қадам ташлаб хотини кириб келди. У идиш-товоқ юваётиб эрининг ҳақоратларини эшитган эди. Унинг кўзи тўла ёш, уввос солиб йиғлаб юборгудек эди.

Дин-Юн-сэнь хотинига нафрат билан кўз ташлаб қўйди. Шу топда унга ҳам раҳми келди, ҳам нафратланди.

Узоқ ўтириб чарчаган кампир Цзинъ-баони ётқизгани кетди. Кетаётиб Дин-Юн-сэнга зорлангандек бўлиб:

— Йўл юриб чарчагансан, эртароқ ётиб ухла, — деди. Дин-Юн-сэнь ўрнидан қўзғалмай бошини қимирлатиб қўя қолди-да, сигарета олиб яна чекди; у ўрта уйда ётишни мўлжаллаб ўтирган эди. Хотини Инь-баони ётқизиб ошхонани йиғиштирди. Кўча эшикни ёпиб, паррандаларни қамади-да, ўрта уйга кирди. Эрини бориб ётгин дейишга ботина олмай бир оз турди, чироғнинг пилигини кўтарди, кейин ғам ва ваҳима билан уйга кириб кетди. Дин-Юн-сэнь уни бутунлай йўқдек ҳис қилиб, ҳатто қиё ҳам боқмай кўзини юмиб олган ҳолда сигаретани чекарди. Ғиж-ғиж пашшалар аямай чақишар, Дин-Юн-сэньнинг бўлса уларни ҳайдашдан қўли бўшамас эди. Унинг ҳали ҳам елпуғич билан елпинаётганини сезиб турган бувиси қичқирди:

— Бориб ухласанг-чи! Пашшага таланиб... нима қилиб ўтирибсан?

Уйдан хотини чиқиб титроқ товуш билан ялиниб, шивирлади:

— Отаси, йўл юриб чарчаб келгансан, бориб ухласанг бўларди. Мен бўлсам бир кечани ўтириб ҳам ўтказа оламан.

Бу илтимос Дин-Юн-сэньнинг кўнглини бир оз бўлса ҳам юмшатмади. У жаҳл билан ўйлади: «Бу нимаси, аҳмоқ бўлиб пашшаларга ем бўлиб ўтираманми?... Ахир кровать ўзимники-ку», шундан кейин елпуғич, сигарета ва кийимларини олиб ётадиган уйга кириб кетди. Хотини уйни ёритиш учун дарров чироғни олиб тутди.

Кроватга дағал бўлса ҳам тоза матадан пашшахона тутилган эди. Кўринишдан ҳозиргина тозалаб артилган чироғ турадиган стол устидаги нарсалар жой-жойида, у ерда турган кичик-кичик шишачалар, қутичалар ва пардоз буюмлари кўзни қамаштирарди. Дин-Юн-сэнь ўтириб аста-секин ечина бошлади. Тер ҳиди димоғига уриб, оёғимни ювсам яхши бўларди-да, деб ўйлаган эди ҳамки, хотини ошхонадан жом билан сув олиб келди. Оёғини ювиб жомнинг бир четига қўйишга улгурмаган ҳам эдики, қўлида қуруқ сочиқ пайдо бўлди. Бу албатта, шаҳарда бир йилдан бери ҳар куни ўз ғамини ўзи еганидан кўра минг марта афзалроқ эди. Унинг йўлдан қайтиб келиб, ўзи сув иситган, сочиқ қидирган вақтлари ҳам бўлган. Жомни ҳам қидира-қидира топишга тўғри келган пайтлари ҳам бўлган. Баъзи вақтларда нима қиларини билмай, бет-қўлини ювадиган жомида оёғини ювишга ҳам тўғри келарди.

Дин-Юн-сэнь оёғини яхшилаб артди-да, сунин тўғиб тоғарани бир четга олиб қўйини учун ҳам уринмай, хотинини ҳам қарамасдан сочиқни отиб юборди. Кейин пашшахонани очиб кроватга чиқди. Ўрин-кўридан дерази тор дини келмасди. Эҳтимол, уни тез-тез алмаштириб турингандир. Бироқ Дин-Юн-сэнь ўрнига ётиб олган, бўлмағур хаёллари борди: «Бу ерда бошқа одам ётган, ётган!» Бу бемишан фикр уни ғазабга келтирди. У ҳеч ухлай олмади. Унинг «бундай қабихликни нима учун қилдинг!» деб сўрагиси келарди. Агар хотини жавоб бермаса, бошлаб дўшмаслайди.

Дин-Юн-сэнь пашшахонани очиб қараса: хотини жомини олиб чиқиб кетибди. Керак бўлса ўзи келсин, деб чақиргиси келмади. Пашшалардан сақлашнинг учун яна пашшахонани туширди-да, хотинини кутди. У ўзоқ вақтгама келмади. Хотин эрининг ёнида ўтиришга қўрқарди, бундан таниқари ошхонада бет-қўлини ювиб олгиси ҳам келаётган эди. Дин-Юн-сэнь хотинини кута-кута чарчаб ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмади. Кечаси ярим кечада кўзини очиб қараса: чироғ ҳали ҳам ёқилғилғича турибди. Хотини ухлаб ётган Инь-баонинг ёнида ўтирарди. Дин-Юн-сэнь кўкрагидаги, юзидаги терларни артди. Пашшахонанинг ичи жула иссиқ эди. Хотини елпуғич билан эрини оҳистагина елпиб ўтирарди. Бу унга ёқимлироқ туюлди-ю, аммо шу заҳотиёқ уйқуга кетмасдан илгариги хаёллар яна янги куч билан қамраб олди. Хотинининг меҳрибончилиги уни юмшатиш ўрнига бадтарроқ ғазаблантирди.

— Бас,— қичқирди у,— йўқол бу ердан.

Хотини кетмади, ўзини тута олмай ўкраб йиғлаб, ғамгин товуш билан деди:

— Суянган тоғим, бундай қўрқинчли сўзларни гапирма!.. Қора ишларингни қилиб, болаларингга қараб юришга рухсат бер!

— Сени қара-я, қора иш қилиб, болаларга қараш эмиш!

Дин-Юн-сэнь жиркангандек мийиғида кулиб, пишқирди. Кейин у хотини томонга кўрсатгич бармоғини ўқталди:

— Уятсиз ҳайвон, агар сен мен билан болаларинг ҳақида бир оз ўйлаганингда, бундай қабихликни қилмаган бўлардинг!

Хотини яна бадтарроқ ҳўнграб, йиғи аралаш деди:

— Суянган тоғим, сўзимга ишон. Бировларнинг гапларига қулоқ солма... Улар сенинг бахти қора хотинингга тухмат қилишяпти!

— Ўтган ишни қайтариб бўлмайди, тухмат қилишяпти эмиш! — Қаттиқ товуш билан сўкинди Дин-Юн-сэнь қўллариини мушт қилган ҳолда хотинининг қорнига кўз ташлаб,— Уятсиз, ифлос! Қорнингдагичи, қорнингдаги нима? Қани гапир тезроқ, бўлмаса ҳозир нафасингни чиқармай қўяман! — Уни ҳозир мушт тушириб қолишидан қўрққан хотини титроқ товуш билан гап бошлади:

— Урма, паноҳим. Аввал гапларимга қулоқ сол. Кейинги вақтларда келишингни кутиб, сенга дардимни айтиш учун яшаб юрибман холос.

У шундай ночор аҳволда қолганлигидан ҳеч гап айтолмай, фақатгина ҳўнграб йиғларди. Дин-Юн-сэнь бунга парво қилмай елпуғичини олиб елпина бошлади. Хотини анча вақтгача индамади. Охири Дин-Юн-сэнь ўшқирди:

— Инг... инг... инг... йиғлоқи ит. Қани бирон айтадиган гапинг бўлса, гапир!

Хотини кўз ёшини енгига артгач, ҳўнграшдан ўзини зўрға ушлаб, яна гапира бошлади:

— Айб мутлақо менда эмас... Ҳаммаси ҳам қип-қизил тухмат! Анави яшшамагур Шуй-Цюань... бой ва танилган кишиларнинг авлоди-да... Мен ерёнфоқ экилган жой — эгри дарада ўт юлаётган эдим. У бўлса тоғда ов қилиб юрган экан... Қарасаки, атрофда ҳеч ким йўқ. Яқин орада уй-пуй йўқ, ёмон ўйга борибди-ю, номусимни булғади.

У ўзини тута олмай яна ҳўнграб юборди.

— Ўша разил-а! Унинг тўғрисида ўйлашнинг ўзи бир ўлим-а—ғазаб билан сўкинди Дин-Юн-сэнь ва ҳаяжон билан хотинига деди:

— Борди-ю, сен айтгандай бўлса, ахир нега, одамлар орасида бадномлигинг тўғрисида гап тарқалмагунча оғзингга талқон солингандек жим юравердинг?

Хотини уқубатларини ичига ютишга ҳаракат қилиб жавоб берди:

— Қўрқдим! Ҳали сен у яшамагур аблаҳни билмайсан менга милтиқ ўқталди. Агар ғинг деганимда отиб ташларди!.. Мен-ку, майли — ўларман-кетарман, болаларни қандай ташлаб кетиб бўлади...

Шундан кейин у яна уввос солиб йиғлади. Дин-Юн-сэнь бир неча дақиқагача унга қараб турди, кейин ғазабини тийишга уриниб деди:

— Аҳмоқлигинг шу-да! Нимадан қўрқасан!.. Қишлоқ тўла қариндош бўлса, нега уикоят қилмадинг?

Хотини оғир хўрсинди.

Улар мен билан яхши алоқада бўлишганда ҳаммаларига айтган бўлардим, лекин ҳаммалари ҳам менга ёмонликни раво кўришади. Унинг кўзлари яна ёш билан тўлди.

Дин-Юн-сэнь ҳаяжон билан сўради:

— Эси паст, бу тўғрида нега менга хат ёзмадинг?

— Ахир саводсиз бўлсам, — кўзини артар экан, жавоб берди хотин. — хат ёздириш ёки ўқитиш учун бирон кишига илтимос қилишим керак бўларди. Наҳотки тушунмасанг? Шу ҳақда бир кишига хат ёздириш осонми? Лоақал бувимга ҳам шикоят қилганим йўқ.

Шу пайт Дин-Юн-сэнь бундан уч-тўрт ой муқаддам уйдан кетма-кет бир нечта хат олганини эслади. Хотини ундан келиб болаларини кўргач, бошқа бир қанча уй ишларини ҳам тартибга солиб кетишини сўраган эди. Ўша вақтда у бирон арзимас иш юзасидан чақиртиришаётгандир, деган хаёл билан келмаган эди. Оҳ, нима ҳодиса рўй берганини билганида эди, ҳар қандай муҳим ишларини ҳам ташлаб, бир зумда етиб келган бўларди. Чуқур нафас олиб, хафа ҳолда хотинидан сўради:

— У аблаҳ ҳозир қаерда?

Хотини ташвиш билан жавоб берди:

— Кечикдинг. У муттаҳам бундан ярим ой илгари бу ердан кетиб қолган. Қариндошлари уни ҳайдаб юборишган дейишяпти. Лекин бу тўғри эмас, у армиядан қочиб, яшириниб юрибди.

Дин-Юн-сэнь кроватга мушт билан уриб, тишлариниғижирлатди-да:

а — Бир куни қўлимга тушар-ку! — деди.

Чироғ лип-лип этиб, пириллаб ўча бошлади. Хотини енг учи билан кўзини артди-да, чироғнинг пилигини чиқариш учун кроватдан тушди ва эрига қараб:

— Чой ичарсан-а? — деб сўради-ю, жавоб ҳам кутмай ошхонани ёритиш учун сув ўтмайдиган қоғоздан пиликча ясаб олди-да, у ердан чой олиб келди. Стаканни тўлдириб эрига узатди. Дин-Юн-сэнь ҳўплаб-ҳўплаб ичди-да, стаканни қайта-раётиб, паст товуш билан буюрди:

— Яна қуйиб бер!

Дин-Юн-сэнь чойни қониб ичгандан кейин яна ётди. Хотини унинг стаканида чой ичгач, кроватга чиқди-ю, лекин ётмай, эрининг оёқ томонига ўтирган ҳолда уни ҳам, ўзини ҳам енгилгина елпиб, Дин-Юн-сэнга кўз тикиб

ўтирди. Кўзи юмуқ ётган Дин-Юн-сэнь кўзини очиб, бундай қараса хотини ҳали ҳам унга тикилиб ўтирибди. Шунда у уйқусирагандек деди:

— Ёта қол энди, эрта билан барвақт туриб нонушта тайёрлайсан...

Бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери эшитилмаган бу товуш қандай яқин ва меҳрибон! У эрининг ёнига ётиб қўлини ушлади-да, фигон билан деди:

— Оҳ, бу туш эмасмикан?

Дин-Юн-сэнь хотинини қучоқлади ва унинг қайғусини тарқатишни истаб, бир оз ўзига тортди. Бироқ, қизиган темирга тегиб кетгандек, шу дамдаёқ қўлини тортиб олди. Хотини у ўйлагандан кўра тўлароқ бўлиб туюлди ва беихтиёр унинг қорнига кўз ташлади.

Хотин ҳаммасини сизди. Эрининг қўлини ушлаб турган бармоқлари секин-аста ёзилди-да, яна овоз чиқармай йиғлай бошлади. Бир неча минут вақт ўтди.

Охири Дин-Юн-сэнь тутоқиб деди:

— Эй, йиғлоқи аҳмоқ, эрта билан дори топиб, уни тушириб юбориш керак!

Эртасига у Шуй Юань тоғаникига қараб йўл олди. Қариндошлари юборган хатларда тоғанинг имзоси биринчи бўлиб турарди. Шуй Юань қачонлардир Шицзинь билан Шуцзинларни ўқиб чиққани ва қариб қолганлиги туфайли қишлоқда катта ҳурматга сазовор эди. У, Дин-Юн-сэньни хафа кўринишда кутиб олди-ю, дам ўтмай ўзини-ўзи койиб гап бошлади.

— Ҳаммаси ҳам... менинг йилдан-йилга... қариб қолаётганлигим туфайли... Қишлоғимизда... шундай ишлар ўтиб, беҳабар қолибман! Фалокатни... юз, бермасдан илгари... олдини ололмадим. Балки у ерда... сенинг ҳам юрагинг сиқилгандир! Фақат... хотинлардек паст одамларга... гап тушунтириш қийинлиги ҳам чин. Шундай ҳодисалар ҳам... бўлганки... донишмандлар ҳам хотинларини ҳайдаб юборишган.

Дин-Юн-сэнь бу ўқимишли кишининг сўзларини тинглаб маъносини ярим-ёрти англаган бўлса ҳам, тоғаси хатда ёзилган гапларни қайтараётганлигини фаҳмлади: демак, ҳаммаси ҳам ўз авлодига иснод келтирган хотинини ҳайдаб юборишини ишталади. У, кечаси хотини айтган гапларнинг ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берди. Ахир ҳамма айб эркакда эканлигини ўқимишли киши тушуниши керак-да.

Шуй Юань тоға соқолини силаб ўтирган ҳолда унинг ҳамма гапларига қулоқ солди, сўнг бошини чайқатиб жилмайди-да, сўз қотди:

— Балки... шундай... ҳамдир. Лекин... сен унинг гапларига... кўпроқ қулоқ сол!

Чол бир дақиқа тўхтади-да, яна бошини чайқаб жиддий давом этди:

— Кўпроқ қулоқ сол! Сўзини эшит... аммо... қилмишига инон... айёрликда... тенги йўқ!..

Дин-Юн-сэнь илгаригидек ўқимишли кишининг гапларини яхши тушунмаса ҳам, унинг юзида бўлган аломатлар ва товущининг оҳангидан, бу чол хотинининг гапларига ҳеч ҳам ишонмас экан, деган хулосага кела олди. У яна бир оз ўтирди-да, сўнг хайрлашди. Кўчада у она товук билан жўжаларини ҳовлисига ҳайдаб кираётган Лю холани учратиб қолди. У Дин-Юн-сэньни кўрганидан кейин хушчақчақлик билан сўрашиб, уйига таклиф қилди:

— Вой-бўй, роса семирибсан-ку! — деди хола ажабланиб.

Улар уйга киришди. Хола жой кўрсатиб, чой тутди, кейин ўзини бир оз хафа бўлгандек кўрсатиб:

— Киши деган ҳам шунақа бўладими! Икки йилдан бери келиб кетай демайсан-а! — деди.

У, ич-ичидан ачингандек бир хўрсиниб қўйди. Дин-Юн-сэньни диққат билан кузата бошлади, сўнг қизиқиб секингина сўради:

— Нима бўлди, кеча кечаси уришдиларингми?

У «хотинингни роса дўппасладингми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, бу саволнинг ноўрин эканлигини сезиб индамай қўя қолди.

— Уришмай бўладими? — тумшайиб истар-истамас жавоб берди Дин-Юн-сэнь.

Лю хола унга ажабланиб қаради-да: «Нега шунчалик раҳмдилсан, нега таъзирини бермадинг?» деб сўрагандек, бир минутча жим турди. Кейин юпатган киши бўлиб деди:

— Хафа бўлма... Ҳаммаси ҳам кейинги икки йил ичида оилангизнинг омади кетганлигидан келиб чиқди. Илгари сен кишиларга жуда ҳам раҳмдил эдинг. Раҳмдиллик ҳам дуруст иш: бировларга ўхшаб урадиган бўлсанг кунингни кўрардинг, одам ўлдирганинг учун жавобгар бўласан! Аччиқлаишнинг ҳожати йўқ, яхшиси секингина битта

замбил* олгин-да, онасиникига жўнатиб юбор, иш тамом, вассалом!

Дин-Юн-сэнь хўмрайганча иккиланиб, бир оз жим тургач сўради:

— Лю хола, сен виждонли одамсан-ку, гапириб берсанг-чи, бу ишлар қандай қилиб юз берди?

Таажубланган Лю холанинг ранги оқариб кетди ва таъна билан унга деди:

— Нима, ҳали ҳам тушуна олмадингми? Бу икки ярамас виждонларини йўқотганлар, вассалом!

Дин-Юн-сэнь бу ерда ҳам ўзини тутолмай холасига кечаси хотинидан эшитганларни гапириб берди. Ишонтириш учун ўз сўзининг охирида:

— У сўзлаб бераётган вақтида шундай кўз ёши тўкдики, ... жуда қийин аҳволда эканлиги кўриниб турарди... Мен бундай йиғини биринчи марта кўришим... — деб қўшиб қўйди.

Лю хола бошини тебратган ҳолда, хўрсиниб жавоб берди:

— Эҳе, сен кишиларга нисбатан ҳаддан ортиқ марҳаматли экансан. Худо ҳақи ноҳақсан!

Яна бир оз суҳбатлашгач, Дин-Юн-сэнь кетиб қолди. У кўчада гангиб бораркан, тўсатдан кимдир орқасидан келиб елкасига бир урди-да, гинахонлик қилди:

— Ўзи тинчликми? Чақирсам — ғиқ этмайсан, уйнинг олдидан ўтиб кетяпсан-ку, кирай ҳам демайсан!

Бу бобосининг укаси Му-шэн бўлиб, тўғри ва очиқ феълли киши эди. У ғийбат қилишни яхши кўрар ва ҳамма вақт бировларнинг ишларига тумшуғини суқаверар эди. Ўша бахтсиз хатнинг энг охирига у имзо чеккан эди. Му-шэн Дин-Юн-сэнни уйига олиб кирди-да, ҳиринглаб гапира кетди:

— Сен буни ўйламай қўя қол! Шунга ҳам ташвишланиб ўтирибсанми. Ахир хотин деган — бу бир жом сувни тўкиб юбориб, ўрнига бошқасини олиб келдинг деган гап!

Дин-Юн-сэнь бу чолни ҳамма вақт ҳурмат қиларди, шунинг учун ҳам ҳозир гангиб қолиб шикоят қилди:

— Бу ишнинг натижасини кўз олдимга келтира олмаяпман. Уни зўрлашганга ўхшайди.

* з а м б и л — Хитойларнинг расмларига кўра онага шомус келтирган хотинларни махсус кажавали замбилга солиб, ўз уйига олиб бориб ташлайдилар. (таржимон).

Му-шэн айёрларча кулди.

— Зўрлашган? Ахир у уч яшар қиз эмас-ку. Ақлга ҳам тўғри келмайди. Агар чиндан ҳам уни биров зўрлаган бўлганда, ўша замон шовқин соларди. Сен ҳам ҳар қандай бўлмағур гапларга ишонаверадиған лақмага ўхшайсан-ку!

Шунда Дин-Юн-сэнь лаби лабига тегмай хотинининг нега дод солмаганини тушунтириб берди. Му-шэн унинг гапларини тинглаб бўлгач, заҳархандалик билан илжайди-да, уйига кириб келган хотинига деди:

— Мана бу гапни эшит, ҳамма қариндошлари бунинг хотини билан ёмон муомалада эмиш!

Му-шэннинг хотини ачинган бўлиб жавоб берди:

— Бу ишни бегоналарга тўнкаб бўлмайди-ку! Агар қорни дўппаймаганда, бўйнига олмасди ҳам.

Бир оз жим қолишгач, Му-шэн айёрларча кулиб сўради:

— Сен ўша ерёнғоқ экилган ердагина бўлган деб ўйлайсанми?

— Ҳа, наҳотки уйда ҳам бўлган бўлса? — Қизариб, дудуқланиб хитоб қилди Дин-Юн-сэнь.

Хотини томонга ўгирилиб, заҳархандалик билан:

— Сен бориб одамлардан сўраб кўр-чи, улар нима дейишар экан! — деди Му-шэн.

— Бўлди, энди, эвида-да! Уни юпатиш ўрнига бадтарроқ жаҳлини чиқаряпсан — деди чидай олмаган хотини Му-шэндан хафа бўлиб.

— Бекор айтибсан, ишонмаса нима қиласан? — қаршилиқ кўрсатди Му-шэн.

Дин-Юн-сэнь қизариб кетди, суҳбатни ҳам давом этдирмай уйига жўнади. Хотини ошхонага кираверишда унинг бугун ечган кийимларини юваётган эди. Болалари эса бурдой пояси билан совун кўпигидан пуфлаб пуфакчалар учираётган эдилар: пуфакчалар бирин-кетин томгача чиқиб, ўша ерда ёрилар, болалар бўлса, хурсандликлари ичларига сиғмай қичқиришарди. Бувиси даҳлизда тушки овқат учун ловия тозалаётган эди. Кўринишдан, болалар қувончи ундаги севинч ҳисларни уйғотган эди: унинг чехрасида ширин табассум ўйнар эди. Оталарининг қайтиб келганини кўрган болалар бир-бирларига гал бермай кечагидан ҳам мулойимроқ салом беришди. Инъ-бао соатнинг занжиридан кўзини узгуси келмасди — у ҳали занжирни қониб ўйнаб бўлмаган эди. Хотини жимгина кир юварди.

Эрим ҳар кимлардан ҳар хил гаплар эшитиб, феъли бузилиб келса керак деб унинг кўнгли ғаш эди. Шунинг учун ҳам Дин-Юн-сэнь кириб келиши билан, бошини кўтариб унга қаради. Ҳамма иш худди ўзи ўйлагандек бўлиб чиқди: унинг чехрасидан ғазабланганлиги кўриниб турарди. Унинг юраги шув этиб, бошини қуйи солганича, эрига қарашга журъат этолмай турди.

Дин-Юн-сэнь болалари билан иши ҳам бўлмай индамасдан ичкарига кириб кетди. У кроватга ётди-ю, лекин яна туриб уйнинг у ёғидан-бу ёғига юрди, яна ётди. Кейин туриб сигарета чекди. Секин-аста ўзини босиб олди. Хотини кир ювиб бўлиб, уй эшиги олдига келди, бироқ киришга журъат этолмай мўралаб бўлса-да, унинг нима қилаётганини кўрмоқчи бўлган эди, Дин-Юн-сэнь уни кўриб қолиб ичкарига чақирди. Ваҳима билан эрига тикилган ҳолда лом-мим демай уйга кирди. Дин-Юн-сэнь ғазабини босишга ҳаракат қилиб, сўради:

— Мен бир нарсани билмоқчиман, ўша воқиядан кейин у аблаҳ яна бу ерга келдими?

— Келди... — маъюс овоз билан жавоб берди хотини.

Эрининг бўйинларигача қизариб, ўзини тутолмай бақирди:

— Нега келди?

Ваҳимадан юзлари буришиб кетган хотини лабини аранг ҳаракатга келтирди:

— Бувим билан... карта ўйнаш учун келган эди.

Дин-Юн-сэнь ғазаб билан унга яқинлашди.

— Сен... сен ҳам ўйнадингми у билан?

Хотини орқасига тисланди-да, бутун кучини тўплаб жавоб қайтарди:

— Йўқ... Ишонмасанг бувимдан сўра.

Дин-Юн-сэнь лабини тишлаб бир оз жим тургач, қўполлик билан яна сўради:

— Нега ҳайдаб юбормадинг?

— Қўрқдим! — кўз ёши билан жавоб берди у.

— Нега? Сени урармиди?

— Қўрқдим... Ҳаммасини айтиб беради деб қўрқдим. У, энтика-энтика ҳўнграб йиғлаб юборди.

Кичкина оёқлари билан ётоқ уйнинг эшигига каловлаб етиб келган кампир, Дин-Юн-сэнга ваҳима билан қарагандан сўнг гапга тушди.

— Менга қара... бўлди энди... — Унинг лаблари титрарди.

Дин-Юн-сэнь қулоқ солмай гапини бўлди.

— Ойижон, у аблаҳ Шуй-Цюанга нега бу ерда карта ўйнашга рухсат бердинг?

Кампир дудуқланиб жавоб қайтарди:

— Ҳаммасига мен қари кампир... айбдорман... Ҳеч нарсадан... хабарим йўқ эди. Унинг на уяти... на виждони... борлигини...

Гапини тугатмаган ҳам эдики, Дин-Юн-сэнь бақира бошлади:

— Қачон биладиган бўласан?

Кампир ғазабини зўрға босиб сўради:

— Сенингча ким айбдор — мэнми, уми? Мен билан шундай муомала қилгани уялмайсанми?

Дин-Юн-сэнь ҳеч қандай жавоб қайтармай, кўзини бошқа томонга қаратди. Бир оз вақт ўтгач у яна сўради, бироқ бу сафар мулойимроқ эди:

— Онажон, жавоб бер-чи, бу — қўли билан хотинини кўрсатди,— уйда ҳам шу шармандаликни қилдими? Қолгани менга барибир.

Кампир яна тишсиз оғзи билан ямланди.

— Ҳаммасига мен қари кампир айбдорман... кўзим, қулоғим... кўрмайди, эшитмайди... агар одамлар гап қилишмаганда...

Кампир гапини тугатмасданоқ Дин-Юн-сэнь хотинининг ёқасидан ушлаб олди-да ғазаб билан пичирлади:

— Аблаҳ! Ҳали сен онамни ҳам алдабсан-да!..

Хотини ҳеч бир нарса демаса-да, ич-ичидан ўксиниб йиғларди. Охири чидай олмай ҳўнграб юборди.

Дин-Юн-сэнь жаҳл билан мушт кўтариб унга ҳамла қилди:

— Қани, гапир, гапирсанг-чи!.. Гапирмасанг уриб ўлдираман! Аблаҳ, сендан ҳақ гап эшитиш ҳам мушкул!

Хотини йиғи аралаш жавоб берди:

— Кеча кечаси ҳамма гапни гапириб бўлганман...

— Агар қорнингдаги бўлмаганда мени ҳам алдаган бўлардинг. Ғазоби қайнаб кетган Дин-Юн-сэнь беихтиёр хотинининг қорнига тепди. Ерга йиқилган хотини оғриққа чидай олмай чинқириб юборди. Кампир ҳаяжон билан уларнинг ёнига югуриб келди-да, хотинини яна бир марта тепмоқчи бўлиб турган Дин-Юн-сэnnи итариб юбориб фарёд кўтарди.

— Ўлдир мени... энди барибир... ўлдир... барибир.

Шу пайтдагина Дин-Юн-сэнининг эс-хуши жойига келиб елпуғични олди-да, бошыланг ҳолича тез кўчага чиқди. У тўғри тоғ этагига борди. У ердаги ўрмонда ҳеч кимса йўқ эди. Ҳеч ким ўт ҳам ўрмас, дарахт ҳам кесмасди. Қуёш деярли тиккага келиб қолган. У ўз ҳарорати билан далаларни куйдираётгандай эди. Аммо узоқлардан елиб келадиган майин шамолни қамраб турадиган қуюқ барглار туфайли, бу ер жуда хушманзара ва салқин эди. Дин-Юн-сэнь каттакон қарағай дарахтиниинг танасига суяниб ўтирди-да, узоқ-узоқларга тикилди. Тип-тиниқ зангори осмонда бир парча ҳам булут йўқ, унда фақатгина иккита тоғ бургути ялқовлик билан учиб юрарди. Дин-Юн-сэнь секин-аста жаҳлдан тушиб, тамаки чекди-да, пастга назар ташлади. Пастдаги водий кўм-кўк; қуёш нурлари тушиб турган анҳор суви ойнадек жилваланади. Унинг икки четида барглари ерга солиб қўйилган кўм-кўк гиламдек ерёнғоқ ва ширин картошкалар ўсиб ётарди. Бу шахсан ўзининг ери, эри дара эди. Шаҳардалиқ вақтида уйда ишлайдиган эркак бўлмаганлиги туфайли бу ерлар қуруқ ҳувиллаб қолади деб ўйлаган эди. Аксинча, хотинининг жонкуярлиги туфайли бу ерда экинлар кўкарган ва гуллаган. Ажабо! Худди шу ернинг ўзида уни бегона бир киши таҳқирласин. Ерёнғоқ ўсиб ётган жойга қараркан, кўз олдига калта кўк кўйлак ва похол шляпада юрган хотини келди. Ана, у чўққайиб ўтириб ўт юлмоқда. Атрофда ҳеч ким йўқ, фақат қарағайзорда, балки ҳозир худди ўзи ўтирган дарахтнинг тагида унинг ҳамқишлоқ биродари ҳазилкаш ва шўх овчи турган. Қўлида милтиғи бўлса ҳам дарахтлардан қуш, ўтлоқдан ёввойи қуёнлар ахтараётгани йўқ. Унинг диққати у томонга — ерёнғоқ экилган жойдаги ёлғиз ишлаётган хотинига қаратилган. У, хотинининг ёнига яқинлашиб, тегишади, уят гаплар айтади ва охири ов милтиғи билан қўрқитади. Ҳазаб Дин-Юн-сэнининг томоғини бўғди, ва қўлини мушт қилганича ирғиб ўрнидан турди. Бироқ, пайкал тинч эди; на одам бор, на қушлар. У яна ўтириб хотинининг қандай аянчли аҳволда қолганини ўйлай бошлади. У ўзидан ўпкалашга тутинди, уни нега урди ахир? Унинг бошқа жойларда шўхлиқ қилиб юрганини хотини биларди. Бу тўғрида шаҳарга келган ҳамқишлоқлари гапириб беришган эди. Шундай бўлса ҳам уйдан кишилар орқали бериб юборилган хатларнинг биронтасида ҳам бу тўғрида бир оғиз гап дейилмаган эди.

Ҳар бир сатрда унга нисбатан ғамхўрлик нафаси сезиларди. У эридан саломатлигини сақлашни сўрарди. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда, хотинига нисбатан жуда ҳам тошжораклик қилмадимикан? У, жувонлар билан гапиришиб юрган вақтларида хотини лом-мим демади-ку; энди унга бўҳтон ёғдираётганларида эса, у ҳақоратлади, урди. Дин-Юн-сэнь шуларни ўйларкан қип-қизариб кетди. Кейин У-Трубанинг гапини эслади: «Сен бир чекада одамларга туғиш учун ёрдам берасан, бошқалар бўлса сенинг уйингда туғиш учун ёрдамлашишади. Дунё мана шундақа дунё экан». Балки бу қасосдир? Бошқа ерда гангиб юриб ўз хотинини шарманда қилиб қўйгунларича қараб туриш, инсофдан эмас.

Шундан кейин у яна хотинининг оғир аҳволи ҳақида ўйлай бошлади.

Дин-Юн-сэнь секин-секин қадам ташлаб уйига йўл олган пайтда қуёш ғарбга қараб оғган эди. Эшик олдида турган болалар кўрқа-писа назар ташлашарди. Кўринишдан ичкарига кирмоқчи бўлишарди-ю, лекин уларни ҳайдашаётган эди. Бахтсиз ҳодиса рўй берганини пайқаб, Дин-Юн-сэнининг юраги тез-тез ура бошлади. Болаларни икки четга итариб, ичкарига югурди. Кичкина Инъ-бао даҳлизда жон-жаҳди билан йиғласа-да, унга ҳеч ким қайрилиб қарамасди. Хотинининг уйидан кўз ёшларини артиб бувиси чиқди: «Шубҳасиз» — ўйлади Дин-Юн-сэнь ва устидан бир челақ муздек сув қуйиб юборгандек, ҳаяжондан юраги чўчиб кетиб ваҳима билан сўради:

— Унга нима бўлди?

Кампир унга хафалик билан қаради-да, ҳеч қандай жавоб бермай «Бориб ўзинг кўра қол» дегандек бармоғи билан уйнинг ичига ишора қилди. У шошилганча хотинининг ёнига бориб, пашшахонани очди. Хотини то энгагигача кўрпага ўралган ҳолда кроватда ётарди. Заррача қони қолмаган, сап-сарик юзигина кўриниб турарди, холос. Кўзи юмуқ эди. Эй, худойим, тепкисининг зарби шунчалик оғир бўлишини ким хаёлига келтирибди, дейсиз?! Дин-Юн-сэнининг кўзи ғам ва алам ёшлари билан тўлди. Хотинининг иситмаси баланд. У ҳушсиз ётарди. Лекин ёнида кимдир турганини пайқаб, кўзини очди. Суюнган ва шу билан бир вақтда кўрқиб кетган Дин-Юн-сэнь дарҳол сўради:

— Сенга нима қилди?.. Қасал бўлиб қолдингми?

Бу сўзларнинг маъноси унга бориб етмаган бўлса ҳам, шу турган киши ўзининг эри эканлигини билди ва шу заҳотиёқ чехрасида ваҳима ва ҳаяжон аломатлари пайдо бўлди.

Дин-Юн-сэнь кровать ёнига ўтирди-да, пешонасини силаб, мулойимлик билан сўз қотди:

— Хотиржам бўл, тинчлан...

Уйга чехрасида ташвиш аломати сезилиб турган кампир кириб келди. Набирасининг хотини билан ярашганини кўргач, ўпкалаб пичирлади:

— Жон ўғлим, нега бунчалик қаҳрлисан-а?.. Нега шунчалик қаттиқ тепдинг?..

Кейин уҳ тортиб қўшиб қўйди:

— Қорнидаги яшамагур тушди, бу майли-я, жуда кўп қон кетгани ёмон бўлди.

Дин-Юн-сэнь унинг гапини охиригача эшитмай, ҳаяжон билан деди:

— Қишлоққа бориб врач олиб келиш керак.

У зонтсиз, бошяланг чопганича уйдан чиқиб кетди.

Дин-Юн-сэнь хотини касал бўлиб қолганидан бери ўтган вақт ичида, бўлиб ўтган воқиа ҳақида ҳеч гап очмади. Тезроқ тузалсин деб яхши парвариш қилиб турди. Аммо хотини тузалишдан умид узган эди. Бир куни кечқурун ҳамма ухлаб ётган пайтда, эрининг қўлини қўлига олди-да, ўпкаси тўлиб, гап бошлади:

— У бадбахт Шуй Цюандан... мен учун қасос ол... уни гўрда ҳам кечирмайман. Сен иккинчи марта уйланиб бахтли бўласан. Болаларимни ўсдир... Фақат Люларнинг уйидаги Ши-сини олма... Ҳа, яна Ген-Шеннинг хотини бир шэн* гуруч олган... Сань-бао бир бўлак совун олган эди... Ци хола шиппагининг чармини тикиш учун йўғон игна... Шу-цзи хола бўлса — сигир бойлаш учун арқон олган. Эсингдан чиқармай ҳаммасини ҳам сўраб ол. Ахир улар, жуда хасис кишилар... Улар ўзингга кулиб қарайдилар, орқаворотдан бўлса... Мен ўладиганга* ўхшайман... Гапим тамом.

Дин-Юн-сэнь иложи борича уни тинчлантиришга ҳаракат қилди. У хотинига, албатта тузалиб кетажаги, ўзига-ўзи ёмонлик тиламай, врачнинг айтганини қилиб даволаниш кераклигини айтди. Шунга қарамай хотини юм-юм йиғлаб, ўзининг сўзини маъқулларди:

* Шэн — 2 кг. 400 гр. га тўғри келадиган оғирлик ўлчови (таржимон).

— Яшашнинг мен учун қизиғи қолмади. Менинг кетишим-гина лозим бўлиб қолди, холос... Ахир ҳаммалари ҳам бир нарсани — мени уйдан ҳайдаб юборишни ишташпти-ку...

— Энди, бу уларнинг иши эмас-ку! — Хитоб қилди Дин-Юн-сэнь. — Тезроқ тузалгин, ҳаммамиз бирга шаҳарга... бу шайтонлар уясидан... навроққа кетамиз: — қулоғимиз ҳам тинчийди. — Бу сўзлар бир оз юпатган бўлса ҳам унинг юзида ҳеч қандай севинч аломати пайдо бўлмади. У ғамгин ҳолда хаёл сураркан, қандайдир бир муҳим қарорга келгандек, ёстиқдан бошини кўтариб, деди:

— Бир озгина умрим қолди холос... энди айтиб бераман.

Дин-Юн-сэнь унинг қандай қийналиб алам билан гапираётганини сезиб, деди:

— Яхшиси айтмай қўя қол. Бу ярамас ишни унут, аввал тузалгин, кейин сўзлашамиз.

Хотини ёстиққа бош қўйгач, нафаси сиқилиб, алам билан гап бошлади.

— Жим тур, айтадиганимни айтай... Оҳ, бу ишлардан илгари қандай бақувват эдим... Тишларимни уриб синдирсанг ҳам ичимга ютаман, фақат ҳеч ким билмаса деб ўйлардим... лекин бутун умрим хазон бўлади деб ўйламагандим... Ҳаммаси ҳам уч пул бўлди.

Унинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Ташвишланма, — юпатди унинг қўлини ушлаб, Дин-Юн-сэнь, — ҳамма нарсани ўзим биламан, ўзим билганимдан кейин бошқаларнинг иши нима!

Хотини пашшахонанинг тепасига кўз тикканича маъюс жавоб берди:

— Сен ҳали ҳаммасини билмайсан!

Кутилмаган бу гапдан Дин-Юн-сэнь анчагача жим қолди ва охири сўради:

— Менга яна нима номаълум?

Хотини титроқ товуш билан:

— У аблаҳ... мени яна бир марта шармисор қилган! — деди.

Дин-Юн-сэнь юз берган ҳодиса тўғрисида гапиришга қўрқса ҳам, ўзини тута олмай қизорган ҳолатда сўради:

— Қаерда?

— Уйда! — жавоб берди хотини йиғидан энтикиб.

Дин-Юн-сэнь ҳайратланганидан, худди уни биров тарсаки билан қўйиб юборгандек, ирғиб ўрнидан турди. Оғзидан ҳақоратлар отилиб чиқишга тайёр эди-ку, лекин хотинининг

касал, ёрдам берадиган кишиси йўқлиги ва йиғлаётганлигини кўриб ўзини тутди-да, алам билан деди:

— Ажабланадиган ери йўқ... Бу тўғрида ҳамма ҳам гапиряпти.

Хотини унга қарашга ботина олмай давом этди:

— У разил ҳеч кимга айтолмаслигимни билиб, мени қўрқитди... Мен бир мартагина... рози бўлдим... Яна қайтиб келишини қаёқдан билай. Агар мен хўп демаганимда, ҳамма ёққа гап тарқатарди.

У яна бадтарроқ ҳўнгради. Дин-Юн-сэнь лабларини тишлаб тинчланди ва секин-аста оқара бошлади. У яна бир неча вақтгача чурқ этмай кровать ёнида ўтирди, кейин бошини қуйи солган ҳолда уйдан чиқиб кетди. У қишлоқ дўконидан вино олди, бу ерга сигарета олиш учун ўрта ёшлардаги бир киши ҳам кирди. У Дин-Юн-сэньни кўриб рўпарасига ўтирди-да, кулиб ундан гина қилди:

— Ёлғизгина ўзинг сайр қилиб юрибсан. Винога лоақал тоғангни таклиф қилай демайсан-а.

Лекин жияининг хафалигини кўриб қўрқиб кетди ва хийла бўшашиб, гап бошлади:

— Кўпроқ ич! Қанчадан бери азоб чекдинг, — у дўкон хўжайинини чақирди, — яна қуй, мен ўзим тўлайман. Тағинам соғлигинг жойида, ўзинг бақувват экансан, сенинг ўрнингда бошқа киши бўлганда, аллақачон бетоб бўлиб қолган бўларди, — шивирлади чуқур нафас олиб.

Бу Дин-Юн-сэньнинг узоқ қариндоши — ўзидан бир озгина каттароқ бўлган тўққизинчи тоғаси эди. У кулиш ва ҳазил қилишни яхши кўрарди. Ўша хатнинг тагида унинг ҳам имзоси бор эди. Унинг ачиниб айтган гаплари Дин-Юн-сэньга ёқмади. Бу гапларнинг тагида истеҳзо борлигини тушунди. Шу кунларда у ўлимдан ҳам кўра, бирор кимсанинг ўзи ва уйдаги жанжал ҳақида қиладиган суҳбатидан қўрқиб, чин дилдан ачинганларга ҳам ишонмасди. Шунинг учун ҳам тоғасига кўз ташлади-ю, кейин бир оғиз ҳам сўз демай бошини қуйи солди. Дин-Юн-сэнь дўкон хўжайини олиб келган винони қатъиян рад этиб:

— Керак эмас! — деди тутоқиб.

Тоғаси қизариб кетди. Бир лаҳза давом этган чуқур жимликни тоғасининг норози товуши бузди.

— Жуда ғалати қилиқ қиялпсан. Ростини айтганда, мен сенга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ! Кел, ич!

Шу заҳотиёқ истеҳзо билан қўшиб қўйди:

— Ёзган хатимиз нотўғри чиқдимиз? Сизга ҳеч нарса тўғрисида хабар бермасак ҳам бўлар экан-да. Бу ҳақиқатан хотин кишининг сўзига ишониб, қариндош-уруғининг ҳам сўзини уч пулга ҳам олмаслик! Менинг билишимча, уни ҳар қанча ҳимоя қилмагин, барибир бекорга овора бўласан!

У шу сўзларни айтиб сизга чекди-да, заҳарханда қилиб чиқиб кетди. Эртасига Дин-Юн-сэньни чақириб Шуй-Цюанларникидан киши келди. Тоғаси Дин-Юн-сэньни суҳбатлашгани чақиртириб юборган эди.

Дин-Юн-сэнь тоғасининг шу кўнгилсиз воқиа тўғрисида гапиришини биларди. Шундай бўлса ҳам унинг буйруғини бажариши керак эди, чунки Шуй Юань қишлоқда адолатли, қатъий қоидали киши ҳисобланарди.

Тақдирга тан бериб, боришдан ўзга илож йўқ эди.

Кеча кечқурун Дин-Юн-сэнь жанжаллашган тўққизинчи тоғасидан тортиб, хатнинг тагига имзо чекканларнинг ҳаммалари шу ерга тўпланишган экан.

— Ҳа, қани суриштириб бўлдингми? — дарҳол сўради ундан Шуй Юань.

Дин-Юн-сэнь тоғасининг сўзларида биринчи келган кундаги самимийлик йўқлигини сизди. Қолганлар ҳам тўнини тескари кийганга ўхшарди. Ғанимлик ҳислари аста-секин Дин-Юн-сэнга ҳам юқди. У бир оз иккиланиб туриб, жавоб берди:

— Ҳали суриштириб бўлганим йўқ.

Дин Му-шэнь елпиниб ўтирган елпуғичини йиғиштириб шу заҳотиёқ ҳужумга ўтди:

— Кўриниб турибдики, бу фақат ўринда ётганда эшитган гапларигагина ишонади. Шунинг учун юз йил суриштирсин, барибир бефойда.

Шуй Юань кичкина думалоқ елпуғичини Дин-Юн-сэнга қарата бигиз қилиб туриб сўз бошлади:

— Биз бирон кишини бекордан-бекорга хафа қила оламизми? «Тиканнинг кўзи бор, деворнинг қулоғи» деган мақол бор. Ахир бутун қишлоқни алдаб бўладими?

Бу ерда Мин Юань деган бошқа бир илмий тоғаси ҳам бор эди. У Шуй Юань тоғадан кўра бир оз ёшроқ бўлиб, кишиларнинг келишмовчилик ишларига аралашишни яхши кўрадиган, ариза ёзишга уста киши эди. Ўзининг калта мўйлабини тўғрилар экан, астагина гап бошлади:

— Менимча, бу ишни иложи борича ҳаққоният юзасидан ҳал қилишимиз керак. Модомики, эркакни ҳайдаб

чиқардик, демак, хотинни ҳам қолдириш мумкин эмас! Қишлоғимиз қадимдан ўзининг олижаноб ахлоқлари билан шўҳрат қозониб келади. Биз бу нарсанинг бузилишига йўл қўймаймиз.

Шу пайтда ҳозиргача фақат заҳархандалик билан жилмайиб ўтирган, тўққизинчи тоғаси гапга аралашди:

— Сизлар ҳали теварақ-атрофда бўлганингиз йўқ... ва бизнинг қишлоғимиз тўғрисидаги шов-шувларни билмай-сизлар, жуда маза қилиб эшитадиган гаплар!

Мин Юань тоға ошиқиб Шуй Юань тоғага қаради-да:

— Ака, кўриниб турибдики, бу ишни сушлаштириб бўлмайди, — деди.

Шуй Юань атлас елпуғич билан енгилгина елпингач, қатъий жавоб берди:

— Энг муҳими — бу умумнинг фикри... Мен ҳамма вақт кўпчиликнинг сўзига кираман.

Дин Му-шэн қора қоғоздан ишланган елпуғичини қаватлаб, ирғиб ўрнидан турди-да, Дин Юн-сэнга мурожаат қилди:

— Гапирсанг-чи, хотинингни нима қилиш тўғрисида бирон бир қарорга келдингми, ахир?

Дин Юн-сэнь ҳеч кимга қарамай ғазаб билан жавоб берди:

— Ўзи ўлим тўшагида ётган бўлса-ю, наҳотки, мен унинг жонини олсам.

Тўққизинчи тоғаси бармоғи билан Дин-Юн-сэнни кўрсатиб, ўтирганларга мурожаат қилди:

— Гапираётган гапини қаранглар-а. Яхшиямки машинани фақат бошқаради холос, машинага хўжайин бўлиб қолса борми, унда кўрасиз!

Шуй Юань тоға елпинишдан тўхтаб, қатъий тусга кирди-да, Дин-Юн-сэнга насиҳат қила бошлади:

— Сен тушунишинг керак, Юн-сэнь. Бу... қадимги ҳикматли сўз, яъни халқнинг ғазаби... унга қаршилик кўрсатиш қийин. Қишлоқнинг олижаноб шўҳратини эҳтиёт қилиб сақламоқ керак. Биз жуда ҳам оғир иш қилишни талаб қилаётганимиз йўқ. Яна ўзинг биласан!..

Мин-Юань тоға Дин-Юн-сэнь бу сўзларининг маъносига тўла тушуниб етмаслигидан хавотирланиб, қўшиб қўйди:

— Қисқасини айтганда, уни қишлоқда қолдириб бўлмайди.

Дин Му-шэн ўтирди, кейин яна туриб, Дин-Юн-сэннинг елкасига қоқди-да, бошқалардан ажралган ҳолда мулойим оҳанг билан деди:

— Укажон, битта замбил олиб ўтқаз-да, жўнат, вас-салом — шундан осон иш йўқ-ку!

Бирин-кетин ҳамма тарқала бошлади. Дин Юн-сэнь Дин Му-шэннинг кетидан чиқди. У Дин Юн-сэни юпата бошлади.

— Хафа бўлма, оламда хотиндан кўп нарса борми, уйланишни хоҳласанг, дурустроғини топиб оласан-қўясан. Ўзингга ўзинг гап-сўз ортдириб нима қиласан, у сен билан бирга экан, худди шундай бўйнинг эгилиб юрганинг-юрган бўлади.

Дин Юн-сэнь узоқ йўл босгандан кейин оғир хўрсиниб қўйди.

Уйга қайтиб келгандан сўнг, хотини ётган уйга кирмасдан ўртадаги уйда қолди-да, нима қиларини билмай бошини ушлаганча ўтираверди.

«Оббо! — хафа бўлиб ўйлади у, — Ана энди, У-Труба, ўз ўртоқлари роса гап қилишади-да».

Бувиси чиқиб унинг ёнига ўтирди. У анчагача Дин Юн-сэнга тикилиб ўтирганидан сўнг сўради:

— Улар нима дейишди?

Дин Юн-сэнь ғазабини яширолмай жавоб қайтарди:

— Ҳозироқ ҳайдаб юбор, дейишяпти.

Кампир оғир уҳ тортди-да, бир оздан сўнг:

— Уни ўзинг билан шаҳарга олиб кетолмайсанми? — деди.

Дин Юн-сэнь ҳеч қандай жавоб қайтармай, илгариги ҳолича ўтираверди.

Хотини ётоқхонада эрининг кетгани, қайтиб келгани, бувиси билан суҳбатлашгани борми — ҳаммасини эшитиб ётарди. Кампир шаҳарга бориш тўғрисида гапириб, бунга эри жавоб қайтармагандан сўнг, ўзини туюлмай кўз ёшлари билан деди:

— Уларнинг ҳаммасига ҳам айт, ташвишланишмасин. Ўзимоқ эртага кетаман; бу ерда хотиржам жон бергани ҳам қўйишмайди.

Тўрт кундан кейин хотини ўрнидан зўрға турди-ю, шу заҳотиёқ Дин Юн-сэндан замбил топиб келишини талаб қилди.

— Хавотир бўлма, — бувиси юпата бошлади уни. — Қани бирон киши келиб сени ҳайдаб кўрсин-чи, мен қари кампирман, ўлимдан қўрқмайман, менинг жонимни олиша қолсин!

Хотини бирон нарса дермикан деган мақсадда Дин Юн-сэнга қаради. Бироқ у гапираётган гапларга жавоб ҳам қайтармай, бошини қуйи солганча тураверди.

— Йўқ, ойижон, — мен бориб онамни кўрай... — деди хотини бувисига.

— Яхшиси бориб ёт! — эътироз билдирди кампир, — Тузалиб кетсанг шунда борарсан. Ҳозир зарур эмас!

— Ойижон, мен ҳеч касал эмасман, — жавоб берди хотини бутун кучини тўплаб, — фақат бир оз дармонсизландим.

Кейин у, замбил топиб кел, илтимос қиламан, деб Дин Юн-сэнга мурожаат қилди-да, кийимларини йиғиштиргани уйга кириб кетди.

Дин Юн-сэнъ бир оғиз ҳам сўз демасдан чиқиб кетиб, бирпасда замбил билан қайтиб келди. Хотини кийиниб бўлгач, деворларни ушлаб аста-секин ташқарига қараб юрди.

У болаларини топмоқчи бўлиб, эшитилар-эшитилмас товуш билан оҳистагина чақирди.

— Билмадим қаёққа ғойиб бўлишибди, — деди кампир, ва Дин-Юн-сэнга қаради — бор, қидириб топ, у бувилариникида ҳам беш-тўрт кун ўйнаб келишсин.

Дин Юн-сэнъ худди бувисининг товушини эшитмаётгандек, бошини қуйи солганча индамай ўтираверди. Хотини унга кўз ташлаб титроқ товуш билан деди:

— Ёлғиз ўзимнинг кетаверганим яхшироқ.

У эридан бир оғиз бўлса ҳам сўз эшитгуси келар, Дин Юн-сэнъ бўлса илгаригидек хотинига қарамай жимгина ўлтирарди. Хотини кўз ёшларини зўрға тутиб шошилганча замбилга ўтирди. Қайтиб келишга ишонч йўқ — хотин буни биларди. У замбил пардасини туширгандан кейингина кўз ёшини тўхта олмади. Уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтишаётган пайтда, дон шамоллатадиган хирмон ёнида қишлоқлик болалар билан ўйнаб юрган Цзин-бао билан Инъ-баоларнинг хушчақчақ овозларини эшитди. У болаларини чақирмоқчи бўлган эди, нафаси тикилиб қолди. Кажавали замбил тоғлардан ошиб, қишлоқдан узоқлашиб кетганида хотин уввос солиб ҳўнграй бошлади.

1942 йил, Гуйлин шаҳри,



ДА ШИН

ҚОТИЛ

4

Ўлоқ тяньбин* ҳаётининг сўнгги кунларини қўтир ит каби ғариблиқда, Ванъемяо ибодатхонасида ўтказди.

Ибодатхона дўнгликда, Му оиласининг ариғи сугориш канали билан қўшиладиган жойда эди. Икки саржинча** келадиган муъжазгина, деворлари оқ, қора черепица ёпилган ибодатхона кўринишидан истеҳкомга ўхшарди. Дўнглик беш-олти лига чўзилган. Бир вақтлар бу ерда олтин ювишар, ҳаёт булоқдек қайнар эди. Энди унинг атрофида конуссимон корзиналар*** кўринмас, турна тумшуғига ўхшаш метиннинг ерга урилиши эшитилмасди. Ер бетида фақат беҳисоб майда-чуйдалар айқаш-чайқаш бўлиб ётарди. Теварак-атроф жимжит. Чўлоқ тяньбин фронтдан келиши биланоқ, отаси уни уйдан қувиб чиқарди; у кичик ўғлининг қандай ҳалок қилинганини билар эди. Чол уни маза-бемаза сўзлар билан койиди, устига лаънат ёғдирди. У

* Тяньбинлар деб ўз қисмидан бўшаган эски армия солдатларини айтардилар. (Автор изоҳи)

** Саржин — 2,17 метрга барабар келадиган узунлик ўлчови

*** Тупроқ ташийдиган сават кўзда тутилади.

тўнғич ўғлининг онт ичишларига ишонмас, майиблиги кўнглини юмшатмас, гўё ўғли чиндан ҳам ўз укасининг қотили эди. У шўрликнинг жонига фақат онасигина оро кирди: у ҳар замон-ҳар замонда ўғлига бекитиқча бирон-бир егулик олиб келарди ва «кекса иблис»дан ўғлига раҳм қилишини эринмай сўрарди. Лекин ўғлини келиб кўрар экан, кампир ҳам оқ чекар ва бир нималар деб ғудранарди, шунда у сўзлардан тяньбиннинг юраги яна бадтарроқ сиқиларди.

Тяньбин бир куни шомга яқин онаси келтирган таомни еяр экан, деворга суянди-да: «Ўзимни қотил деб аташимни истайсизми?» деб ўксиб йиғлаб юборди. Кейин у фарёд чекиб, хўрлик келтирадиган садақадан воз кечди. Ушандан кейин у тиламчилик қила бошлади.

Ҳозир тяньбиннинг уруғ-аймоқлари уни буткул унутиб юборишган. Лекин бундан бир неча йил илгари у оиласи ҳаётида, гарчи укасича бўлмаса-да, ҳар ҳолда муҳим роль ўйнар эди. Укаси йигирма уч-йигирма тўртларга кирган эди. У бир неча йил мактабда пул тўлаб ўқиди, уйланганидан кейин эса кўп вақтини қайнатасидан медицина илмини ўрганишга сарф қилиб, қўлига кетмонни ахён-ахёнда оладиган бўлиб қолди.

Отаси бўлажак врачга катта умид боғлаган эди. Савдо ишида бир неча бор муваффақиятсизликка учрагач, чол ўз кучига ишонмай қўйди, бундан ташқари деҳқончиликдан фойда чиқмаслигини ҳам аниқ кўрди. У ҳар куни ичиб оларди-да, ўз тақдиридан нолигани-нолиган эди. Ёғоч олиб сотувчи бу савдогарнинг яна иккита ўғли бор эди, лекин улар ҳали жуда кичкина эдилар. Шунинг учун дала ишидаги бутун оғирлик чўлоқ тяньбиннинг устига тушганди.

Тяньбин жуда меҳнатсевар эди: унинг фикри-ёди иш эди. Бўш вақт топилгудай бўлса, ўша даланинг ўзида мизғиб оларди, ёки бир чеккага чиқиб индамай мўм тишлаб ўтирарди. Ўша ернинг жанжалкашлари уни камсуқимлиги учун «Сўлақмон тентак» дейишарди. Лекин кўплар бу гапни унинг башарасига гапиришга ботинмасди: хуллас у содда бир йигит эди, холос...

Бу воқиа 1925 йил баҳорида юз берди. Бир куни тунда тўнғич ўғлининг хотини туғишда қийналиб оламдан ўтди. Бу уларнинг бир неча йил бирга яшашлари давомида биринчи фарзанд кўришлари эди. Чол қутуриб кетди. У

Ўғлига: сенга энди пул бермайман, исроф қилишдан бошқасини билмайсан, деб дағдаға қилди. Лекин эртасига у барибир у ёқдан-бу ёқдан қилиб пул топди ва ўғлига: хотинингнинг дафн қилиш тараддудини кўр, деди. Чол ҳамиша тўнғич ўғлини ақли калта деб ўйларди, шунинг учун у шаҳарга кетаётганида унга ёш врачни қўшиб юборди. Ака-ука энг зарур ишларни тезда бажаришди. Кичкина бутхона ясашни буюришди ва иккита даос* роҳибларидан таклиф қилишди. Ёғ, винога ўхшаш майда-чуйда сотиб олишгина қолганди. Тўнғич ўғилнинг ўзи ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа оларди. Роҳиблар уйи олдида укаси акаси билан учрашув жойини келишиб олди-да, эълонлар ўқигани яминга чопиб кетди.

Акаси курткасининг елкасини тузатди-да, одам ғиж-ғиж бозорга жўнади. Лекин чорраҳада, минора олдида уни зўр билан ҳаммол ёллайдиган бир неча киши ўраб олди.

— Жаноб, уйимда марҳума ётибди! — деди у бўшашга интилиб.

✠ — Жойингдан қимирлама.

— Чин айтяпман, уйимда марҳума ётибди. Ишонмасангиз бориб кўринг!

Лекин сур ранг энгил-бош кийган одамлар унинг гапининг тўғри-тўғримаслигини билишга сира қизиқмасдилар. Уни тутдилар, бошқа деҳқонларга қўшиб боғладилар ва ёлланган ҳаммоллар қўриқлаб турилган жойга олиб кетдилар. Бу ер устунлари қизил, бир ибодатхона эди. Асосий залда йигирма-ўттиз чоғлик деҳқон ўтирарди. Улар орасида унинг укаси ҳам бор эди. Йигитча тиззасини қучоқлаб, бошини тик тутиб ўтирарди, юзидан ранжиш аломати барала кўриниб турарди. Акаси йигитчани кўрганда сесканиб тушди, хаёлига дарров исроф қилинган пуллар, марҳума хотини ва баджаҳл отаси келди.

Акаси хийла вақт тараддудда қолиб, тупугини ютди ва сўради:

— Сени ҳам тутиб олдиларми?

Укаси фақат унга нафрат билан боқди ва юзини тескари ўгирди.

Ака-ука икки ой соқчилар назорати остида ётишди, кейин уларни гарнизон қисмларга жўнатдилар. Улар бит-

* Даосизм — Хитойла тарқалган уч мазҳабнинг бири. Ҳозир ўз таъсирини йўқотиб бормоқда.

та рота командири қўлига тушдилар. Ўларга жуда осон иш топширишди: замбилда ёш озғин оқсоч қизни кўтариб бордилар. Йўлда улар бандиликда ётганларида ҳис қилган гина-кудуратни унутиб бир-бирларига ғоят меҳрибон бўлиб қолдилар. Уларнинг фикри-ёди уйга етиб олиш эди. Лекин улар тайинланган жойга келганлари ҳамон уларни яна назорат остига олдилар. Ишлаганлик учун ҳақ тўлаймиз, дедилар. Сичуань ҳаммоллари учун бу тарихда кўрилмаган иш эди. Шунинг учун деҳқонлар «ҳим» деб елкаларини қисиб қўйишди, ҳар хил тахмин ва фаразлар қилишди.

Бир кун илланганлар кечки овқат маҳалида товоқларни олдиларига қўйиб ўтирар эканлар, катта иш ҳақи тўғрисида гап очдилар. Улар бу гап ростми, қанча пул оларканмиз, деб роса бош қотирдилар. Шу вақтгача индамай ўтирган ёш врач, тўсатдан овқат еб ўтирган чўпчаларини қаттиқ тақиллатди-да, сўзловчиларнинг гапини кесди:

— Пул беришади деяпсизларми? — Унинг овозида очиқ-ойдин шубҳаланиш оҳанги бор эди. — Мен фақат бир нарсани истайман — мени уйга тезроқ жўнатиб юборсалар бўлди.

Акаси чуқур хўрсиниб қўйди.

— Тўғри, — деди у қайғуриб. — Ҳали бизни солдатликка ҳам олмасалар гўрғайди.

— Кимдан эшитдинг? Бўлмаган гапларни гапирасан-а, — деди бирдан тутоқиб укаси.

— Нега бўлмаган гап бўларкан? Ҳозир ошпазнинг оғзидан эшитдим.

Ҳали у сўзни тугатганича ҳам йўқ эди, кичик укаси бир ҳаракат билан «қошиқ — чўп»ни улоқтириб юборди.

— Ундай бўладиган бўлса, яхшиси мени отиб ташлай қолсинлар! — У ғиштин полдан ирғиб туриб кетди.

Акаси ҳанг-манг бўлиб қолди. Оғзи ярим очилиб, аҳволнинг танглигига ҳозир тушуниб етгандай аърайиб укасига тикилди. Бу гапни у укасига ўзини яқин кўрсатмоқчи бўлиб топиб келганди.

Бор гапни аниқ билиш учун у икки марта ошпазга мурожаат қилди, лекин мужмал жавоб олди. Ҳозир эса у укасининг бетига қарашдан қўрқиб, ўзича, зорама-зора бу гап уйдурма бўлиб чиқса, деб ўзини овутиб, унинг ғазабига сабот билан бардош берди. Лекин бир кун и

ҳаммолларни тушки овқатдан кейин қуроли солдатлар қуршовида машғулот майдониға олиб кетдилар.

Офицер буйруқ ўқиганда, укаси норозилик билдирди ва шу заҳоти жазоланди. Уни калтак ўрнида обкаш* билан ўн марта урдилар, кейин бир неча одамга қўшиб гауптвахтага қамаб қўйдилар.

Акаси эса қоп-қорайиб, безрайиб турар, қалт-қалт титраб, солдатликка кириш учун керак бўлган машқларни бирма-бир бажарарди. У ўз ихтиёри билан армияга кирганлиги ҳақида гувоҳномага бармоқ босди ва ҳеч қачон қочмасликка қасам ичди. Кейин унинг қўлига кўк тамға босишди, ҳарбий кийим-кечак беришди ва у солдат бўлиб қолди.

Шу кундан бошлаб унинг учун ҳам ҳарбий ҳаёт, ҳам азоб-уқубат бошланди. «Бир, икки» санои вақтида у икки марта ўзининг нечанчилигини айтолмади, учинчи марта рақамни нотўғри айтган эди, болаб тумшугига туширдилар. Уни махсус бир усул билан строевой қадам ташлашга ўргатдилар. Унинг иккала оёғига тасма боғлашди, шунда олдинда юрувчи тажрибали солдат галма-галдан ўша тасмаларни тортиб турди. Ўқазо ўрнида уни кўпинча югуришга мажбур қилишарди, шунда, авваллари чарчашнинг нима эканини билмаган йигит, зўр-базўр ўриндиғига етиб оларди-ю, таппа ташлаб данг қотарди.

Укасини икки ой гауптвахтада ушлаб туришди. Уни дам олиш кунларидан бирида чиқариб юборишлари керак эди, шунинг учун акаси укасининг қутулиб чиқишига қанча қолганини ҳар кун бармоқ букиб санарди.

Укасининг бўшаб чиқиши керак бўлган кун акасининг дам олиш кунига тўғри келиб қолди. У дам олишни ҳам унутиб, эрталабдан бошлаб укасининг чиқиши ва у билан кўришишни зориқиб кута бошлади. Кечга яқин боши қуйи солинган, таъби тирриқ, қўлтиғида солдатча форма, бошида сур ранг ҳарбий фуражка қаққайиб турган укаси рота командири хонасидан чиқиб келди ва ҳеч қаёққа қарамай, ибодатхонага кириб кетди. Акаси укасини чақирмоқчи бўлди-ю, лекин журъат қилолмади. Бошини қашиб бир оҳ тортди-да, индамай унинг кетидан кетди.

Улар ҳовлида нарвоннинг почасига бориб ўтиришди. У ердан бесўнақай дарахтлар ва қалин ўт билан қопланган

* Қадимги Хитойда обкаш билан юк ташиларди.

кичик боғча кўриниб турарди. Кичкина кўм-кўк ҳовузчадан гоҳ-гоҳ қурбақаларнинг вақир-вуқури эшитилиб турарди. Улар узоқ вақт индамай ўтиришди. Кейин акаси чипта ковушнинг ипини боғлай бошлади ва укасига ер остидан қараб қўйди.

— Сени бўшатдиларми? — деб сўради у қўрқа-писа.

Ёш врач бошини қўлига тираб индамай ўтирарди. Акаси худди ўзи билан ўзи гаплашгандай, хўрсиниб:

— Нима ҳам қилардик? Ишимиз юришмади! — деди.

— Қочиб кетаман! — деди йигитча бошини даст кўтариб.

— Бунини ҳатто хаёлингга ҳам келтирма! — деди акаси ва хавфсираб у ёқ-бу ёққа қараб қўйди. — Қочиш? Айтишга осон. Бир ой олдин ўнтадан ортиқ одам қочган эди, шундан атиги иккита-учтасигина қутулиб кетди. Қолганларига қандай жазо берганларини сен кўрмадинг. Ўғрилари ҳам ундай қийнамайдилар!

У укасига яқинлашди:

— Бу гапни миянгдан чиқар! Сабр қил!

— Сабр қилмиш? Сен сабр қилсанг ярашади! Болачақанг йўқ, хотиннинг ўлган... Мен-чи?

— Ундай дема! Нима, мен уйни соғинмадимми? Сендан кўра менга қийинроқ. Агар қочиш осон бўлса-ку... Мени қандай қийнаганларини билмайсан. Рост, ўлгудай қийнашди.

— Демак, менга хизмат қилаверишни маслаҳат бера-санми?!

— Менми?.. Мен маслаҳат бераманми?! Хўп, майли, билганингни қил, менинг ишим йўқ!

Врач истеҳзо билан ишшайди:

— Тўғри, ҳозир сенинг ишинг эмас, — деди у нафрат билан.

— Мендан нима истайсан? — акасининг юраги зирқираб кетди, нафаси бўғилди. — Хўп, сен билан кетаман! — деб қичқирди у. — Розимисан? Мени деб шу кўйларга тушганингни биламан.

Узоқ вақт иккаласи жим қолди. Охири, акаси бўғиқ товуш билан деди:

— Майли, сен билан кетаман.

Ака гўё гуноҳ иш қилиб қўйгандай, ерга қаради ва жим бўлди.

Шу кундан бошлаб у оромини йўқотди. Кейинги икки ҳафта ичида ёш врач у билан икки марта бекитиқча қочиш тўғрисида маслаҳат қилди. У укасининг қатъийликка ундов-

чи назарига дош беролмасди, йигитча унинг олдига яқинлашса, қўрқувдан аъзойи-баданига титроқ турарди. Унга бошлиқлар уларнинг сирларини билиб қолгандай, ҳар вақт кузатиб юргандай туюларди.

Бир куни кечга томон майдонда укаси яна унинг олдига келди ва:

— Бойлик худоси залида* мени кутиб тур... — деб гап ташлади.

— Хўп, — деди акаси.

— Отхона ёнидан ўтиб бор...

— Рота командири бизларга қараб турибди. — Акасининг кўзида қўрқинч кўринди.

У учрашув учун тайинланган жойга боришдан аввал узоқ вақт иккиланиб турди. Йигитча ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага солганда, у беихтиёр юрагининг уришига ва унинг ўтакасини ёраётган кечки ғира-ширанинг нафас уришига қулоқ солди. Гўё бошлиғи олдида туриб ҳисоб бераётгандай, унинг кўзи ҳамма вақт ерга қадалган ҳолда асабийлашиб, тугмачасини тортқиларди. Унинг довдираб қолганини укаси билиб қолмагунча, ихтиёрсиз ҳар гапга ҳа-ҳа деб, маъқуллаб турди.

Укаси унга синовчан кўзлари билан тикилди-да:

— Ҳа, нега индамайсан, қўрқасанми!? — деди. Акаси бошини қуйи солди.

— Қўрқасан, шундайми? Гапир. Кимдан қўрқасан?

— Қўрқаман, — деб тан олди у кутилмаганда. Шунда унинг товуши қалтираб кетди. — Бизни ушлаб олишлари мумкин. Кел, яхшиси сабр қилайлик. Мен биламан, ҳаммасига ёлғиз ўзим айбдорман...

Ёш врач ғазабдан титраб кетди ва қойиб ташлади:

— Сени бекорга ношуд демайдилар.

У акасига ўқрайиб қаради-да, отилиб ибодатхонадан чиқиб кетди.

Акаси ёлғиз ўзи қоронғиликда қолди. У хийла вақт бўшлиққа маъносиз бақрайиб қараб турди, кейин хўрсинди ва бетини кафти билан бекитди. У тақдирдан нолирди, укасига қайғирарди. Энди у қочиш тўғрисида ўйлашга ботинолмас, укасига яқин боришдан қўрқар эди. Шу кечадан бошлаб, укаси унга жуда ҳам совуқ муносабатда бўладиган бўлиб қолди.

* Ибодатхонада демоқчи

Аканинг юзи шувит эди. Ииниси билан тўқнаш келиб қолгудай бўлса, бирон-бир гуноҳ қилиб қўйгандай ерга қарарди. У буткул тинчлигини йўқотди, чунки укасининг одатини яхши биларди. Унинг укаси бир сўзли: ушлаган жойини кесар эди.

Орадан бир ой ўтди. Акаси кўпгина ўртоқларининг қочиб кетганини биларди, лекин ёш врач илгаригидек майдонга, қум дамбага келиб турарди. Акаси анча-мунча тинчланиб қолди, энди уни фақат бошлиқларнинг ҳақоратлари-ю, калтаклашлари эзарди, холос.

Бу ҳодиса шанба кунини рўй берди. Қуёш равшан порлаб турарди. Солдатлар нонуштадан кейин кўйлакларини ювиш учун дарё бўйига кетдилар: бундай очиқ ҳаво бу ерда камдан-кам бўларди, бундан ташқари офицерлар ҳам солдатларнинг энгил-боши сасиб-бижғиб кетди, деб бақириб қолгандилар.

Акаси кўйлагини ювди ва қурисин деб қумга ёйиб, устига тош бостириб қўйди-да, қўлини қовуштириб, нарироқдаги дарахтзорга кетди. У тошга энди ўтирган эди ҳамки, унинг олдида ярим яланғоч укаси келди. Бир ой мобайнида бу биринчи учрашишлари эди. Йигитча хўрсинди-да, акасининг ёнига келиб ўтирди.

Ака-ука анча вақт чурқ этмай ўтиришди. Ниҳоят, акаси зўрма-зўраки йўталди-да, чипта ковушининг учига тикилиб қолди.

— Энди, бўйин бердингми? — у бошини буриб, инисига қаради.— Қўлга тушган қочоқларни отармишлар, деб эшитдим.

— Ҳа, бўлмаса бу ерда жулдурвоқи бўлиб юрган яхшими? Очиқдан ўлгандан — ўқдан ўлган афзал эмасми.

Акаси ҳанг-манг бўлиб қолди. У оғзини катта очди-ю, ҳеч нарса демади.

Ёш врач сиқимлаб турган қумни сочиб юборди-да, ўрнидан туриб:

— Мен қочишга қаттиқ аҳд қилдим — деди.

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Нега энди мен бу ерда азоб чекиб юрарканман? Ўлсам ҳам тик туриб ўламан!

Акаси ўз сўзида туриб олди. У ўрнидан турди-да, ялиниш оҳангида гап бошлади:

— Менинг гапимни қилгин! — Бехосдан офицерни кўриб қолишди ва жим бўлишди.

Акасининг юрагига ғулғула тушиб қолди. У укасининг қочиш ниятидан қайтаришга қаттиқ бел боғлади. У ими-жими иш кўрмоқчи бўларди, лекин ҳамма жойда ўзини кузатиб турган одамни кўрарди-ю, укаси билан гаплашишга қулай фурсат тополмасди. У кечалари алаҳлаб чиқарди: ёмон ўйлар унга тинчлик бермасди. У кадрдон жойларини, отасини, шаҳарга жўнар экан, кроватда чўзилиб ётган ҳолида қолдириб кетган хотинини эслади. Унга укаси қочгандай ва қўлга тушгандай туюлади, шунда у, ҳар сафар қочоқларга жазо бериладиган жойда укасини осаётганларини кўради, офицерлар эса қўлларида чарақлаб, қипқизил шуъла сочаётган «шамлар» ушлаб турадилар. У укасини қум устида ўлиб ётганини кўради, унинг мурдаси ёнида эса ориқ ит туради. «Ҳаммасига мен айбдор», — деб ўйлайди-ю, юм-юм йиғлайди.

Эрталабки рўйхат вақтида, деярли ҳамма солдатлар сафга тизилиб бўлганларида, у қисилиб-қимтиниб калтак ейишдан қўрққандай кўзини пирпиратиб, ўғринча сафга келиб суқилди. Лекин ҳамма ёқ осойишта, бақириқ-чақириқ йўқ эди. У юрак ютиб, олдинга қаради. Офицерлар ўзаро гаплашишарди, уларнинг авзойи бузуқ эди, шу вақт ўртада турган бир офицер ияги билан у томонга ишора қилди.

Рота командири уни сафдан чиқишга буюрди. У, унга укасининг тунда иккита солдат билан қочганини айтди ва уларнинг қандай қочганлигини айтиб беришини талаб қилди.

Аввалига у шундай қўрқиб кетдики, тили калимага келмай қолди, кейинроқ бориб, бошини қуйи солди-да:

— Мен... мен билмайман, — деди.

— Ёлғон айтасан, алдоқчи. Билмайман дейсан-а? Кеча кўйлак юваётганингизда, дарахтзорда гаплашиб ўтирувдингиз-ку.

— У менга ҳеч нарса дегани йўқ, мен... мен билмайман.

— Овқат ейишни биласанми? — У бир неча тепки еди, кейин уни гауптвахтага олиб кетдилар.

У ерда беш кун ётди. Қочоқлардан иккитасини тутиб олганларидан кейингина уни чиқазиб юбордилар. У кичкина қоп-қоронғи хонанинг остонасидан чиққан ҳам эдики, панжарали эшик ёнида турган укасини кўриб қолди: йигитчанинг гарданида қон қотиб қолганди, у эшикка орқаси билан суяниб турар, кўзи ерга қадалган эди.

Акаси хийла вақт қўрққанидан қотиб қолди. Унинг мияси ғовлаб кетганди. У саросимага тушиб томоғини силаб қўйди.

Новча соқчи бақириб бергандагина, у ўзига келди ва қўрқинч ичида баракига югурди.

Бирга турадиган ўртоқлари аллақачон овқатланиб бўлишиб, ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Унинг талвасага тушиб қолганини кўриб, улар жим бўлиб қолишди ва унга тикилиб, укангни кўрдингми, бирон-бир чорасини топдингми, деб суриштира кетдилар.

У жавоб бермади, кроватининг четига ўтирди ва башарасини кафти билан бекитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ёш бола эмассан-ку ахир. Бир нарса ўйлаб топиш керак-да! — деб овутмоқчи бўларди уни дўстлари. Лекин у қайғу-ғамга чўмиб ғудранди:

— Барибир уни ўлдиришади...

— Бориб илтимос қил...

— Отам мени соғ қўймайди.

Солдатлар бош чайқашар, раҳмлари келиб хўрсинишарди.

Тўсатдан у ўрнидан турди, қўлининг орқаси билан кўз ёшини артди.

— Рота командирининг олдига бораман,— деб қичқирди у, зор-зор қақшар экан,— мени ота қолсинлар.

У сакраб кроватдан тушди. Рапорт ҳам бермай, рота командири кабинетига дадил кириб борди, бу вақтда у ерда офицерлар, қочоқларни қандай қилиб қаттиқроқ жазоласак экан, деб мулоҳаза қилаётган эдилар.

Уни кўриб, офицерларнинг жон-понлари чиқиб кетди. У эса гунг сингари титраб-қақшаб, ихтиёрсиз кафтини шимига суйкаб, улар олдида турарди.

Ниҳоят, қизил боғич боғлаган дежур офицер, столни муштлаб, бақира кетди:

— Нимага келдинг? Сенга бу ер каптархонами.

— Мен... мен сизлардан шафқат қилишингизни сўрайман...

— Бор, бор, аравангни торт. Йўқол...

Уни ҳайдаб чиқаришди. Лекин худди шу куни уни яна чақиртиришди ва укасини ўз қўли билан отишни унга буюришди. Буйруқни бажаришга кўнмагунча у озмунча сўкиш эшитмади, озмунча калтак емади. Лекин у милтиқ-

ни ўқталганда, бирдан қўндоқ елкасидан сирғалиб тушиб кетди ва у фарёд уриб йиғлаб юборди.

— Ахир у туғишган укам-ку...

У уч марта нишонга олди. Охирида, унинг олдига иккита офицер югуриб келди ва қўлтиғидан ушлаб олишиб, тепкини босишга мажбур қилишди.

1935 йил, май.





Ч Ж А О Ш У Л И

КИЧКИНА ЭР-ХЭЙНИНГ УЙЛАНИШИ

1. ЎЛМАСЛАР* НИМАНИ ЭШИТИШНИ ХОҲЛАМАСДИЛАР

юцзяцзяо қишлоғида иккита «ўлмаслар» яшар эди. «Ўлмаслар» деб биз томонда азайимхон, афсунгар ва фолбинларни айтишади. Теварақ-атрофда уларни билмайдиган одам йўқ эди. «Ўлмаслар»дан бири қишлоғимизнинг бу бошида турар эди. Унинг исми Лю Сю-дэ бўлса-да, Эр Кун-мин, яъни «иккинчи Чжугэ Лян»* лақаби билан танилган эди. Эр Кун-мин ҳар қандай ишни бошлашдан олдин қадимий фолбинлик китобларини очиб кўриб, улардан бугунги кунда яхшилик ё бирон бахтсизлик рўй беришини билиб олмай туриб, остона ҳатлаб чиқмасди ҳам, ҳеч нарсага қўл ҳам урмасди. «Ўлмаслар»нинг иккинчиси қишлоқнинг нариги чеккасида турувчи Юй Фунинг хотини эди. Ҳамма уни «Ўлмас Сань Сянь-гу» деб чақирарди.

Ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи кунларида у қизил рангдаги кийимлар кийиб, ясаниб олиб, бахшилик билан шуғулланиб турарди.

* Чжугэ Лян, бошқача айтганда Кун-мин (181 — 231 йиллар) — ўзининг ғайри табиий фаҳм-фаросатлилиги билан шуҳрат қозонган хитой лашкарбошиси.

Ҳар иккаласининг ҳам ўзига яраша ғалати феъли бор эди. Эр Кун-миннинг «бугун экиб бўлмайди», Сань Сянь-гунинг эса «гуруч куйиб кетди» деган сўзларни эшитишга тоқати йўқ эди. Бу ҳақда қишлоқда икки воқиа оғиздан оғизга кўчиб юрарди. Бир йили баҳор қуруқ келиб қолди. Экин экишнинг мавсуми аллақачон бўлган эди, аммо қуёш аланга ёғдирарди, ер қақраб кетган эди. Фақат эски ой календарига биноан учинчи майдагина бир оз ёмғир ёғди, холос. Унинг ҳам бўлса нами ер бағрига тўрт энликкина сингди. Эртаси кун ҳамма экиш учун далага югурди. Аммо қари Эр Кун-мин календарни олди-да, унга қараб бугунги кун бахтсизликдан дарак беришини аниқлади.

У ҳамқишлоқларига «Бугун экиб бўлмайди» деди. Эртаси кун Аждарҳо байрами эди. Ҳаммага маълумки байрам куни ҳеч нарсага қўл уриб бўлмайди. Шунинг учун Эр Кун-мин ҳам экишга айланишмади, албатта. Унинг китоблари бўйича фақат олтинчи май кунигина бахтли кун бўлиб, шу куни ишлар ўнгидан келишидан дарак берарди.

Омад келишмаганини қарангки, ер унгача яна қатқалоқ бўлиб қолибди. Ўлиб-толиб Эр Кун-мин ўзининг тўрт му ерига экин экиб олди, яна иш чаппасига олиб, ўчакишгандай, икки ҳафта ўтса ҳам бир қатра ёмғир ёғмади. Чолнинг даласида онда-сонда экин униб чиқди холос. Охири ёмғир ёғди, қўни-қўшнилари далаларини ўташга, Эр Кун-мин эса икки ўғлини олиб янгидан уруғ экишга чиқди. Бир куни одамлар уйга қайтиб келишаётган эди, қўшни йигит Эр Кун-минни кўриб овозини ҳаммага эшиттириб сўради.

«Ҳа, қалай, бобо, бугун экин экса бўладими?»

Эр Кун-мин унга бир хўмрайиб қаради-да, индамай тескари қараб олди. Ҳамма хохолаб кулди. Бу сўзлар бутун қишлоққа ёйилиб кетди ва ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ.

Сань Сянь-гунинг Сяо Цзин деган бир қизи бор эди. Бир куни Цзинь Ваннинг марҳум отаси касалига дам солдириш учун Сань Сянь-гуникига кирди. Сань Сянь-гу устида хушбўй шамлар пирпираб ёниб турган эҳсон хонтахтаси олдига бориб турди-да, аврай кетди. Цзинь Ваннинг отаси унинг олдида тиз чўкиб жимгина қулоқ солиб ўтирарди. Чамаси тўққиз ёшлардаги Сяо-Цзин эса ов-

қатга уринарди. Қизча гуручни қозонга солиб, ўт қалади, онасининг аврашига қулоқ осди. Онаси шундай ширин овозда ўқирдики, қизча тинглаб, туриб қолди, гуручни эса унутиб қўйди. Деҳқонларнинг айтишича худолар билан суҳбат қилаётган вақтида ён-веридаги ҳамма нарсани унутиши лозим бўлган «ўлмас хотин»нинг фикри-зикри эса қозондаги гуручда эди. Цзинь Ваннинг отаси ташқари чиққан ҳам эдики, жаҳл билан бақирди:

— Олсанг-чи! Гуруч куйиб кетди-ку, ахир!

Цзинь Ваннинг отаси ҳамма гапни эшитиб қолган экан, қайтиб келгач, уйдагиларга бу воқияни оқизмай-томизмай айтиб берди. Қишлоқда дарров ҳазилкашлар ҳам чиқиб қолди. Сань Сянь-гуни кўрдими, ёнидагидан жўрттага овозини борича сўрайди:

— Қалай, гуруч куйиб кетмадими?

2. САНЬ СЯНЬ-ГУ ҚИССАСИ

Сань Сянь-гунинг бахшилиқ қилишга бошлаганига ўттиз йилдан ортиб қолди. Бир вақтлар уни энди ўн бешга тўлай деганда Юй Фуга никоҳлаб беришган эди. Қишлоқ бўйича бундан чиройли қиз йўқ эди. Юй Фу бўлса оддийгина, индамас йигит эди. Ундан бир оғиз сўзни ҳам зўр билан юлиб оласан киши. Билган-тургани дала. Юй Фунинг онаси аллақачон ўлиб кетган бўлиб, отаси билан бирга турарди. Ота-бола далага чиқиб кетардилар, уйда эса ёлғиз ёш келиннинг ўзи қоларди.

Қишлоқдаги йигитлар ҳам қўяди дейсизми, дарров буни пайқаб, унинг олдига хабар олгани тез-тез кириб турадиган бўлишди. Уйда тўп-тўп кишилар йиғилиб ўтирадиган бўлиб қолди. Қуни билан «ха-ха-ха» ю «хо-хо-хо».

Бу ҳолни кўрган Юй Фу отасининг аччиғи келди, тўполон қилди. Чол айтилмаган меҳмонларни-ку чўчи-тиб қўйди-я, лекин келин, қайната билан хафалашиб қолганидан кейин, тамоман бошқача бўлди-қолди. Кечакундуз йиғлайди, эрталаб сочини тарамайди ҳам, юзини ҳам ювмайди, оғзига ҳеч нарса олмайди, ялпайиб ётишдан бошқа нарсани билмайди, уни ҳеч ким юпата олмайди ҳам. Ота-бола нима қилишни билмай, боши қотиб қолди. Бир қўшни хотин бахши кампир топиб келишга ваъда берди. Бахши келди, уйдан инс-жинсларни ҳайдаб чиқариб:

— Келинингиз руҳига маъбуда Санъ Сянь-гу жойлашиб олибди, — деди.

Шундан бери Юй Фунинг қаллиқчасини ҳамма «ўлмас Санъ Сянь-гу» деб атайдиган бўлиб қолди. Унинг уйида эҳсон хонтахтаси пайдо бўлиб қолди; ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи кунда бахшилиқ қиладиган бўлиб қолди. Ҳамқишлоқлар дардларини кўчиртириш ёки худолардан давлат сўраб, шам ёқиш учун бу ерга тез-тез кириб турадиган бўлиб қолишди. Айниқса ёшлар кўп кирардилар; аммо улар гўрда ўзларини ўқитишга киришадими? Ёш художўйларни бу ерга нима тортиб келишига тез орада Санъ Сянь-гунинг ақли етиб қолди. Энди унинг кийимлари ҳаддан ташқари янги ва чиройли, сочлари текис таралган, сочидаги тўғноғичлар эса жуда жимжимадор; юзига хос нафислик билан упа-элик сурилган. Шундай бўлгач, жазмон йигитлардан тиним йўқлиги турган гап-да.

Лекин буларнинг ҳаммаси ўттиз йилнинг нариги ёғидаги гаплар. Энди илгариги ёш йигитларнинг соқол-мўйлови ўсган, кўпчилиги аллақачон уйлик-жойлик, бола-чақалик бўлиб қолган. Шунинг учун Санъ Сянь-гунинг кулбасига бир неча қари сўққабошлардан бошқа ҳеч ким кирмас эди.

Санъ Сянь-гунинг ёши қирқлардан ошиб кетганлиги-га қарамасдан сатанглигу ноз-карашма қилишни яхши кўрарди. Унинг жажжигина туфличасига аввалгидек ажойибу фаройиб кашталар тикилган, шалворининг тўпиғича тушиб турган почасига чиройли жияк қадалган, фарқида сийраклашиб қолган сочларига дуррача ташланган. Фақат бу шўринг қурғур упа қарилигини «манаман» деб кўрсатиб турган юздаги ажин-буришларини яшириб қололмасди, хоним минг хил оҳангга тушиб, амаллаб-эплаштиришига қарамай, юзи — узиб олиш эсдан чиқиб, шохда қолиб кетган ва кеч кузги қиров босган, пишиб ўтиб кетган шафтолига ўхшарди.

Турли илтифотлар билан эркаланишга ўрганиб қолган Санъ Сянь-гуни бир неча эски сўққабошлар, турган гап, қониқтира олмасди, бурунлари уни қадрловчи йигитлар эса, энди қорасини кўрсатмасди.

Лекин қариб қолган «ўлмас отиннинг» уйига кўп ўтмай яна қишлоқ йигитлари серқатнов бўлиб қолди. Келиб кетувчилар илгаригидан кам эмас эди. Йигитлар

ҳам бир вақтлар қатнаб юрганлардан кўра ёқимтойроқ эди, деса бўлади.

Нима бўлди экан-а?

Бу кутилмаган ўзгаришнинг сири — Сань Сянь-гунинг қизи Сяо Цзинда эди.

3. СЯО ЦЗИН

Сань Сянь-гу ўз умрида олтита бола кўрди. Булардан бештаси гўдаклигидаёқ ўлиб кетган бўлиб, Сяо Цзин деган қизигина қолган. Қизча уч ёшлигидаёқ эпчил ва зеҳни тез эди. Сань Сянь-гуникига кириб турувчи ҳамқишлоқлар қизчани эркалатиб ўйнашни яхши кўрардилар.

Униси ҳам қўлига олиб «меники» дерди, буниси ҳам ўзига тортиб «меники» деб ўзиникини маъқулларди.

Қизча катта бўлиб қолгандан кейингина бу ҳазил ва эркалатишларнинг тагида гап борлигини англай бошлади. Аммо онаси қизчага бундай ҳолларда ўзини қандай тутиш кераклигини уқдириб қўйди.

Мана, Сяо Цзин ўн саккиз ёшга тўлди. Қишлоқдагилар уни кўриб «онаси ҳам ёшлигида бунчалик чиройли бўлмаган» дейишарди. Йигитлар ҳам пайтини топса Сяо Цзинга гап ташлайдиган бўлиб қолдилар. Сяо Цзин кир ювгани сой ёқасига бордими, бўлди, йигитлар ҳам ўша заҳотиёқ сой лабига тўпланишади; мева ёки ёввойи кўкат тергани ўрмонга боришга отлангудек бўлса — қарабсизки, йигитларнинг қўлларида саватлар пайдо бўлиб қолади; овқат вақти бўлди дегунча, атрофдаги йигитлар косаларини олиб Сань Сянь-гу уйчаси олдида гавжум бўлиб қолишадилар. Ҳатто қишлоқнинг нариги чеккасида яшайдиганлари ҳам бир ли — бу унча узоқ масофа эмас, деб эринмай келишаверардилар. Бундан ўттиз йил илгари, Сань Сянь-гу ҳали ёш ва чиройли чоғида ҳам шундай эди. Лекин кейинги икки-уч йил ичида йигитлар яна серқатнов бўлиб қолишди. Сань Сянь-гу олдиниға, ҳозир ҳам аввалгидек йигитлар уни деб келади деган хаёлга борди. Лекин кунлар кетиб, кунлар келаверди ва қартайиб бораётган «ўлмас отин» секин-аста гап нимадалигини англай бошлади: гап, маълум бўлишича, унинг ўзида эмас, қизда экан.

Сяо Цзин онасига сира ҳам ўхшамасди. У ҳар ким билан гаплашиб, кулишиб олса ҳам, лекин ножўя ҳа-

ракатларга йўл қўймасди. Бошқаларга қараганда Кичкина Эр-хэйгагина яхши муомала қиларди.

Бир куни Юй Фу далада эди, Сань Сянь-гу бир ёққа меҳмонга кетди ва уйда ёлғиз Сяо Цзингина ўтирарди. Цзинь-ван келиб қолди.

— Ростдан ҳам ўзинг ёлғизмисан? Омадни қара-я! — деди у ишшайиб.

— Цзинь-ван! — қичқирди, ранги ўзгариб Сяо Цзин, — илтимос қиламан, беадабгарчилик қилмаслигингизни, кап-катта, хотин, бола-чақалик кишисиз.

— Хо-о,—Цзинь-ван оғзини бурди,— жуда ўзингни соддаликка соласан-а! Агар анови Кичкина Эр-хэй келганда борми, бошқа муомала қилардинг-а? Мол бўлгандан кейин, яна нимаси бор, ҳар ким ҳам талаб қилади-да. Айбсиз бўлиш учун қозоннинг тагида қоракуя бўлмаслиги шарт.

У Сяо Цзинни елкасига ёпишиб, бағрига маҳкам босди ва калта-калта нафас олиб шивирлади:

— Кел, ўзингни кўп тегма нозикликка олмасангчи!

— Цзинь-ван! — бирданига қаттиқ, кўчадагилар ҳам эшитадиган қилиб қичқариб юборди Сяо Цзин, унинг қўлидан бўшаб чиқишга интилар экан.

Жанжалдан қўрққан Цзинь-ван қизни ўз ҳолига қўйди, лекин чиқиб кета туриб дўқ урди:

— Ҳап, ҳали қараб тургин, сени...

4. АКА-УКА ЦЗИНЬ-ВАН ВА СИН-ВАНЛАР

Цзинь-ван ҳақида гап бошладим, энди бу ёғини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Цзинь-ванни Люцзяцзяо қишлоғида ёмон кўрмайдиган одамни топа олмайсиз. Бир бутун қишлоқда фақатгина бир одам унга муносиб эди — у ҳам бўлса ўзининг туғишган иниси Син-ван.

Бу ака-укаларнинг отаси ҳамқишлоқлар ўртасида ҳақиқий йўлбарс бўлиб ном чиқарган. У кўп йиллар қишлоқда оқсоқол бўлиб турган. Унинг дастидан одамлар не-не кулфатлар чекмаган! Цзинь-ван улғайиб, ўн етти-ўн саккизларга киргандан сўнг отасининг ўнг қўли бўлиб қолди. Шунингдек укаси Син-ван ҳам пайти келганда йўлбарсга «ўлжага чангал солишда» кўмаклаша оладиган бўлиб қолган. Агар бирон ҳамқишлоқнинг таъзирини бериши керак бўлиб қолгудек бўлса,

отанинг ўзи қўлини кир қилиб ўтирмас эди: бир имо қилса кифоя, ўғиллари унинг учун ҳар қандай ишни бир зумда қилиб ташлардилар.

Японлар билан уруш бошлангандан кейин, ҳамма ёқда душманга қарашли сотқинлар, қочоқ солдатлар, туфейлар* изғиб ва бебошлик қилишга турдилар. Ота ўлди. Ака-укалар қочоқ солдатлардан тузилган бир шайка билан алоқа боғлаб, уларга айғоқчи сифатида ёлландилар. Улар кимни ўғирласа ажратиб олиш учун кўпроқ пул юлиб олиш мумкинлигини қароқчиларга етказиб турарди.

Ўғирланган кишиларни ажратиб олишда улар ўртада «келиштирувчи» бўлиб олардилар, шундай эпчиллик билан иш қилишар эдики, ҳам қароқчилар билан ўлжани бўлишиб оларди, ҳам жабрланганлар кўз олдига олижаноб бўлиб кўринарди.

Лекин кўп ўтмай бу ерларга саккизинчи армия келди, теварак-атрофни босмачи ва қочоқ солдатлардан тозалади. Шундан кейин ака-укалар туғилган қишлоғида яна ўрнашиб олишга қарор қилдилар.

Бу пастқам тоғлик жойларда яшовчи одамлар умуман ўзлари дадил, абжир эмас эдилар, бунинг устига тагин ҳалиги бетинчиликлардан кейин, кўз олдиларида бир қанча танишлари ҳалок бўлганидан кейин, чўчиб қолган кишилар ҳатто қадларини даст кўтариб юра олмасди.

Бошқа қишлоқларда янги ҳукумат органлари, қишлоқ бошқармалари тузила бошлади, бирин-кетин турли ватанпарварлик уюшмалари, ҳарбий комитетлар вужудга кела бошлади. Люцзяцзяода эса фақат биргина янги қишлоқ оқсоқоли бор бўлиб, уни ҳам бўлса уездан юборишга тўғри келди, чунки қишлоқдагиларнинг ҳеч қайсиси бу амални эгаллашни хоҳламасди. Лекин ахир бошқа қишлоқ раҳбарларини ҳам сайлаш керак эди-да. Цзинь-ван иниси билан қишлоқдаги ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун жуда қулай пайт келганини дарҳол англадилар. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Ҳеч қайси деҳқон амалларни қабул қилмади ва Син-ванни қишлоқ ҳарбий комитетининг начальниги, Цзин-ванни эса қишлоқ бошқармасининг аъзоси қилиб

* Т у ф е й — қароқчи, босмачи.

сайладилар. Ҳатто Цзинь-ваннинг хотинини ҳам Ватанни ҳимоя қилиш хотин-қизлар жамиятининг раиси қилиб сайлашди. Бошқа ўринларга икки оғиз сўзни ҳам бир-бирига уриштира олмайдиган чолларни қўйиб қўйишди. Аммо ўз-ўзини мудофаа қилиш ёшлар отряди начальниги амалига чол кишини қўйиб бўлмайди-ку. Цзинь-ван кўрдик, Кичкина Эр-хэй ёмон йигитга ўхшамайди, борди-да, шуни сайлашга таклиф киритди. Йигитни сайладилар ҳам. Тўғри, Эр-хэйнинг қари отаси Эр Кун-минга бу иш ҳеч ҳам ёқмаса-да, Цзинь-ванга қаршилиқ кўрсатишга журъат этмади.

Қишлоқ оқсоқоли бу ерда янги одам бўлгани учун шарт-шароитни яхши билмас эди, ака-ука Цзин-ван ва Син-ванлар қишлоқда илгаригидан ҳам бадтар ашаддийлашиб кетди. Улар фақат оқсоқолнинг кўзини шамғалат қилса бас, бошқалари ғинг дея олмас эди. Бунинг устига қишлоқда оқсоқоллар бир неча бор алмашиб туришарди, булар иккаласи эса қўзғалмас тоғдек туриб олган эдилар. Уларга ҳамма зўр нафрат билан қараса ҳамки, ҳеч ким бир нарса дея олмасди: бир нарса десанг, уларга-ку жин ҳам урмайди, ўз бошингга бало ордирганинг қолади, холос.

5. КИЧКИНА ЭР-ХЭЙ

Эр-хэй Эр Кун-миннинг иккинчи ўғли эди. Бир вақтлар японларнинг жазо қўшинлари бостириб келганларида жангда икки душман солдатини ўлдириш билан ўзини кўрсатган ва бунинг эвазига аълочи мерган унводини олган эди.

Ҳуснга келганда бир Люцзяцзяогагина эмас, бошқа ерларга ҳам донғи кетган эди. Янги йил байрамида ясанган йигитлар билан бирга қайси бир қишлоққа борма-син — қизлар кўзини ундан узмасдилар.

Кичкина Эр-хэй мактаб юзини кўрмаган, ўзи билган эллик-олтмиш иероглифни ҳам отасидан ўрганган. Отаси уни олти ёшлигидаёқ саводини чиқаришга бошлаган. Эр Кун-мин ўғлини на «Чор китоб»га қараб на «Беш қонун»га қараб ва на давлат томонидан мактаблар учун чиқарилган дарсликларга қараб ўқитган. Ўқиш дастлаб чолнинг қўлидан тушмайдиган фолбинлик китоб-

ларида ишлатиладиган цикл белгилари — триграмма* ва гексограммалардан* бошланди. Кейинчалик фолноманинг ҳикматли сўзларига, эски календарларга ўтилди. Кичкина Эр-хэй эсли ва фаҳм-фаросатли бола бўлгани учун ўқишни осонгина ўрганиб олди. Қари Эр Кун-мин бора-бора ўғлини ўзининг сеҳрли китобларига қараб фол очишга ўргата бошлади. Тез орада бола кўни-қўшнилар фол очиришга кирганда отасига кўмаклашадиган бўлиб қолди. Боланинг эски титилиб кетган китобларни очиб қараб, кимнинг пешонасида нима борлигини айтиб бериши ҳамқишлоқларга жуда ёқарди. Ўзи ҳам жуда бир ғалати жаврар эди-да.

Эр Кун-мин бир вақтлар «бугун экин экиб бўлмайди» деб каромат қилиб қўйиб қаттиқ қўл еганда, ўн уч яшар ўғли Эр-хэй ҳам қуруқ қолмаган эди. Катта-кичик уни мазақ қилишарди. «Эр-хэй,— дейишарди улар,— қани айт, бугун экин экса бўладими, йўқми?» Болалар билан жанжаллашиб қолдими, бас, ҳаммалари ўраб олиб «экиб бўлмайди, экиб бўлмайди» деб жиғига тегишарди. Шу-шу Кичкина Эр-хэй фолбинликни ёмон кўриб қолди ва отасининг кароматларига ортиқ ишонмай қўйди.

Эр-хэй билан Сяо Цзин мана икки-уч йил бўладики, сир-бирини севиб қолишган. Эр-хэй у вақтда ўн етти ёшлар чамасида эди. Дастлаб у қизнинг онаси Сань Сян-гуннинг кулбасига қиш оқшомларини қисқартириш учун бошқа болалар билан бирга келиб-кетиб турарди. Бу ерда хушчақчақлик ва хурсандлик бўлиб турарди. Лекин тез орада у қараса, Сяо Цзинни кўрмай бир кун ҳам тура олмайдиган бўлиб қолибди.

Эр-хэй билан Сяо Цзинни унаштириб қўйишни истганлар қишлоқнинг у чеккасида ҳам, бу чеккасида ҳам кам эмас эди.

Лекин кекса Эр Кун-мин бу никоҳ ҳақида эшитишни ҳам хоҳламасди. Бунга сабаб учта нарса эди: биринчидан, Кичкина Эр-хэй темир йилида туғилган, Сяо Цзин эса олов йилида, шунинг учун чол олов темирни эритиб

* — 8 триграмма — уч чизиқдан иборат белгилар. Хитойда ёйилган фолбинлик китобларининг асосини ташкил қилувчи бу триграммалар осмон, ер, ўт, сув ва ш. к. табиат манзараларини рамзловчи белгилар бўлиб, 64 гексограммага бўлинади.

юборади, деб қўрқарди; иккинчидан, Сяо Цзин октябрь ойида туғилган — ҳаммага маълумки, бу ой бахтсизлик ойи; ва охири, учинчидан, қурғур онаси Сань Сянь-гу ҳалигидақа ном чиқарган.

Худди шу пайт Чжандэфу областидан қишлоққа бир неча қочқинлар келиб қолишди. Улар орасида етти-саккиз яшар қизчаси билан Ли фамилияли бир чол ҳам бор эди. Ҳеч ейдиган нарсаси бўлмаганидан, чол қизчасини «тарбияга» биронтага бериб юбормоқчи бўлди. Бу таклиф Эр Кун-минга маъқул кўринди. У чолдан қизчанинг нима йилида, қайси ой, қайси куни туғилганини суриштириб, ярим кунини ҳисоб қилиш, аниқлашга сарф қилди-да, ахир қизчани кичик ўғли Эр-хэйга хотинликка мўлжаллаб, уйига олиб кетмоқчи бўлди.

Аммо Эр Кун-мин ўғлига бу никоҳ қанчалик ўнғай ва бахтли эканини уқдирса ҳам, Кичкина Эр-хэй ўз билганида туриб олди. Ота-бола бир неча кун баҳслашишди. Чол қаттиқ туриб олганди: «Қизчани оламин, вассалом.» Кичкина Эр-хэй ҳам бўш келмас эди:

— Оласанми — ол, шуни ҳам билиб қўйки, ўзинг боқиб катта қиласан, менга эса керакмас!

Хуллас Эр Кун-мин қизчани олди, чунончи ким сифатида олгани аниқ бўлмаса ҳам.

6. „КУРАШ МАЖЛИСЛАРИ“

Цзинь-ван Сяо Цзиндан дакки егандан бери, дарди ичида, ўч олиш йўлини истар эди. Бир куни ҳарбий машғулоти уюштирилди. Унда қишлоқнинг ҳамма бошлиқлари қатнашиши лозим эди. Кичкина Эр-хэйни иситма тутиб қолиб, машғулоти кела олмади. Машғулоти тугагач, Цзинь-ван ҳам укаси — ҳарбий комитет начальнигига бундай деди:

— Кичкина Эр-хэй касалман дебди, аслида, ҳозир ҳалиги Сяо Цзин билан ўйноқлашиб ўтиргандир. «Кураш мажлиси» чақириб, йигитчани бошлаб адабини бериб қўйиш керак.

Син-ваннинг ўзи ҳам бир марта Сяо Цзиндан оғзи куйган, шунинг учун акасининг тадбири ёқиб туша қолди.

Цзинь-ван уйга келиб хотинини Сяо Цзиннинг ахлоқини муҳокама қилиш учун хотин-қизлар уюшмасини бир амаллаб ишга солишга унатди. Цзинь-ваннинг хотини, ўзингизга маълум, Ватанни ҳимоя қилиш хотин-қизлар уюшмасининг раиси эди. У эрининг Сяо Цзинни кўзлаб юришидан хабардор эди, шу сабабли бу қизни кўргани кўзи йўқ эди. Албатта, мана бундай қулай пайтни қўлдан бой бериб бўлмас эди. У ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, мажлис тайёргарлигини кўришга турди.

Эртаси куни қишлоқда бир эмас икки «кураш мажлиси» очилди: бири ҳарбий комитет бўлиб, унда Кичкина Эр-хэйнинг иши кўриладиган бўлса, иккинчиси — хотин-қизлар уюшмасида бўлиб, унда Сяо Цзин устидан суд учун.

Кичкина Эр-хэй ўз устида ҳеч қандай айбни ҳис қилмагани учун бўйнига қўйилган ҳамма жиноятларга қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. У ўз сўзида маҳкам туриб олгандан кейин, Син-ван уни боғлаб суд қилиш учун оқсоқол қошига олиб боришга буюрди. Хайриятки, оқсоқол ақлли киши чиқиб қолди ва гап нимада эканлигини тездаёқ билди.

— Кичкина Эр-хэй ёлғондан эмас, ҳақиқатан бетоб, — деди оқсоқол Син-ванга, эс-ҳушингни йиғиб ол дегандек қилиб, — унинг бир қизни севиб қолганига келсак, бунда ҳеч бир ғайри қонунийлик йўқ. Шундай экан, бекордан-бекорга кишини ушлашнинг нима кераги бор?

— Ахир унинг хотини бор-ку! — ўзиникини маъқуллади Синь-ван.

— Отаси топиб келган қизчани Эр-хэй хотинликка тан олмаслигини билмайдиган одам борми қишлоғимизда? — деди оқсоқол. — Эр-хэй жуда тўғри қилади! Агар йигит ўн олтига, қиз ўн беш ёшга тўлмаган бўлса, никоҳ қилишга ҳаққи йўқ ҳеч кимнинг. У қаллиғи эса бор-йўғи энди ўнга кирган. Албатта бундай никоҳни қонуний деб бўлмайди. Кичкина Эр-хэйнинг бошқа қизни севишга тўла ҳуқуқи бор ва бу ишга ҳеч ким аралаша олмайди.

Шу ерга келганда Син-ванга гап қолмади.

— Ҳеч бир сабабсиз кишини ушлаб олиш қандай бўлади: қонунга мувофиқми ёки хилофми? — Кичкина Эр-хэй унга яқинлашиб борди.

Оқсоқол осойишталик ўрнатишга уринарди. Бирданига эшик шарақлаб очилди ва қишлоқ бошқармаси биносига хотин-қизлар уюшмасининг раисини судраган ҳолда Сяо Цзин кириб келди. Остонадан ҳатлаши биланоқ оқсоқолга қараб ҳаяжон билан гап бошлади:

— Ўғрини ушласалар албатта ўғирлаган нарсаси ҳам бўлиши керак; одамларни бузуқликда айблаганларида, шу ишда қатнашчи бошқа томон ҳам бўлиши керак. Ёки бу киши хотин-қизлар уюшмасининг раиси-ю, бу киши учун ҳеч қандай қонун йўқми?

Сяо Цзиннинг акасининг хотинини судраб келганини кўрган Син-ван бу ишларда унинг ўзининг ҳам қўли борлиги фош бўлиб қолмасин деган фикрда қўрқиб, яширинишга шошилди.

Оқсоқол нима гап эканлигини сўроқ-жавоб қилди ва хотинларни тинчителишга анча вақтини сарф қилди.

7. САНЬ СЯНЬ-ГУ ҚИЗИГА ЭР ТОПАДИ

Аммо бунинг билан гап тугагани йўқ. Кичкина Эр-хэй билардики, унинг Сяо Цзин билан бўлган муҳаббати ҳаққонийгина эмас, балки қонуний ҳамдир. У Сяо Цзин билан ҳамма нарса тўғрисида пухта гаплашиб олмоқчи бўлди.

Сань Сянь-гу тиниб-тинчимай қолди. У Сяо Цзиннинг онаси бўлса ҳам, кейинги йилларда қизи билан оналарча муомала қилади деб бўлмасди.

Қизига бўлган унинг оналик туйғулари сақланувчи кўнглидан рашкка ўхшаш бир ҳис ҳам ўрин олган эди. Сань Сянь-гу ўзини ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ва чиройли деб ўйлашга кўникиб қолгани учун ёш йигитларни кўнгли тусарди, ёш йигитларнинг кўнгли эса Сяо Цзинни тусар эди. Ҳалиги бола, Эр-хэй энди-гина ғўрадан ўтиб шира югурган мевадек Сань Сянь-гунинг сўлагини келтирарди. Аммо у Сяо Цзинга на-сиб қилади, онага-чи — онага ҳеч нарса, ҳа, ҳеч нарса қолмас эди...

У кўпдан бери Сяо Цзинни эрга беришни ўйлаб юрарди, аммо ҳалиги доғи бўлгани учун, у билан қариндошлик ипини боғлашни ҳеч ким хоҳламасди. Ҳалиги «кураш мажлислари» дан кейин, Кичкина Эр-хэй билан Сяо Цзин ота-оналарининг рози-розимаслигини кутиб ўтирмай

турмуш қурармиш, деган овоза яшиндек тарқалиб кетди. «Агар ҳақиқатан шундай бўлса,— ўйларди Сань Сянь-гу,— агар улар уйланишиб қолгудек бўлса, шўрим қуриб, ўша Кичкина Эр-хэй билан ҳатто ҳазил ҳам қилиб бўлмай қолади. Бу роҳатдан ўзини бенасиб қилишни эса Сань Сянь-гу хоҳламасди. Шундай қилиб у, Сяо Цзинни эр топиб беришни ҳар кимдан илтимос қилишга турди.

Ахир бекорга айтмайдилар-ку, касалнинг тузаласи келса табиб ўз оёғи билан келади, деб. Люцзяцзюдан сал нарироқда жаноб У деган бир киши яшар эди. У киши бир вақтлар Янь-Си Шандек генерал қўл остида хизмат қилган, бригадага командирлик қилган ҳам, у ҳозирги вақтда истеъфо бериб ишдан бўшаб кетган. Ўйда ҳамма нарса тўкин-тошин. Яқинда хотини қазо қилган. Бир кун у ярмаркада Болажон маъбуда ибодатхонаси ёнида Сяо-Цзинни кўриб қолди. Қиз жуда ёқиб тушди ва совчи қўйди. Сань Сянь-гу ҳам таранг қилиб ўтирмади, албатта. Бир неча кундан кейин жаноб У тўй совғалари юборди ва шу билан иш битган ҳисобланди. Ҳар ҳолда Сань Сянь-гу шундай ўйлади.

Сяо Цзин эса бу орада кичкина Эр-хэй билан ҳамма нарсани маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйиб олган эди. Энди унга онасидан жаноб У билан бўладиган тўйни эшитиш нақадар оғирлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Қалин келган кун Сяо Цзин билан онаси ўртасида даҳшатли жанжал бўлиб ўтди. Сяо Цзин жаноб У юборган шойи ва безакларни ерга улоқтириб, онасига қараб бақирди.

— Мен ҳеч нарсани билмайман! Бу совғаларни ундан ким қабул қилиб олган бўлса, ўшанинг ўзи тега-версин!

Сань Сянь-гу нима қилишини билмай боши қотиб қолди. Кечқурунги овқатдан кейин у бирданига мана танамга малойика кирапти, деб ликопчаларни уриб, дуо ўқиб кетди. Энди унинг тили билан худолар гапиряпти деб ўйлаш лозим эди. Улар аввалига, уй ишлари билан иши йўқ, деб Юй фуга роса таъна қилишди, кейинига, Сяо Цзин билан жаноб Унинг бирга бўлиши осмон¹

¹ Осмон — диний маънода худолар ва фаришталар макони (тарж).

томонидан ҳали уларнинг руҳи аввалги танлардан буларнинг танларига кўчмай туриб¹ тасдиқлашиб қўйилган ва осмон ҳукмига итоат қилмаслик ўзини аниқ ҳалокат қўлига топшириш демакдир, деб ваҳи келганлигини сўйлади.

Юй Фу хотиннинг афсунларини тиз чўкиб эшитиб ўтирарди. Худоларнинг панд-насиҳати унинг фикрича биргина, яъни қизни калтаклаб, адабини беришдан бўлак илож йўқ деган маънони билдирарди. Сяо Цзин афсунларни эшитиб, ўрндан ирғиб турди-да, онасига бу бемазагарчиликларни холис, бемалол ижро қилишга имкон туғдириб, чопиб чиқиб кетди.

Сяо Цзин қишлоқнинг нариги чеккасига Эр-хэй олдига югуриб кетди, аммо ярим йўлда унинг ўзини учратиб қолди: маълум бўлишича у ҳам буни қидириб юрган экан. Улар қўл ушлашиб, ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб кўриб, бу ёғига нима қилишлари кераклигини ҳал қилиш учун ғов орқасидаги ғорга қараб юришди.

8. КИЧКИНА ЭР-ХЭЙ БИЛАН СЯО ЦЗИННИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚЎЛГА ТУШГАНЛАРИ ҲАҚИДА

Сяо Цзин онаси уни жаноб Уга бермоқчи бўлгани борми, бугун кечқурун худолар билан ҳамсуҳбат бўлиб, нима деб афсун ўқигани борми — ҳаммасини бирма-бир гапириб берди.

— Сен унинг гапига парво қилма! — деди Кичкина Эр-хэй. — Бўлислик ўртоқларимдан эшитдимки, агар қиз билан йигит бир-бирларини яхши кўрса, фақат бўлисга бориб қайд қилдирса бўлди, у вақтда уларга ҳеч ким халақит бера олмас экан.

Шу вақт ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Кичкина Эр-хэй ғордан бошини чиқарди ва ғор оғзида бештача киши келиб тўхтаганини кўрди.

— Ушла мана бу қўшалоқни, ушла! — бақирди улардан бири.

Кичкина Эр-хэй билан Сяо Цзин Цзин-ваннинг овозини дарров таниди.

¹ Хитойда кенг тарқалган Будда динига мувофиқ киши ўлагач, унинг руҳи туғилиши керак бўлган бошқа танга кўчиб ўтади.

— Ушла? — нима гуноҳ қилибмизки, ушлайсан? — деди ғазабланган Эр-хэй.

— Ушлаш, ушлаш! — буюрди энди келган Син-ван, жиноят қилгансанларми, йўқми! Уша ёққа борганда биламиз.

— Хўп, майли, қайси гўрга десанг юр, хоҳ Чегара райони ҳукуматига олиб бор! — деди Кичкина Эр-хэй бамайлихотир — Қаёққа олиб бормагин, барибир, бундай қилишга ҳаққинг йўқ, деб айтишади! Бу — ўзбошимчалик! Қани юр!

— Ҳо, сенга шу маъқулми? — деди Син-ван масҳараомуз. — Қани-чи, боғланг буни! — буюрди у ҳам-роҳларига.

Чор атрофдан тўрттача одам Кичкина Эр-хэйга ташланди ва ҳар қанча қаршилиқ кўрсатишига қарамай, уни бир минутдан кейин боғлаб олишди.

— Ҳали қизча ҳам бор. Боғланглар уни ҳам. Ишрат-бозларни ушлаганда, жўраси ҳам бўлиш керак-да! Шундай деб ўзи айтган эди.

Сяо Цзинни ҳам ушлашиб, қўлини қайиришди.

Қишлоқ аҳли ҳали ухлаганча йўқ эди. Тўполон, ғовгани эшитиб, одамлар нима гап эканини билиш учун машъала ёқиб кўчага югуришарди. Аммо Цзинь-ван билан укасини ҳамда бойлиқ Эр-хэй билан Сяо Цзинни кўргандан сўнг, ҳеч ким ҳеч нарса суриштирмади ҳам — ҳаммаси очиқ-ойдин эди. Кекса Эр Кун-мин Син-ван олдида тиз букиб раҳм-шафқат тилашга турди.

— Син-ван! Сиз билан бизнинг уруғимиз ўртасида ҳеч вақт гина-кудурат бўлмаган. Менга қаранг, мен чолга, ўтинаман сизлардан, жаноблар, раҳм қилингиз.

— Менинг бунда қўлимдан нима келарди, — дерди Син-ван. — Биз буларни юқори бошлиқлар ихтиёрига топширамыз, ўзлари ўша ёқда ажрим қилиб олишади.

— Ота, қайғурма, хотиржам бўл! — қичқирди Кичкина Эр-хэй — Майли истаган жойига юбораверсинлар, ахир биз ҳеч қандай жиноят қилганимиз йўқ-ку. Мен қўрқмайман булардан!

— Яша, азамат! — яна киноя билан чўзиб деди Син-ван. Тондингми, бас, охиригача тонавериш-да-а. Қани, ҳайданг! — буюрди қишлоқ милициясининг аскарларига у.

— Қаёққа олиб борамиз? Қишлоқ бошқармасига-ми? — сўради аскарлардан бири.

— Қишлоқ бошқармасида нима бор? — деди Син-ван — Ҳа, яна оқсоқол буларни бўшатиб юборсинми? Йўқ, энди буларни бўлисга ҳайданг, бўлис ҳарбий комитетига. У ерда буларни уруш вақти қонунига асосла-ниб текширишади.

Бандиларни бўлисга олиб кетишди.

9. ЭР КУН-МИН ХУДОЛАР БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШАДИ

Қўни-қўшнилари Кичкина Эр-хэй билан Сяо Цзин-ни ака-ука Цзинь-ван ва Син-ванлар ушлаб олганлари-ни кўриб, уларнинг тарафини олишга уринмадилар. Бандиларни олиб кетиб бўлганларидагина қўни-қўшнилари кекса Эр Кун-минни уйига кузатиб қўйишди. — Бай-бай-бай! Бу кунлар менга бир офат келтиришини ўзим билувдим-а! — деди чол йиғи аралаш бошини чайқаб. — Ўтган куни далага чиққан эдим. Рўпарамдан эшак миниб, оқ кийимда* бир хотин чиқиб қолди. Ҳа, ишлар чатоқ, дедим. Ахир йил бўйи юлдузим бахтсизлик буржидан чиқмаса. Бирорта аза тутганга йўлиқиб қолмай деб қўрқиб, уйдан ташқарига чиққаним йўқ эди-я. Мана энди, нима бўлди, барибир қочиб қутулолмадим. Кеча бўлса, кампирнинг тушига афсун кириб қолибди. Тагин қаерда денг, ибодатхонада эмиш. Бугун томга қарға келиб қўниб, саҳардан то пешингача қағилласа... Бай-бай-бай. Ҳа, кўриниб турибдики, тақдирдан қочиб қутулолмайсан киши.

Эр Кун-миннинг бу оҳ-воҳлари бу ерда тўпланган қўни-қўшнилари-нинг жонига тегди. Улар одатда бундай ҳолларда айтиладиган бир неча қайғули сўзларини гудурлашди-да, уй-уйига тарқаб кетди.

Ярим кеча бўлиб қолган эди. Бироқ кўнглида шундай дарди бор киши ухлай оладими? Эр Кун-мин уйда кичик ўғлига хотинликка мўлжалланган кичкина қизчадан бошқа ҳеч жон кўз юмган эмасди.

Эр Кун-мин бошини қуйи солиб ўтирарди. Охири у турди-да, эски чақаларни қидириб топди ва тўрка ташлаб

* Хитойда оқ кийим — мотам кийими ҳисобланади.

рамл кўришга ўтирди. Унинг ранги бўзариб кетди. Афтидан очган фоли яхшиликка жўйилмаган эди.

— Мусибат! Бунинг кети яхшилик билан тугамайди! — пичирлади чол. — Вой, вой, вой! Ёшлар отрядига уни начайник қилиб қўйишди. Айтдим-а, ҳой бола, бу ишга аралашма, аралашма. Йўқ, қаёғда, қулоғига олмади, бўлмағур! Бу амал жуда зарур экан-а унга-я! Мана энди, айтишларига қараганда уни ҳарбий сўд сўд қилармиш. Ҳа, бу шўринг қурмағур отряд начайниги бўлмаганда, ҳарбий сўд-марбий сўд деганлари ҳам бўлмасди.

Она қўли билан тиззасига урди:

— Болагинам-эй! Сени бу мусибатларга дучор бўласан деб ким ўйлабди!

— Қўрқманг, ота! — отасини овутишга уринарди тўнғич ўғли Да-хэй. — Бу жуда унчалик муҳим иш эмас. Уни жазолашмайди-ку ахир. Ахир ҳеч бир жиноят қилгани йўқ-ку. Уни бўлисга юборишганми, ўзим бўлис оқсоқолига бораман, ҳаммасини бирма-бир аниқлаб оламан. Сизлар хотиржам ухлайверинглар.

У қандилни ёқди-да, йўлга тушди.

Ўғлини кузатиб бўлиб, чол яна тўркасини қўлига олди. Бирданига қаердандир узоқдан йиғи товуши келди. Борган сари товуш баландроқ ва равшанроқ эшитила бошлади. Мана энди у нақ дарчанинг тагида эшитилди, яна бир дақиқадан кейин эса фанзага* бир хотин йиғлаганича югуриб келди. Эр Кун-мин қоронғида бу ким эканлигини синчиклаб олишга ҳали улгурмаган эди ҳамки, аёл унинг енгига ёпишиб олиб ҳўнграганича кичқириб юборди.

— Аю Сю-дэ! Бер қизимни! Қаёққа алдаб обқочди йигит ўлгуриг қизимни? Менинг қизимни!..

Бу Сань Сянь-гу эканини кўрган Эр Кун-миннинг хотини жаҳолатдан ўзини билмай, кандан ирғиб турди-да, бақирди:

— Ҳа... ҳали сен ташриф қилдингми? Жуда соз бўлмаса, ўзимоқ сени қидириб бормоқчи эдим. Бу сенлар қизинг билан менинг боламни йўлдан ургансанлар, тагин бу ерга келиб кўриниш беришга уялмадингми?

* Ф а н з а — хитой деҳқонларининг уйи.

Қани, юр-чи бўлисга, ўша ерда ишимизни ажрим қилиб беришади.

Хотинлар мушукдек бир-бирига термулишиб олишди. Эр Кун-мин уларни ажратиб қўймоқчи бўлди-ю, бўлмади. Бу қаёқда-ю улар қаёқда. У қўлини ювиб қўлтиққа урди.

Бироқ фол ҳам миясига ортиқ келмасди.

Эр Кун-мин хотинининг жаҳолатдан ўзини билмай қолганини кўрган Сань Сянь-гуни ҳазилакам ваҳима босгани йўқ. Бир амаллаб унинг қўлидан қутулишга муяссар бўлди. У фанзадан отилиб чиқиб, жуфтакни ростлаб қолди. Эр Кун-миннинг хотини ҳам унинг орқасидан қувламоқчи бўлган ҳам эдики, бироқ чол тўхта-тиб қолди. Аммо у яна узоқ вақтгача қарғанди.

10. ЭР КУН-МИН ШАФҚАТ ТИЛАЙДИ

Эр Кун-мин тун бўйи мижжа қоқолмади. «Бу нимага, Да-хэй келмаяпти? — шивирлади у. — Нима учун шу вақтгача дараги йўқ?» Эрталаб тонг отар-отмас чолнинг ўзи бўлисга жўнади. Катта ўғли билан кеча Эр-хэй ва Сяо Цзинни бўлисга ҳайдаб кетган уч қишлоқ милицияси аскарларини узоқдан кўрганида, чол ярим йўлни босиб қўйган эди. Улар билан бирга яна икки аллақим ҳам бор эди. «Бўлисан бўлса керак», ўзича ўйлади Эр Кун-мин ва сабри чидамай қичқирди:

— Да-хэй! Ишлар нима бўлди?

— Ҳаммаси жойида, хотиржам бўл! — жавоб берди ўғли, отаси томон келаркан.

Эр Кун-минга нотаниш кишилар чиндан ҳам бўлис бошқармасидан бўлиб чиқди. Улардан биттаси хабарчи бўлиб ишларди.

— Бу отам, — деб, Да-хэй хабарчига чолни кўрсатди ва отасига қараб деди: — Сени ва ҳам Юй Фунинг хотинини бўлис бошқармасига чақиришяпти. Ҳеч қўрқма, қўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Эр-хэй билан Сяо Цзинни олиб борибоқ қўйиб юборишган. У ерда Цзинь-ван билан укаси Син-ван қанақа одам эканлигини аллақачон эшитиб ўша заҳотиёқ олиб кетишибди. Энди мана деҳқонлар йиғилиши ўтказиб, ҳамма нарсани воқиа содир бўлган жойнинг ўзида ҳал қилиш учун бўлис

қишлоққа ўз ходимини юборди. Ҳа, яна бир гап, бўлис-да Эр-хэй билан Сяо Цзиннинг турмуш қуришларига рухсат беришибди эмиш.

— Укангни бўшатиб юборишлари — бу маъқул гап, — деди Эр Кун-мин. — Мана тўйига келганда — йўқ, бўлмаган гап! Юлдузлари бир-бирига тўғри келмайди. Хўш, мен нимага керак бўлиб қолганимни билмадингми?

— Йўқ, билмадим, ҳеч гап бўлмаса керак. Майли сен боравергин, мен онамни бориб тинчитай.

Сени бохабар қилдим деб ҳисобласак бўлади энди, — деди хабарчи. — Сен бўлисга кетавер, мен энди Сань Сянь-гуникига бораман.

У Да-хэй билан бирга қишлоққа равона бўлишди.

Эр Кун-мин бўлис бошқармасига етиб келганида, у ерда скамейкада ўтирган Эр-хэй билан Сяо Цзинни кўриб, ўғлини сўка кетди.

— Ҳаҳ, аблаҳ! Бўшатиб юборишибди-ю, сен бўлсанг уйга боришни ўйламайсан ҳам-а! Мен чолнинг жон-пони қолмади-ку! Ор-номусинг борми ўзи сенинг!

— Бу нимаси?! — чолнинг сўзини бўлди бўлис оқсоқоли — Нима, бўлис бошқармасида ҳам кўчадагидек сўкинаверса бўлади, деб ўйлайсанми?

Эр Кун-мин жим бўлиб қолди.

— Лю Сю-дэ сен бўласанми ҳали? — сўради оқсоқол — Ҳали сенмисан Лю Эр-хэйга хотинликка қизча олган? — Оқсоқол Кичкина Эр-хэйни расмий равишда исми ва фамилиясини қўшиб айтди. — Қизча неча ёшда? — давом қилди у Эр Кун-минни сўроқ қилишда.

— Йили маймун, бу йил ўн иккига қадам қўяди — деди чол.

— Ўн беш ёшга етмаган қизнинг турмушга чиқиши қонун бўйича ман қилиниши сенга маълумми? Тездан уни ота-оналариникига юборвор. Лю Эр-хэйга келганимизда, у Юй Сяо Цзин билан ЗАГСдан ўтиб қўйди.

— У шўрлик қизнинг ота-онаси деган нарсаси йўқ-да ахир, фақат қочоқотаси бор холос. У ҳам энди қаёқда-лигини ким билсин! Ҳалиги, ёши ўн бешга тўлмаган қизни эрга бериб бўлмайди деган гап—шунчаки бир гапи-да, қонун-да. Қишлоғимизда одамлар кўпроқ етти-саккиз яшар қизларни олади. Энди ўзлари, начайник, илтимос қиламан, раҳм қилсинлар.

— Бутун ғайри қонуний равишда қилинган никоҳлар ҳар икки томондан бирининг хоҳиши билан бекор қилиниши мумкин, — деди оқсоқол.

— Бизники ҳам ҳар иккала томоннинг ўзаро келишуви билан бўлган-ку! — деди чол норозилик билдириб.

— Лю Эр-хэй, — Кичкина Эр-хэйга хитоб қилди оқсоқол, — сен розимисан шу никоҳга?

— Йўқ, мен норози! — жавоб берди у.

— Сенга ким қўйибди суқулишни? — яна ўзини тутолмай деди Эр Кун-мин.

— Ҳа, шундай денг? Бундан чиқди бунинг ҳеч дахли йўқ экан-да? — кулди оқсоқол. — Демак, ҳамма гап сенда? Йўқ, ҳеч бир-да, қария! У вақтлар ўтиб кетди. Энди ота-она топмайди, йигит билан қиз ўзлари топишиши лозим. Сизларникидаги қизни, ростдан ҳам ота-онасиникига юборишнинг иложи бўлмаса, ўзингга қиз қилиб ол, шу билан олам гулистон.

— Шундайликка-ку, шундай-а, — маъқул келгандай деди чол — энди ҳар қалай сиздан ўтинаман, начайник, бир шафқаг қилинг: ўғлимни Юй-фунинг қизига уйланишга қўйманг!

— Бу иш битди энди ва сенинг бунга аралашиб ўтиришининг ҳожати йўқ, — деди оқсоқол.

— Кўз ёши билан ўтинаман сиздан, начайник, — илтимос қиларди Эр Кун-мин ҳаяжондан титроқ овоз билан. — Уларнинг тақдири бир-бирига мос эмас-да, ахир. Ахир хотин деган — бу умр савдоси! — у ўғлига қаради: — Эр-хэй, эсингни йиғиб олгин, ахир бу сенинг бутун умрингни ҳал қилади-я!

— Лю Сю-дэ, — деди оқсоқол Эр Кун-минга хитоб қилиб, — бу эмас, сен эсингни йиғиб олишинг керак: сен кап-катта ўн тўққиз яшар йигитни энди ўн иккига қадам қўйган кичкина қизга мажбурий равишда уйлантирмоқчисан. Умр бўйи бунинг сенга лаънат ёғдиришидан қўрқмайсанми? Сен тушунишинг керак, агар Эр-хэй билан Сяо Цзин бир-бирини севиб қолишибдими ва уйланишмоқчи бўлишибдими, бас, сен буни хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, барибир, бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Хўп, майли боравер! Қизчани эса бундан буёғиси сенинг қизинг деб биламиз.

Эр Кун-мин яна бир нима демоқчи эди-ю, лекин хабарчи уни оҳистагина эшик орқасига олиб чиқиб қўйди.

11. САНЬ СЯНЬ-ГУГА БИР БОҚИНГІ

Сань Сянь-гунинг кеча Эр-хэининг отаси олдига бормоқчи бўлганининг сабаби: биринчидан, кўнглини ёзиш бўлса — «ўлмас ойим» қурғур можарони яхши кўрарди денг; иккинчидан, ҳамқишлоқлари олдида ўзини оқлаш эди. Аслида эса ўзбошимча қизини бошлаб адабини беришганидан ҳатто мамнун ҳам эди. Шунинг учун Эр Кун-миннинг хотини билан фикрлашиб, чўқишиб олгандан сўнг уйига қайтиб келиб, кўнгли ўрнига тушиб уйқуга кетди.

Эртаси куни Сань Сянь-гу жуда кеч турди. Юй-фуга келганда, у, қизининг тақдирига хотинидан юз барабар ортиқ қайғирди. Аммо уйдаги ҳамма ишни хотини бошқаришга кўникиб қолган эр, уни уйғотишга қўли бормади. Унинг ўзи нонушта тайёрлади, бир вақтдан кейин хотин уйқудан туриб, эрталабки пардоз-андозга тушганда ҳайқиб сўради:

— Балки, бориб Сяо Цзинга нима бўлганини билиб келиш керакдир?

— Орқасидан овора бўлиб юрадим, ўзи ҳам ёш бола эмас-ку.

Юй-фунинг ортиқ тикилинч қилишга юраги довбермади. Бўлис бошқармасидан Сань Сянь-гуни қидириб келган хабарчи етиб келганида ҳали улар нонушта қилиб бўлмаган эди. Ўз шахсига бунчалик эътибор берилганидан мамнун бўлгансимон, у чўзиб-чўзиб ноз билан деди:

— Қизгинам кап-катта бўлиб қолган-ку, энди менинг нима ишим бор, бўлис начальнигидан менинг учун унинг адабини яхшилаб бериб қўйишларини сўраб бормасам агар.

Нонушта қилиб бўлгач, у янги кўйлак кийди, бошига шойи дуррача ўради, оёғига янги, ярқираган кашта тикилган кавуш кийди, ёш жувонлар кийиб юрадиган энли жияклик иштон илиб олди, юзига ранг суркади, упа чаплади, сочига яна бир неча тўғноғич қадади ва эрига бўлисга миниб боришга унинг учун эшак ҳозирлашни буюрди. Эшакка миниб олиб, ҳайдовчи сифатидаги эри Юй-фунинг ҳамроҳлигида йўлга равона бўлди.

Бўлисга етиб келгач, уни хабарчи дарров оқсоқол олдиға етаклаб борди. Сань Сянь-гу оқсоқолни кўриш биланоқ тиз чўкиб, қуюқ таъзимлар қилиб ер ўпа бошлади:

— Жаноб начальник! Мен сизга бир маслаҳат билан келдим.

Оқсоқол столда қорозлар устига энгашиб ўтирарди. Сочига бир арава кумуш тўрноғичлар қадаб олган хотиннинг тиз чўкиб турганини кўриб, оқсоқол уни, бундан уч-тўрт кун илгари, қайнанаси билан чиқиша олмай арзга келган ёш жувон деб ўйлади.

— Нима, бир ўзингиз келдингизми? — сўради у — биз сиз билан келишган эдик-ку, нимага энди кафилни олиб келмадингиз?

Ҳеч нарсаса ақли етмаган Сань Сянь-гу бошини кўтарди ва таажжубланиб оқсоқолга қаради. У қалин қилиб суртилган қизил ва упаларнинг тагидаги қари хотин юзига тикилиб қаради-да, адашганини фаҳмлади.

— Янглишдингиз, начальник, — деди хабарчи. — Бу Юй Сяо Цзиннинг онаси.

Оқсоқол унга диққат билан назар ташлади.

Шундай қилиб сиз Юй Сяо Цзиннинг онаси бўласизми? — сўради у, — Туринг, ўрнингиздан туринг! Изоҳнинг ҳожати йўқ! Ҳаммаси менга равшан.

{ Сань Сянь-гу тикка турди.

— Ёшингиз нечада?

— Ёшим қирқ бешда, — жавоб берди хотин.

— Ўзингизга бир қаранг-а. Юзингизни шунчалик бўяб ташлабсизки, одам башарасига ўхшаса ўлай агар.

Остонада турган ўн яшар чамасидаги қиз бу сўзлардан ўзини тута олмай, пиқ этиб кулибоқ юборди.

— Жиннилингини бор, ҳовлига чиқиб қил-чи — деди жиддий равишда хабарчи ва қизча хонадан чопиб чиқиб кетди.

— Эшитишимга қараганда, азайимхонлик билан шуғулланармишсиз? — савол қилди оқсоқол.

Сань Сянь-гу чурқ этмади.

— Нима, сиз қизингизга эр топиб қўйдингизми? — яна янги савол ташлади оқсоқол.

— Топиб қўйдим.

— Қанча пул олдингиз ундан?

— Ўттиз беш юань.

— Яна?

— Яна беш-олти кўйлаклик ва бошга тақадиган зебзийнатлар.

— Хўш, қизингиз билан маслаҳатлашганмидингиз? —
давом қилди сўроқни оқсоқол.

— Йўқ.

— Қизингиз унга тегишга розими?

— Билмайман...

— Мана, ҳозир мен бу ерга Юй Сяо Цзиннинг ўзини таклиф қиламан ва сиз бунинг ўзидан сўраб кўрасиз. — Кейин хабарчига қараб: — Юй Сяо Цзинни бу ёққа чақириб қўйинг. — деди.

Шу орада ҳалиги ҳовлига югуриб чиққан қизча, ўша заҳотиёқ жар сола бошлади:

— Начальник олдида битта кампир арзғўй келди. Ўзи қирқ бешга кирибди-ю, юзини бўяб упа чаплаб олибди. Оёғида гулдор кавуш.

Қўшни турувчи хотинлар томоша кўргани етиб келишди. Бирпасда ҳовлининг ярми хотин-халаж билан тўлди.

— Қарагин-а, қарагин! — дерди бири.

— Иштонини кўр, иштонини, вой ўл! — дерди унга қўшилиб бошқаси.

— Туфлиси! Туфлисига қарасанг-чи!

Сань Сянь-гу ҳижолат чекиб қизаришни аллақачонлар унутиб қўйган эди. Аммо ҳозир, унга қарата матал ўқиётган дераза тагидаги хотинларнинг заҳархандасини эшитиб, ўзини йўқотиб қўйди. Унинг юзидан қайноқ тер оқиб тушарди.

Ичкарига Сяо Цзин билан хабарчи кирди. У, юзига жаҳл тусини киргизиб, ойна тагига тўпланган хотин-халажга дўқ қилди.

— Нима, йиғилиб олдиларинг? Одам кўрмаганмисан! — Қани тарқал.

Дераза тагидаги хотин-халаж бунга жавобан хохолашиб кулишди.

— Қизингиздан сўраб кўрингчи, ҳалиги никоҳга розими, йўқми? — деди оқсоқол Сань Сянь-гуга қараб.

Лекин у, кўринишдан, бу сўзларнинг биронтасини ҳам эшитмади. Унинг қулоғи тагида ҳовлидан келаётган қийқириқлар шанғилларди:

— Қирқ беш яшар!

— Кам тир!

— Кашталарини кўрмайсанми, туфличаларидаги кашталарини? кўр!

Сань Сянь-гу помусдан аъзойи-баданини ўт олиб кетди.

У пешонасидан юзидаги {қизил билан* упани қизилини оқ, оқини қизил қилиб оқиб тушаётган терни артарди ва бир оғиз ҳам гапира олмасди.

Ичкарига Сяо Цзин киргандан кейин дераза тагидаги гап бошқача тус олди:

— Вой, бу қизими?

— Ҳа, буям упа-элик чаплашга келганда онасидан қолишмаса керак.

— Ҳей, кампирча тарин иссиқ-совуқ қилишни ҳам билади, дейишади, — эшитилди кимнингдир овози.

Оломон ичида Сань Сянь-гуни тузукроқ биладиган одам ҳам топилиб қолди ва «гуруч куйиб кетди» воқнасини оқизмай-томизмай бирма-бир гапира кетди.

Сань Сянь-гу номус-ор ва аламига чидолмай, қани энди ер ёрилса-ю ерга кириб кетса.

— Сиз сўрашни истамасангиз, менинг ўзим сизнинг учун сўраб кўраман, — деди оқсоқол. — Юй Сяо Цзин, сиз, онангизнинг сизга топган куёвига тегишни хоҳлайсизми?

— Хоҳламайман. Мен унинг ҳатто ким, нима эканлигини билмайман ҳам-ку!

— Сиз эшитдингизми? — сўради оқсоқол Сань Сянь-гуга қараб. Кейин никоҳ ҳақидаги янги қонунни тушунтира бошлади.

— Сяо Цзин билан Эр-хэй қонунга тўла мувофиқ равишда эр-хотин бўлишди.

Оқсоқол Сань Сянь-гуга жаноб У дан келган пул ва тўй совғаларни қайтариб бериб юборишни ва бундан кейин қизининг Кичкина Эр-хэй билан бўладиган тўйига ҳеч бир тўсқинлик бермаслиги кераклигини буюрди.

Номус кучидан ўзини қаерга қўйишини билмаган Сань Сянь-гу ҳаммасига рози бўлди.

12. ГАП НИМА БИЛАН ТУГАДИ

Халқ милициясининг уч аскарлари қишлоққа қайтиб келиб, бўлисда Цзинь-ван билан Син-ваннинг қамоққа олингани ва энди уларнинг жиноятларини ўз жойларида тергов қилиш учун бўлис бошқармасидан ходим юборилганини айтиб берганларида, бутун қишлоқдагилар енгил нафас тортдилар.

Тушдан кейин ибодатхона саҳнида йиғин тўпланди. Қишлоқ оқсоқоли ҳар ким ака-укаларнинг жиноятлари ҳақида ҳамма билган, қўйганларини бирма-бир очигини айтиб берсин, деб таклиф қилди. Дастлаб сўз олишга ҳеч ким журъат қилмади. Ҳамма бир-бирига қарарди. Деҳқонлар қўрқинсираб туришарди: ҳали иш нима билан тугаши, ака-укаларни йиқитишнинг уддасидан чиқиб бўладими-йўқми — ҳали номаълум. Ким билади дейсан, қишлоққа яна қайтиб келиб ўчини ва аламини олишга турадиларми ҳали? Жигари бўш одамлар ҳам топилиб қолди*. Ўзлари индамаганига яраша бошқаларни ҳам йўлдан урардилар: «Сабр қилсанг рўрадан ҳалво пишар», «ошиқиш бошга балол!»

Йўқ, мана бир ёш йигит, ака-укалардан кўп жабр тортган бўлса керак, олдинга отилиб чиқди ва қичқирди:

— Нима, олдин мен сабр қилмай юрганманми? Қанчалик кўп сабр қилсам, шунчалик кам тинч бўлардим. Сизлар чиқиб гапиришни хоҳламасангизлар — мен гапирман!

У гапни қандай қилиб Цзинь-ван уларнинг уйига босмачиларни олиб келгани ва босмачилар, ота-онасига бола керак бўлса пул олиб бориб, ажратиб олиб келишсин деб уни ўғирлаб кетганларидан бошлади. У бундай воқиялардан бир нечасини гапириб берди. Йигит шундай ҳаяжонланар эдики, юзидан дўл ёққандек тер оқарди.

— Мен дам олиб олай, энди бошқа биронта гапирсин!

Ҳамма гап — бошлаб беришда эди. Йигитнинг кетидан бир-бирига гал бермай, бошқалар ҳам сўзлай кетдилар. Сўзга чиққанлар орасида ака-укалар дўқ ва пўписа билан пора олганлар ҳам, ака-укалар уриб ўлдиргудек қилган одамларнинг қариндошлари ҳам, зўрлик ёки ҳийла-найранг билан мол-мулкини талаган одамлар ҳам, улар зўрлаган аёллар ҳам, ака-укалар ўзлари учун ўтин тайёрлашга мажбур қилган қишлоқ милициясининг аскарлари ҳам, улар учун бепул ер ҳайдаган деҳқонлар ҳам бор эди. Йиғинда ака-укаларнинг деҳқонлардан турли ноҳақ солиқлар олганлари борми, қишлоқ милицияси аскарларини юбориб деҳқон-

* Хитойда халқ таъбирича жигар — кишининг қўрқмаслик, жасурлик аъзоси.

лардан ўзларининг шахсий қарзларини ундириб олганлари борми — ҳаммаси гапирилди. Биринини айтиб беради, биринини... пешинда бошланган йингин, кун ботганда тугади.

Ака-укаларга қарши йингинда қўйилган барча жиноятларга асосланиб, бўлис ҳукумати Цзинь-ван билан Син-ванни уездга юборишди. Уездда ҳамма жиноятларни пухта текшириб кўриб, ака-укаларни судга беришди. Суд деҳқонлар томонидан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида ака-укаларнинг молмулкини мусодара қилишга қарор қилди, ўзларини эса ўн беш йил қамоққа ҳукм чиқарди.

Энди деҳқонлар бошини кўтариб юрса бўладиган бўлди. Тез орада қишлоқ бўйича қайтадан сайлов ўтказилди. Энди халқ илгаригидай рўпара келганга овозбермай, раҳбарлик қилишга лаёқатли кишиларни сайлашга тиришарди.

Катта ўзгаришлар бўлиб ўтди қишлоқда! Ҳатто икки «ўлмаслар» ҳам ўзгариб қолди. Сань Сянь-гу ўша кунини бўлисдан қайтиб келгандан кейин, қўлига ойнак олиб, узоқ вақт юзини кўздан кечирди. «Ростдан ҳам, энди менинг ёшимда упа қўйиш, қизил суртиш ярашмас экан!» — дегак фикрга келди у. Сань Сянь-гу аввалги кийимларини ечиб, бошқасини кийган эди, ўзи тенги хотинларга ўхшади қолди. Бориб-бориб, ўттиз йилдан бери ўзи азайимхонлик қилиб келган эҳсон хонтахтасини ҳам синдириб юборди.

Қари Эр Кун-мин аввалига анча вақтгача оҳ-воҳ қилиб юрди.

— Йўқ, бу никоҳга ҳеч йўл қўйиб бўлмайди, — дерди у хотинига, — ахир, айтаману, юлдузи юлдузига тўғри келмайди.

— Жаврашингни қўйсанг-чи, — дерди хотини, — анови сафар Қичкина Эр-хэй бир балога дучор бўлиши турган гап, деб қаромат кўрсатмовмидинг? Хўш, биронта айтганинг бўлдимми? Йўталгинг келса ҳам дарров фол кўришга тушасан, кейин йўталасан. Бирон фойдаси борми? Мендан сўрасанг, Сяо Цзин — ёмон қиз эмас. Ўғлингга жуда тенг тушади! Юлдузи тўғри келмадигига бало борми? Ҳа, «Бугун экиб бўлмайди!» деб қўйиб, шарманда бўлиб юрганинг эсингдан чиқа қолдимми?!

Хатто ўзининг бир ёстиққа бош қўйган хотини ҳам Нур ва Зулмат кучларига ортиқ ишонмай қўйганини кўргач, чол бошқаларга рамл кўришни йиғиштириб қўйди. Рост, гоҳ-гоҳ бировга билдирмай ўзига-ўзи дам соларди, аммо бу ҳақда ҳеч кимга оғиз счмасди. Кичкина Эр-хэй, Сяо Цзин бўлисдан қайтиб келгач, ҳамма иш уриш-жанжалсиз, тинчгина битсин учун қўни-қўшнилардан чол-кампирлар билан гаплашиб кўришларини илтимос қилишди. Эр Кун-мин билан Сан Сянь-гу ўйлаб қаради: қайиқни оқимга қараб ҳайдаш керак, — оқимга қарши сузиб бўладими? — ва тўйга ўз розилигини беришди. Иккала оила ҳам тайёрлигини битқизиб, катта тўй қилди. Янги куёв-келинларнинг қанчалик хурсанд бўлганлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, қўни-қўшнилар ҳамон:

— Мана қишлоғимизда биринчи бахтиёр куёв-қалиқ! — дейишарди.





ХЭ КУ

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

1

арт кунлари. Ҳаво очиқ. Осмон бегубор. Дарахтлар куртак чиқазган. Шафтоли ва олхўрилар гуллаган.

Фабрикаларда ишлаб чиқариш мусобақалари қизиқ кетган. Халқ озодлик армияси Ялуцзян дарёсидан ўтганидан кейин, цехларда шундай шиорлар пайдо бўлди:

«Машина—замбаракдир, урчуқ эса милтиқдир.»

«Брак билан курашсанг — душманинг тор-мордир!»

Иш шиддатли жангга ўхшайди. Тикув фабрикасидаги ишчилар илғор Ма Хэн-чан бригадасининг чақириғини қабул қилиб, ўзлари ҳам бошқа корхоналарни мусобақага чақирдилар. Фабриканинг ўзида бўлса цехлар, сменалар, якка-якка ишчилар бир-бирлари билан мусобақалашдилар. Кишилар завқ-шавқ билан меҳнат қилишаркан, уларнинг терлаб пишган юзларида хурсандлик аломатлари барқ уриб турарди. Ишчилар фабрикага келишлари биланоқ, ҳаммадан аввал кечаги кунда ким энг юқори сифатли кўрсаткичга эришганлиги ҳақида сўрашарди. Кейин станоклар ёнига боришаркан;

жуда соз, энди менинг ишимни ҳам кўрасизлар, деган мазмун улар чеҳрасида акс этиб турарди.

Техник Сяо Хань севинганидан терисига сифмасди. Фабрика бир ойлик ишлаб чиқариш планини йигирма уч кунда бажарди. Шундай бўлгач суюнади-да, албатта! Сменада ишлар тугагандан сўнг одатда ишчилар уни ўраб олишарди — у ишчилар билан ҳазиллашишни, кулишишни яхши кўрарди.

Механик Лао Ли оғир табиатли, қотмадан келган киши эди. У, ўзининг хатти-ҳаракати билан Сяо Ханнинг акси эди. Бир оз вақти бўш қолди дегунча, у худди уруш ҳаракати бораётган районнинг харитасини синчиклаб ўрганаётган бош қўмондондек, газетадаги фронт хабарларига тикилган ҳолда бошини қўли орасига олиб ўтирарди.

Кекса Лао Ли техника хавфсизлиги десятниги бўлиб, шу бўлимнинг юраги ҳисобланарди. Бундан ташқари у, шу корхона партия ташкилотининг секретари вазифасини ҳам бажарарди. Шунинг учун унинг иши бошидан ошиб ётарди. Шунга қарамай у, бу ишларнинг ҳаммасига ҳам вақт топарди. У бир сўзли одам эди: бирон нарсани қиламан дедими, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, шу ишни албатта, бажарарди. У ҳар бир ишни ўз вақтида, шошмай, қатъийлик ва қунт билан адо ётарди.

Мана унинг ёнига севинчи ичига сифмаган тикувчилар хушxabар билан келишди:

— Пин Чэ бригадаси топшириқни яна ўз вақтидан икки соат илгари бажарди!

— Жуда яхши, — жавоб берди у шошилмай, — ишни кхе худди шу йўсинда давом эттираверинглар. Қани бир иш қилинглар-чи, мокининг қутичаларини текшириб чиқинглар-чи.

Тўқувчи ёш жувон унинг ёнига қўлида газмолга наряд билан чопиб келади:

— Бугун ўрта ҳисобда қирқ тўққизтадан ишлаб чиқардим!

У бошини тебратиб:

— Жуда соз! Яна бир оз ишла! Бошқаларга ёрдам беришни ҳам унутма! — дейди кулимсираб.

Бу соф виждонли ва талабчан киши эди.

Фабрика газетасидаги маълумотларни кўришга ишчиларнинг ҳар кунини ҳам вақтлари бўлавермасди. Улар

учун бу ишни енгиллаштириш мақсадида идорага диаграммали бир неча катта-катта тахталар ўрнатишди. Улар ишга келаётганларидами, ёки ишдан кетаётганларидами тахталар ёнида тўхташарди. Ундаги қизил чизиқлар ишчиларга планнинг қанчалик илгари сурилганлигидан дарак берарди.

Ҳаво кундан-кунга яхшиланиб, қуёшнинг ҳарорати секин-аста ошиб борарди. Мусобақа ҳам жиддий тус олиб, кўрсаткич тахтадаги қизил чизиқ кун сайин юқорига кўтарилиб борарди.

Баҳор шамоли фронтдаги халқ озодлик армиясининг ғалабалари ҳақида тинмай хабарлар олиб келар, бу бўлса, минглаб, ўн минглаб меҳнаткашларни янги-янги ғалабаларга илҳомлантирарди.

Бир куни Лао Ли газета ўқиб ўтириб ўйлаб қолди: «Бундан бир неча йил илгари бизни империалистлар эзиб ётишарди, ҳозир бўлса биз қаддимизнигина ростлаб қолмай, балки америкалик олчоқларни йўқ қилиб ташлашда корейлик биродарларимизга ҳам ёрдам бериш учун етарли кучимиз бор...»

У ишлаб чиқаришнинг сифатини кўрсатувчи диаграммадаги чизиқдан кўзини узмай фикр юритди.

«Бекорга ишчиларимиз «Биз — ишчиларда истаганча қувват бор»... деган қўшиқни айтишмайди. Империалистлар қутуришаверсин, улар бизнинг халқимизга бас кела олмайди. Биз, фронтдаги ғалабаларни нишонлаш учун бор кучимизни ишга соляпмиз, янги-янги рекордлар қўйяпмиз!»

2.

Худди ўша чизиқ тобора тепага қараб интилаётган, ишлаб чиқариш мусобақаси мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйган бир вақтда, ҳаммада ҳам жуда кучли таассурот қолдирган бир ҳодиса рўй берди.

Аввало, ҳеч қандай сабабсиз ёғ баки ёрилиб, бир кечада ҳамма ёғ оқиб кетди. Кейин гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда тикув станокларининг синганлиги аниқланди. Мокини ҳаракатга келтирадиган пружиналар бирининг кетидан бири синиб турди, эскирганидан эмас, балки тишлари синганидан ҳар куни бир нечалаб шестернлар ишдан чиқиб турди.

Цехларда ишсиз туриб қолиш ҳоллари борган сари кўпайиб борди, худди олға босиб бораётган қўшин душманнинг қаттиқ мудофаасига дуч келгандек, қизил чизик ҳам ўсишдан тўхтади.

Техника хавфсизлиги бўлимига ишчиларнинг шикоят ва таклифлари худди қор пағаларидек ёғила бошлади.

Лао Ли билан Сяо Хань эрталабдан ҳаяжонга тушиб, нималарнидир ёзиб, ҳисоблашишарди. Қизил чироғ ёниб ишчилар тушки овқатга чиқишса ҳам улар ўз жойларидан қўзғолишмас, ташвишланиб сўзлашишар ёки бир-бирларига боқиб жимгина ўтиришарди.

Одатда тушки дам олиш вақтининг охирларида техника хавфсизлиги бўлимида ғовур-ғувур бўларди. Ёшлар қўшиқ айтиб киришиб ҳамманинг кўнглини ёзар эдилар. Бугун ҳам у ерга анча киши тўпланди, лекин худди томоша залида ўтирган томошабинлар спектаклнинг энг ҳаяжонли дақиқаларини томоша қилишаётгандек, жимжит эди. Одамлар нафасларини ичларига ютган ҳолда қотиб туришарди; ҳамманинг диққати Лао Ли билан Сяо Ханга қаратилган эди.

— Хўш, сен нима дейсан? — жимликни бузди Лао Ли.

— Нима ҳам дейишим мумкин. Сменадан сўнг мажлис уюштирамиз: ҳамма ишларимизни текшириб муҳокама қиламиз.

Сяо Ханнинг юзи тошдек қотиб қолган эди. Унинг кўринишидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

— Масалани бундай ҳал қилиб бўладими! — эътироз билдирди Лао Ли, — Ахир, кхэ буларнинг ҳаммасини фақат ишнинг ёмонлиги туфайли деб бўлмайди-ку! Тўғри, камчиликларимиз бўлган эди, ҳозир ҳам бор, лекин ишчилар бор кучларини ишга солишяпти...

— Хўп, нега деталь устига деталь синяпти? — шошилиб унинг гапини бўлди Сяо Хань, бармоғи билан техника чиқимларининг якунловчи маълумотни кўрсатиб.

— Йўқ, иш кхэ, унчалик эмас, — бошини чайқади Лао Ли, — ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқишимиз керак бўлади. Бу ерда албатта, қандайдир бошқа бир сабаб бор, биз шуни очишимиз лозим.

— Бошқа қанақа сабаб бўларди? Бу ишдаги оддийгина эҳтиёткорсизлик, холос! — деб бақирди Сяо Хань, —

ҳамма станокларни текшириш керак. Станок бир текис юрмадими, синиши турган гап.

— Мен ҳам шунга ҳайронман-да, хўш бўлмаса янги ёғ баки қандай қилиб ишдан чиқиши мумкин? — сўради Лао Ли.

— Бу ҳам эҳтиёткорсизликнинг натижаси! Унга ёғ қуйилаётган вақтда вагонетка урилиб кетган...

— Вагонетка урилганда, олд томони тешилган бўларди, ҳозирги тешик бўлса деворга қаратиб қўйилган томонида, бунга нима дейсан, а?

— Бу...

Бу сафар Сяо Хань ҳеч қандай жавоб топиб бера олмади.

Хонада яна жимлик ҳукм сурди.

Ёрдамчи тўқимачи Цзя Дэ-и қўлидаги овқат соладиган идиши билан иккиланиб стол ёнига борди. У гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғини босиб бошини чайқатди-да, қўли билан лабини артди, юзида қандайдир яширин аломат пайдо бўлди. У сўз бошлади:

— Мен узоқ вақт эшитиб турдим. Билишимча ўртоқ Сяо тўғри гапиряпти. Биз кўп вақтдан бери кўнгилдагидек ишламаяпмиз.

— Э, борсанг-чи! — унинг гапини бўлди ишчи Лю Чжан-тай, — кўзингни каттароқ очгин-да, кейин қара! Ўтоқларимиз жон куйдириб ишлаётганлари йўқми ҳали? Деталларнинг кўпи бузилаётган бўлса, демак кимдир бу ишни қасддан қиляпти, — Лю Чжан-тай столдан синган шестерини олди, — ўзинг қарагин, бу лом билан синдирилган эмасми?

— Нима, бу ишни бирон киши атайлаб қиляпти деб ўйлайсанми? — ажабланиб сўради Цзя Дэ-и.

— Фабрикамизда зараркунандаларнинг бўлиши мумкинми? — деди Сяо Хань, ўзига-ўзи мурожаат қилаётгандек секин товуш билан. — Бу нарсa ҳеч хаёлимга келмасди...

— Яхшиси шуки, — ўйлаб ўтирмаслик керак, — деди Лао Ли, — ўртоқ, ғалабамиз қанчалик яқин бўлса, кураш шунчалик шиддатли бўлади: ишлаб чиқаришимиз қанчалик ривожланса, душмanning кўзлари аламдан шунчалик чақнайди. Балки бизнинг онламызга қабих одамлар кириб олгандир-у, биз бўлсак бошимизни кўрпага буркаб ухлаб ётгандирмиз!

— Тўғри! — деди Цзя Дэ-и тиззасига уриб, — кундуздек равшан!

— Шундай бўлишига қарамай, мен бир нарсага ҳайронман, — унинг гапини бўлди Лао Ли, — сенда бир тайин деган нарса борми? Мен гапирсам ҳам тўғри, бошқа гапирса ҳам тўғри! Ахир кимники тўғри?

Хонадагилар кулгидан ўзларини босиша олмади. Цзя Дэ-и бошини қуйи солиб, ҳижолат чекиб йўталди.

— Ишдан кейин келинглар, — гапни тугатди Лао Ли, — ҳозир ишга, ўртоқлар!

Ишчилар асбоб-ускуналарини олиб чиқиб кетишди. Лао Ли Сяо Хань билан гаплашмоқчи эди, унинг ёнида Цзя Дэ-и ивирсиб юргани учун цехга қараб кетаверишга тўғри келди.

Машиналар шаршарадек гуриллаётган бўлса ҳам, Лао Ли ўзини худди мажлислар залидагидек хотиржам ҳис этарди. У замбаракларнинг гумбурлаб отилишига кўникиб қолган солдатга ўхшарди.

Лао Ли бир оз дам олгач, фикри равшанлашди. Бир оз нарироқда Лю Чжан-тай станокларни тузатиш билан овора бўлиб юрарди.

Лю Чжан-тай болтни маҳкамлаб бўлгач, энгашди-да, Лао Лининг қулоғига деди:

— Менинг ҳалиги гапирган гапим учун хафа бўлма. Тutoқиб кетишим қурсин, ҳеч ўзимни тутиб ололмайман-да.

У ёнида турган кружкани олиб, кетма-кет бир неча қултум сув ичди-да, нафасини ростлаб олиб давом этди:

— Ўзимни ушлаёлмадим, ҳалиям кўнглим ғаш. Мен партия аъзоси бўлсам-у, ёнбошимда мана шундай бе-маънигарчилик юз берса. Ахир бу бутун ишлаб чиқаришда очиқ-ойдин кўриниб турибди. Чидаб туришим мумкинми? Шундан сўнг мен коммунист бўлишга арзийманми? — У қўлини мушт қилиб устунни урди-да, бир оз жим тургач, қўшиб қўйди: — Биламан Лао Ли, сенга янада оғирроқ... Сен раҳбарсан, партия бизга топшириқ берган... — у Лао Лига кружкадаги сувни узатди. У йўқ дегандек бошини тебратди. — Лао Ли сенга яна бир иш тўғрисида гапириб бераман. Ҳар сафар уйга қайтаётганимда қўшним менга йўлиқади-да: «Чжан-тай, фабрикаларингда мусобақа қандай кетяпти! — деб сўрайди. — Кейинги кунларда газетада фабри-

каларинг тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ!» Мен «Шошмай тур, биз янги рекордлар қўямиз!» дейман, у бўлса: «Янги фабрикалар қуришни қачон бошлайсизлар?» дейди. «Аввал ишлаб чиқаришни йўлга солиб юборайлик ундан кейин бунга ҳам уннаймиз!» дейман унга. У бўлса яна ўз сўзини давом этдириб: «Эй Чжан-тай, сизлар ҳам Совет Иттифоқидагидек фабрикалар қура оласизларми?» деб сўрайди. У шундай дедими, мен ўзимни ушлай олмайманда: «Мана мендан қиёс ол: мен қанчалик ҳаракат қилсам, шунчалик бахтли ҳаётга эришаман!» дейман.

У яна кружкани олди-да, бошини эгиб катта-катта қултум билан сув ича бошлади. Лао Ли унинг елкасидан тутиб, енгилгина тебратди-да, дўстларча:

— Ҳаммасини сменадан сўнг ҳал қиламиз,— деди.

— Албатта, бўлмаса, бу қурғурлар фақат гап билан овора бўлиб, меҳнат интизомини унутиб юборишяпти! — Лю Чжан-тай илжайди, — аммо, тезда бирон чора кўриш керак-да, Лао Ли.

Шундан кейин у бирдан гапини тўхтатиб, ёғ резервуаридан шестерни олди-да, шошиб тузата бошлади. Терлаб кетганидан унинг елкалари жиққа ҳўл бўлди.

Лао Ли станокни текширгач, ўзича ўйлади: «яхши ўртоқ, яхши коммунист».

Атрофда, ишга бутун юраги, бутун қалби билан берилган қанча ўртоқ бор! Бироқ, фабрикага суқулиб кириб олган зараркунандалар, жосуслар бизни бекордан-бекорга куч сарфлашга мажбур қилишяпти!

Мойланган қора тусдаги машиналар ялтираб товланарди. Ҳар бир темир балка янги ҳаёт қурилишининг пойдевори, ҳар бир шестерн омманинг олға ҳаракати учун привод* эди! Бироқ империалистлар ва уларнинг малайлари бизнинг йўлимизга ғов бўлиб туришибди: сен тинчликни истасанг — улар уруш оловини ёқишади; сен қуришни хоҳласанг — улар бузишади! Улар бизнинг олға қараб юраётган йўлимизга не-не тузоқлар қўйишмайди.

Лао Ли заводдаги бошқа кўнгилсиз ҳодисаларни ҳам; эслаб, боши айланиб кетди. У шошилганча техника хавф-

* Привод — ишлаб чиқаришда ҳаракатни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган механизм (таржимон).

сизлиги бўлимига қайтиб келди. Бир оз тинчлангач, совуқ бўғирсоқларни олди-да, паришон ҳолда чайнардан, бирдан ёшлик чоғидаги бир ҳодиса эсига тушиб кетди.

Уларнинг уйига кираверишда бир туп шафтоли дарахти бўларди. Унинг меваси йирик ва ширин эди. Айни гуллайдиган вақти баҳор кушларининг бирида дарахт бирдан занфлашиб гуллари тўкилди, барглари сарғайиб, қуриб қолди. Уйдагилар нима қилишини билмай бошлари қотди. Ўша вақтларда тўққиз яшар Лао Ли ҳаммадан ҳам кўпроқ ачинган эди. Унинг отаси парохолда матрос бўлиб хизмат қиларди. У уйга қайтиб келгандан сўнг, дарахтнинг танасини синчиклаб қараб чиқди, баргни қўлида айлантириб кўрди... Шундан кейин дарахтнинг тагини чопиб, у ердан анча зараркунанда қуртлар топиб олиб ташлади.

«Бу ерда тутатишнинг ўрни йўқ. Қанчалик шошилсанг, йўл қидириб топиш шунчалик қийин бўлади» — ўйлади Лао Ли.

У бўлимдан чиқиб шу заҳотиёқ Цзя Дэ-ига рўпара келди. Цзя Дэ-и қандайдир бир сунъий илжайди.

— Лао Ли, мен... Анчагина бўлмағур гаплар айтиб юбордим... Кечиринг... Албатта менинг нуқсонларим кўп... ишларни тузатиб олишимга ёрдам берсангиз.

Лао Лига шогирдининг кайфияти шубҳали кўринди: у нега бундай уэр сўраяпти? Бирон иш қилиб қўймаганикин? У бир оз ўйлашиб тургач, совуққина жавоб берди:

— Чин кўнгилдан гапирятганингга, ҳақиқатан камчиликларингни тузатишингга ишонаман.

У шу сўзларни айтаркан, Цзя Дэ-ига тикилганча қараб турарди. Цзя Дэ-ини ҳам босиб, кўзлари олазарак бўлди.

3

Комитет раиси Ван кетишга отланиб, шляпасини кийган пайтда партия комитетига Лао Ли кириб келди.

— Эндигина сени цехлардан қидириш учун кетаётган эдим,— деди у Лао Лининг қўлини сиқар экан,

— хўш, қалай? Ишчилар билан маслаҳатлашдингми?

— Сяо Хань билан тушки овқатгача ҳамма гапни гаплашиб бўлдик,— деди Лао Ли,— кел, сен билан ҳам бир гаплашиб олайлик.

— Тўхта.

Ван механикни ўтқизиб, алоқачига мурожаат қилди:

— Муҳофаза бўлиминдан Чжоуни чақир-чи.

Кейин у яна Лао Лидан сўради:

— Бу ҳақда Сяо Хань нима дейди?

— У бунинг сабаби фақат эҳтиётсизлик деб ўйлаяпти, — жавоб берди Лао Ли.

— Унинг ақли-ҳушини жойига келтириб қўйиш керак. Ҳозир кўпчиллик масъул ходимлар айтарли даражада ҳушёр эмас. Улар ҳамма ишга назарий томондан ёндошадилар, бу тўғри эмас. Бу масалани ҳеч кечиктирмай фабрика маъмурияти комитети йиғилишида муҳокама қилиб, зарур чоралар кўриш...

Эшик очилиб Чжоу кириб келди. Ван Лао Лиға кўз қисиб қўйди.

— Қани бошла-чи, бўлмаса Чжоунинг иши жуда ҳам кўп, ҳамма вақт у билан суҳбатлашиш керак бўлса, пайт пойлайсан киши, агар телефон орқали келишиб қўймасанг қидириб юришга тўғри келади.

Учовлари ҳам ён дафтарларини очишди. Вазият ҳақида биринчи Лао Ли сўзлади.

У Цзя Дэ-ининг номини тилга олган пайтда Чжоу қўли билан ишора қилиб тўхтатди.

— Ие, уни сен ҳам биласанми? — ҳазилнамо сўради Ван.

— Ҳа, унинг тўғрисида унча-мунча гап эшитдим — Чжоу шошмай ён дафтарчасини варақлай бошлади. Мана! Цзя Дэ-и 1949 йилда фабрикага ишга кирган. Гоминданчилар касаба союзи доимий комитетининг раиси Лю Чжень-куй томонидан ишга қабул қилинган. Техникадан хабари йўқ, тўқувчига шогирд қилиб олинган. Ландовур, ишەқмас. Шунинг учун ҳам ишчилар унга «текинхўр» деб лақаб қўйишган.

— Ҳа, уни мендан кўра сен яхшироқ билар экансан-ку! — унинг гапини бўлди Лао Ли.

— Бу жуда аниқ эмас. Фақат умумий маълумот холос, — жавоб берди Чжоу, — озодликдан кейин ўзини қандай тутяпти?

— Ўзини актив йиғит қилиб кўрсатмоқчи бўладю, кўп гапириб оз иш қилади. Гоминдан касаба союзнга шикоятлар йиғилганда у ҳам шикоят қилди, янги касаба союз комитетига раис сайлашганда бўлса, орқа-

воротдан: «Сассиқ қўнғизни қаранглар, осмонни искаб кўрмоқчи бўлиб самолётга чиқиб олибди» — деб тўнғиллаган. У мана шунақа одам.

— Унинг хотин, бола-чақаси қаерда туради?

— Мендан икки эшик нарироқда, шундайгина ён қўшним.

— Охирги вақтларда у кимлар билан алоқа қилади?

— Буни айтолмайман,— Лао Ли бошини чайқатди. — Мен унинг хотини Цзя Чунь-лань билан суҳбатлашдим. У айтадики, эри озодликкача, қимор ўйнаш учун улфатларини тез-тез чақириб келаркан, лекин ҳозир бу одамлар унинг остонасига қадам қўймас эмиш. Кейин Чунь-лань бу ҳақда эрининг ўзидан ҳам сўраб кўрибди, ва кхэ эрим энди актив жамоатчи, ишлаб чиқариш илғори, ҳалиги одамлар билан эса алоқани бутунлай узиб юборган — деб мени ишонтирди.

— Цзя Чунь-лань,— ўйланиб қолди Ван,— бу ҳалиги тикув цехида «А» сменада ишлайдиган Цзя Чунь-лань эмасми? Ахир у ёшлар союзининг энг яхши аъзоларидан бири-ку.

— Ҳа, ҳа! — бош силкитди Лао Ли. — Илгари Цзя Дэ-и уни доим кхэ урар эди. Бу ювош қизча товушини чиқаришга ҳам журъат қилмай ҳақоратларга чидаб келган.

— Цзя Дэ-ининг ишчилар билан муносабати қанақа? — қизиқди Чжоу.

— У кўпинча қолоқ ишчиларни гоҳ кинога, гоҳ театрга таклиф қилиб туради. Ҳар бало деб валдирайверади. Айрим кишиларни лақиллатиб ҳам кўрган.

— Унга сен қандай баҳо берасан?

— Мен аминманки, у йигит бизнинг кишимиз эмас. Унинг бугунги тушки овқат вақтидаги қилиқлари жуда шубҳали эди. Кўп вақт қоидага риоя қилмай ишлаётганлигини кўраман — мокини ҳаракатга келтирадиган пружиналарни жуда ҳам таранг қилиб тортиб юборади. Шундан кейин ҳам синмасинми? Бироқ, кхэ бу иш ҳали бутунлай очилгани йўқ. Уни қамоққа олиб бўлмайди. У машинани тузатмоқчи бўлса, унинг тагига кириб олади, ахир бошқалар 30-40 станокда хизмат қилиб турганларидан кейин уни кузатиб тура олишармиди? Шунинг учун ҳам мен, уни цехларда дайдиб юрмасин деб идорага ўтказмоқчиман. Хотинига айтиш керак... Ундан бохабар бўлсин.

— Жуда тўғри! — қўшилди Чжоу, — Мен хавфсизлик органлари кишилари билан алоқада бўлиб туришга ҳаракат қиламан: бу ишни албатта очиқ-ойдин қилиб олиш керак.

Фабрикада ундай камчиликлар юз бергандан кейин коммунистлар билан ёшлар союзи аъзоларининг кайфиятлари қалай? — сўради Ван.

— Кучларини аямай ишлашяпти, кхэ тўғри баъзилари ҳали ҳам бутунлай тушуниб етганлари йўқ, аммо кўпчилик партия аъзолари: фабрикада шундай бемаънигарчиликлар юз беряптими, биз бутун кучимизни ишга солишимиз лозим, деган фикрда.

Лао Ли полнинг тахтасига жимгина тикилиб қолди.

— Қийинчиликлардан-чи, қўрқмайсизларми?

— Йўқ, лекин биз топшириқни бажармаётганлигимизни сезиб турибмиз; бизга уят.

— Ўртоқ, — кулимсиради Ван, — раис Мао Цзэ-дун шундай деган: «Қўлида қуроли билан курашаётган душман ер билан яксон қилингандан сўнг, яна қўлида қуроли йўқ душман қолади ва у албатта, биз билан шиддатли кураш олиб боришга киришади». Қийинчиликларнинг бўлиши муқаррар, ўртоқ! Биз қандай қилиб ишни тўғри йўлга солиб олиш ҳақида пухта ўйлаб олишимиз лозим.

Лао Ли бошини оҳиста кўтариб қаршисида осифлиқ турган Мао Цзэ-дун портретига тикилиб қолди. Негадир унинг назарида ўтган йилнинг октябрь ойи жонланиб кўринди. Ўшанда уни Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган кунни нишонлашда қатнашиш учун Пекинга юборишган эди: Мао Цзэ-дун, Тяньаньминь дарвозаси, қизил байроқлар, фақат қаҳрамонлардан ташкил топган ҳарбий қисм, юз минглаб меҳнаткашларнинг шодиёнаси...

Деразадан уйга қўёш нури тушди, енгил шамол машиналар ғовур-ғувурини олиб кирди.

Лао Ли болаларга хос жилмайиш билан қайрилиб Ванга қаради.

— Қани, бундан буён қандай иш қилмоқчи эканингни гапириб берчи, — деди у.

Лао Ли ён дафтарчасига кўз ташлади.

— Хавфсизликни қўриқловчи группаларни мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни кучайтириш, душманлар-

га қўл келадиган кишилар онгидаги эскилик қолдиғини йўқотиш керак.

— Жуда тўғри, Лао Ли,— маъқуллаб бош қимирлатди Ван,— ҳозирги энг муҳим вазифа биз ниманики билсак — халқни ҳам шу нарсадан баҳраманд қилишдир. Ҳар бир гайка, ҳар бир болт ўз бахтимиз, барча хитой халқининг бахтини мустаҳкамлаяжанини ўртоқларга тушунтириш керак. Душманга нажот йўли қолдиришга ҳаққимиз йўқ, биз халқ мулкига путур етказиш учун йўл қўёлмаймиз. Барча ишчиларнинг ҳушёрликни оширишга чақиримиз зарур — биз халқ олдига баб-баравар жавобгармиз!

4

Якшанба — дам олиш куни. Ўйин-кулгини севадиган ёшлар бу кунни уюшқоқлик билан ўтказишга киришишди. Бугун ҳам ҳали майсалардаги шабнам селгишга улгурмасданоқ, эрталабки жимликни стадионда чалинаётган карнайнинг чўзиқ овози бузди.

Эндигина чиқиб келаётган қуёш нурида қизил майка ва оқ трусик кийган кўркем боскетболчилар группаси пайдо бўлди. Ҳар тарафдан завқли овозлар эшитилмоқда. Мана бу ерда велосипед минишни ўрганишяпти, ана у ерда копток ўйнашяпти. Олачипор блузка кийишган қизлар бонг ва нөгора садолари остида танца тушишга ўрганишмоқда.

Қўёш тепага кўтарилиб бораётир. Стадионда шовқинсурон авж олмоқда. Мана, боскетболчилар мусобақаси бошланажигидан дарак берилди. Томошабинлар майдончани бир зумда жипслашган ҳолда ҳалқа қилиб ўраб олишди.

Лао Ли билан Лю Чжан-тай стадиондаги одамлар орасидан базўр чиқишиб, фабрика томонга йўл олишди. Улар қаршисидан кетма-кет байрам либосидаги одамлар билан тўлган автомашиналар ўтарди.

— Лао Ли,— ёшгина ишчи жувон қўлидаги рўмолчасини ҳилпиратиб, ингичка овоз билан кекса механикни чақирди.

— Э, Бу-дянь! Қаёққа кетяпсизлар? — сўради Лю Чжан-тай.

— Боққа. Дам олиб, ўйнаб келишга...

Бу-дянь қўлини силкитди — кўча шовқини ва машиналарнинг овози унинг товушини ютиб юборди. Машиналар чанг буруқситиб ўтишарди. Қизларнинг узун сочларини шамол тўзғитарди. Барвастандан келган эркакнинг баланд овози кишини ўзига тортди:

Биз демократик ёшлармиз...

Қолганлар баб-баравар қўшилишди.

Лю Чжан-тай уларнинг орқасидан илжайган ҳолда қараб қолди. Лао Ли уни елкасига уриб ўзи томонга жалб қилди. У қайрилгач, Цзя Чунь-ланга кўзи тушди; у ҳам дарвоза ёнида, машинада кетаётганларнинг орқасидан қараб турарди.

— Чунь-лань, нега сен улар билан бормадинг? — очиқ кўнгиллик билан сўради Лао Ли.

— Навбатчиликда туришим керак. Э, сени қара-я! Навбатчилар отрядининг начальниги бўла туриб навбатчиликда ким туришини ҳам билмасанг! — ҳазиллашди Чун-лань. Шундан кейин қўққисдан сўраб қолди: — «Нима қилмоқчисизлар! Сизлардан смена оладиганлар келишгани йўқми?»

— Қўшимча навбатчилик қилгани келдик! — ҳазил билан жавоб берди Лю Чжань-тай.

— Улар билан бирга боришни истармидинг? — сўради Лао Ли.

— Истармидинг-а? Ахир менинг топширигим борку, улар билан боришни қандай қилиб хаёлимга келтира оламан! — Чунь-лань қошини чимириб лабини тишлади, — ҳақиқатда ҳам худди атайлаб қилгандек шу бугун навбатчилик қилиш керак бўлиб қолганини қаранг-а!

— Сменамиздагиларнинг ҳаммалари йиғилишдими? — яна сўради Лао Ли.

— Ҳаммаси! Олтмиш киши, ҳеч қайсиси кечиккани йўқ.

— Ҳм... — Лао Ли хаёлига ниманидир келтирди, — Сен байрамга борақол, Чунь-лань! Барибир биз икковимиз, кхэ, кхэ кунни бўйи лақиллаб юрамиз. Кишилар етарли...

— Ростданми? Чунь-ланнинг кўзлари суюнганидан, худди мукофот олгандек чақнаб кетди.

— Сенга бир кунлик отпуска бераман, — кулиб юборди Лао Ли, катта байрамларда ҳаво камдан-кам очиқ

бўлади. Бугун бўлса қасаба союз ташкилотлари ҳаваскорларининг кўриги, кхэ боравер! Автобусда қирқ минутда етасан.

— Икковингизга ҳам раҳмат!

Чунь-лань севинганидан сакраб, Лао Лининг қўлини қисди-да, майда-майда қадам билан автобус тўхтайдиган жойга қараб чопди.

Унинг юраги бўлажак хурсандчиликдан орзиқарди — гуллаган ўрик дарахтлари тагидаги концерт, табиат қучоғидаги тушки овқат, бадий ҳаваскорлар тўғрагида ўрганилган янги рақслар...

Автобус тўхтайдиган жойда одам жуда кўп эди. Чунь-лань автобусга чиқмоқчи бўлиб турган кишиларнинг кетига келиб турди. У ўгирилиб орқасига қараган пайтда Лао Ли билан Лю Чжан-тай аллақачон фабрика дарвозасидан ўтиб, бош корпусга яқинлашган эдилар.

Бу икки келишган қоматни кўргач, унда бирданига қаттиқ ачиниш пайдо бўлди.

«Ҳар бир киши дам олиши ва ўзининг дам олиш кунини ўйин-кулги билан ўтказмоғи керак,— ўйлади Чунь-лань.— Ахир улар ўтган ҳафтадагина навбатчиликда туришган эдилар-ку, бугун яна келишибди. Ўзлари хоҳлаб келишибди. Мен бўлсам бугунги навбатчилигимни уларга қолдирдим...»

Унинг юзи қип-қизариб кетди.

— Билетингиз? — Қассир қўлини унга узатди.

У йўқ дегандек бошини қимирлатиб ўгирилди-да, қайтиб фабрикага қараб чопди.

Ишчиларнинг мудофаа отряди навбатчилик қабул қилишни бошлаган эди. Лао Ли билан Лю Чжан-тайларнинг ҳар бири унча катта бўлмаган одамлар гуруҳи билан идорадан чиқишди ва шу заҳотиёқ Чунь-лань билан тўқнашишди.

— Нега қайтиб келдинг? Автобусга тушолмадингми? хайрон бўлди Лао Ли.

— Боргим келмади! — Қўлини узатди Чунь-лань — Милтиқни менга бер.

— Нега? — Унинг сўзини тушунмади Лао Ли.

— Навбатчиликда тураман! — Чунь-лань Лао Лининг қўлидан милтиқни олди. — Ахир сизлар ўтган ҳафтадагина навбатчилик қилган эдингиз-ку.

— Ҳаҳа!.. — Кулиб юборди Лао Ли. — Гап бу ерда дегин! Хўш нима бўпти? Сиз ёшлар кўпроқ ўйнаб-кулишингиз керак. Мен ўзим ҳам кхэ уйда қолсам зерикаман. Бора қол, бор!

— Йўқ! — Чунь-лань қатъийлик билан бошини қимирлатиб, милтиқни елкасига ташлади-да, отрядга қўшилди.

— Дам олиш кунини навбатчиликка кетганинг учун Цзя Дэ-и ҳарҳаша қилмайдими? — кетаётиб сўради Лао Ли.

— У ўз иши билан банд, мен ҳам ўзимники билан. У менга хўжайинлик қилади деб ўйлайсанми?

— У ҳар дам олиш кунини бандми?

— Ким билади? Эрталаб чиқиб кетганича кунини бўйин дайдилардек қаерлардадир изғиб юради. Театрга борамай дейди-ю, кечкурун уйга фирт маст ҳолда қайтади.

Ишчилар муҳофаза отряди фабрика дарвозасининг ташқарисига чиқди. Лао Ли постларни тақсимлади-да, яна Чунь-лань ёнига қайтди.

— Биз сен билан кхэ девор олдида, худди шу ерда, сойнинг қирғоғида қўриқчилик қиламиз.

У, шу сўзларни дея туриб, девор билан бир қатордаги дамбага* тирмашиб чиқа бошлади.

Улар қўриқчилар турадиган айвончага кўтарилишди. Пастда Байхэ тинчгина чайқаларди, қарши қирғоқда бўлса юк ташувчи машиналар гувиллаб ўтишарди, шўх ашулалар янграрди.

— Э! Бу машиналар қоғоз чиқариш фабрикасидан! — Хурсандликдан қичқирди Чунь-лань. — Демак қоғоз чиқарувчилар байрамга қатнашишар экан-да. Ё коллектив бўлиб кинога кетишаётганмикин.

— Ростдан-а? — Лао Ли диққат билан Чунь-лань кўрсатган томонга қаради. — Сиз ёшларнинг кўзингиз ўткир. Менинг кўзим бўлса ҳеч нарсани илғамайди...

Сув оқими бўйлаб юк пароходи кетаётган эди. Қаттиқ гудок эшитилди. Трубадан худди тип-тиниқ сувга туш қуйилгандек қуюқ қора тутун чиқа бошлади.

— Портдан юк ортилганга ўхшайди, — жимликни бузди Чунь-лань.

— Эҳтимол. У анча еригача сувга ботгандир, — жавоб қайтарди Лао Ли.

* Д а м б а — дарё четин ва умуман сув ҳавзаларини атрофига тупроқ, шағал ва ҳоказодан қурилган кўтарма. (Таржиҳон.)

— Балки биз ишлаб чиқарган газмолларии олиб кетаётгандир? — деб Лао Ли кулиб юборди.

— Нега куляпсан?.. Қарагин, унда байроқчалар бор. Жуда ҳам ажойиб!..

— Айтишларига кўра, бу байроқчалар сўзлар ўрнига ишлатилиб, пароходнинг қаерга кетаётганлигини билдиради. Кхэ! Афсуски биз тушунмаймиз.

— Буларнинг ҳаммаси қандай ажойиб! — Чунь-лань пароходни диққат билан кузатарди. — Биз жуда ҳам оз нарсани биламиз-да! Эҳ, Лао Ли, менда ўқиш учун имконият бўлса эди. Мана Сяо Ханни олайлик: махсус билим, олди, унинг учун станок электр моторининг бир минутда қанча айланиб чиқишини билиш ҳеч гап эмас!..

— Техникани ўрганишни хоҳлайсанми?

— Ҳамма нарсани ўргангим келади! — Чуқур нафас олди Чунь-лань. — Аммо ҳозир мен фақатгина бир нарса ҳақида, кечки мактабни битириб аттестат олиш ҳақида ўйлаяпман. Балки ўшанда менга раҳбарларимиз: «Чунь-лань, сени фалон ёки пистон ерга ўқишга юборамиз...» дейишар. Шундай бўлиши мумкинми?

— Албатта, мумкин. Яқин келажакда шундай кунлар келадики, сен буни кўз олдингга ҳам келтиролмайсан! — деди Лао Ли.

— Оҳ, ўша кунлар қачон келаркин! — ҳаяжондан ҳатто кўзини юмиб олди Чунь-лань.

— Сен кутяпсан, мен ҳам кутяпман — бутун хитой халқи кутяпти ва умид қиляпти! Биздан Қореяга бориш учун ўз хоҳиши билан ёзилаётганлар шунинг гувоҳи эмасми? Кеча-кундуз демай мусобақалашиб, дам олиш кунлари ҳордиқ чиқармай, шу ерда постда туришни афзал кўрувчилар шунинг гувоҳи эмасми-а?

Чунь-лань унинг кулган кўзлари атрофидаги тарам-тарам чизиқларига қараб, хурсандлик билан бошини тебратди. Бир дақиқа жимдикдан сўнг, Лао Ли қатъий овоз билан сўради:

— Чунь-лань, мен сендан бир нарсани сўрамоқчиман... Бизнинг келажакдаги ҳаётимиз порлоқ, агар сен бемаъни кишиларнинг бу ҳаётни вайрон қилмоқчи бўлганликларини билсанг, кхэ нима қилардинг?

— Шундай кишилар ҳам бўладими? Мен... — у милтиқнинг тепкисини шиқиллатди. — Бундай кишиларни ўлдираман!

— Ҳм! Лао Ли унга синчиклаб назар ташлагач, яна сўради:

— Агар ўша, бизнинг фабрикамизга зарар келтирувчи киши сенинг дўстинг, ёки яқин кишинг бўлса-чи?

— Барибир ўлдирадим! — иккиланмасдан жавоб берди Чунь-лань. — Фабрикага зарар етказишни хоҳлаган душманни яқин кишинг, дўстинг деб бўладими?

— Яхши... Кхэ, жуда яхши! — Лао Ли унинг елкасига мулойимлик билан қоқиб қўйди. Сен ажойиб одамсан! Ёшлар союзи сени беҳуда тарбия қилмаган экан.

5

Лао Ли коммунистлар ва ёшлар касаба союзи аъзоларининг умумий мажлисида охириги вақтда фабрикада рўй берган қўпоровчилик ҳаракатлари ҳақида батафсил сўзлади. У бутун коллектив ҳушёрлигини юз карра ошириб, хавфсизликни ҳимоя қилиш группасини мустаҳкамлашга чақирди.

— Бу группада асосий ўринни коммунистлар билан ёшлар касаба союзи аъзолари эгаллашлари керак, — деди Лао Ли, — биз халқ олдида жавобгармиз ва халқ бойлигига зарар етишига йўл қўймаймиз, душманга нажот топиб беришга ҳаққимиз йўқ, — деб Ван берган кўрсатмани деярли бирма бир қайтарди у.

Бу мажлисдан сўнг хавфсизликни ҳимоя қилиш группаларининг фаолияти жонланиб кетди. Бу группаларнинг ҳар бир аъзоси ўзини фронтдаги соқчиликни ҳимоя қилиш отрядининг жангчисидек ҳис қилди. Жосуслар ва душманларни кузатувчи ҳар бир икки кўз прожектор сингари чақнади.

Халқ олдидаги масъулиятни сезиш керак — станокларни смена бошланганга қадар текшириш, қўпоровчилик билан шуғулланувчи элементнинг зараркунандалик ишларига йўл қўймаслик керак.

Халқ олдида масъулиятни сезиш — тухмат қилиб тарқатиладиган овозалар манбаини фош қилишдир.

Техника хавфсизлиги бўлимининг вазифаси — деталар сарфланишини кўрсатувчи диаграммадаги кўк чизиқни оғишмай пастга туширишдир.

Ишлаб чиқариш бўлимининг вазифаси — маҳсулот сифатини аниқловчи диаграммадаги қизил чизиқни оғишмай юқорига кўтарилишига эришишдир.

Кишилар ишлайдилар, курашадилар — ишлаб чиқариш олға томон силжийди.

Уша кун, иш тамом бўлишига яқин «Фабрика варақаси» янги ишлаб чиқариш рекорди ҳақида хабар берди. Оқ қоғозга катта қизил иероглифлар билан «49,9» деб ёзилган эди.

— Ғалаба!

Ишчиларнинг севинчлари ичига сиғмасди. Машиналарнинг ғувиллаши товушларни босиб кетар, ҳамма бирига севинч назари билан боқарди.

Худди шу умумий тантана пайтида, бир машинадан тўсатдан тутун бурқсиб чиқа бошлади.

Кишилар ёнғин чиққан жойга челақлар ва қум солинган қоплар олиб югуришди. Аланганинг авж олиб кетишига йўл қўймай, тезда ўчиришди.

Фабрикада деярли ҳамма машина тўхтаган эди. Моки ўрнатувчи ёш ишчи қизлар орасида шовқин-сурон кўтарилди.

— Ишни давом этдиринглар! — деди овозининг бори-ча Лю Чжан-тай. — Ўртоқлар! Станокларни юргизиб юборинглар!

Бир минутдан сўнг ваҳима ўрнини ғазаб эгаллади. Ишчилар қичқаришар, тепинишар, сўкинишарди.

— Жосусларни топиш керак, контрреволюционерларни топиш керак!

Хавфсизликни ҳимоя қилиш бош группаси ёнғиннинг сабабларини аниқлади: кимдир дарз кетган чинни идишни суви билан электр мотори устига қўйган экан.

— Ҳей, бу идиш кимники? — сўради стол устига чиқиб, қўлида идишни ушлаган ҳолда Лао Ли. — Ким билди?

Идишни ҳамма навоат оилан кўриб чиқди. Пиёла Чунь-лань қўлига тушган пайтда, ёш жувоннинг мияси ғовлаб, ўйлаб кетди.

«Ҳовлиқиш керак эмас... яхшилаб уйни қараш керак — ўшандагина...»

У бутун вужуди билан ҳаяжонини билдирмасликка, бақириб юбормасликка тиришди.

Чунь-лань ишни тамомлабоқ, шошилганича уйи томон югурди. Унинг оёқлари бўшашарди. У эшикнинг қулф эканлигини эсдан чиқариб уни тортди. Титроқ ҳолда қулф-

ни очиб, шкафга томон ташланди... Чанг босган тоқчада яқиндагина қўйилган идишнинг изи турарди!

«Бу ўша!» Чунь-ланнинг кўз олдида ҳамма нарса хиралашди.

Мана у Цзя Дэ-ига турмушга чиққанига беш йил бўлди. Бир вақтлар уларнинг оталари дамба қурилишида бирга ишлашган ва ўз фарзандларини ёшлик чоғларидаёқ унаштириб қўйган эдилар. Чунь-ланнинг ота-онаси кўп ўтмай вафот этди ва унга ўн олти ёшида Цзялар оиласига қўшилишга тўғри келди. Цзя Дэ-и ёшлигиданоқ ҳалол меҳнатдан қочар эди. Тўғри, олдин у японлар қўлида ҳам-мол бўлиб ишларди, аммо кейинчалик «сотқинлар қўшини»* да ишлаб, ўзига ўхшаш дайдилар билан ошна бўлиб олди. Япон империалистлари устидан ғалаба қозонилганидан сўнг, у икки йил гоминданчи полиция жосуси бўлиб хизмат қилди. Сўнгра у, қалбаки касаба союзларидаги ҳомийлари ёрдамида ҳозир ўзини уринтирмасдан пул олаётган фабрикага киришга муяссар бўлди.

Бу йиллар ичида Чунь-лань у билан анча азоб чекди. Чунь-лань қийналиб ишлар, унинг топган пулини бўлса Цзя Дэ-и фоҳишаларга ва қиморга сарфларди. Хотини тўғрисида қайғуришни ўйламасди, аксинча салга жанжал кўтарарди.

Шаҳарга халқ озодлик армияси кириб келганидан кейингина Чунь-лань эркин нафас ола бошлади. У кечки мактабга қатнай бошлади, ёшлар союзига кирди, ишчилар муҳофаза отрядига ёзилди.

Буни қарангки, бирданига қизиқ бир ҳол юз берди. Цзя Дэ-и у билан яхши муносабатда бўла бошлади; у баъзи вақтларда жанжаллашса ҳам уни уришга журъат қилмасди.

«Ҳайрон қоладиган ери йўқ,— қўққисдан Чуньланнинг кўзи очилди,— озодликдан кейин яширин агент бўлиб хизмат қилиш учунгина ўзини софдил қилиб кўрсатган!»

Ғазаб ўти унинг юрагини ёндирди. Шунга қарамай у ўзини тутиб, Лао Лининг уйига томон йўл олди.

— У ҳали келгани йўқ... — деди Лао Лининг хотини.

* „Сотқинлар қўшини“ — 1937–45 йилларда японлар билан билликда хизмат қилган хитой сотқинларининг қўшинлари кўзда тутилади.

Кейин Чунь-ланни уйга таклиф қилди.

Айтишларига кўра фабрикаларингизда яна бир ҳодиса рўй берибди — машина ёниб кетибди. У шунинг ремонтни учун ҳам кечикиб қолди, — тушунтирди унинг хотини Чунь-ланни ўтиргизиб.

— Лаънати жосуслар! Уларни бало ҳам урмайди. Халқимизни тинч яшашга қўйишмайди! Яхши ҳамки, сергакроқ бўлиб туришгани, бўлмаса бутун фабрика ёниб, қанча-қанча одам хароб бўларди. Мисол учун мана бизнинг ўз уйимиз ҳам, ўз еримиз ҳам йўқ, саккиз жонмиз, фақат эрим ишлайди, умидимиз фақат шу фабрикада. Гоминданчилар қочиб кетаётганларида фабрикани вайрон қилишган эди, уни ҳозиргача ҳам тиклаша олгани йўқ. Мана ҳозир ҳам улар қайтадан ўз жосусларини юборишяпти. Бу малъунларни отиб ўлдирсанг ҳам ҳақинг кетади!.. Чунь-лань, сенга нима бўлди?

Чунь-лань бошини қўллари орасига олиб, лаблари титрагани ҳолда бўздек оқариб ўтирарди.

— Менинг... Тобим йўқ...

— Канга ўтиб ўтир. Ҳозир шўрва келтириб бераман, яхшилаб исиниб ол... Ҳаво ҳам бир ғалати — гоҳ совийди, гоҳ исийди. Шамоллаган бўлсанг керак.

Лао Лининг хотини Чунь-ланни канга ётқизиб, устига кўрпа ёпди-да, ўзи шўрва иситгани кетди.

Чунь-лань кўрпага ўралиб олган бўлса-да, худди безгак тутаётгандек титраб-қақшарди.

«Бундан бир неча кун илгари отиб ташланган контр-революционерлар сингари уни ҳам отиб ташлашади,— унинг миясига шу фикр келди,— отиб ташлашади... Менчи? Мен нима қиламан?»

Бирданига Цзя Дэ-ининг онасининг: «Чунь-лань, мен сени ўз қизимдек биламан, — Дэ-и аҳмоқ бола, ёмон одамлар уни йўлдан чиқаришди, уни кузатиб туриш керак, бўлмаса у бир балога йўлиқади. Барака топ, уни тийиб ол. У жиззаки, сен оғирроқ бўл, умрбод у билан бирга бўлишингни унутма»,— деб ўлим олдидан айтган сўзлари эсига тушди.

Чунь-ланнинг кўнгли таскин топди, кўз ёшлари ёстиққа оқди.

— Ана у ердаги столнинг устида иккита тухум ҳам бор, ўшани ҳам қовур, ун билан сув нима овқат бўла қоларди.— Лао Ли онасининг товуши эшитилди.

Чунь-лань қайтадан Лао Ли тўғрисида фикр юрита бошлади.

Гоминданчилар тартиби вақтида, молларнинг нархи кўтарилган бир пайтда, бу тажрибали механик жазоланишига қарамасдан, ишчилар курашига бошчилик қилди ва иш ҳақини оширтиришга эришди. Озодликка чиқилганидан сўнг, ишлаб чиқаришни тиклашнинг оғир кунларида, кеча-кундуз фабрикада қолиб кетди. Ишлаб чиқариш мусобақалари кенг қулоч ёйган бир пайтда кечаю кундуз ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам меҳнат қилди. Жосуслар бўлса, худди вабо каламушларига ўхшаб ҳамма ишни бузишяпти.

— Йўқ, бораман-да, унга ҳаммасини айтиб бераман! — Чунь-лань кандан сакраб тушди.

— Чунь-лань, қаёққа кетяпсан? Мен сенга угра олиб келдим, — уни кўндирмоқчи бўлди Лао Линнинг хотини.

— Овқат егим келмаяпти, холажон. Сиз ташвишланманг...

Чунь-лань эшикни очиб, чопганича ташқарига чиқиб кетди.

— Чунь-лань!

У ҳатто қайрилиб ҳам қарамай, қадамни тезлаштирди. Фабрикага боришдан аввал эшикни қулфлаш учун уйга борди. Борса, чироқ ёқиглиқ турган экан.

Цзя Дэ-и канда ётар, ундан ароқ ҳиди келарди.

— Тўйгунча ичдингми? Мазами?—ғамгин сўради Чунь-лань.

— Кўнгиллилар фронтда яна катта ғалабага эришишибди, суюнмай бўладими? — мийиғида кулди Цзя Дэ-и.

— Ўзингни аҳмоқликка солма! Жавоб бер: шкафдаги идиш қандай қилиб фабрикага бориб қолди?

— Идиш?! — Цзя Дэ-и худди бир нарса чақиб олган кишидек, сапчиб ўрнидан турди, кайфининг ярми қочиб кетди.

Эр билан хотин бир-бирларига ўқрайиб тикилиб қолишди. Кутилмаганда Цзя Дэ-и тиз чўкди.

— Хўш?! — ўшқирди унга Чунь-лань.

— Мен ҳалок бўлдим, ўлдим! — деди Цзя Дэ-и ўзининг бошига ўзи муштлаб.— Ўзимга-ўзим бало ордирдим! Умрим хазон бўлди!

— Бу ишни қилишга сени ким мажбур этди? — давом этдириб сўради Чунь-лань.

— Ҳеч ким мажбур этгани йўқ... Мени сўкма! Осмон гувоҳ, мен ҳақ гапни айтяпман!.. Бу тасодифан! Бу лаънати идишнинг тешиклигини ким билибди дейсан!...

У ўлаётган ит сингари вангиллаб бошини ерга урди.

— Кечир мени! Ҳаётим сенинг қўлингда! Агар улар билиб қолишса, мени гоминданчиларнинг агенти сифатида отиб ташлашади...

— Лоақал шу сафар виждонан гапиряпсанми? — ўйланиб қолди Чунь-лань.

Цзя Дэ-и Чунь-ланнинг иккиланиб қолганига тушуниб, гапини давом этдирди:

— Текшир, ўйлаб кўр... Сен балиқнинг ўзи қанақалигига эмас, қанақа сувда ҳаёт кечираётганлигига қара...

— Аблаҳ! — қичқирди Чунь-лань, аммо шундай бўлса, ҳам ачинганидан унинг юрагига ғаш тушди. У канга ташланиб, ҳўнграб юборди.

6

Эртасига Цзя Дэ-и ҳеч нарса билмагандек фабрикага келди. У Чунь-ланнинг ҳеч нарса демаслиги, айниқса ўзининг ўтган ҳафтада идорага ўтказганликлари ва цехга кириб юришнинг ҳожати йўқлиги учун, сирнинг ошкор бўлмаслигига ишонган эди. Чунь-лань бўлса, ҳамма вақт жиннига ўхшаб дайдиб юрарди. Фақат цехдаги машиналарнинг шовқинигина уни бир оз ўзига келтирди.

— Чунь-лань опа, — ёш ишчи қиз унинг ёнига югуриб келди. — Кеча сизларнинг сменаларингизда яна бахтсизлик рўй бердими?

Чунь-лань жавоб ўрнига:

— Ҳа! — деб қўя қолди.

— Бу қандай қўрқинчли! Бутун фабрика ёниб кетганда нима бўларди? Унда бутун оиламиз билан нон ўрнига чигиртка ердик, — давом этди қиз. — Бу ярамаслар қасддан қилишяпти. Нозик парма билан тешилганга ўхшаган бу идишни мен кеча кўрдим. Қандай қилиб бўлмасин жосусни топиш керак, бўлмаса ҳар қандай ишни ҳам кутиш мумкин.

«Албатта, топиш керак!» — ҳамманинг оғзида шу гап эди.

Лао Лининг хотини ҳам шундай деди, ҳамма ишчилар ҳам шундай дедилар, янги ҳаётга интилаётган минглаб, ўн минглаб кишилар ҳам шундай дейишаётир.

«Чунь-лань, агар зарар етказаётган киши сенинг дўстинг, энг яқин кишинг бўлса, у билан қандай муомалада бўлардинг?» — Якшанба куни Лао Лининг айтган бу сўзлари Чунь-ланнинг эсига тушди.

«Барибир ўлдирардим! — у ҳозир ҳам ўзига-ўзи шундай деб жавоб қайтарди. — Зараркунанда жосусни қандай қилиб дўст ва яқин кишилар қаторига қўшиб бўлади? У душман!»

Кеча Лао Ли фабрикадан ярим кечада кетганлигига қарамай, бугун ҳаммадан илгари келди. Чунь-лань кирган пайтда у стол ёнида ўтириб хат ёзаётган эди.

— Лао Ли...

У олдин стол қаршисида Цзя Дэ-ининг ўтириб эгов билан ниманидир эговлаётганини пайқамаган эди. Хотинининг авзойини кўриб, унинг кўзи худди оч бўридек қонга тўлди. Чунь-лань қайрилиб қаради. Эрининг ваҳшиёна кўзларида ўт чақнарди. Ҳа, ўт, контр-революция ўти!..

— Жосс... Жосус!.. — бутун кучни тўплаб бақирди Чунь-лань.

Цзя Дэ-и Чунь-ланнинг бошини ёришни мўлжаллаб, эгов билан унга ташланди. Лао Ли олд томонга отилиб қўли билан ўзини эговдан ғимоя қилган ҳолда, жувонни гавдаси билан тўсди. Зарба унинг чаккасига тушиб, юзидан тирқираб қон оқиб кетди.

Цзя Дэ-и оғирроқ бир нарсa топиш учун типирчилаётганда ишчилар келиб қолиб қўлга олдилар.

— Тезроқ госпиталга телефон қилинглари! — қичқирди Лю Чжань-тай.

— Йўқ, аввало муҳофаза бўлимига! — Лао Ли қўли билан қонни артди. — Яра... Бу ҳеч гап эмас. Биз жосусни ушладик.

У ингроқни енгиб, тишини-тишига қўйди. Ишчилар уни ўтиргизиб қўйишди. Чунь-лань сочиқ билан унинг ярасини боғлади.

Яқин киши... Кимни яқин киши деймиз? Ўртоқлар, чинакам яқин кишилар ким эканини кўриб қўйинг!

Чунь-лань Лао Лининг юзидаги қонни артди-да, ҳаётини сақлаб қолгани учун, энтика-энтика унга миннатдорлик билдиришга уринди.

Ўзингни бос, Чунь-лань,— паст овоз билан деди у. — Бу ҳаммамиз учун ҳам сабоқ.


Чжоу билан мухофаза бўлимидагилардан иккитаси чопиб келишди.

— Лао Ли, сенинг олдингда гуноҳкормиз, бир оз кечикдик,— Чжоу Цзя Дэ-ига роса хўмрайиб қаради,— ҳозиргина бутун чигалларни еча олдик. Бор, Цзя Дэ-и сенинг «бошлиқларинг» ва «дўстларинг» қамоққа олинди, сени кутиб туришибди, холос.

Соқчилар Цзя Дэ-ини цех ичидан олиб ўтишди. Кеча бузилган машина тузатилиб ишга туширилган эди. Цзя Дэ-ининг орқасидан ишчиларинг лаънатлари эшитилди.

Моторлар ишларди. Мокилар, худди ўзларининг чаққонлик ва кучларини, жиноят устида қўлга тушган империалистларнинг агентлари олдида намойиш қилишни ишташаётгандек, тез ва қувноқ ҳаракат қилишарди.





МЯО КАН

ҚАҲРАМОН ОТАНИНГ ЎҒЛИ ҲАМ ДОВЮРАК БЎЛАДИ

1

аньчжоу-го* деб аталган қўғирчоқ ҳукумат ардарилгандан кейин, шу ҳукуматнинг Чжан-у райониға жойлашган қўшинининг қолган-қутган қисми юз берган вазиятдан фойдаланиб, тартибсизлик қила бошлади. Босқинчилар шайкасининг бошлиғи Чжан Сюэ-чжи: «Чан Кай-шининг ўзи мени учинчи армиянинг қўмондони қилиб тайинлади. Факу шаҳри ва бутун Ляонин вилоятида ҳукмронликни қўлга олиш учун вакил этди» деб эълон қилди.

Бу «армия» сафида икки мингдан ортиқроқ киши бўлиб, улар собиқ қўғирчоқ ҳукумат қўшинларининг қолган-қутган қисми, полиция жандармлари ва оддий бандитлардан иборат эди. Маҳаллий халқ уларнинг ҳамма жойда тўхтовсиз қнлаётган талончилик ва жабру зулмларидан жуда азоб чекарди.

* „Маньчжоу-го“ ёки Маньчжоудига — 1932 йилда Маньчжурияда Япония томонидан ташкил этилган қўғирчоқ ҳукуматдир. Маньчжоу-го ҳукумати Маньчжурияда япон қўшинларининг Совет Армияси томонидан тор-мор этилиши натижасида ағдарилди.

Саккизинчи Халқ-революцион армиясининг полкларидан бири Люцзяцзи районида ҳаракат қиларди. Люцзяцзи районида яшайдиган аҳоли бизнинг полкимиз билан биргаликда босмачилар шайкасига қарши курашмоқ учун ўз ташаббуси билан ҳарбий комитет тузди.

Лу Сяо-чэн, ёки оддий Сяо Чэн, яъни кичкина Чэн, ана шу комитетнинг энг актив аъзоларидан бири эди. У энди ўн олтиларга кирган бўлиб, оғир ҳаёт уни чиниқтирган ва қалбига жасорат бахш этган эди. У қоп-қоронғи кечаларда очиқ далада соқчилик қилар ёки учига қизил попук тақилган найзасини кўтариб* қишлоғидан уч-беш ли узоқда бўлган қўшни қишлоқларга маълумотлар олиб борарди. Сяо Чэн чарчаш нималигини билмасди. Эскириб кетган кийими қишнинг изғирин шамоли ва қаттиқ совуғидан тузук сақлай олмаса ҳам, унинг жўшқин табиатига ҳеч қандай совуқ писанд эмасди. Полкимизнинг учинчи ротаси Уфинцзи қишлоғига келган куннинг эртасига Сяо Чэн найзасини кўтариб, шу қишлоққа маълумот олиб келди.

Штаб биноти олдида турган часовой рота командиридан рухсат олгач, Сяо Чэнни ўтказиб юборди. Бола рота командирига маълумотни топшириб, стол ёнида кутиб турди. Рота комиссари бир неча марта таклиф қилганидан кейингина, Сяо Чэн кўрсатилган жойга сиполик билан ўтирди.

— Неча ёшга кирдинг?— меҳрибонлик билан сўради комиссар.

— Ўн олтига**.

— Ота-онанг борми?

— Отам ўн беш йилдан бери армияда хизмат қилади. Онам уйда. Ўзим подачиман. Бошқаларнинг подасини боқаман.

* „Қизил найза“ деб аталган деҳқон отрядлари Шимолий Хитой ва Маньчжурияда кўп вақтлардан бери мавжуд эди. Бу отрядлар деҳқонларни помешчик ва хунхузларнинг зулмидан ўзларини ҳимоя қилишлари учун хизмат қиларди. Халқ озодлик армияси қўшинлари „Қизил найза“ отрядларига яқин келганида, улар ҳамма ерда партизан отрядларига айландилар.

** Аслида ҳикоя қаҳрамони ўн беш ёшга кирган, чунки хитойлар одатида янги туғилган чақалоқ бир яшар ҳисобланади.

Рота командири маълумотни ўқиб, районда яна босмачилар пайдо бўлгани ва улар босқинчилик ва ҳамма ёқни алғов-далғов қилаётганидан хабардор бўлди.

У Сяо Чэндан:

— Сен босмачилар қаерга жойлашганини биласанми? — деб сўради.

— Уларнинг маълум турар жойининг тайини йўқ. Бугун бу ерда бўлсалар, эртага бошқа ерда. Лекин тарқалган овозаларга қараганда, кейинги вақтда уларнинг штаби Сяосигоуда эмиш. У жойни мен яхши билман,— деди бир оз кеккайиб Сяо Чэн.

Рота командирининг ўзи Сяо Чэн билан бирга разведкага боришга қарор қилиб, дарҳол соқчи солдатлардан бирини чақирди-да, граждан кийими топиб келишга юборди.

Чжан Сюэ-чжи одамлари хўжайинлик қилаётган жой тоғлиқ район эди. Шу кунларда ҳамма ёқни: тепаларни ҳам, жарларни ҳам қор босган. Икки йил бурун Сяо Чэн шу ерларда пода боқарди. У ҳар қишлоқда неча уй борлигини яхши билади, шунингдек, йўллар ҳам унга беш бармоғидек маълум.

Рота командири қўшинга ғалла солиғи топшириш учун кетаётган деҳқонга ўхшаш учун орқасига каноп халта осиб олди-да, Сяо Чэн билан бирга йўлга тушди. Улар Сяосигоу қишлоғига кираверишда босмачилар заставасига дуч келишди. Сяо Чэн таъзим қилди-да:

— Биз қўшинга озиқ-овқат олиб келяпмиз,— деди.

Часовой уларни қаршиликсиз ўтказиб юборди. Разведкачилар қишлоқни кезиб душман аскарларининг сони ва қуроллари қанчалигини билгач, душманга сездирмай қишлоқнинг иккинчи томонидан чиқиб кетдилар. Сяо Чэн рота командирига йўл кўрсатиб борди. Ниҳоят улар бир тепа устига чиқдилар. Сяо Чэн узоқдан кўринаётган тўқ кул ранг уйни командирга кўрсатиб пичирлади:

— Бандитлар штаби ўша ерда бўлса керак. Сиз нима дейсиз, шу ердан туриб ўша уйни пулемётдан ўққа тутиш мумкинми?

Бола гўё ҳозир олдида пулемёт тургандай вазият олди. У штабгача бўлган масофанинг канчалиги ва унга пулемёт ўқи етиш-етмаслигини ҳисобга олишни

билмас эди. Рота командири кулди, эркалаб Сяо Чэннинг елкасига қоқиб қўйди.

Қайтишда Сяо Чэн тортинчоқлик билан рота командиридан:

— Қисмингизда болалар ҳам борми? Сизнинг ротангизга кирсам бўладими? — деб сўради.

— Албатта, бўлади. Бизда кўпгина ёш йигитчалар хизмат қилишади. Ҳатто сендан ёшроқлари ҳам бор.

— Улар ҳам ростакам жанг қилишадими?

— Қўлидан келганлари жанг қилишади, қолганлари эса бошқа ишлар билан машғул бўлишади.

— Менинг жанг қилгим келади. Менга милтиқ беринг.

— Отишни биласанми?

— Ўзимизнинг милтиқдан ота оламан, лекин чет эл милтиғидан ота олмайман.

— Зарари йўқ. Қуролсиз ҳам урушиш мумкин. Жангчиларимиздан бири фақат граната билан жанг қилибди. Ҳатто шундай жангчилар ҳам борки, улар яширинча душман ичига кириб, уларнинг қуролларидаги керакли қисмларни олиб келишади.

— Қандай қилиб ууддалашади? Мени ўргатинг. Мени граната отишга ўргатинг. Жуда ўргангим келади.

— Ротага қайтайлик, секин-секин сени ҳамма нарсага ҳам ўргатишади.

Ўша куннинг ўзидаёқ рота командири Сяо Чэнни полк штаби бошлиғининг ҳузурига олиб борди. Рота командири қилган разведкалари натижаси тўғрисида ахборот берди.

Штаб бошлиғи Сяо Чэннинг елкасига қоқиб сўради:

— Сенингча, Чжан Сюэ-чжи қайси қишлоқда?

— Сяосигоуда.

— Сяосигоунинг шимол томонида қандай қишлоқ бор? У ердаги босмачиларнинг сони қанча? Сяосигоунинг ғарбида қандай қишлоқ бор? — Штаб бошлиғи савол берар ва олган жавобини картага солиштириб кўрар эди.

Сяо Чэн ҳамма саволларга қисқа ва аниқ жавоб берди. У душман сони қанчалиги ва қандай қуроллари бор эканини эсида яхши сақлаб қолган эди.

Командир билан штаб бошлиғи Сяо Чэнни штабдаги хонага ётқизишиб, ўзлари кечаси билан ҳарбий операция планини ишлаб чиқишди.

Эртасига тонг отар пайтида Сяосигоудан йигирма лича шарқдаги ёйсимон фронтда жанг авжига чиқди. Босмачилар қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Душман қарши атакага тайёрланган чорда, босмачилар штаби жойлашган уй орқасидан кутилмаганда қоп-қора тутун кўтарилди. Миномётларимиз шу тутун чиқаётган томонга қараб ўт очдилар. Аланга ва тутун ичида қолган уй ағдарилди. Душман ичида парокандалик бошланди. Шу маҳал атака сигнали янгради. Жангчиларимиз йўлбарсдай олға ташландилар. Душман саросимага тушиб, қаршилиқ кўрсатишдан тўхтади. Душман сафидаги оёғига ишонган чопқирларгина жанубга қараб қочишга улгурди. Қочолмаганлар турган ерида қолаверди. Улар қуролсизлантирилди.

Жанг тамом бўлгач, оломон орасидан қўлида пистолет тутган, елкасига милтиқ осган Сяо Чэн чиқиб келди. Унинг чеҳраси шодликдан порларди. У, штаб бошлиғига яқин келиб честь берди-да, «топшириқ бажарилганини» билдирди. Кейин маълум бўлишича, у ярим кечада полк штабидан чиқиб кетибди, яширин равишда душман лагерига ўтиб, ўша ерда тунабди. У дастлабки ўқ товушини эшитиши биланоқ, атака бўлишини ҳам кутмай эмаклаб келиб, штабнинг орқасида ётган хашакка ўт қўйиб юборибди. Штаб ёниб кетибди. Ўзини «армия қўмондони» деб атаб юрган Чжан Сюэ-чжи отга минмоқчи бўлиб турганда, ёнида портлаган минадан ўлибди. Сяо Чэн бемалол унинг пистолетини ечиб олибди. Шу вақт бошқа бир босмачи унга ташланибди. Сяо Чэн уни мўлжалга олиб: «Тўхта!» деб қичқирибди. Босмачи қуролини ташлаб, ура қочибди. Шундай қилиб, Сяо Чэн пистолет ва милтиқни ўлжа олибди.

2

Шу жангдан кейин Сяо Чэн штаб бошлиғи ёнида ҳолди. У отиш ва разведка қилишни ўрганди, ҳарбий ҳаётдаги нотинчлик ва доимий уйқусизликдан озиб кетди, кўзлари қизарди, лекин шунга қарамай,

Ўзини жуда дадил тутарди. Штаб ходимлари бола ҳақиқий кичкина қаҳрамон эканини кўриб, унга эътибор беришга уринардилар. Энди болада ротага янги келган кунлардаги қовушимсизлик ва уятчанлик йўқ эди. У бошқа жангчилар билан волейбол ва городки* ўйнади, баландликка сакрашни машқ қиларди. У катталар ва штаб ходимлари ёшларга нисбатан дўстона муносабатда эканликларини кўрди. Сяо Чэн Сяо Дундан савод ўргатишни, Сяо Мадан эса ашула ўргатишни илтимос қилди...

Кунлардан бирида у машқ майдонидан қайтар экан, сайр қилиб юрган полк командири билан штаб бошлиғига дуч келди. У дарров гимнастёркасини тортиб тўғрилади, юзидан терни артди, шапкасини тўғрилаб қўйди-да, эпчиллик билан честь берди.

— Сяо Чэн, уйингга хат ёздингми?— деб меҳрибонлик билан сўради полк командири.

— Ёзган эдим, лекин онамдан жавоб келмаяпти,— ёлғон гапирганини яширишга уриниб жовдирарди у.

Полк командири Сяо Чэннинг руҳий ҳолатини англаб кулиб юборди. Штаб бошлиғи ҳам кулиб қўйди.

— Онангга яна хат ёзиб юбор! Саккизинчи халқ революцион армиясида хизмат қилиш, бутунлай оиладан воз кечиб кетиш деган гап эмас, — деди жиддийлик билан полк командири.

— Агар уйга боришни истамасанг, сен билан кўришиб кетиш учун онангнинг ўзини ҳам чақириш мумкин. Онангга эса ҳукумат ғамхўрлик қилади,— деб илова қилди штаб бошлиғи.

Полк командири узоқлашаётган Сяо Чэннинг орқасидан қараб:

— Бу боланинг келажаги порлоқ. Агар менинг ўғлим ҳам шунга ўхшаса, бахтиёр бўлар эдим,— деди.

— Агар менинг ўғлим тирик бўлса, Сяо Чэн билан тенг бўлар эди, — деб қўйди, полк штаби бошлиғи.

Штаб бошлиғи тунляолик эди. Маньчжурияни японлар босиб олмасдан бурун уни солдатликка чақирдилар, кейин Хитой Қизил армияси сафига ўтди.

* Спорт ўйини.

Хэбэй вилоятида саккиз йил японларга қарши жанг қилди. У оддий солдатдан чиқиб полк штаби бошлиғи даражасига кўтарилди. Шунинг учун штаб бошлиғи вазифасини адо этар экан, маълумотим камлиги натижасида ҳарбий ишда хатога йўл қўймасам эди деб қўрқарди. Шунинг учун ҳам топширилган вазифаларга диққат ва сидқидил билан киришарди. У ишга шундай берилиб кетар эдики, ҳатто ўзининг шахсий ҳаёти ва ўтмиши ҳақида фикр юритишга ҳам вақт топа олмасди.

Штаб бошлиғига Сяо Чэн штабга келган кечаси, боланинг фамилияси ўзининг фамилияси билан бир хил экани, ёши ўғлининг ёши билан тенглиги ва боланинг оилавий ҳаёти ҳам ўзининг оилавий ҳаёти билан бир хил эканлиги маълум бўлди. Аммо дунёда бир-бирига ўхшаш кишилар озмунчами? Ундан ташқари штаб бошлиғи тунляолик, бола эса сингуликман, дейди.

Сяо Чэн келиши билан штаб бошлиғи хаёлида ўзининг ўтмиш хотиралари жонланди, лекин штаб бошлиғи бу хаёлни тезда ўзидан узоқлаштирди.

3

Йигирманчи полк босмачиларни енгиб тум-тарақай қилиб, кетма-кет бир қанча ғалаба қозонди. Ўттиз ли узоқликдаги Люцзянцзи аҳолиси совғалар кўтариб полк штабига келар эди.

Сяо Чэн уйдан ғойиб бўлганига ўн кундан ошди. Шундан бери онаси уни кўргани йўқ. Лекин илгари ҳам бундай воқеалар юз бериб турарди. Сяо Чэн мол боқиб кўпинча далада тунаб қолар ва ҳафталаб уйига қайтмас эди. Шунинг учун ҳам она унинг узоқ вақт уйга қайтмаганига эътибор бермади. Сяо Чэннинг солдат бўлиб кетиши онанинг хаёлига ҳам келмас эди.

У йигирма ёшдалигида эри билан бирга Шаньдун вилоятидан Маньчжурияга кўчиб келиб Тунляога жойлашди. Уларнинг ҳеч нарсалари йўқ эди. Улар кекса бой Ваннинг қўлида батраклик қилар эдилар. Кейинги йил ижара ҳақи чидаб бўлмас даражада ошиб кетгани учун, улар ижарага ер олишни уdda-

сидан чиқа олмадилар. Ўзларида бир қарич ҳам ер йўқ эди. Сяо Чэннинг отаси кўнгли хижил бўлиб солдатликка жўнаб кетди. Чэннинг бобоси эса қасал бўлиб қолди ва тезда ўлиб кетди. Она бечора уч ёшга ҳам тўлмаган бола билан қандай ҳаёт кечирсин? Фалакнинг марҳаматига умид боғласинми? Сарсон-саргардон бўлиб йўлларда тиланчилик қилиб Шаньдундаги ўз қишлоғига қайтсинми? Бу осон эмас. Фитна авж олиб кетган эди. Ёлғиз хотин минг ли узоқликдаги шундай хавфли сафарга чиқа оладими?

Алоҳал Сяо Чэннинг онаси Сяобайтундаги бир бойнинг уйидан иш топди. Бу ҳолдан тойдирадиган машаққатли меҳнат бўлиб, она-боланинг ярим оч, ярим тўқ турмуш кечиришларини зўрға таъмин эта оларди. Бойнинг оиласида йигирмадан ортиқ киши бўлиб, шуларнинг ҳаммасига овқат пишириш керак, шунингдек ўз боласига қараши керак. Нотинч ўтган ою йиллар, муҳтожлик тезда унинг ёш умрини ҳазон қилди. Ўчоқ бошида тинимсиз кулга қорилиб яшаш натижасида сочлари пахмайди. Ўпирилган ўрадек ич-ичига тушиб кетган кўзлари ёшланадиган бўлиб қолди. Чидаб бўлмас даражада азоб-уқубатли ҳаёт кечиран экан, солдатга кетган эри ҳақида кўп ўйларди. Кўпинча қоронғи кечаларда етим ўғлини бағрига босиб аччиқ-аччиқ йиғлар эди.

— Эй худойим, раҳминг келсин. Менинг Сяо Чэнимга осуда ҳаёт бер. У тезроқ катта бўлсин! — дерди тез-тез ўзича. Кейин тюрмага ўхшаш ошхонада уйқуга кетарди.

Гоминданчилар ва японларнинг кўп йиллик ҳукмронлиги даврида Сяо Чэннинг онаси сингари камбағаллар инсоний ҳуқуқдан маҳрум этилиб, қулга айлантирилган эдилар. У муҳтожлик ва қайғу-ҳасратнинг зулмат қучоғида яшарди. Эртаю кеч бир минут ҳам ором олмай ишлагани учун уйдан ташқари чиқиб, оламда нима воқиа бўлаётганини ҳам билолмасди. Унинг дунёдаги яккаю ягона орзуси ва суянчиси ёлғиз шу ўғли эди, холос.

Онанинг ўн олти йил давомида тортган муҳтожлик ва азобу уқубатларини тасвирлашдан ожизман.

Мана, саккизинчи халқ-революцион армияси келди, она ана шу армия сиймосида ўз озодлигини кўрди-

Она Чан Кай-шининг босқинчи гоминдан армиясининг тор-мор этилиши ҳақида янгиликлар эшитиш учун тез-тез кўчага чиқадиган бўлиб қолди. Бугун ҳамқишлоқларининг совға олиб Люцзяцзига кетаётганларини кўриб, бошқалардан ортда қолгиси келмади. Ўзининг биттаю битта товугини олиб, полк штабига жўнади.

Полк штабида қозонилган ғалабалар муносабати билан митинг бўлмоқда эди. Халқ қишлоққа худди селдай оқиб келарди. Сяо Чэннинг онаси одамлар орасидан олдинга ўтди. Мажлис президиумида полк командири, комиссар, штаб бошлиғи, масъул ходимлар, маҳаллий ишчи ва деҳқонларнинг бир қанча вакиллари ўтиришарди. Минбарга яқин жойда ҳарбий форма кийган ёшгина йигитча турарди.

Комиссар нутқ сўзлаб:

— ... Қозонилган ғалабалар муносабати билан чақирилган бу кунги митингимизда ёш қаҳрамон Лу Сяо-чэнни алоҳида қайд этиб ўтиш керак. У душмanning ўн бешта милтиғини ўлжа олди ва бандитларнинг ўндан ортиқ таянч пунктларини разведка қилиб келди. Бугун биз унга «Жанговар қаҳрамон» деган унвон берамиз!— деди.

Гулдурос қарсақлар кўтарилди.

«Лу Сяо-чэн», «Жанговар қаҳрамон» деган сўзларни эшитиши ҳамона она минбар ёнида турган йигит ўзининг ўғли эканини пайқаб қолди. У президиум ўтирган тахта супа олдига ўтиб, совғалар қабул қилаётган кишига товугини топширди-да, тўлиб-тошиб мен Сяо Чэннинг онасиман, деб тушунтира бошлади. Совғаларни қабул қилаётган киши ундан тезроқ минбарга чиқишни сўради.

Унинг ўғли, унинг кичкина Чэни кўксига қаҳрамонлик гулини тақиб минбар олдида турарди. Онанинг қалбини тўлдирган шодлик, ўн олти йил давомида унинг чеҳрасидан аримага қайғу-ҳасратларни тарқатиб юборди. Бахтиёр Сяо Чэн онасига меҳр билан боқиб жилмайиб турарди.

Полк командири суҳбатлашмоқ учун онани ўз ёнига таклиф қилди. Бироқ Сяо Чэннинг онаси штаб бошлиғига кўз узмай термуларди: унинг юзи онага таниш, ёддан кўтарила бошлаган бир чеҳрани эслатар-

ди... Комиссарнинг нутқиға қулоқ солаётиб штаб бошлиғи атрофга кўз ташлади-да, тўсатдан Сяо Чэннинг онасини кўриб қолди. Штаб бошлиғи қалтираб кетди, узоқ вақт хотинга тикилди, кейин унинг ёнига келиб, бир оз титроқ товуш билан сўради:

— Сен Сяо Чэннинг онасимисан? Мени танияпсанми? Мен сенинг эрингман.

Онанинг чеҳраси бахтиёр табассум билан ёришиб кетди, кўзларидан дув-дув ёш тўкила бошлади.

Полк командири юз берган воқияни англаб жуда қувониб кетди. У дарров минбар ёнига келиб, халойиққа, диққат қилинғлар деган ишорани қилиб бир қўлини кўтарди. Оила аъзоларининг учрашиб қолиш тарихларини қисқагина қилиб айтиб берди. Кейин ота, она ва ўғилнинг учаласининг олдинга, минбар ёнига чиқишларини сўради.

Барча мажлис аҳли ҳаракатга келди. Гулдурос қарсаклар кўтарилди, қувноқ кулги, табрик садолари эшитилди...

Тинчлик чўкканидан кейин комиссар нутқини давом этдирди:

— Ҳозиргина юз берган қувончли воқиа армиямизнинг халқ армияси, халқ фарзанди эканлигидан далолат беради. Қадим замонларда: «Қаҳрамон отанинг ўғли ҳам довурак бўлади дейишарди». Бундан ташқари яна: «Жангга кираётганинда ота-бола солдатларга суян» дейишарди. Бугун бизнинг штаб бошлиғимиз билан унинг ўғли — қаҳрамон, ота-ини — ота-бола солдатлардир!



ВЭЙ ВЭЙ

Э Н Г С Е В И К Л И
К И Ш И Л А Р И М И З

К

ореядаги! ҳар бир кун менда ҳаяжонли таассуротлар қолдирарди. Улар ҳақида ватандош дўстларимга ҳикоя қилиб берай десам ҳиссиётлар тўлқини фикрларимни паришон қилиб юбораётир. Мен ана шу бошдан кечирганларимнинг энг муҳимлари ҳақида — биз учун кимлар ҳаммадан азиз эканлигини янада чуқурроқ ҳис этганим ҳақида ҳикоя қилиб беришга уриниб кўраман.

Хўш, биз учун кимлар азиз? — аскарларимиз-жангчиларимиз. Мен билдимки, улар биз учун энг қимматли кишилардир. Эҳтимол баъзи китобхонлар бу сатрларни ўқиб: яна «солдатлар» ҳақида ёзясанми, деб айтиши мумкин. Бунақа кишиларга ҳамма нарса оддий ва одатдагидай туюлади. Лекин бу гаплари билан китобхонларимиз хато қиладилар, улар жангчиларимизни билмайдилар. Жангчиларимизнинг қандай соф ва юксак идеаллари бор, уларнинг иродаси қанчалик мустаҳкам ва букилмас, уларнинг ҳис-туйғулари қандай гўзал ва олижаноб, уларнинг ўзлари-чи қанчалик камтар ва софдил.

Бир воқнани сўзлаб беришга рухсат этинг.

Бир куни хитой кўнгиллилари отряди душманнинг чекиниш йўлини кесиб қўймоқ учун унинг орқа томонига жасорат билан ёриб кирди. Отряд Сотан темир йўл станциясига чиқди. Чекинаётган душман қисмлари яқин келиб қолган эди. Мана ҳозир улар автострадалардан ғир этиб ўтиб кетадигандай туюларди. Отряднинг олдинги ротаси (учинчи рота) душманнинг ўтиб кетишига имкон бермаслик учун тездан йўл ёқасидаги унча баланд бўлмаган яйдоқ тепаликни эгаллади. Даҳшатли жанг бошланди. Ашаддийлашиб кетган душман ўттиз икки самолёт ва ундан ортиқ танк ҳимоясида ротанинг мудофаа позициясига қуюндек ёпирилди.

Тепалик тутун билан қопланди. Душман бомбалари портлаб атроф алангаланиб ёнарди. Шундай бўлса ҳам, бизнинг баҳодирларимиз душманнинг кетмакет атакаларини даф қилиб, ўз позицияларида маҳкам турарди. Тепалик остида душманнинг уюм-уюм ўликлари ер тишлаб ётарди. Тупроқ қонга бўялган. Душман ўзини тамомила тор-мор бўлиб кетишдан сақлаб қолиш учун, ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам, тепаликни эгаллашга уринар эди.

Бу даҳшатли жанг роса саккиз соатга чўзилди. Охири бизникиларнинг ўқлари тугади. Душман тепалик чўққисини эгаллашга ва довярак жангчиларни унинг этагига суриб туширишга эришди. Атрофда ловуллаётган оловдан жангчиларнинг уст-бошлари ёна бошлади. Аммо жангчиларимиз чекинишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Улар ўзларини чулған олов билан душманларни ҳам баробар куйдириш учун милтиқларини ташлаб қўл жангига ўтдилар.

Батальон командири менга жангдан кейинги мазарани сўзлаб берди: рота жойлашган ҳамма ерда синган милтиқлар ётарди, пулемёт парчалари эса тепаликнинг ҳар томонига тирқираб кетган эди. Жангчиларнинг жасадлари турли қиёфада: бири душманни бўғиб туриб ўлган, яна бири рақибининг кекирдагига ёпишганча у билан бирга йиқилиб, ёнган. Яна бир жангчи ҳамон ёнидаги америка аскарининг қонига бўялган гранатани сиқимлаганча ётарди.

Ҳалок бўлган қаҳрамонларни дафн қилар эканмиз, уларнинг душманларга қаттиқ чирмашган қўлларини ажратиб ололмасдик.

Ротанинг талафоти катта бўлса ҳам, у душмanning уч юздан ортиқ солдатини қириб ташлади. Энг муҳими шуки, душмanning қувиб етиш ва тор-мор келтириш учун, асосий кучларимизга шароит яратиб берди.

Бу Корея frontiдаги энг даҳшатли жанглардан бири эди. Қишилар бу жангни Санкобон тепалигидаги жанг ёки Сотан станциясидаги жанг деб айтишади. Мен оловда қолганига қарамай, душман билан олишган, ўзи ўлатуриб душмanning ҳам ўлдирган довурак баҳодирларнинг номларини ёзиб олишга қарор қилдим. Мана улар: Ван Цзинь-чжуань, Син Юй-тан, Ху Чжуань-юю, Цзин Юй-чжо, Ван Вэнь-ин, Сюн Гуань-цюань, Ван Цзинь-хоу, Чжао Си-цзе, Суй Цзинь-шань, Ли Юй-ань, Дин Чжэнь-дай, Чжан Гуй-шэн, Цуй Юй-лян, Ли Шу-го, номини аниқлаш иложи бўлмаган яна бир жангчи. Жангчиларимизнинг шон-шуҳрати абадул-абад сўнмасин!

Батальон командири буларнинг ҳаммасини менга бир-бир ҳикоя қилиб берди. У позицияларда жасурларни дафн қилишаётганда, кўз ёшларини тўхтата олмаганига ифтор бўлди.

— Мени аламдан йиғлади, деб ўйламамг, — деб қўшиб қўйди у. — Асло. Жангчиларимизнинг жасурлигига фахрланиб йиғладим. Уларнинг қанчалик олижанобликлгини ҳис этганимда ҳаяжондан кўз ёшларимни тўхтатолмадим.

Дўстлар, сиз бу қаҳрамонларнинг мисли кўрилмаган мардликларини эшитиб нима деб ўйлайсиз. Наҳотки, жангчиларимизга меҳр-муҳаббатингиз ошмаса. Наҳотки, шундай жангчилар билан фахрланмасангиз.

Жангчиларимиз душманга нисбатан қанчалик шафқатсиз бўлсалар, корейс халқига нисбатан шунчалик мурувватли, чуқур ва илиқ интернационализм ҳисси билан суғорилгандирлар.

Ханган дарёсининг шимолий соҳилида ёш бир жангчини учратдим. Ёши йигирма бирларда. Асли Хэйлунцзян вилоятидаги Цинган уездидан бўлиб, исми Ма Юй-сян экан. У баланд бўйли, кенг яғринли, куз чоғи

далада қолган гаоляна поясидай гўзал бир йигит эди. У олдинги маррадан ҳозиргина қайтган бўлиб юзларидан ҳорғинлик аломатлари ҳали аримаган. Ўзи артиллерист экан.

Бир куни кимнингдир дод-фарёдидан уйғониб кетибди ва нима гап деб, ертўладан чиқибди.

Бир корейс кампир тепалик бағрида зор йиғлаб ўтирганмиш. Кейин билса душман самолёти унинг уйига бомба ташлабди. Уйи вайрон бўлган кампир унгурда жон сақлашга мажбур бўлган экан. Энди бўлса унинг унгури ҳам бомбадан вайрон бўлибди...

Ўша воқиядан кейин Ма Юй-сян батарея штабига кириб мени пиёдалар сафига ўтказишингизни сўрайман дебди. Пиёда аскарлар сафига кишилар керак экан, унинг илтимосини қондиришибди.

— Душманни қиришга келганда — артиллериядами ёки пиёдадами, барибир эмасми? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, фарқи жуда катта! — деб жавоб берди у. — Қанчалик душман билан юзма-юз тўқнашсанг, уни йўқ қилиш истаги шунча ошади, қанчалик яқинлашсанг, шунчалик нафратинг қўзғаб қаттиқроқ савалайсан.

Ханган дарёсининг жанубий соҳилидаги жангларда у бир неча кун узлуксиз қатнашди. Кулларнинг бирида озиқ-овқат тайёрлаш учун уларнинг отряди орқага чекинди. Отряд қишлоққа кириб улгурмаган ҳам эдики, қаёқдандир, душман қузғунлари пайдо бўлиб қолди. Улар қишлоқни автомат тўпларидан ўққа тута бошладилар, иккита катта ёндирувчи бомба ташладилар. Бир неча уй ўт ичида қолди. Олов шу қадар ловиллар эдики, иморатга яқин келиб бўлмасди. Бир вақт тутун ва олов ичидан жангчи қулоғига чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Жангчи шу заҳоти ёнаётган уй ичига шўнғиб кетди. Ҳовлида ўрта ёшлардаги бир корейснинг жасади ётарди, уйда эса чақалоқ биф-биф қилиб ётарди. Жангчи уй остонасига етиб келиб жон ҳолатда эшикни очди — уй ичи аланга билан қопланган, қадам босиб кириш ўлимдан қийин. Деразага ёпиштирилган қоғоз ёниб бўлган. Буруқсаётган қуюқ тутунлар орасидан чақалоқнинг биф-биф йиғиси аниқ эшитилади.

«Қутқармай иложим борми? — деб ўйлади жангчи. — Асло, ҳаққим йўқ. Агар шундай ҳол менинг юртимда юз берса-чи — ёнаётган уй ичига ўзимни отармидим? Ал-

батта! Шундай бўлгач, бу ерда, Кореяда бошқача йўл тута оламанми? Корейслар ватандошларимиз каби эмасми?»

— Оёғим билан эшикни бузиб, ичкарига ташландим, — деб ҳикоясини давом этдирди жангчи. — Уй ичи, қуюқ кўкиш тутун билан тўлган, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, чақалоқнинг йиғиси аллақадандир яна эшитилар эди. Кўзларимни очолмасдим, юзларим худди пичоқ билан тилингандай жизилларди. Кийимларим куяётганини пайқамасдим, тўғрироғи, бунга эътибор бериш учун фурсат ҳам йўқ эди. Чўкка туша, ерни пайпаслай бошладим. Дастлаб, аёл кишининг гавдасига дуч келдим. Қўлидан ушлаб тортган эдим, ўрнидан қўзғалмади. Нафас олиш қийин бўлишига қарамай қидиришни давом этдирдим. Тимискилаб-тимискилаб унинг ёнида ётган чақалоқнинг оёғини топдим. Дарҳол қўлга олиб, бағримга босганимча ташқарига отилдим.

Қарасам, чиройликини бир бола экан. У калтагина кўйлакчада бўлиб, яланғоч оёқчалари кўриниб турарди. Бола оёқларини типирчилатиб, қаттиқ чинқирарли.

«Йирласанг-йиғламасанг, онангни ҳам мен қутқаришим керак. Бўлмаса сени ким боқади?!» дедим кўнглимда.

Ёнғин кучайди. Уйдаги нарсалар чарс-чурс қилиб ёнмоқда. Узоқ ўйлаб турмай, болани ерга ётқизиб қўйдим-да, яна ичкари отилдим. Аёлни қидириб топиб қўлидан тортдим. У ингради, лекин қимирламади. Зеҳн солиб, унинг афтига қарадим. Юзлари ва кўкраклари қон, кўзлари юмуқ, аранг нафас оларди. Билдимки жон беряпти. Орқамга қарамай, ташқари югурдим. Кийимларимга туташган ўтни ўчириб, етим қолган болани қўлимга олдим.

Бу ҳикояни ҳаяжонсиз тинглаб бўладими? Чиндан ҳам бизнинг кўнгиллиларимизни сен учун энг қадрли кишилар эканлигини ҳис этасан.

Жангчиларимиз Корея фронтида жуда кўп қийинчиликларни кўрадилар. Уларнинг ўзлари бу тўғрида қандай ўйлашади? Мен бир кун окопда ўтириб олиб, қор аралаш угра еяётган солдатни кўриб қолдим. У бир қошиқ угра еса, бир қошиқ қор ер эди.

— Қалай, қийналаётганинг йўқми? — деб сўрадим мен.

У яна бир қошиқ қорни оғзига солди-да, кулиб деди:
— Нега қийналмас эканман?! Ахир, биз ҳам — революция солдатлари, аллақандай шарпа эмас, одам-миз. Фақат жойимиз шунақа, аслини суриштирганда шон-шарафнинг ўзи шунда.

У қошиғини силтаб, хушчақчақ оҳангда давом этди:

— Сен балки қорга шама қилаётгандирсан?!

— Ҳа, ватандошларим қор емасин, улар ёруғ ва кенг уйларда ҳаёт кечирсин, нон-чойини бемалол ичиб, кўнгли истаган таомларни есин деб бу ерда мен қор еяпман.

У бармоғи билан қор ва зах хандақни кўрсатиб яна давом этди:

— Мана, масалан, шу окопда ўтирибсан, кўнглинг эса ғаш. Хўш, нима учун? Шунинг учунким, сенинг бошингда кўзни қамаштирувчи қуёш нур сочмоқда. Олдингда кенг йўл очилган. Бундан юриш қийин. Мен бу окопда бекорга ўтирганим йўқ. Одамлар менинг юртимда ҳам мана шундай окопларда ўтирмасин деб ўтирибман. Улар бу йўллардан хавф-хатарсиз, эркин юра олсинлар. Извошда кезишни хоҳлайсанми — марҳамат, истироҳат қилиш, суҳбатлашишни истайсанми — ҳеч ким сенга халақит бермайди. Қандай яхши! Ана шунинг учун ҳам,— деб сўзини якунлади у, яна бир қошиқ қорни оғзига солар экан,— мен қийинчиликка ҳам, муҳтожликка ҳам қараб ўтирмайман, бундай гап хаёлимга ҳам келмайди. Эҳтимол бунда қоним тўкилар, майли бош устига.

— Ватанингни эслайсанми?—сўрадим мен.

— Бўлмаса-чи?— жилмайди у. — Лекин ҳали-вери қайтмоқчи эмасман! Агар қайтгундай бўлсам, халқ мендан: «Хўш, қани айтчи, биз юклаган вазифани қандай бажараётирсан» деб албатта сўрайди. Мен нима деб жавоб бераман? Кореянинг ярми қизил, ярми қора дейманми? Жавоб бўлдимиз шу ҳам?

— Айтчи менга,— яна сўрадим мен, — сизлар бу ерда шунча хавф-хатарларни бошдан кечирдингиз, қанча қийинчиликларга дуч келдингиз. Бунинг эвазига ватанингиздан, Кореядан нима истайсизлар?

— Йўқ, йўқ... ҳеч нарса,— жавоб берди у бир оз андишага берилиб,— аслига келгандами? Очигини айтсак — мутлақо истамаймиз эмас. Биз

фақат бир нарсани... — у жилмайди. Бош ва кўрсаткич бармоғларини доирача қилиб кўрсатди ва гуё мени тушунмай қолади деб чўчигандай, тушунтириб беришга шошилди. — «Кореяни озод қилгани учун» деган медални, уйларимизга борганда кўкрагимизга тақиб юришни ҳаммамиз ҳам истаймиз.

Дўстлар, жангчиларимизнинг қандай яхши кишилар эканлигини тушунтириш учун, ҳадеб мисол келтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу жангчилар — барча тинчликсевар инсоният жангчиларидир. Ватанимиз улар билан ҳақли равишда фахрланади. Шундай қаҳрамонларни етиштирган Ватанимиз билан биз ҳам фахрланамиз, уларни шунчалик тарбиялаб етиштирган давлат тузумимиз билан фахрланамиз.


Азиз дўстим, эрта тонгда дастлабки трамвайда фабрикага кетаётганингда, омоч ва мола билан дала сари жўнаганингда, нонуштадан кейин, сумкангни олиб мактабингга йўл олганингда, идоранг столида ўтириб бир кунлик иш планини тузаётганингда, болангга олма тутаётганингда, бўш вақтда севишганинг билан истироҳат қилиб юрганингда — бу бир бахт эканлигини биласанми?

Балки менга ҳайрон бўлиб қараётгандирсан-а, «Бу, ахир, оддий гаплар-ку», дерсан. Аммо қаҳрамонона Кореядан қайтган кишилар сенинг бахтингни сақлаб қолганликлари учун ўзларини бахтиёр ҳисоблайдилар. Унутма буни.

Кореядаги жангчиларимизнинг қаҳрамонлик ҳамда мардликларининг манбаи — мана шунда.

Дўстим! Агар ўз ватанингни севсанг, ўз йўлбошчингни севсанг — жангчиларимизни ҳам қайноқ севги билан севиб қоласан. Улар барча одамларнинг ҳурмат ва олқишига сазовор бўлган жангчилардир.





Я О Ц З И Н

Ч И Н М У Х А Б Б А Т

ир куни америка авиацияси бузиб вайрон қилган темир йўл состави ёнидан ўтаётиб, (Ялу дарёсининг шимолий қирғоғидаги станциянинг механика устахонаси бошлиғи сифатида мен кўпинча пачақланган поездларни қараб юрар эдим.) мен томонга келаётган хотинимни кўриб қолдим.

Бу мени ажаблантирди.

Ким Дон Ги бош медицина ҳамшираси бўлиб ишлар, иш пайтида госпиталдан ташқарига камдан-кам чиқарди. Унинг бу, ерга фақат бирор муҳим иш билан келиши мумкин эди.

У менга ҳаво ҳужуми вақтида ярадор бўлган ва ҳозир госпиталда даволанаётган, бир одам ҳақида гапирмоқчидир, деб ўйлаб тўхтадим.

— Хўш, ярадор ўртоқнинг аҳволи қандай? — деб сўрадим.

Дон Ги жавоб бермай, бошини чайқаб қўйди.

Унинг қўлида, гарчи унга айтмаган бўлсам ҳам, биргина калта камзулда совқотишимни фаҳмлаб, ҳозиргина менга атаб тўқиб битириб, шошиб олиб келган, жун свитер бор эди.

Хотиним ўқ илма-тешик қилиб юборган вагон деворини кўрганида, дарҳол қўлимга свитерни тутқазди-да, тешикларни пайпаслаб қарай бошлади.

— Сеулдан хат келди... — деди у.

Ойим, Америка самолётлари ҳеч кимга тинчлик бермай, кун-тун бомба ташлаяпти, деб ёзибди.

Дон Ги нуқул мен билан хитой тилида гапиришарди, чунки у хитой тилида, мен корейс тилида гаплашгандан яхшироқ гаплашарди.

У Ялу дарёсининг нариги томонида турилган бўлишига қарамай, бу томонда, хитой ерида яшаб, хитой ерида ўсиб-унган эди.

Хотиним ниманидир очиқ-ойдин гапиролмаётган бўлса керак, деб тикилиб қарадим-у, ҳеч нарсани билиб ололмадим.

— Қанақа қилиб бугун ишдан бўшай олдинг? — деб сўрадим, нима дейишимни билмай.

Дон Ги индамай, вагон деворининг тешилган жойини хаёл суриб пайпаслаб тураркан, ниҳоят, жилмайиб:

— Бугун вақтлироқ уйга боргин. Сени кутиб ўтираман. Гаплашадиган гапларим бор, — деб илтимос қилди.

У бир мунча вақт тургандан кейин, рельслар устидан сакраб-сакраб, айланма йўлни кесиб ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Қуёш нури кузнинг ожиз иссири билан ҳавонинг заҳрини синдириб, темир йўл составлари, кўмир склади, водокачка, устахоналарнинг рухланган тушука томларини ва ишчилар ётоқхонасининг янги фиштин корпусларини ёритиб турар эди.

«Энди буларнинг ҳаммаси ўзимизники, — деб ўйлардим устахонамга қайтар эканман, фахрланиб. — Ҳаммаси ўз қўлимизда, ҳаммаси ўз назоратимизда, ҳаммаси ўз тартибимиз бўйича. Мана бу — қувончли куннинг бошланиши бўлади. Янги ҳаётимизни ҳеч кимга буздириб қўймаймиз!..»

Ҳамма ерда иш қайнайди, барпо этиш, яратиш руҳи ҳукм суради. Ишчилар, чет эл босқинчилари томонидан хонавайрон қилинган жойларни қайта тиклашда бир-бирлари билан мусобақалашдилар.

Бу — америка авиациясининг ваҳшийларча бомбардимон қилишига қарши хитой халқининг жавоби эди.

Мен уйга барвақт қайтолмадим, ётоқхонага келганимда қош қорайиб қолган эди.

Эшикни итариб, уйга кирдим. Хотиним стол ёнида бола камзулини ямаб ўтирарди, жинчироқ унинг ёйилган сочларини хира ёритиб турарди.

Мен ювиниб келиб, унинг ёнига ўтирдим.

— Свитер худди ўзимга ўлчангандай экан, — дедим хушчақчақлик билан.

Дон Ги нинани қадаб, ямаб бўлган пахталик камзулни бир четга олиб қўйди.

— Совуқ тушиб қолди, — деб уқдирди у. — Бунни тезроқ кичкина Лунга олиб бориб бериш керак.

Кичкина Лун — бизнинг саккиз ёшли ўрлимиз. Биз унга японлар билан ўз ватанининг озодлиги, мустақиллиги учун бўлган курашда ҳалок бўлган кичик қайним Ким Лун Цзюннинг хотираси учун шу номни берган эдик. Мен пиёлаларга қайноқ сув қуйиб, ўзимникини стол устига қўйдим, бошқасини Дон Гига узатдим. У пиёлани икки қўли билан оғзига олиб бораркан, тўхтаб менга маъюс қараб қолди.

— Сен ҳали бир нарса демоқчи эдинг, — дедим эслатиб. У жавоб бермади-да, боягидек тикилганича ўтираверди.

— Нима гапинг бор эди?

Дон Ги шунда ҳам жим ўтирарди, ахир бир неча қултум сувдан ичди-да, ерга қаради.

— Ҳар кимнинг ҳам кўнгилдагидек ҳаёт кечиргиси ва бахтли бўлгиси келади...

У яна менинг кўзимга тик қаради.

— Тўғри! — деб тасдиқладим мен. — Мана, ҳозир бизнинг Хитойда ҳаёт худди шундай қувноқ ва бахтли.

— Лекин ўз вазифасидан қочиб юрган одам, ўзига бахт яратолмайди.

Бу унинг энг сеvimли сўзлари бўлиб, буни ўн йил бирга кечирган турмушимизда тез-тез эшитиб турар эдим. Лекин, ҳозир нега эсига тушиб қолдийкин бу гаплар?

Шароитимиз яхшиланди. Биз энди ҳеч нарсага муҳтож эмасмиз. Дон Гининг ҳам аввалгидек, ҳадеб жаҳли чиқавермайдиган, вазмин бўлиб қолди. Соғлом ва тетик ўғилчамиз ҳам бор.

Каникул бошланганида мактабга бориб, ўғлимизнинг уйга олиб келардик. Шунда уй хурсандчиликлар билан тўларди. Бўш вақтларимизда, гарчи жуда кам бўлса ҳам, хотиним билан бозорга нарсалар олиш учун борар эдик, кечқурунлари эса Ялу дарёси бўйлаб сайр қилардик. Иккаламиз ҳам ишлардик ва ўз меҳнатимизни севардик.

Унга нима етишмайдикан?..

Мен ҳайрон бўлиб: «Агар киши ўз бурчини бажаришдан бош тортса, бахтли бўла олмайди» — дединг-а? — деб сўрадим. — Кўнглингда нима гаплар бор?

— Шу кунлар ичида жуда кўп ўйладим... — дедида, яна бир нима демоқчи бўлгандек тўхтаб қолди.

Мен жимгина унинг гапини кутардим.

— Кўп вақтдан бери — деб сўзида давом этди Дон Ги, — сенга бир нарсани айтишни истардим, лекин ҳаммаси қандайдир... Энди мен қатъий қарорга келдим. Менинг вазифам, мен... — деб тўғрилади у, — мен Кореяга қайтишим керак.

Шу гапларини айтганида, титроқ кириб, қўлимдаги пиёла қимирлаб кетди.

Нима деган гап. Дон Ги, менинг хотиним, қандай қилиб, мени ва боламизни ташлаб кета оларкин?

Мен бу гапни эшитиб турган жойимда қотиб қолдим.

— Ҳақиқатан Кореяга кетмоқчимисан? Нима гап ўзи? — деб сўрадим, ҳали ҳам хотинимнинг сўзига ишонмасликка уриниб.

Дон Ги тасдиқлаб бош силкитди.

— Йўқ! — деб ўзимни тутолмай бақириб юбордим. — Ҳеч қаерга кетмайсан. Мен бунга йўл қўймайман! Жим бўл!

Мен ҳеч вақт хотиним билан бундай муносабатда бўлмаган эдим, шунинг учун ўзимни йўқотиб қўйдим.

Оғир сукунат чўкди.

Дон Ги сўзимга дарҳол тушунмаган бўлса керак, унинг катта очилган кўзларида умидсизлик ифодаларини кўрдим.

— Нима демоқчи эдинг? — деди у ҳушёр тортиб.

Мен яна ҳалиги айтганимни қайтардим.

— Йўқ, нотўғри — деб секингина жавоб берди Дон Ги.— Кетинимга қаршилиқ қилмаслигинг керак. Нима деяётганингни ўзинг ҳам ўйламадинг. Сизлардан ажралиш қандай оғир эканлигини, мен қандай азоб чекаётганимни тушунтиришим шартми? Бу ерда қолиш ҳам енгилми? Душман халқимни ўлдираётган ва азоблаётган бир вақтда мен бу ерда ўтирсам, ўзимни бахтли ҳис қила оламанми?

Бошим қотиб қолди. Бизнинг районимиздаги кўпгина корейс ўртоқларимнинг америка агрессорларига қарши курашиш учун ўз ватанларига кетаётганликларини эшитдим. Лекин улар ёш, кучли эркак кишилар. Хотиним Дон Ги шу йўлдан боради, деб сира хаёлимга келтирмагандим. Наҳотки, унинг бу ерда қилаётган иши ҳеч нарсага арзимаса? Чегарада, темир йўлчилар госпиталидаги меҳнат унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасми? Назаримда, шунча вақтдан бери курашиб қўлга киритган ҳаётимиз равнақи барбод бўлаётгандек туюлади.

Ўрнимдан ирғиб туриб, уйнинг у бошидан-бу бошига юра бошладим. Шу вақт кўзимга Луннинг пахталик курткини кўриниб қолди. Уни эҳтиётлик билан қўлимга олиб, худди болалардек қадам ташлаб хотинимнинг олдига бордим. Гапирар эканман, бу гапларни мен эмас, балки бошқа одам сўзлаётгандек туюларди.

— Ҳа, боламиз-чи? Ким унга ғамхўрлик қилади?

Дон Ги қўлидаги рўмолини рижимлаган ҳолда, менга ҳам ялиниш, ҳам ўпка билан қарарди.

Унинг жим туришидан жуда эзилиб кетдим, ва бу матонатли корейс хотин олдида ожизлигимни сезиб, стулга ўтириб қолдим. Маълум бўлишича у билан шунча йил бирга яшаган бўлсам ҳам, уни жуда оз билар эканман. Шу вақт ўн икки йил бурун биринчи марта у билан қандай учрашганимиз кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади.

Бу воқиа 1937 йилнинг қишида бўлган эди.

Кўз олдимга шамолдан айланиб-айланиб тушаётган йирик қор пағалари, қаттиқ муз қатламлари билан ўралган тоғ ва водийлар, ғира-шира ўрмоннинг ҳайқириги келиб турар эди.

Бизнинг партизан отрядимиз Хэйхэгань районида япон патрули билан учрашиб қолди.

Кечиктириш мумкин эмас, ўйлашга эса вақт йўқ. Раҳбарлар отрядимизни ҳаракатда бўлган қўшни партизанлар билан қўшишга қарор қилди. Мен ҳам асосий кучларнинг бу ердан чиқиб кетишини беркиртиш учун қолдирилганлардан эдим.

Бизнинг орамизда ўн олти ёшлик корейс Ким Лун Цзю ҳам бор эди. Унинг отаси японлар томонидан қийнаб ўлдирилган. Япон қонхўрлари то ўлгунича унинг орзига бензин қуйганлар. Онаси бўлса қочган, Ким Лун Цзюдан икки ёш катта опаси эса, оиласининг энг содиқ кишии билан Ялу дарёси орқали Хитой томонига ўтиб, қаердадир партизан отрядларига қўшилиб кетган эди.

Бизнинг группа мудофаага ўтганда, Ким Лун Цзюга— у ҳали жуда ҳам кичкина,— бола эди-да, душман ёнидан лип ётиб ўтиб, кетиб қолганларга етиб олишни буюрдик. У жангнинг энг қизғин жойига отилиб кимнингдир милтигини топиб олиб, ота бошлади. Душман минасининг синиғи тегиб, бошидан яраланди.

Политкомиссар менга болани ўзимизникилар томонга олиб кетишни буюрди. Мен ярадорни елкамга опичиб, тиззамга қадар қор кечиб, янги позицияга кетган ўз қисмимизга етиб олиш учун шошилиш равишда ўрмонга қараб юра бошладим.

Қош қорайиб қолди. Бутун ўрмонни қоронғилик босди. Бўрон тўхтаган бўлса ҳам, қор майдалаб ёғмоқда эди.

Мен кўйлагимнинг енгини йиртиб, Ким Лун Цзюнинг ярасини бойлаб қўйдим, лекин бойланган рўмолчадан қон томчилаб турарди. Бола совуқдан қалтирарди. Уни калта пахталик камзулимга ўраб олдим.

Мен узоқ вақтгача чуқур қор кечиб юрдим, шунда, бу қийин йўлнинг охири йўқдек бўлиб кўринарди.

Тонг отгач, ҳолдан кетган бир пайтимда, ўрмонда қўшни партизан отрядининг бир кишисини учратиб қолдим. У олдимга югуриб келиб гапира бошлагандагина, унинг хотин кишилигини билдим. Менга ёрдамлашадиган бўлди. Жуда чарчаган эдим, озгина бўлса ҳам дам олишим керак эди.

У менга ўзининг милтиғини, мен эса унга ярадор аскарни бердим. Лекин хотиннинг мен кўтариб келаётган юкимни қанчалик қийналиб елкасига олганлиги ва юк елкасини эгиб юборганлигидан жуда зўр келиб кетганини англадим. Дам олиш жуда зарур бўлса-да, одам ҳаёти қимматроқ. Ярадорнинг аҳволи жуда ёмон, агар уни тушириб юборса — мусибат.

— Бер, мен ўзим кўтарай. Сенга оғир. Йўлни кўрсат.

У кулиб елкаси билан мени четлатди.

— Бу — бола-ку! — деб хитоб қилди-ю, қоқилиб кетди, агар мен ушлаб қолмаганимда йиқилиб тушган бўлар эди.

— Кўтариб боролмайсан. Бер менга! — дедим овозимни баландроқ қилиб.

У, қийналётганлигини билдирмасликка тиришиб қадамини тезлаштирди.

— Оти нима?

— Ким Лун Цзю.

У бирдан тўхтаб, ярадорни эҳтиёткорлик билан ерга туширди.

Мен унинг нима қилаётганига тушунмасдан қўриқиб кетдим. Аёл гугурт чақди, ёш аскарнинг мурдадек юзига энгашиб қараб, ёш билан тўлган кўзларини менга тикди-да, инграб туриб:

— Менинг укам... — деди.

Менинг олдимда унинг очиқ, гўзал чехраси, қизил гилос каби лаби, гуруч каби оқ тиши пайдо бўлди. Мана ҳозир Ким Дон Гининг йиллар ўтиши билан сал бузилган юзига тикилиб қараб, қаҳрамонона партизан уруши йилларида учратган қизнинг хислатларини танидим.

Энди у қиз — менинг хотиним ва ўрлимнинг онаси.

Йиллар ўтиб кетди, лекин Дон Гининг ташқи кўринишигина ўзгарган. Унинг қаҳрамонлик руҳини, олий бурчини ҳеч нарса синдира олмади. Бу туйғу ҳаётнинг оғир пайтларида Дон Гига қувват берар эди, ожизлик қила бошлаган вақтларимда мени ҳам қувватлар эди.

Бирдан 1942 йилда яширин иш олиб бориб, японлар қўлига тушиб қолганимизни беихтиёр эсладим. Шунда Дон

Ги қандай мардлик ва чидамлилик кўрсатган эди! Японлар уни золимларча уриб қийнаганига қарамасдан, бир оғиз ҳам сўз айтмаган.

Ўтган вақтларимизни эслаган сари, Дон Гининг Ватанга бўлган улуғ ва олижаноб муҳаббати олдида, менинг шахсий ҳис-туйғуларим ниҳоятда ожиз эканлигини сездим.

Манъжурияда янги ҳаёт гуллаётган бошлаганига икки йилгина бўлди. Мана шу икки йил ичида мен анча тинчимни олдим ва беташвиш яшадим. Аввалги жанговарлигимдан менда нима қолди?..

Хотиним яна гапира бошлаганида қалбимда виждон азоби уйронган эди. Унинг овози паст, сўзлари жаҳлсиз айтилган бўлса-да, мени қаттиқ айблаётганга ўхшаб туюлди.

— Айтинг-чи, ватаним хавф остида турган бир пайтда, бу ерда тинчлик ва тўқликда яшашга нима ҳаққим бор?

Дон Гининг юрагидан унинг ватани, унинг халқи қандай жой олганини, Корея у учун қандай аҳамиятга эга эканлигини эндигина тушундим. Ахир, Кореяга қайтиш, америка авиацияси томонидан бомбардирмон қилинаётган, америка қўшинлари оёқ ости қилаётган мамлакатга ёрдам бериш Дон Гининг вазифаси эмасми?

Тўғри, мен хотинимни севаман. Азоб чекиб, курашиб эришган бизнинг тинч ва обод ҳаётимизни яхши кўриб қолганим ҳам тўғри. Энди, дам олиш кунлари боламизни олиб келиш учун мактабга бориш, кечқурунлари Ялу дарёси қирғоқларида томоша қилиб юришдан иборат бўлган кичкина бахтимиздан маҳрум этишга ҳаракат қилувчи, уруш оловини ёқувчилар йўқолмагунча курашиш кераклиги менга аён бўлди.

Хотиним нималар ўйлаётганимни тушунгандай, мен томонга сурилди, юзимда унинг иссиқ нафасини сездим. Мен шартта ўгирилиб унга қарадим, Дон Ги менга қараб жилмайиб турар эди.



М У Н Д А Р И Ж А

Халқ Хитойининг навқирон адабиёти. *А. Я. Соколов* 3

Лу Синь

Марҳуманинг таъзияси *Ғ. Аҳмедов* таржимаси 15
Муҳтарам философ Гао. *Қ. Аҳмадий* таржимаси 38

Го Мо-Жо

Ханьгу қопқаси. *Ғ. Исломов* таржимаси 50
Жўнаш олдида. *Ғ. Исломов* таржимаси 59

Мао Дунь

Кузги ҳосил. *А. Абдуллаев* таржимаси 64

Лао Шэ

Оғанилар. *Муҳитдинова* таржимаси 98

Ба Цзинь

Ёмгир. *Ғ. Насриддинов* таржимаси 116
Ойдин кеча. *Т. Иброҳимов* таржимаси 136

Е Шэн-Тао

А-фен. *Т. Юнусхўжаева* таржимаси 145
Дарс. *Т. Юнусхўжаева* таржимаси 151

Жоу Ши

Чўри она. *С. Ҳасан* таржимаси 158

Ай У

Қайтиш. *М. Алиев* таржимаси 182

Ша Дин

Қотил. *М. Мирзоидов* таржимаси 211

Чжао Шу-ли

Кичкина Эр-хэининг уйланиши. *Н. Муҳамедов* таржимаси . 222

Хэ Ку

Кураш давом этади. *Т. Юнусхўжаева* таржимаси 249

Мяо Кан



Қаҳрамон отанинг ўғли ҳам дойурак бўлади. *Р. Комилов* тар-
жимаси 73

Вэй Вэй

Энг севикли кишиларимиз. *Ж. Насриддинова* таржимаси . . 283

Яо Цзинь

Чин муҳаббат. *Ш. Қамбарова* таржимаси 290



На узбекском языке

РАССКАЗЫ КИТАЙСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ

Перевед с русского.

Гослитиздат УзССР — 1958 — Ташкент

Редактор *Н. Мухамедов*

Рассом *Г. Соколов*

Рассом редактор *Г. Остапенко*

Тех. редактор *П. А. Уманский*

Корректор *С. Йулдошева*

* * *

Термига берилди 15/Х 1957. Босишга рухсат этилди 4/VI 1958. Формат 84×109/32
9,375 босма л. 15,38 шартли босма л. Нашр л. 15,44. Тиражи 15000. УзССР Давлат
бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кучаси 30. Шартнома № 501 — 56

* * *

УзССР Маданият министрлиги Главиздатининг 1-босмахонаси, Тошкент,
Ҳамза к., 33. заказ № 1410. Баҳоси 10 с.

